

Үрол ҮТАЕВ

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ- давр күзгуси



ҮРОЛ ҮТАЕВ

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ. давр кўзгуси

(Тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида мулоҳазалар)



ТОШКЕНТ  
«О'ЗБЕКИСТОН»  
2010

76.03(5У)  
Ў90

**Тақризчилар:**

**Сайди УМИРОВ,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Халқаро  
журналистика факультетининг кафедра мудири

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**  
филология фанлари доктори

**Фарҳод РЎЗИЕВ,**

Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультети  
Телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси мудири, доцент

Телевидение том маънода XX аср мўъжизаси ҳисобланади. Ўзининг 50 йиллик тарихи мобайнида халқимиз ҳаётининг ўзига хос кўзгуси, юртдошларимизнинг кундалик ҳамроҳи, суҳбатдоши ва сирдошига айланди. Ана шу табаррук даргоҳ ҳақида шундай китоб зарур эди ва бу асарни Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг энг нозик нуқталаригача биладиган ижодкоргина ёза олиши мумкин эди. Таниқли журналист Ўрол Ўтаев шундай китобни ёзиб, Сизга тақдим этмоқда. Шунингдек, муаллиф мустақилликнинг ilk йилларида ўзи бевосита гувоҳ бўлган муҳим сиёсий воқеалар, депутатлик иш фаолияти, юрт тақдиди, инсоний муносабатлар ҳақидағи фикрларини ҳам баён этган. Китоб тележурналистлар, касб бўйича таълим олаётган талабалар учун қўлланма сифатида хизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-01-476-3

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2010

280956

## **МУҚАДДИМА**

Кирқ йилдан буён Тошкентда яшаётган бўлсам-да, Чироқчи кенгликлари, қишлоғимнинг қир-адирларида баҳорги ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган қизғалдоқ, қўзиқорин, қўзигулилар ҳамон кўз ўнгимда. Торжилға қишлоғининг беғубор осмони, айниқса, кечалари тўқилай-тўқилай деб турган сон-саноқсиз юлдузлар жилvasи, шираси тилни ёрадиган лалми қовун-тарвузлар тез-тез тушларимга кириб чиқади.

Болалик даври қизиқ бўлар экан. Ўйнаб ҳам, ўқиб ҳам толиқмасдим. Болалигимда ҳалқ эртак ва достонларига ошно тутиниб, улардан бош кўтармасдим. Натижада ўнлаб эртак ва достон парчаларини ёддан билардим. Ўша қўйма сатрлар ҳамон ёдимда.

Ўқувчилик давримда туман ва вилоят газеталарида мақола, шеъра ҳикояларим чоп этилгани боис, 1968 йили ҳужжатларимни ҳеч иккиланмай ТошДУнинг журналистика факультетига топширдим. Омадим бор экан, талабаликка қабул қилиндим. Ўша онлардаги қувончимни ҳозир ҳам унуголмайман.

Талабалик йилларимда журналистикадан кўра адабиёт-шуносликка, хусусан, адабий танқидчиликка қизиқиш лаёқати кучлилик қилди. Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарафиддиновдек зукко, ҳалол олим бўлиш бирдан-бир орзуимга айланди. Илк мақолам Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг эстетик қарашларига бағишлиянгани, биринчи китобимни «Танқид ва услуг» деб номлаганим ҳам бежиз эмас.

1973 йили университетни тамомлагач, иш топиш мақсадида, тақдир тақозоси билан телевидениега келиб қолдим. Ёш мунаққид сифатида бирмунча танилиб қолган эканман, шекили, тезда адабиёт бўлимига ишга қабул қилишди.

Мана 35 йилдирки, тележурналист сифатида хизмат қилиб келяпман. Оддий муҳаррирликдан телевидение Бош директорлигигача бўлган маstryулиятли босқични босиб ўтдим. Айримлар ўйлаганчалик, ҳаёт ва ижод йўлим, телевидениеда ҳалқ

ижодиёти ва маданий меросни тарғиб қилишни йўлга қўйиш, адабиёт ва санъатимизнинг ҳаётдан кўз юмган ва ҳозирги кекса авлоди ҳақида телефильм ва адабий портретлар яратиб, мангу сақлаш учун «олтин фонд»га ўтказиш, бобокалонларимиз ҳақида кўп қисмли видеофильмлар суратга олиш, қадимий ўзбек урф-одатлари ва анъаналарини ойнаи жаҳонга олиб чиқиш осон кечмади.

Ўттизга кирмасдан сочларимга оқ оралади. Лекин эътиқодимдан сира чекинмадим. Телевидениедаги фаолиятим давомида 9 та телерадио раиси, 15 дан ортиқ муовинлар билан ишлашимга тўғри келди. Аксарияти, бу соҳадан бироз йироқ бўлса-да, энг муҳими, ҳаёт мактабини кўрган, олийжаноб инсонлар эди...

Худога минг қатла шукрки, тақдиримдан ҳеч нолимайман. Ҳозиргача нимага эришган бўлсам, фақат ҳалол меҳнатим, юртимга меҳрим эвазига эришдим.


1990 йилда Олий Кенгашга бўлган сайловларда 231-Чироқчи сайлов округидан 8 та муқобил номзод орасидан республика ҳалқ депутатлигига сайдандим.


Ушбу китобни ёзиш жараёнида телевидениедаги кўп йиллик (Бош муҳаррир, Ижодий бирлашма директори, Бош директор, Маҳаллий бошқарма бошлиғи, Департамент директори) раҳбарлик фаолиятим бўйича ўзимга ўзим ҳисоб бердим. Яъни, шу йилларда нима янгилик қилдиму, қандай хатоларга йўл қўйдим?

Авваламбор, телевидение учун шарт-шароит мураккаб тус олган йилларда бу ерда масъул лавозимларда ишлашимга тўғри келди. Бош директор бўлиб ишлаётган чоғимда ижодий ходимлар икки марта аттестациядан ўтказилди. Шу йиллар раис ва унинг ўринbosарлари тез-тез алмасиб туарди. Натижада улар: «Мен янгиман, ҳеч кимни яхши танимайман», — деб, бор масъулият бош директор бўйнига юкланиб, маломат тошлари камина шўрликка отилди. Нафсијамрини айтсан, бош директорлик давримда табаррук даргоҳ — телевидениени ўзларининг тирикчилик манбаига айлантириб олган айрим нопок, тамагир, қобилиятызиз ходимлар ишдан четлаштирилди ёки лавозими пасайтирилди. Уларнинг ўрнига телевидениенинг кеча ва бугунини белгилаб беришга қодир ўнлаб забардаст журналистлар ишга олинди. Ваҳоланки, мен ҳам баъзи раҳбарлар сингари «Сен менга тегма, мен эса сенга» қабилида осойишта яшашим мумкин эди. Аммо, мен бундай яшай олмас эдим...

*Муаллиф*

## **ХХ АСР МҮЖИЗАСИ**





## **ЎЗБЕКИСТОН – ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВАТАНИ**

Инсон оламни ўзгартириш жараёнида ажойиб мўъжизалар яратдиди, унинг олдида ўзи ҳам лол қолади. Оламнинг етти мўъжизаси деб тан олинган Миср эҳромлари, Бобил минораси, Артемида ибодатхонаси, Зевс ҳайкали, Галикарнасадаги Мавсол мақбараси, Гелиос ҳайкали, Нил дарёсининг Форос оролидаги маёқ — булар инсон ақл-заковатининг нақадар улуғворлигидан далолатдир. Лекин Прометей томонидан оловнинг кашф этилиши, китобнинг юзага келиши, космоснинг тадқиқ қилиниши ҳайратомуз даражада инсоният равнақида катта ҳодиса сифатида етти мўъжизадан қолишмайди.

Қадим замонларда одамлар учар гиламлар, ойнаи жаҳон шаклида орзу қилган самолёт ва телевидение XX асрда реал воқеликка айланди. Бугунги кунда телевидение одамларга маънавият ва маърифат тарқатиш, тарбия бериш, ахборот узатиш манбаига айланди.

Телевидениенинг мўъжизакор кучи нимада? Бир сўз билан айтганда, у жаҳоннинг, мамлакатнинг истаган бурчагини кўз олдимизда гавдалантиради. Бугуннинг энг долзарб, энг қизиқарли воқеалари билан ўз уйимизда таништиради... Телевидениенинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни — бу алоҳида мавзу. Бу ҳақда кўпгина илмий тадқиқотлар яратилган. Телевидениенинг тарихи, унинг журналистика ва санъят соҳаси сифатидаги специфик хусусиятлари, телевидение ва томошабин, тележурналист маҳорати каби масалалар В.А. Саппак, Э.Т. Багиров, А.Я. Юровский, В. Егоров, Р.А. Борецкий, Г.В. Кузнецов, С. Муратов ва бошқа мутахассис олимлар томонидан атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, «Телевизион театр поэтикаси», «Ўртоқ ТВ», «Телевидение

бизнинг дўстимиз», «Телевидение ва адабиёт» каби тўпламлар чоп этилган. Ўзбекистон телевидениесининг ташкил топиш тарихи, тележурналистикасининг айрим муаммолари ҳақида Т. Эрназаров, О. Тоғаев, А. Шомақсұдов, А. Каримов, С. Умаров, Ҳ. Акбаров, Қ. Эрназаров, Н. Абдуазимова, И. Тошалиев, С. Ахроров, Ф. Рӯзиев, Ю. Ҳамдамов, Ф. Мұмінов, И. Абдухоликов, И. Раҳматуллаева, Ф. Мұхаммаджонова, О. Тоғибоева, М. Асадуллаев ва бошқаларнинг тадқиқотлари мавжуд.

Хўш, «телевидение» сўзи қандай маънони англатади?

Телевидение юононча «теле» — узоқ, «видение» — кўриш сўzlаридан олинган бўлиб, узоқликдаги, катта масофадаги ҳаракатни кўрсатиш ва кўриш маъносини англатади. Шуни фурур билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — телевидение ватани. 1928 йилда тошкентлик Ҳамзахон ва Юсуфхон ака Мирзамуҳамедовларнинг Баландмасжит маҳалласидаги хонадонида ихтирочилар Б.П.Грабовский ва И.Ф. Белянскийлар электр-нур ёрдамида ҳаракат қилаётган тасвирни бир жойдан узатадиган ва қабул қиласидаги аппарат — «Телефот» яратиб, уни муваффақиятли синовдан ўтказдилар.

Ўзбекистонда илк телевизион кўрсатувларни эфирга бериш расмий равишда 1956 йил 5 ноябрда амалга оширилди. Шу йили «Тошкент телевидение студияси» ташкил этилди. Ижодий ишлар бўйича илк директор Мирсолиҳ Миражзамов, илк техник директор Марзия Абдуллаева, режиссёр Бобо Ҳўжаев, оператор Пўлат Расулов, биринчи дикторлар Иқбол Олимжонова, Юона Столярова, Раъно Мадраҳимова.

Шу ўринда «биринчи»ларнинг муносиб ворислари, марҳум ижодкорлар, ўз касбининг фидойилари Убай Бурҳон, Фани Расулов, Элбек Мусаев, Алп Жамол, Тўлқин Алимов, Бобо Ҳўжаев, Мирсолиҳ Миражзамов, Шавкат Яҳеев, Зокир Йўлдошев, Ҳамидулла Назиров, Карим Мақсұдхўжаев, Армуғон Мұхамедов, Қўзижон Ҳакимов, Ҳасан Йўлдошев, Эргаш Каримов, Садир Зиёвуддинов, Санъат Рўзматов, Ўқтам Жобиров, Даврон Зуннунов, Абдураҳмон Аҳмедов, Виктория Райкова, Музaffer Афзалов, Шавкат Шарипов, Соли Раҳимкулов, Ҳасан Ҳамроев, Баҳодир Мұхамедов, Эгамберди Мусаев, Фойиб Исқандаров, Элдор Мирсаидов,

Шуҳрат Қосимов, Самад Пўлатов, Файрат Шокиров, Эркин Нематов, Ҳошимжон Мирзаҳмедов, Асқар Холиқов, Абдуазим Алимов ва бошқаларнинг номини чукур эҳтиром билан тилга олгим келади.

Телемарказ 1958 йили кўчма телестанция (КТС)га эга бўлиб, ўз фаолиятини Алишер Навоий номли Академик Катта театридан 8-мартга бағишиланган тантанали йиғилишни олиб кўрсатишдан бошлаган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Тошкент Телемарказининг курсатувларини тарқатиши доираси кенгайди. 1961 йилда Урганч шаҳрида, 1964 йилда Нукус шаҳрида Телемарказлар ишга туширилди. 1962 йилдан Ўзбекистон телевидениеси кўп дастур асосида иш бошлади, яъни иккинчи Республика программасини кўрсатиш, 1965 йилдан эса Ўзбекистонда Марказий телевидение кўрсатувларини қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

1962 йилда Телемарказ Республика Алоқа вазирлиги ихтиёридан «Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитети» тасарруфига ўтказилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Олий Советининг қарори чиқди.

Ҳамон ёдимда, 1966 йилда Ўзбекистон пойтахтида Ҳиндистон Бош вазири ва Покистон Президентининг учрашуви, Ҳиндистон ярим оролига тинчлик келтирган тарихий «Тошкент декларацияси»нинг имзоланиши халқаро телевизион тармоқлар орқали ilk бор жаҳон бўйлаб намойиш этилди.

Бу, шубҳасиз, телевидениемиз ривожининг ёрқин далилидир. Тошкент Телемарказининг техникавий ва ижодий имкониятлари 1971 йилда янада ошди. Шу йили Телемарказ рангли тасвирда телекўрсатувлар тайёрлашга ўтди. Рангли телевидение пайдо бўлгач, телемарказ биносини таъмирлаш ишлари бошланиб кетди.

1978 йилга келиб янги бинодаги Телемарказ аппарат-хоналаридан бирига рангли телевизион дастгоҳлар ўрнатилди. 1980 йилдан бошлаб эса Республика телевизион маркази мураккаб рангли телевизион дастгоҳларга эга бўлди.

Ўзбекистон телевидениесининг имкониятлари 1980 йилда ишга тушган янги Телемарказ ҳамда 1985 йилда ўрнатилган кўп дастурли радиотелевизион узатувчи станция туфайли

янада ошди. Янги Телеминоранинг баландлиги 375 метр бўлиб, у Тошкент Телемарказининг кўрсатувларини тарқатишни 2 баробарга оширди. Натижада, видеосигналларнинг сифати яхшиланиб телекўрсатувлар сони кўпайди. Бу даврга келиб техник базани, ривожлантириш учун «Сони» фирмасидан телевизион техник воситалар харид қилинди. Натижада мусиқий, адабий-драматик, Ёшлиқ, кино кўрсатувлар кундалик дастурнинг асосий қисмини эгаллаб, ҳаваскорлик жамоалари ҳамда ёш хонандаларнинг «Марҳабо, талантлар», «Чашма», «Анор», «Офарин» телевизион танловлари ўтказилиши учун янги имкониятлар яратилди.

Телевидение орқали таникли ўзбек адибларининг энг сара асарларини тарғиб қилишга жиддий киришилганлиги алоҳида эътиборга молик ҳодисадир.

Халқимизда шундай бир гап бор: «Оддий чўпнинг ҳам иккита учи бўлади» XX аср мўъжизаси бўлмиш телевидениеда ҳам икки хил хислат мавжуд: — бири ижобий, иккинчиси салбий.

Француз телепублицисти Андре Дилифон, — Телевидение маданият тарқатишнинг буюк қуролидир — деб баҳолаган бўлса, япон жамоат арбоби Сонки Оя, — Телевидениенинг тараққиёти японларда миллионлаб аҳмоқларни етиштирди, — дейди.

Хуллас, халқимиз қандай қувончу ташвишлар, шодлигу андуҳлар билан яшаган бўлса, Ўзбекистон телевидениеси ҳам шундай умр кечирди.

Фақат халқимизнинг миллий қадриятлари, асл санъати ва адабиётига мурожаат қилингандагина, ойнаи жаҳоннимиз юзи ял-ял яшнади. Атоқли адибларимизнинг буюк бобо-калонларимиз ҳақидаги асарлари асосида яратилган ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар, Миртемир, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ардоқли шоирларимиз ижодий кечалари тўғрисида кўрсатувлар намойиш этилганда, бебаҳо фольклор меросимиз, шунингдек, эл севган санъаткорлар: Хожиҳон Болтаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Орифхон Хотамов, Ботир Зокиров, Отажон Худойшукуров, Таваккал Қодиров, Муҳаммаджон Каримов, Олмахон Ҳайитова, Тожиддин Муродов, Муножот Йўлчиева, Ўлмас Сайджонов, Нуриддин Ҳамро-

кулов, Камолиддин Раҳимов, Ортиқ, Отажонов, Фуломжон Ёқубов экранда куйлаганда, Шукур Бурҳон Жалолиддин, Улугбекни ўйнаганда, Қодир баҳши Алпомишдан сўйлаганда ўзлигини англагандек бўлди...

Тадқиқотчиларнинг фикрича, телевидение ёш, шу билан бирга улкан истиқболга эга санъат туридир. Телевидениенинг ривожи, санъатнинг бошқа турлари тараққиёти учун қўмак бериши мумкин, лекин ҳеч қачон салбий таъсир қўрсатмайди. Маълумотларга кўра, кино ва театр томошаларини телевидение орқали олиб қурсатиш оммада санъатнинг ўша турларига бўлган қизиқиши бир неча чандон орттирган. Кинони экранда, театрни саҳнада, яъни «асл ҳолида» кўриш эҳтиёжини туғдирганки, бу ҳам санъат тури телевиденинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Телевидение, ўз табиатига кўра ўнлаб хусусиятларни жамлаган. Унинг биринчи хусусияти — синтетиклигидир. Бу хусусият телемаҳсолотлар характеристидан келиб чиқади. Синтетиклик санъатдан техника ёрдамида монтаж ва тасвир, мусиқа ва театр ҳамда кино усулларидан кенг фойдалана олишида намоён бўлади.

Иккинчи хусусияти — воқеани айнан телетомошабиннинг кўз ўнгида содир этиши билан характерланади. Бу хусусият томошабин қалбига таассуротдан ташқари, драматик рух бағишлийди. Воқеа билан томошабин ўртасида восита «йўқолиб», олам билан одам юзма-юз бўлиб қолади.

Учинчи хусусияти — унинг ҳамма жойда ҳозиру нозирлиги. Ҳозирги пайтда телевидение кундалик турмушимизга шу қадар сингиб кетдики, биз бирор кунимизни усиз тасаввур қилолмаймиз. Чунки ҳамма ҳам ҳар куни театр ёки концертга, кино томоша қилиш учун кинотеатр ва клубга бора олмайди. Лекин телевизор орқали барча томошаларни кўра оламиз. Чунки у кириб бормаган хонадон деярли қолмади.

Телевидение ва адабиёт азалдан ажралмасдир. Буни биз «кичик экран»нинг катта имкониятлари тўла очилган бир пайтда алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Гоҳо телевизион экран ажойиб, қизиқарли китобларни қашшоқлантиради, дея хавотирда бўладиган кишилар ҳам йўқ эмас. Лекин бу бутунлай асоссиз деб ўйлаймиз. Чунки экран орқали

асардаги қаҳрамонлар образини гавдалантираётган актёр ўз имкониятларини тұла ишга солиб, китоб саҳифаларидағи яширин «сир»ни томошабин қалбига олиб кирадики, бу телевидениенинг ўзига хос имкониятларидан яна бир далолатдир.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ – УМРИМ МАЗМУНИ

Бириңчи курсда биз, талабаларга энг муҳим предмет — адабиётшуносликка кириш фанидан таниқлы адабиётшунос олим, камтар инсон Раҳматулла Иноғомов (худо раҳмат қылсын) сабоқ берди. У киши талабаларга жағон, рус ва ўзбек адабиётининг етук намояндадари ижодий лабораториясига оид китоб ва мақолалардан конспект олишни (жами 38 та муаллиф) топширди. Сұнг, «кимки шу вазифани бажармаса, имтиҳонга қўйилмайди», дея огоҳлантириди.

Мен бу юмушга шундай берилиб кетдимки, дарс тугагач, деярли ҳар куни түпша-тўғри Алишер Навоий кутубхонасига борардим. Натижада, топширилган 38 мақола, эссе ва эсдаликларни ўз хоҳишим билан 97 тага етказдим. Материаллар 3 та катта дафтардан ўрин олди. Мен имтиҳон билетини олишдан аввал 3 та дафтарни домланинг олдига суриб қўйдим. Домла ҳафсала билан ҳар бир дафтарни варакълаб чиқиб, ука, сизга минг раҳмат, билетни жойига қўйинг, сиздан ҳеч нарса сўрамайман. Зачёткани чўзинг, дея унга «аъло» баҳо қўйиб, қўлимга тутқазди. Сұнг: «Сиздан келгусида етук адабиётшунос чиқади. Ука, бу дафтарларни ҳеч кимга бермай, авайлаб сақланг, сизга бир умр керак бўлади», — деб тайинлади. Домланинг бу гаплари менга бир умрлик сабоқ бўлди. Ҳозир ҳам бу дафтарларга тез-тез мурожаат қилиб турман...

Ана шу воқеа сабаб, иккинчи курсда ўқиётганимда қатый қарорга келдим. Ўргамиёна шоир ёки ёзувчи бўлгандан кўра нисбатан танқис соҳа — адабиётшуносликка меҳр қўйдим...

Иккинчи курсда ўқиётганимда Очил Тоғаев, Сайди Умиров, Анқобой Кулжонов каби устозлар назарига тушдим. Шу йили «Тошкент оқшоми» газетасида «26-отилмасин», «Ёзувчининг эстетик принциплари» мақолаларим чоп этилганди. Учинчи курсга ўтгач, Анқобой Кулжоновнинг

тавсияси билан «Матёкуб Кўшжоновнинг танқидчилик маҳорати» мавзуида дастлаб курс, сўнгра диплом ишини ёзишга киришдим. Амалиётни «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ўtkazdim. Унда чоп этилган «Масъулият ҳисси», «Ичил мантиқ, етарли асос бўлсин» номли танқидий руҳдаги тақриз ва мақолаларим яхши маънодаги шов-шувларга сабаб бўлди. Матёкуб Кўшжоновнинг «Иход сабоқлари» китобига багишланган тақризим атоқли олимнинг ўзи учун ҳам кутилмаган «сюрприз» бўлибди. Бир куни домла уйига таклиф этди. «Тақриз менга анча маъқул бўлди, — дея руҳимни кўтарди. Чунки унда ўзига хос кузатиш, янгича қарашлар кўзга ташланади». Шу баҳонада у киши билан 2—3 соат мулоқотда бўлиб, бир йўла диплом ишим учун зарур бўлган қўплаб фактларни сўраб олдим. Домла диплом иш бобларини деярли эътиrozсиз маъқуллади. Сўнг бугундан бошлаб менинг хонадоним эшиклари сен учун доимо очиқ, ҳеч тортинмай келавер, дедилар.

«Ўзбекистон маданияти» мен учун илк ижод мактаби бўлганлиги боис, 5-курсдаги асосий амалиётни ҳам адабиёт булимида ўtkazdim. Газета раҳбарларининг ишончига сазовор бўлдим шекилли, кундузги бўлимда ўқисам-да, мени көрректорликка ишга олишди. Бу орада Охунжон Ҳакимов шеърлари, адабиётшунос Фатҳиддин Насриддиновнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги китобига ёзган тақризим газетада эълон қилинди. Лекин жамоатчиликка танила боришим билан бирга илк ютуқларимни кўра олмайдиган айrim «рақиблар» ҳам пайдо бўла бошлади. Шулардан бири кекса қаламкаш, газетанинг санъат бўлими мудири эди. Ёш, ҳамма нарсага иштиёқим зўрлиги боис, мен ишга анча барвақт келардим. Кекса бўлса-да, у ҳам барчадан аввал иш бошларди. Кунлардан бир кун ишхонага келсам, у эшикларни ланг очиб қўйиб, бир журнални ўқиб ўтиради. Мен салом бериб, унга қўл узатдим. У алик ҳам олмасдан, дағдаға қила кетди: «Сен қишлоқини дуппа-дуруст, ақлли йигит деб юрардим, қип-қизил қўрнамак экансан-ку! Ташқидан кўра ички душман хавфли деганлари рост экан. Бу сенинг ишингми?» — дея у қўлидаги «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1973 йилдаги сонини олдимга суриб қўйди.

Мен нима гаплигини яхши тушунолмай, бир оз ҳайрон бўлиб туриб қолдим.

— Домлангга манави мақолани сен ёзиб бергансан. Ҳали ҳар бир сатри учун жавоб берасан. Мен сени тинч қўймайман. Номингни бадном қилдириб, иш ва ўқишдан ҳайдатаман, — деди.

Мен, қўлингиздан келганини қилаверинг, дея жаҳл билан хонадан чиқиб кетдим. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас, мени бош муҳарриримиз чақириб қолди.

— Сенинг орқаваротдан амалга оширадиган шундай хунарларинг ҳам борми ҳали, — деди у важоҳат билан. — Сен ким эдинг-у, энди ким бўлиб қолдинг?!

У қўлидаги журналда чоп этилган М. Кўшжонов мақоласининг деярли ярмини қизил қалам билан бўяб, кўп жойларига катта-катта сўроқ белгисини қўйиб чиқканди.

— Домла, мен журналдаги мақолани ҳозиргина кўрдим. Тўғриси, бу журнални шу вақтгача ўқимаганман. Ҳатто муҳаррири кимлигини ҳам билмайман. Биринчидан, «Ўзбекистон маданияти» — деворий газета ёки маҳфий варақа эмас, қарийб 100 минг нусхада босилаётган энг оммабоп газета. Эҳтимол, Кўшжонов ҳам газетага обуна бўлгандир. У киши ҳам барча қатори уни ўқиб борса керак. Иккинчидан, домла басир ёки қўлсиз эмас-ку, унга мен ёзиб берган бўлсан...

Тўғриси, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, вазиятни ойдінлаштириш учун, керак бўлса, Матёкуб акани ҳам чақиртираман, — дея ўрнимдан қўзғалдим.

— Энди бу гапларни ҳаммага дастурхон қилиб юрма, редакциянинг ички сири. Агар ростдан ҳам мақола билан танишмаган бўлсанг, мана, ўқиб чиқ. Эҳтимол, биргаликда жавоб тайёрлармиз, — деди домла, бир оз ҳовуридан тушиб.

.Хонамга келиб, М. Кўшжоновнинг театр танқидчилигининг бугунги аҳволи ҳақида куюнчаклик билан ёзган мақоласини икки марта ўқиб чиқдим. Мақоланинг ҳеч бир ваҳима қиладиган жойи йўқ эди. Бор-йўғи, «Ўзбекистон маданияти» саҳифаларида ҳам баъзан саёз, бир томонлама, куруқ мақтовдан иборат мақолалар чоп этилаяпти», дея

мисол тариқасида санъат бўлими мудирининг иккита тақризи танқид қилинганди...

Нихоят, ўқишлар тугаб, диплом ишлари ҳимояси жараёни бошланди. Деярли ҳар куни 2 та талаба диплом иши ёқларди. Менинг ҳимоямга ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори Матёкуб Кўшжонов ҳам чақирилган экан. Мен диплом ишининг мақсади, унда амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб, якунида диплом иши материаллари асосида турли нашрларда учта мақола чоп этганимни таъкидлаб ўтдим. Мендан сўнг расмий оппонентим, филология фанлари номзоди, доцент Сайди Умиров сўз олди. У диплом ишими синчковлик билан, чуқур таҳдил этгач, кутилмаганда 2 та таклифни ўртага ташлади: «Ўрол Ўтаевнинг диплом иши тайёр монография. Уни кечиктирмай китоб ҳолида чоп этиш даркор. Керак бўлса, ўзим масъул муҳаррир бўламан. Қолаверса, Ўролнинг тадқиқоти тайёр диссертация, бу иш учун унга бемалол филология фанлари номзоди унвонини берса бўлади. Бундай тажриба илгари-лари ҳам амалга оширилган».

Шундан сўнг сўзга чиққан А. Кулжонов, Ф. Насриддинов, Б. Дўстқораев, Х. Дўстмуҳаммадлар С. Умиров таклифини маъқуллашларини билдиришди. Вазиятни гоҳо жиддий, гоҳо бир оз ҳаяжонланиб кузатиб ўтирган Матёкуб aka ҳам секин минбарга кўтарилди.

— Яхши маънода баҳс-мунозара уйғотган тадқиқот ёзгани учун Ўролга ташаккур, — деди домла вазминлик билан. — Унга тўғри йўналиш бергани учун шогирдларим Анқобой ва Сайдига ҳам катта раҳмат. Ўрол ҳали ёш, келажаги порлоқ тадқиқотчи.

Уни бунчалик талтайтириб юборишимиз яхши эмас. У яна бир-икки йил талабалик заҳматини дилда сақлаб, қаттиқ ишласа, бемалол исталған мавзуда диссертация ёзib ҳимоя қилиш салоҳиятига эга. Мен нафақат институт директори, балки илмий кенгаш раиси сифатида бугунги диплом ишининг диссертация тариқасида тавсия қилинишига эътиroz билдираман. Китоб ҳолида чоп этиш таклифини эса мен ҳам тўла маъқуллайман.

\* \* \*

Эртасига Матёкуб аканинг уйига бориб, иш бүйича маслаҳатлашдим.

— Режалар қандай?

— «Шарқ ўлдузи»да иш бор экан...

— У ерга овора бўлиб бориб ўтирма. Бош муҳаррирнинг мени кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Унинг сўнгти романи ҳақидаги тақризимдан кейин у мен билан кўришмай қўйган. Яхиси, сен эртага телевидениега бор. «Ойнаи жаҳон» янги соҳа, ҳаракатдаги жараён. У ерда шогирдим Эркин Самандар директор бўлиб ишлайди.

Домла яқинда нашрдан чиққан китобларидан бирига дастхат битиб, қўлимга тутқазди. Мана бу китобни унга элтиб бер.

— Озгина бўлса-да, телевидениега қизиқишинг борми, ўзи? — деди домла мийифида кулиб.

— Албатта. Ҳатто иккинчи курсда у ерда амалиётда бўлганман. Элбек Мусаев, Ирисмат акани яхши танийман. Курaldoим Муҳаммаджон аллақачон у ерда ишлайпти.

Эртасига эрталаб телевидение бош директори Эркин Самандарнинг қабулига бордим. У қоп-қора сочларини силлиқ тараган, узун бўйли, бир оз хипча, оғир табиатли, босиқ инсон экан. Салом-аликдан сўнг, мен унга домла бериб юборган китобни секин узатдим. У олдида турган кўзойнагини тақиб, аста китобни варақлади. У дастхатни диққат билан ўқиб, юзи бир оз ёришди. — Дарвоҳе, кечаке кечкурун домла билан сиз ҳақингизда гаплашиб олдик. Телевидениега ўз фикрига эга, дадил ёшлар жуда керак, — деди у.

«Ўзбекистон маданияти»даги бир-иккита мақолангизни ўқиганман. Лекин газета билан телевидениенинг фарқи катта. Телевидениедаги ҳар бир кўрсатув жамоавий ижод маҳсули... Кейин тортмасидан иккита китобча олиб, шошилмай дастхат битди.

— Биз ҳам домладан қарздор бўлиб қолмайлик. Мана бунисини у кишига олиб бориб беринг. Икки оғиз фикр билдирсалар, бошимиз кўкка етарди.

Шундан сўнг у киши кимгадир қўнғироқ қилиб, шундай деди: «Ҳорманг, Меливой ака, вақтингиз бўлса хонамга

келсангиз яхши бўларди? Маслаҳатли иш чиқиб қолди».

Кўп ўтмай, хонага ўрта бўй, қизил юзли, кўзлари тийрак бир киши кириб келди. Мен дарров танидим. У адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятининг бош муҳаррири, адабиётшунос Мели Норматов эди.

— Бу Ўрол Ўтаев, яқинда ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Уни 10—15 кун синааб кўрсангиз. Агар маъқул келса, ишга олиш масаласини ўйлаб кўрамиз. Кеча домла Қўшжонов қўнғироқ қилиб, шу йигитни тавсия қилдилар. Сиз ҳам яхши биласиз, домла ҳар кимга ҳам аралашавермайди...

Эркин ака гапини тугатмасдан, Меливой ака асл мақсадга кўчиб қўя қолди:

— Ўролжоннинг нимасини синааб кўрамиз. Мен уни анчадан бўён танийман. Матбуотда чоп этилган деярли барча мақолаларини ўқиганман.

— Яхши, яхши, — деди Эркин ака бир оз жилмайиб. — Ҳозирча айтганни қилинг...

Ҳар бир сўзи ва хатти-ҳаракатидан дангаллиги яққол сезилиб турган Мели Норматов, хўжайин, барча қонун-қоидаларга амал қиласиз, дея мени ўз хонасига бошлади.

— Сиз эртадан қолдирмай барча ҳужжатларингизни олиб келинг. Дарвоқе, сал қолибди эсимдан чиқишига, ҳужжатларингизга қўшиб, республика матбуотида босилган барча мақолаларингизни битта альбомга жойлаб келинг. Раис ўринбосари Зокир Йўлдошев бу соҳадан бир оз йироқ бўлсада, мард, танти одам. У кишига сизнинг альбомингизни кўрсатсак, аризангизга дарров қўл қўяди...

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, барча ҳужжатлар тахт бўлгач, Мели ака расмий равишда мени аввал бош директор Эркин Самандар, сўнг раис ўринбосари Зокир Йўлдошев хузурига олиб кирди.

Шу тариқа 1973 йил 8 августдан телевидение муҳаррири сифатида фаолиятимни бошладим...

Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти телевидение-даги энг катта, обрули, ўз анъаналарига эга бўлган жамоа экан. У ерда Мақсуд Юнусов, Мели Маҳкамов, Саъдулла Анорқулов, Маҳкам Муҳамедов, Виктория Райкова, Ҳамид Қаҳрамонов, Толиб Ҳамидов, Неъмат Сайдхонов, Ҷамира

Курбонова, Файрат Убайдуллаев, Наби Рассоқов сингари режиссёrlар, Самад Пўлатов, Ҳайитмат Расул, Асқар Холиқов, Эгамберди Мусаев, Тўлқин Имомхўжаев, Эркин Юсупов, Марат Асадуллаев каби муҳаррирлар ишлар экан. Тезда улар билан тил ўзувчи кетдим.

Дастлаб ўзбек ўзувчи ва шоирлари ижодига бағишиланган «Ижод саҳифалари» кўрсатувининг бир неча сонини тайёрладим. Сўнг режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов билан «Бўстон» тележурналига муҳаррирлик қила бошладим. Кўп ўтмай мени таҳририят бадиий кенгашининг котиби этиб сайлашди. Бундан ташқари, телевидение ёшлар қўмитаси бюро аъзоси бўлдим. Ўша йиллари телевидениеда ҳар ойнинг охирида летучка ўtkазиш анъанаси мавжуд эди. Ҳар бир йифинга алоҳида шарҳловчилар (бири кўрсатувлар савияси, тили, мазмуни, яна бири унинг режиссураси, тасвирчилар маҳорати бўйича) белгиланарди.

Орадан олти ой ўтгач, менга ҳам ишонч билдирилиб, «Телевидение ва адабий тил» мавзуида маъруза қилиш топширилди. Мен бу масала бўйича жиддий тайёргарлик кўриб, навбатдаги йифинда 30 дақиқалик маъруза қилдим. Маърузамнинг деярли 95 фоизи танқидий фикрлардан иборат бўлиб, ўз сўзимни аниқ мисоллар билан исботлаб бердим. Чиқишим бўйича ҳеч кимда жиддий эътиroz бўлмади. Йифинни бошқараётган Бош директор Эркин Самандар менга мазмунли маъруза учун алоҳида раҳмат айтиб, «Урол бу нутқи билан телевидениега янги, тоза ҳаво олиб кирди», деди. Шундан сўнг мендан ҳар 2—3 ойда шарҳловчи сифатида фойдаланаидиган бўлишди.

Орадан бир ярим йил ўтгач, бош муҳарриримиз Мели Норматов янги ташкил этилган Республика китобсеварлар жамияти раисининг биринчи ўринbosари лавозимига ишга ўtdи. Унинг ўrniga Эркин Самандар бош муҳаррир этиб тайинланди. Бош директор лавозимини эса Тўлқин Алимов эгаллади. Шу йиллари мен иккита янги кўрсатув очдим. Бири «Ижодий учрашувлар» (ўзувчи ва шоирларнинг меҳнаткашлар билан бевосита мулоқотлари) ҳамда Ижодкор ёшларнинг «Илҳом» телевизион клуби. Ҳар иккаласи ҳам тезда жамоатчилик эътиборини қозониб, кўрсатувлар ҳақида газеталарда ижобий мақолалар чоп этилди. Бундай

эътироф мени янги изланишлар сари руҳлантириди.

Ижодий ишлар билан жамоат ишларини күшиб олиб бориш қобилиятимни сезган раҳбарлар каминани Давлат телерадио комитети бўйича Ёшлилар билан ишлаш Кенгаши-нинг раиси этиб сайлашди. 1978 йили эса катта муҳаррир лавозимида кўтаришди. Бу орада раис ўринbosари Зокир Йўлдошев ишдан озод қилиниб, унинг ўrniga буюк сўз устаси, радио ва телевидение бўйича етук мутахассис Убай Бурхон тайинланди.

У телевидениега келгач, ижодий ишлар янаям гуриллаб кетди. Асосий эътиборни ўзбек ва жаҳон алабиётининг етук намояндалари асарлари асосида телеспектакль ва видео-фильмлар яратиб, уларни телевидение «олтин фондига»га ўтказишга киришди. Натижада «Гирдоб», «Фауст», «Оқ кема», «Диёнат», «Қутлуғ қон», «Алишер Навоий» каби кўп қисмли видеофильмлар яратилиб, телевидение «олтин фондига»дан ўрин олди.

Эркин Самандар Бош муҳаррир вазифасида узоқ ишламади. Тез орада она юрти — Хоразмга кетиб, вилоят газетаси муҳаррири лавозимида иш бошлади. «Ўзбек-телефильм»да директор бўлиб ишлаётган Фани Расулов бизга бош муҳаррир этиб тайинланди. Фани ака бағри кенг, бир сўзли, танти инсон эди. Унинг негадир менга нисбатан меҳри, ишончи бўлакча эди. У тез-тез мен бу ерда узоқ ишламайман, барибир сени ўрнимга қолдириб кетаман, дея ҳазиллашиб қўярди...

Шу ўринда ҳаётдан эрта кетган марҳум устозим, дарёдил инсон Фани Турсунович ҳақида икки оғиз дил сўзларимни баён этмоқчиман.

Фани ака топширилган ишга масъулият билан қарashi, принципиаллиги ва мулоҳазалилиги билан алоҳида ажralиб турар, доим барчага яхшилик истовчи, кўнгилчан, ўзгаларнинг ғам-ташвишига тезда ҳамдард бўлишдек юксак инсонийлик хислатларга эга эди.

У журналистлик фаолиятини 1957 йилда Ўзбекистон телевидениесининг Адабий-драматик кўрсатувлар муҳарририятида муҳаррир лавозимидан бошлади. Ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан ҳамкаслари ва жамоа орасида тезда обрў-эътибор қозонди. Тинимсиз

изланиш ва янгиликлар сари интилишлари зое кетмади. Унинг ташаббускорлик лаёқатини сезган раҳбарият Фани Расуловни таҳририят бош муҳаррири лавозимига тайинлашди.

— Мен яратган барча видеофильмларнинг сценарийларини биринчи бўлиб ўқиб, таҳлил қилиб, керакли тавсия ва кўрсатмаларни аямасди. Биз шу йўсинда қарийб 30 йил биргаликда фаолият юритдик, — дея хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсад Юнусов.

У Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирувчи бешта достонни алоҳида-алоҳида видеофильм қилишга киришганди. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, унинг улкан орзуси армонга айланди. Чунки устозни жигар хасталиги дорил-фанодан, дорилбақога олиб кетди.

— Фани Расулов умрнинг қадрига етиб, ҳамма нарсани ўз вақтида, ўз ўрнида бажаришга одатланган эдилар, — деб хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссер Ҳайбатулла Алиев. — У қўл остидаги барча ходимлардан ҳамма вақт шуни талаб қиласарди. У вақтни бой бериш жиноят деб ҳисобларди. Унинг: «Инсон сузишни сув ичиди ўрганганидек, ҳар бир касб эгаси ҳам олий даргоҳни тутатгач, дарров етук мутахассис бўлиб қолмайди. Ўз касбининг сир-синоатларини ҳаёт мактабидан ўрганади ва келажакда ўз касбининг моҳир устаси даражасига эришади. Бунинг учун ҳар бир истеъдод тинимсиз ишлаши лозим», деган ажойиб ақидаси бор эди.

Ҳа, қалби эзгулик оташида ёнган инсонларни қанчалик хотирлассанг ҳам озлик қиласади. Устоз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фани Расулов ўзининг хулқи, ички маданияти, фидойилиги, ҳалоллиги билан дилимиздан чуқур жой олган эди.

## ЮГУРГАННИКИ ЭМАС...

1979 йили Дўрмонда ёш ижодкорларнинг навбатдаги қўшма семинари бўлиб ўтди. Семинар ёпилиш арафасида ўшларга бир галати анкета тарқатилди. Унда ижодий ишлардан кўра, ижтимоий масалаларга оид саволлар кўпроқ эди. Жумладан, яшаш учун ўз уйингиз борми ёки ижарада турсизми? Агар ижарада турсангиз, ойига қанча сўм тўлайсиз

каби «сири» саволлар бор эди. Бунга күпчилик эъти-борсизлик билан қараб, анкетани тўлдирмасдан, уни папкасига солиб, ўзи билан олиб кетди. Анкета жавобларини Республика ёшлар ташкилотининг масъуи ходимларидан бири йифиб олди. Кўп ўтмай, анкетанинг «сири» очилгандай бўлди. Ҳамма жойда дув-дув гап тарқалди: «Ҳукумат Юнусободдаги Аҳмад Доңиш кўчасидан ёш ижодкорлар учун маҳсус 1—2 хоналик уй қураётганмиш... Ижодий уюшмаларнинг тавсиясига кўра тақсимланар эмиш...»

Бу гапнинг қанчалик тўғри ёки нотўрилигини аниқлаш мақсадида Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги раҳбари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммаси, партком секретари, касаба уюшмаси раисигача, агар анкета тўлдирган бўлсангиз, сизга бермай, кимга берамиз. Чунки сиз талантли ёш олим бўлиш билан бирга уюшмамиз ҳамда барча шоир ва адиллар ижодининг бош тарғиботчисисиз-ку, дейиши.

Орадан икки-уч ой ўтгач, уюшманинг ёшлар билан ишлаш бўйича котиби телевидениега келиб қолди. Ундан, ҳалиги масала қандай аҳволда. Ишқилиб, биз рўйхатдан тушиб қолмадикми, деб секин сўрадим. У негадир кўзимга тик қарай олмай, анча довдираф қолди. Ниҳоят, рўйхатда бор эдингиз — охирги, Яшин ака қўл қўйган вариантдан хабарим йўқ, деди. У кетгач, ҳафсалам пир бўлиб, Убай аканинг олдига бориб, унга котибнинг жавобини айтдим. Убай Бурҳонович уюшманинг барча раҳбарларига бирин-кетин қўнғироқ қила бошлиди. Ҳеч қайсисидан аниқ, ижобий жавоб ололмади, шекилли, ўша пайтдаги партком секретари, қадрдон дўсти Тураб Тўла билан гаплашди:

Ёшларга берилаётган уйга тавсия этилган рўйхатда Ўрол ҳам борми?

У ҳам ўзини олиб қочиб, аниқ билмайман, деб жавоб берди. Уюшма раҳбарларининг жавобидан қаттиқ ранжиган Убай ака тўғри юқори идоранинг бўлим мудири Азиз Оппоқовиҷ Тўраевга қўнғироқ қилди. Чунки у киши ёшлар учун қурилаётган уй бўйича масъул экан.

— Азиз Оппоқовиҷ, бизда Ўрол Ўтаев деган журналист ишлайди. Унинг адабиётшунос сифатида ҳам бир нечта китоби, ўнлаб мақолалари чиққан. Саккиз-ўн йилдан бўён бола-чақаси билан ижарама-ижара юрибди. Ёзувчилар

уюшмаси уни шу зақтгача лақыллатиб юриб, ҳатто рўйхатга ҳам киригмаган шекилли. Энди, шахсан ўзингиз ёрдам бермасангиз бўлмайди...

У киши Убай акага бир неча таклиф айтди, шекилли, Убай ака, хўп бўлади, дея унинг айтганларини ёзиб олди. Сўнг хурсанд ҳолда трубкани қўйиб, менга юзланди: «Ёзувчилар уюшмасидан умидингни уз. Сенинг баҳтингга Журналистлар уюшмаси ҳеч кимга тавсия бермаган экан. Эртагача раисимиз ҳамда Зиёд Исломович Есенбоев номидан иккита тавсиянома тайёрлаб, тўғри Азиз Оппоқовичга олиб борасан. Зиёд Исломович сени яхши танийди. Дарвоҷе, сен уюшмада ёшлар билан ишлаш кенгашининг раисисан-ку».

Эртасига соат 10 ларда уйга боғлиқ барча ҳужжатларни битта папкага жойлаб, Азиз Оппоқович ҳузурига кириб бордим. У киши ҳужжатларни диққат билан кўриб чиққач, тутмачани босиб, ходимларидан бирини чақирди. Ниҳоят, ҳар томонлама муносиб номзодлардан бирини топдик, дея папкани унга узатди. Сўнг унга аниқ топшириқ берди:

— Аҳмад Донишдаги уйнинг биринчи квартирасини Ўролнинг номига расмийлаштиринг.

Ходим хонадан чиқиб кетгач, Азиз Оппоқович тортмасидан битта қизил муқовали папка олиб, менга юзланди.

— Сизни тўғрисўз, принципиал йигит, деб эшитгандим. Бир-икки масалада маслаҳатлашмоқчиман.

У қўлимга Ёзувчилар уюшмаси тақдим этган рўйхатни узатиб, улар ҳақида холис фикримни сўради. Мен бор гапни очиқ айтдим:

— Учаласи ҳам нолойиқ. Улар шу кунларда қонуний эри ва болаларини ташлаб, Тошкентда давру даврон суриб юришибди. Уларнинг «шеър ва ҳикоя»ларини «ака»лари қайта ёзиб бермаса, деворий газетага ҳам босишга арзимайди. Қолаверса, ҳар бирининг орқасида амалдор акалари турибди. Буни барча ижод аҳли яхши билади. «Акалар» янги уйдан бошқа мақсадларда фойдаланмоқчи... Гапимга ишонмасангиз, истаган виждонли ижодкордан улар ҳақида фикр сўрашингиз мумкин.

Азиз Оппоқович узоқ ўйланиб тургач, яна менга мурожаат қилди.

— Сиз ҳамиша ёшлар билан биргасиз. Уларнинг ўрнига кимларни тавсия этган бўлардингиз?

Мен ҳеч иккиланмай, хаёлимга келган бир нечта ижодкор Усмон Азим, Азим Суюн, ёзувчилардан Фаффор Хотамов, Сотволди Ражабовлар номини тилга олдим. Ҳар бири рўйхатдаги бояги аёллардан юз баробар талантли, оиласпарвар йигитлар. Улар ўн йилдан буён 2—3 та фарзанди билан ижарада яшайди.

Азиз Оппоқович мен айтган номзодларни диққат билан дафтарига ёзиб олгач, яна бояги ходимини чақириб, унга тегишли топшириқлар берди.

— Сиз тезда мана бу уч номзод бўйича материал тұпланды. Башқа ижодий уюшмалар тақдим этган номзодларнинг ҳужжатларини ҳам қайтадан жиддий кўриб чиқинг. Иложи бўлса, ҳар бири ҳақида камида 2—3 та оқсоқол, ҳалол ижодкорлардан тавсияномалар олинг. Ўзингиз яхши биласиз. Охирги рўйхатни шахсан биринчи раҳбарнинг ўзлари кўриб, тасдиқлайдилар. Агар рўйхатдагилар ичида палағдалар чиқиб қолса, уялиб қоламиз-а...

Үй муаммосига дахлдор яна битта қизиқ ҳангома билан бу мавзуга нуқта қўймоқчиман. Азиз Оппоқович қабулидан сўнг орадан икки-уч ой ўтгач, бир куни эрталаб телерадио ёшлар ташкилотининг котиби Фотимахон хурсанд ҳолда менга қўнғироқ қилиб, янги уй билан табриклиди.

Ҳозиргина раис қабулхонасида битта ҳужжатни кўриб қолдим. Октябрь район (ҳозирги Шайхонтохур тумани) ижроия қўмитасидан сизнинг номингизга келган телеграммада шундай сўзлар ёзилган: «Ёш, талантли журналист сифатида сизга икки хонали уй ажратилди. Бугун соат 15<sup>00</sup> да 3-қаватдаги 5-хонадан уй ордерини олиб кетинг. Ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи паспортингизни олиб келинг».

Мен бу хушхабардан юрагим ёрилгудек хурсанд бўлиб, энг яқин дўстларимга бу ҳақда хабар бердим. Раис қабулхонасидан расмий чақириқни кутиб, хонамда михланиб ўтиравердим. Соат 14 дан ошганда ҳам у ердан ҳеч қанақа садо бўлмади. Ҳайрон бўлган ҳолда секин пиёда райис-полкомга йўл олдим. Иккинчи қават коридорида тасодифан телерадио касаба уюшмаси раисини бир йигит билан учратиб қолдим. У мени кўриб ранги оқариб, тили калимага келмай қолди. Мен ҳам улар билан совуқ кўришиб, 3-қаватга кўтарилидим. 5-хонада ўтирган опа менга ажабланган ҳолда

тикилиб, сиз қандай одамлар билан ишлайсиз? Касаба уюшма раисларинг икки соат бошимни қотирди-я. Уйни Ўтаевга эмас, бошқасига берамиз, деб. Уйни кимга бериш юкорида ҳал бўлган, мен тайёр рўйхат бўйича расмиятчилик учун ордер ёзиб бераяпман, деб зўрга қутулдим...

\* \* \*

Мен раҳбарим Фани Расулов даврида Бутуниттифоқ ёш ижодкорларининг иккинчи семинарида иштирок этиб, у ердан лауреат бўлиб қайтдим. Москвадаги икки ойлик малака ошириш курсида ўқидим. Бу орада Фани Расулов яна «Ўзбектелефильм»га қайта директор этиб тайинланди. У жамоа билан хайрлашгач, мени хонасида олиб қолди.

— Раисга сенинг номзодингни айтдим. Бу ёғи уларнинг ихтиёрида.

— Мен бор-йўғи катта муҳаррир бўлсан, жамоада 3 та бўлим бошлиғи, 25 йилдан бўён ишлётган бош муҳаррир ўринбосари бор. Бу жойга четдан яна қанча даъвогарлар ҳам бор, — дедим бу ганга унчалик ишонмай.

— Раисга таклифим ёққандай бўлди. Убай Бурҳон сенга қаттиқ суняди. Ёзувчилар уюшмасида обрўйинг яхши, қолаверса, Азиз Оппоқович сени жуда яхши танир экан. Шундай бўлгач, сендан бошқа кимни қўйишади? Аммолекин тилингта эҳтиёт бўлгин. Тўйдан олдин ногора чалсанг, ҳаммаси барбод бўлади.

Орадан икки кун ўтгач, мени Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг йиғилишига чақиришди. Мажлис кун тартибида ёш журналистлар билан ишлаш кенгашининг телерadio бўйича раиси, яъни менинг ҳисоботим ҳам бор экан. Унга жиддий тайёргарлик кўрдим. Чунки телерadio комитети раиси Убайдулла Иброҳимов бевосита уюшманинг ёшлиар масаласи бўйича масъули ҳисобланарди. Менга сўз берилгач, мутлақо қофозга қарамасдан, 15 дақиқа маъруза қилдим. Ҳайъат аъзолари томонидан берилган барча саволларга тўлиқ жавоб бердим. Мажлисга раислик қилувчи Зиёд Исломович Есенбоев ҳисоботимни яхши баҳолаб, бу маърузангни албатта «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида чоп эттирип, деб алоҳида таъкидлади.

Бу гаплардан қувониб кетган Убайдулла Ёқубович менга ўнг бош бармогини күрсатиб, кулиб қўйди.

Эртаси куни кечқурун раис ҳузурига чақириши. У ерда телевидение бўйича раис ўринбосари Убай Бурхон, партком ҳамда қасаба уюшма раиси ўтиришган экан. Раис бирданига асосий мақсадга ўтди: биз ҳаммамиз маслаҳатлашиб, бош муҳаррирликка сенинг номзодингда тўхталдик. Энди ҳамма гап ўзингда қолди. Ёшлик қилиб, оғзингдан гуллаб қўйсанг, бошқа номзод қидиришимизга тўғри келади. Чунки Коллегиягача ҳали 10—15 кун вақт бор. «Мен ишончларингизни оқлашга ҳаракат қиласман», деб раис хонасидан чиқиб кетдим. Жамоада эса ҳар куни шу масалада баҳс-мунозара. Бири, палончи келармиш, деса, бошқаси пистонча келгани маъқул, дейди. Мен ҳам ноилож бир гуруҳнинг таклифига қўшиласман. Хайрият, 1980 йил декабрь охирида ўtkazilgan бошқарув йигинигача ҳеч кимнинг тилида менинг номзодим айланмади.

... Бош муҳаррир сифатида иш бошлаганимга бир ҳафта ўтмасданоқ, Марказқўмга чақирилдим. Бевосита телерадио билан шуғулланувчи инструктор менинг устимдан имзосиз хат тушганини маълум қилди.

— Ўролжон, катта муҳаррирликдан қандай қилиб бирданига бошлиқ бўлиб қолдингиз, — деди у менга синовчан нигоҳ билан тикиларкан.

— Очиги, бу саволни бевосита раҳбарингиз ёки Убайдулла Ёқубовичга берсангиз яхши бўларди. Қолаверса, хат қаердан келган, танишсек бўладими? — дедим.

— Бўстонлиқдан...

— Э, у ерда мени ҳеч ким танимайди-ку, ким ташкиллаштириди экан, — дедим жаҳдим чиқиб.

— Устингиздан яна бир марта хат келса, чора кўришга мажбурмиз, — деди инструктор кириш рухсатномамга имзо чекар экан.

Орадан икки кун ўтгач, раис ўринбосари Убай Бурхонов мени ҳузурига чорлади. Хонасига кириб борсам, у киши ранглари докадек оқариб кетган, қўллари қалтираб, сўзлашга тили айланмасди... у қўлимга битта хат тутқазиб, манавини бир ўқиб чиқинг-чи, деди юзимга ҳам қарамай.

Имзосиз хат, шундай сатрлар билан бошланарди:

«Мұхтарам устоз Убай Бурқонович, Сиз қанчалик буюк бұлсангиз, шунчалик содда, күнгли бүш инсонсиз. Шу боисдан сиз бизга раҳбар тайинлашда қўпол хатога йўл қўйдингиз. Ў. Ўтаев тунов кунги бир ўтиришда, кайфи ошиб қолиб сиз ҳақингизда шундай деди: «Убай Бурқон менинг олдимда муттаҳам. Энди уни истаганча ўйната-ман...»

Хатнинг давомида бундан ҳам беш баттар, инсон оғзига олишга уяладиган яна қанча туҳмат сўзлар битилганди. Аламимдан ҳўнграб йифлаб юбордим. Убай аканинг қўзлари ҳам жиққа ёшга тўлди.

— Агар шу туҳматларга ишонсангиз, ҳозироқ бутунлай Тошкентдан кўчиб кетаман, — деб хатни унинг олдига суриб қўйиб хонасидан чиқиб кетдим.

Убай ака нима дейишини билмай, бошини чангллаганича қолаверди.

Шу куни кечаси билан ухлай олмай, 5—6 та буюк инсонларнинг туҳмат ҳақидаги доно ҳикматларини йиғиб, машинкада кўчиртирдим. Унинг бир нусхасига ўз хоҳишимга кўра ишдан бўша什 ҳақида аризани қўшиб Убай аканинг котибаси қўлига тутқаздим. Елкамдан юқ тушгандек енгил тортиб, хонамга кириб бир оз ўтирдим. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, раҳбар билан бевосита боғловчи телефондан Убай аканинг мағрур овози жаранглади...

— Ҳа, Ўрловой, йигит одам ҳам шундай иродасиз бўладими? Тез олдимга туш. Ҳали қишлоғингга билет олишга улгурмагандирсан, — деди яйраб қулиб. Хонасига кириб борганимда, у мени бағрига босиб қучоқларкан, қайсидан ичасан, дея совутгичининг музхонасидан битта ароқ ва конъяқ чиқарди.

— Менга барибир. Чунки мен...

Убай аканинг эсига имзосиз хатдаги сатрлар тушди шекилли, ҳисоб сенинг фойдангга, бирга ноль, дея пешонамдан ўпид қўйди.

Шу билан кечаги нохуш воқеаларга сўнгги нуқта қўйдик...

Тез орада таҳририят байроқдорлар сафидан ўрин олди. Ҳар ҳафтада битта телеспектакль ёки теленовеллани эфирга бериш билан бирга, адабиёт ва санъат намояндалари ҳаёти ва ижодини тарғиб этувчи ўнлаб янги туркум кўрсатувлар ташкил этилди, бир нечта кўп қисмли видеофильмлар саҳналаштирилди. Ҳамма иш билан банд бўлгач, имзосиз хат битувчилар ҳам ўз-ӯзидан тинчиб қолди. Жамоада ўзини тұла намоён этишга тұла имкон яратувчи соғлом муҳит шаклланди...

1984 йилнинг январида Давлат телерадиокомитети фаолиятини текшириш мақсадида профессор Лазиз Қаюмов бошчилигидаги комиссия иш бошлади. Комиссия аъзолари таҳририятлар бўйича тақсимланаётганда Лазиз Пўлатович «Адабий-драматик таҳририят билан шахсан ўзим шуғулланаман», деди истеҳзоли кулиб. Барча таҳририятларга маҳсус сўровнома тарқатилди. Икки кун ичida сўровномани тўлдириб топширдик. Архивдан ҳар бир редакциянинг икки йиллик эфирга берилган материаллари олиниб, ўқиб чиқилди. Ходимлар билан сұхбатлар ташкил этилди. Айниқса, муаллифларга қалам ҳақи тўлаш сиёсати жиддий ўрганилди. Шу аснода негадир Лазиз Пўлатович анча кун кўринмай кетди. Комиссия ўз холосасини аллақачон тайёрлаб бўлганди. Якунловчи йиғилиш олдидан Лазиз Пўлатович хонамга илжайиб кириб келди. Менга, хонанинг эшигини яхшилаб беркитиб қўй, деб буюрди. Сўнг, музлатгичда ичадиган бирор нарсанг борми, деди домла дабдурустдан. Мен нима дейишни билмай, бир оз каловланиб қолдим. У қўрқма, борини чиқаравер, деди. Мен битта ароқ, консерва, колбаса ва минерал сув олиб, столга қўйдим. Бир мартадан олгач, мен секин гап бошладим: «Домла, бизнинг таҳририят фаолиятини қандай баҳолаяп-сизлар, мен ҳали тажрибасиз, ёш раҳбарман, хато-камчиликлар кўп бўлса керак»...

— Йўқ, сен ёш эмас, бало экансан. Бош муҳаррирлар ичida қўли тозаси сен бўлиб чиқаяпсан. Сен икки нарсада ўз ишингта пишиқ экансан. Биринчидан, фаолиятингда сиёсий хатога йўл қўймагансан, иккинчидан, «гонорарная политика»дан тоза чиқдинг.

Бу гаплардан бошим кўкка етиб, яна биттадан қўйдим.  
Домла пиёладаги сабил қолгурни бир кўтаришда ичиб, секин  
гапини давом эттириди:

— Хўш, бу йил қанақа йил? — деди домла менга  
синовчан тикилиб.

Ҳамза йили дедим ҳеч иккиланмай.

— Юбилейга қандай режаларни амалга оширмоқчисизлар?

Мен белгиланган тадбирларни бир бошдан санай кетдим.  
Охирида, «Холисхон»нинг русча вариантини тайёрлаб Мар-  
казий телевидениеда кўрсатмоқчимиз, дедим мағрурланиб.

— Буларинг ҳаммаси яхши. Лекин рўйхатингда бирорта  
ҳам оригинал асар йўқ-ку.

— Оригиналини сиздан кутаяпмиз. «Қалдирғоч»ни қачон  
тутатасиз? — дедим ўзимни анча босиб олиб.

— Ақлингга балли, — деди домла сумкасидан қўлёзма  
чиқариб менга узатаркан. — Лекин режиссёрга беришдан  
олдин аввал ўзинг яхшилаб кўриб чиқ. Бу менинг бадиий  
ижоддаги илк тажрибам. Қолаверса, телевидениенинг ўзига  
хос талабларини яхши билмайман...

Шу йили домланинг «Қалдирғоч» асари талантли  
телережиссёр Ҳамид Қаҳрамонов томонидан икки тилда  
(ўзбек ва рус) саҳналаштирилиб, «ойнаи жаҳон» орқали  
телетомошибинлар эътиборига ҳавола қилинди.

## УБАЙ БУРҲОН САБОҚЛАРИ...

Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби  
Убай Бурҳон раҳбарлигида бор-йўғи 4 йил адабий-драматик  
кўрсатувлар таҳририятида бош муҳаррир бўлиб ишладим.  
Ана шу қисқа давр ичида у кишидан ўзим учун бир умрга  
етарлик сабоқ олдим.

У. Бурҳон 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1946  
йили Ўзбекистон Давлат университетининг филология  
факультетини тутатгач, Республика радиосига муҳаррир  
лавозимига ишга келди. Шундан сўнг Республика давлат  
телерадио қўмитасида турли лавозимларда, жумладан, етакчи  
муҳаррир, бош муҳаррир, адабий-мусиқий дастурлар  
бошқармаси бошлиги бўлиб хизмат қилди. 1967 йилдан 1985  
йилгacha Давлат телерадиокомитети раисининг ўринbosari

лавозимида меҳнат қилди. Нафақага чиққач, умрининг охиригача Республика радиосида муҳаррир-консультант ва муҳаррир-стилист бўлиб ишлади. Шу билан бирга, телерадиокомпания фахрийлар кенгашига раислик қилди. У. Бурҳонов камтар, моҳир ташкилотчи, одамларнинг қалбига тезда йўл топа оладиган ажойиб инсон, ҳозиржавоб журналист, меҳридарё раҳбар ёди.

Кўпчилик ўзбек радиотеатрининг борлиги, умуман «микрофон қаршисида намойиш этиладиган ўзига хос, гўзал бир санъат» тури мавжудлиги, ана шу хайрли ишлари ҳаққи радиофонетика хазинасида Аброр Ҳидоятов ва Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев ва Рассоқ Ҳамроев, Шариф Қаюмов ва Обид Жалилов, Сора Эшонтураева ва Наби Раҳимов, Амин Турдиев ва Ҳамза Умаров сингари буюк санъаткорларнинг овозлари абадиятга сақлаб қолинганлиги ҳақида ҳозир ҳам тўла тасаввурга эга эмас. Бу ёруғ дунёда «Товуш — мусиқа — шовқинлардан иборат сирли бир олам» борлиги, Радио деб номланишини кўпчилик ҳис этолмайди.

Убай Бурҳон ўзбек Радиотеатрининг асосчиси, унинг уфқларини кенгайтирган ва ривожига улкан ҳисса қўшган буюк санъаткордир.

Эллигинчи йилларда ўзбек театр санъатининг шоҳ асарлари саналмиш — «Алишер Навоий», «Отелло», «Ҳамлет», «Бой ила хизматчи», «Ревизор», «Мирзо Улугбек» сингари такрорланмас спектакларнинг радиомонтажлари; «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Уфқ», «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Бахмал», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Одам бўлиш қийин», «Меъмор», «Жайхун устида булутлар», «Хайрлашувлар ойи», «Биз эркаклар», «Дуэль», «Кичик шаҳзода» сингари баркамол радиоспектакллар айнан Убай Бурҳоннинг ташкилотчилик қобилияти туфайли магнит тасмасига туширилди.

Очиғини айтиш керак! Раҳбар лавозимидағи кишига осон тутиб бўлмайди. Минг бир иш, минг бир ташвиш... Қабулхона тўла келди-кетди... Узлуксиз телефон қўнғироқлари... Маслаҳатлар, мажлисбозлигу мусобаҳалар, келишув ва зиддиятлар...

Диққатга сазовор томони шундаки, у бошқа «катта-кон»лардан фарқли ўлароқ, кўрсатувларни мунтазам кўриб борар, улар ҳақида икки оғиз ширин ёки аччиқ сўзини айтишни ўзининг раҳбарлик бурчи деб билар ёди.

1960 йили Убай Бурхон телевидениега Бош муҳаррир этиб тайинлангач, режиссура, рассом, сухандонликнинг сирасорларини ўрганмасдан туриб, бу муқаддас даргоҳни бошқариб бўлмаслигини тезда тушуниб етди. Ўша пайларда телевидение асосан бадиий-хужжатли фильмларни кўрсатиш билан кифояланар, бу ерда хизмат қилаётган ижодий ва мұхандис ходимларнинг ўzlари ҳам телевидениенинг ўзига хос хусусиятларини ҳали тўлиқ ўрганган эмасдилар.

Шу каби барча ишлар билан шуғулланиш, бу борада новаторлик қилиш Убай Бурхоннинг зиммасига тушди. Дастрлаб, телевидение кўрсатувлари жадвали тузилди. Сухандонлар учун кўриклар ташкил этилди. Сўнг ахборот, кинокўрсатувлар, кейинчалик адабий-драматик, мусиқа, ижтимоий-сиёсий, болалар ва ёшлар учун кўрсатувлар муҳарририяtlари тузилди. Марказий телевидение ва қардош республикалар учун кўрсатувлар тайёрлайдиган групҳлар иш бошлади.

Истеъдодли киши моҳир боғбонга ўхшайди. Унинг қадами теккан жой гуллайди, қўли теккан дараҳт кўкаради, шоҳ ташлаб кўкка бўй чўзади. Убай акани ҳам ўзбек телерадиосининг боғбонларидан бири дейиш мумкин.

Убай ака бир гапни кўп такрорларди. Ҳар бир соҳада муҳим ва иккинчи даражали ишлар бўлади. Ҳамиша эътиборингни бош масалага қарат. Ойига 20 та майда-чуйда, ўртамиёна кўрсатув қилгунча, 2 та зиёли кўрадиган спектакль ёки теленовелла тайёрлаб эфирга бер. Шунда редакциянинг обрўсини ушлаб турасан. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, йилига ҳеч бўлмаса 5—6 та халққа манзур бўла оладиган асар яратсанг, марра сеники.

Раҳбар ҳамиша икки нарсадан панд ейди. Сиёсат ва мусиқадан. Икковининг жиловини маҳкам ушлай олсанг, сени ҳеч ким айбдор қила олмайди. Айниқса, иккинчиси хавфли.

Шу боис табиатан дили санъатга яқин, унинг барча сирларидан воқиф бўлсада, ащулачи, айниқса, ҳаваскорларга жуда эҳтиётилик билан муносабатда бўларди. Уларни эшигига ҳам йўлатмас, нуфузли комиссия чиририғидан ўтиб, ғолиб бўлган талантли ёшларга кенг йўл очиб, уларни қанотига оларди.

Баъзан 2—3 кун бетоб бўлиб ишга чиқмай қолса ҳам (таътилга чиққанини эслай олмайман) эфирни назоратсиз қолдирмасди. Ўша йиллари аксарият концертлар жонли эфирга берилгани учун, унинг ишда йўқлигидан фойдаланиб, айрим тамагирлар томонидан талантсиз ашулачиларни эфирга бериб юбориш ҳоллари юз берса, Убай Бурҳон уйи ёки касалхонадан қўнгироқ қилиб, қўшиқни олдириб ташлаб, ўрнига фильм қўйдириб юборарди.

Убай Бурҳоннинг бир сўзли, принципиал раҳбарлигини исботловчи бир воқеа орадан 30 йил ўтган бўлса-да, ҳамон кўпчиликнинг ёдида. 80-йилларда халқ орасида машҳур, унвонли бир хонанданинг жонли ижродаги концерти кечки дастурдан ўрин олганди. Шу куни кечки дастур ўқилаётганда ҳеч ким кутмаган воқеа содир бўлди.

Навбатчи диктор соат 21 га мўлжалланган концерт хонанда трактга (репетицияга) кечикиб келгани боис, эфирдан олиб ташланди, — деб эълон қилди.

Кўриш, томоша қилиш осон, баҳо бериш ҳам унчалик қийин эмас. Лекин янгилик яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қолаверса, янгилик янгилиги билан жозибалироқдир. Мана шу туфайли ҳам телевидение янги-янги руқнлар билан бойитилди. Тинимсиз изланишлар ила ойнаи жаҳон юзини кўрган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Ойнадан ўпкалама», «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувлари тез орада эл меҳрига тушди. «Марҳабо, талантлар!», «Куйланг, ёш хонандалар!» телевизион фестиваллари мусиқа маданиятимизнинг ривожига катта ҳисса қўшиб, қўплаб истеъдодларнииг ўз йўлларини топишларига илк туртки, кўмакчи бўлди.

Убай Бурҳон ўзбек теледраматургиясининг асосчиларидан биридир. Бевосита унинг ташаббуси билан яратилган Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари, Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», «Диёнат», Сайд Аҳмаднинг «Уфқ», Ўкташ Усмоновнинг «Гирдоб», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», Т. Пўлатнинг «Ичкуёв» асарлари асосида тайёрланган видеофильмлар миллионлаб томошабинлар қалбидан мангуда жой олди.

Устоз ҳафталик дастур тузишга жиддий қаарарди. У ҳар бир кун учун алоҳида бош қотирарди. Масалан: пайшанбада

ёшлар нимани кўради, зиёлибоп нима бор, қариялар учунчи? Ҳафтанинг ҳар бир куни, соати шундай таҳлил қилинарди. Шанба-якшанба учун алоҳида (асосан кўнгилочар дастур) тузарди. У киши дастурга қўл қўйгач (чоршанба) бош мұхаррирлар хайрият, қутулдик, — дея эркин нафас олардик. Видеофильм премьерасидан эса худди ўғил кўргандек қувониб кетарди.

Унинг хонаси чинакам ижод лабораториясини эслатарди. У ҳар қадамда бадиий кенгашга суянарди. Нафақат видеофильм, телеспектакль, балки кичик новелла, миниатюралар театрининг янги сонлари қўллэзма ҳолида мұҳокама қилинарди. Шу боис, бирорта ўртамиёна асар телевидение репертуаридан ўрин ола билмасди.

Устоз буюк сўз устаси, нозик адабиётшунос, моҳир журналист бўлиш билан бирга ошна-оғайниси қўп, улфатчиликни яхши кўрадиган, шинаванда инсон эди. Шу боис кўпчилик адиблар билан яқин, ошна-улфат эди. Лекин уларнинг бирортасига ён босиб, ўртacha савиядаги асарини саҳналаштирмади. У дўстларига ҳазиллашиб «Служба — службой, дружба — дружбой», — деб қўярди.

...1998 йил март ойида ўзбек телерадио санъати ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, умрини ўзбек радиоси ва телевидениесини ривожлантиришга баҳш этган моҳир журналист ва беназир сўз устаси Убай Бурҳон 77 ёшида вафот этди.

Хуллас, давраларда ўзбек телерадиосининг ижодий йўли ҳақида сўз очилса, маданийтимизнинг ҳақиқий фидойиси Убай Бурҳоннинг хизматларини алоҳида тилга олмасдан иложимиз йўқ. У бутун ҳаётини телерадио ривожига бағишлади ва баҳтини шу табаррук даргоҳдан топди. Шунинг учун ҳам у бугун эл-юрт, тенгдошлари, шогирдлари даврасида чинакам эъзоз ва ҳурматга сазовор инсон сифатида эсланади.

## ЕРҚИН САҲИФАЛАР

(70—80-йилларда яратилган кўрсатувларга бир назар...)

Адабий-драматик кўрсатувлар Бош редакцияси томонидан тайёрланган «Олтин саҳифалар» деб номланган кўрсатувнинг илк сони Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодига бағишлианди.

Ўзбекистон халқ шоири, академик Faфур Fулом ижодига бағишлиган «Faфур Fулом чинори» деган кўрсатув ҳам телетомошибинларнинг эсидан чиқмайди. Николай Тихонов, Алексей Сурков, Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Расул Ҳамзатов, Сильва Капутикян, Эди Огненцвет, Вадим Кожевников, Анатолий Софронов, Римма Казакова, Юрий Ритхеу ва бошқаларнинг ўзбек шоири Faфур Fулом ижоди ҳақидаги самимий сўзлари зўр ҳаяжон билан тингланган эди. Faфур Fулом ҳаёти ва ижодига бағишлиган «Ёзувчилар — ёзувчилар ҳақида» кўрсатувида Ч. Айтматов, Р. Ҳамзатов, А. Софронов, Н. Грибачев, шоир ва таржимонлардан Р. Казакова, С. Северцев шоир ҳақидаги қалб хотираларини сўзлаб беришди. Шунингдек, кўрсатувда F. Fуломнинг 50—60-йилларда ўқиган шеърлари, колхозчилар билан учрашувларни ҳикоя қилувчи ноёб кадрлардан кенг фойдаланилди.

Атоқли адабимиз Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигини жамоатчилик катта байрам қилди. Телевидениеда Ойбек асарларидан намуналар, қардош адиларнинг Ойбек ижоди ҳақидаги хотиралари бериб борилди. Ойбекнинг сафдошлари, шогирдлари иштирокида хотира кечаси уюштирилди.

Телевидениеда ёзувчи ва шоирларнинг республика ишлаб чиқариш илфорлари билан учрашувларини уюштириш анъанаси таркиб топди. Ишлаб чиқариш корхоналарида, олий ўкув юртларида Уйғун, А. Мухтор, Шухрат, Т. Тўла, О. Ёқубов, А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Матчон, Н. Нарзуллаев, Ж. Жабборов, М. Али, Ҳ. Худойбердиева, Э. Охунова каби ўнлаб ижодкорлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

«БИР АСАР ТАРИХИ» тележурнали ижтимоий ҳаёти-мизда воқеа бўлган бир асар тарихига бағишлимоқда. Бошловчи — талантли шоир, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати А. Орипов ҳар бир кўрсатувда томошибинга нимадир «юқтириш»га интилади. Айниқса,

Х.Х. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи», А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ҳ. Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда», F. Фуломнинг «Сен етим эмассан», М. Шайхзоданинг «Тошкентнома», Ойбекнинг «Кутлуғ қон» ва «Навоий», Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон», О. Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Умид», С. Аҳмаднинг «Уфқ» асарларига бағишиланган кўрсатувлар томошабинларга маъқул ва манзур бўлди.

«АДАБИЙ АЛЬМАНАХ» — адабий ҳаётимиздаги янгиликлар билан танишириб боради. Шунингдек, «Янги шеърлар», «Янги асар — янги қаҳрамон», «Янги таржималар», «Жаҳон адабиёти хазинасидан», «Қардошларимиз ижодидан», «Маданий меросимиздан», «Ёзувчи почтаси», «Савол беринг, жавоб берамиз», «Адабий альманах календари» каби саҳифаларда ранг-баранг материаллар бериб борилди. Зеро, адабиётимизда ўзининг яхши жиҳатлари билан «йилт» этиб кўринган ҳар бир янги асар «Адабий альманах» ва «Бўстон» тележурналлари саҳифаларида муносиб ўрин олди.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ижодига бағишиланган «Истеъдод жилолари» кўрсатуви ҳам оригинал шакли ва мазмуни билан телетомошабинларда катта қизиқиши уйғотди. Кўрсатувда иштирок этган Давлат мукофоти лауреатлари Довуд Қўғултинов, Мўмин Қаноат, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов ва бошқалар Абдулла Орипов ижодининг ўзига хос хусусиятлари хусусида тўлқинланиб сўзлаб беришли. Мазкур кўрсатув Марказий телевидение орқали ҳам намойиш этилди.

Ўзбек санъаткорлари, хусусан, адаб ва шоирларнинг пахтакорлар ҳузурида бўлиши, улар шаънига айтилган илиқ қалб сўзларининг нақадар аҳамиятли ва руҳбахш эканлигини телевидение ходимлари қалбан ҳис қилиб, қатор кўрсатувлар тайёрлашди. Телевидение ташаббуси билан кўпгина ижодкорларимиз пахта далаларида бўлдилар, ўша жойлардан кўрсатувлар уюштиришли.

Телевидениеда адабиёт ва санъат байрамлари, ёзувчи ва шоирларнинг юбилейлари, анъанавий Пушкинхонлик, Навоий шеърияти кунларига атаб маҳсус кўрсатувлар тайёрланади. Булар ёшларни бадиий адабиёт намуналаридан баҳраманд бўлишга, гўзалликни тушунишга беминнат хизмат қилмоқда.

Телевидение ёшларда эстетик дидни ривожлантириш, гўзалликни ҳис этишни тарбиялаш соҳасида фоят катта фаолият майдонига эга. Республикаизда минглаб клублар, кинотеатрлар, маданият саройлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари бор. Классиклар ва ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари катта тиражларда нашр қилинмоқда. Аммо ҳар бир йигит ва қизни бадиий ижод билан қандай қилиб баҳраманд этиш масаласи ҳали кун тартибидаги жиддий масалалардан бири бўлиб турибди. Айрим ёшларимизнинг эстетик диди, афсуски, унча юқори эмас. Баъзан ёшлар индивидуалистик манфаатларни кўзловчи чет эл модаси кетидан қувадилар. Бундай «мода» муҳлислари жамоатчилик таъсирида унинг қалбаки, беҳаё, бемаъни эканини эртами-кечми тушуниб олишлари турган гап. Аммо бой берилган нарсаларнинг ўрнини тўлдириш осон иш эмас. Зеро, кишида чинакам бадиий дид ва эҳтиёжлар унинг болалик чоғидаёқ вужудга кела бошлайди ва умр бўйи тўлиб, бойиб боради.

Республикамиз ёш ижодкорлари ўз асарларида давримизнинг қизғин нафасини, замондошларимизнинг ёрқин образларини бадиий гавдалантиришга, янги мавзу ва муаммоларни бадиий тадқиқ этишга, адабиётимиз анъаналарини дадил ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

1976 йил Ўзбекистон телевидениесининг ижодий жамоаси ёшлар оммасига аталган янги кўрсатув — «Илҳом» ижодкор ёшлар клубини ташкил этди. Аввал ҳам «Ёшлар ижоди» кўрсатуви мавжуд эди. Унда иштирок этиш учун республикамизнинг турли вилоятларидан ижодкор ёшлар таклиф қилинарди. Асосан шоир ва ёзувчилар иштирок этишарди.

«Илҳом»нинг бевосита давоми бўлган «Умид» телеклуби ҳам ёш ижодкорларнинг чинакам минбарига айланди. Улар шу минбардан туриб қилган ишлари ҳақида ҳисобот бермоқдалар, янги асарларидан намуналар ўқиб, ўз мулоҳазалари ва режаларини айтмоқдалар. «Умид» республикамиз ижодкорлари сулоласини тарбияламоқда. Унда ёш шоирлар, ёзувчилар, бахшилар, рассомлар, актёрлар, архитекторлар фаол қатнашмоқда. «Умид» кўрсатувларида республикамизнинг ёш ижодкорлари ўз ижодлари билан Ватанимизга оташин муҳаббатларини намойиш қилмоқдалар.

Хуллас, «Умид» ёш ижодкорлар билан томошабинларнинг алоқасини кенгайтириш, ёш талантларнинг ўсишига бутун чоралар билан ёрдам бериш устида ижодий изланмоқда.

Ўзбекистон телевидениесида «Ёшлар ижоди», «Театр учрашувлари», «Актёрлар ва роллар», «Шеърият мухлисларига», «Ёзувчи ва замон», «Құргазма заллари бўйлаб», «Янги таржималар», «Бир актёр театри», «Телевизион новеллалар театри» рубрикалари орқали кенг тарғиб қилинмоқда.

«Театр учрашувлари» туркумидаги кўрсатувларда Мурод Ражабов, Малика Иброҳимова, Ноила Тошкенбоева, Турдибек Содиқов, Ҳамза театрининг Эркин Комилов, Ҳожиакбар Нурматов, Дилбар Икромова, Ёдгор Саъдиев, Теша Мўминов каби истеъодоли ёшлари ижодига бағишлианди. «Бенефис молодости» кўрсатувида эса М. Горький театрининг А. Кузин, Л. Хўжаев, А. Дубровин, Л. Гаврилюк, Л. Михайлова каби талантли ёшлари иштирок этдилар. «Театр учрашувлари» деган кўрсатувнинг бир неча сонлари республика театрларининг ёш ижодкорлари фаолиятига бағишлианди. Рассомлардан Баҳодир Жалолов, Темур Саъдуллаев, Галина Ли, Ирина Лилена, ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов, Дамир Рўзибоевлар ижоди «Құргазма заллари бўйлаб» кўрсатувларида мароқли ҳикоя қилинди. Шунингдек, «Ўзбекистон халқ амалий санъати», «Тошкентда ижодий учрашувлар», «Ўзбекистон рассомлар уюшмаси Қўргазма залларида», «Ўзбекистон рассомларининг ижодий портретлари» туркуми, «Япония санъати», «Ҳиндистон санъати», «Голландия санъати» каби кўрсатувлар халқимизнинг эстетик ва маданий савиясини янада оширишга ёрдам берди.

Тасвирий санъат тарғиботига оид кўрсатувлар мавзуу рангбаранглиги, бадиий юксаклиги, материални янги шаклда томошабинга етказиш йўлидаги изланишлар билан ажралиб туради. Улар телетомошабинларни қўргазмалар орқали беихтиёр рассом ижодхонасига етаклайди. Қўпгина кўрсатувлар телетомошабинларни тасвирий санъатнинг бой мероси билан таништириб, рассомларнинг мураккаб руҳий дунёсига олиб киради. Бу жиҳатдан Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев ижоди ҳақидаги кўрсатувни алоҳида таъкидлаш лозим. Ярим соатлик кўрсатувда улкан ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг тасаввур бериш қийин

вазифа. Аммо кўрсатув ижодкорлари бу вазифани жуда яхши улдалади: мана, экранда Ўрол Тансиқбоев портрети. Мусиқа янграйди. Бошловчининг ҳаяжонли овози ҳамюртимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қиласиди...

Камера беихтиёр бизни санъат музеий залларига олиб киради. Экранда Ўрол Тансиқбоевнинг «Иссиққўлда оқшом» картинаси... Бу рассомнинг лирик ва шу билан бир вақтда эпик асаридир. Унда ўзига хос ўйчанлик, сокинлик мавжуд. Операторнинг ёрдами орқали телетомошибинлар музейдаги ажойиб ижод намуналаридан баҳраманд бўладилар: она диёримиз табиати нақадар гўзал... Бирин-кетин экранда рассомнинг «Тоғдаги йўл», «Тоғ қишлоғи», «Оқшом», «Сирдарё», «Она диёр», «Менинг қўшиғим», «Хўжакент бағрида Чирчиқ дарёси» каби полотнолари намоён бўлади.

Мана, рассомнинг Брюсселдаги Халқаро қўргазмада кумуш медалга сазовор бўлган «Қайроқкум ГЭСида тонг» картинаси. Чўлдаги улкан иншоотнинг панорамаси. Ўрол Тансиқбоев ўзининг бу асарида она диёр табиатини ўзгартираётган замондошларимиз меҳнат жасоратини тўла намоён қила олган... Кўрсатув рассомнинг турли йилларда яратган расм ва этюдлари серияси намойиши билан якунланади.

Ўзбекистон телевидениеси ҳужжатли ва бадиий кино воситалари билан ҳам ҳалқимизни эстетик тарбиялаш вазифасини амалга оширмоқда. Кичкинтойлар учун «Мульти-панорама», кино санъати шайдолари учун «Экспромт учрашув», «Киноредакция почтасидан», «Кино усталари», «Эртага премьера» каби дастурлар тақдим этилмоқда.

Телетомошибинларнинг кўплаб хатларини ҳисобга олган ҳолда «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК» дастури эфирга берилмоқда. Бу дам олиш дастурида миллий цирк санъати вакиллари ҳалқимизга таништирилади. Ўзбекистон телевидениеси кино кўрсатувлари редакциясида куйидаги туркум кўрсатувлар берилиб турибди. «КИНО ОЛАМИДА» деган кўрсатувда кино янгиликлари, артистлар ҳақида, режиссёrlар фаолияти, кинофестиваллар календарига алоқадор воқеалар ҳақида сўз боради. «Кино усталари» деган кўрсатувда эса улкан кино санъаткорларининг ижоди ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим

Хўжаев, Аббос Бакиров, Асад Исматов ижодига бағишиланган кўрсатувлар ўзбек телепублицистикаси тарихидан муносиб ўрин олди.

«Кино усталари» туркумидан берилган Халқ артисти Комил Ёрматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишиланган кўрсатувни бир эслайлик: кўрсатув давомида кўз ўнгимида кино санъатимизнинг йирик намояндадаридан бири Комил Ёрматов ўз ҳаёти, ижодий фаолияти, ўз санъатлари билан халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган Аброр Ҳидоятов, Асад Исматов, Рассоқ Ҳамроев, Аббос Бакиров, Раҳим Пирмуҳамедов каби талантли санъаткорлар тўгрисидаги хотираларини ҳикоя қилиб берди. Бу хотиралар унинг шахсий архивида сақланиб қолган магнит лентасидан ёзиб олинган бўлиб, кўрсатувни тайёрлашда ноёб тарихий кинокадрлардан ҳам ўринли фойдаланилган эди. Шундай қилиб, режиссёр хотиралари орқали ўша олис 20—50-йиллар жонлантирилиб, халқимиз босиб ўтган тарихий йўл ҳикоя қилиб берилди.

Режиссёрга улкан шуҳрат келтирган «Алишер Навоий» фильмининг яратилиш жараёнлари, «Абу Али ибн Сино», «Одамлар орасида танҳо» фильмларидан лавҳалар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилинди. Дунё мамлакатлари ва халқлари, уларнинг урф-одатлари, амалий санъати, тарихи, географик кенгликлари, табиат ажойиботлари, қўриқ-хоналар, ҳайвонот олами ҳақида «Оlamга саёҳат» кўрсатувларида ҳикоя қилинади.

«ЭВРИКА» телевизион альманаҳида фан ва техника янгиликлари, табиат ажойиботлари, фан соҳасидаги буюк кашифиётлар ҳақида ҳикоя қилинади. Кўрсатувларда турли соҳа мутахассислари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти, тупроқшунослик, сейсмология, метеорология, астрономия, қўлёзмалар институтларининг олимлари фаол қатнашдилар.

1980 йилдан бери «МУЛЬТИПАНОРАМА» кўрсатувларида мультфильмлар асосида эртаклар, бадиий, фантастик асарлар ва унинг авторлари ҳақида ҳикоя қилинмоқда. Уларда дунё ва мамлакатимиз мультиплікаторлари ижоди билан ҳам кенг таништирилади. Янги-янги мультфильмлар намойиш этилади.

«КИНОРЕДАКЦИЯСИ ПОЧТАСИДАН» кўрсатувида минипортретлар, фильм ижодкорлари ҳақида сұхбатлар, қизиқарли учрашувлар хатлар асосида тузилади. «Экспромт учрашув»ларда кино ижодкорлари билан томошабин ва мухлисларнинг учрашуви кутилмаган савол ва жавоблар асосида тайёрланади. Жонли сұхбат ва мазкур қаҳрамон иштирокида яратилган фильмлардан лавҳалар кўрсатилади.

Халқимизни эстетик тарбиялашда қўшиқ санъати бекиёс имкониятларга эга. Қўшиқ санъати телетарғиботнинг ҳам қону жонидир. Телевидение қўшиқсиз яшолмайди. Марказий ва маҳаллий телевидениенинг ҳар йилги «80-ЙИЛЛАРНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ» деган кўрсатувларини томоша қилишга одатланиб қолганмиз. Қўшиқ — бу замондошларимизнинг қалб қувончлари, рангин туйғулари ифодаси, Ватанга, меҳнатга меҳр-муҳабbat изҳори! «Мен учун қўшиқ — бу қаҳрамонларимга бўлган боқий муҳаббатим изҳоридир, — деган эди машҳур композитор Александра Паҳмутова. — Ишонаманки, ҳар бир меҳнаткаш инсон ҳақида қўшиқ ёзиш мумкин».

Ўзбекистон телевидениесининг «Назм ва наво» туркум кўрсатувларида Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Фурқат, Муқимий каби классик шеъриятимиз алломалари асарлари асосидаги қўшиқлар янгради. «Мақом» ва «Шашмақом» усулида айтиладиган қўшиқлар халқ қалбининг ифодаси бўлди. Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг «Мақом» ансамбли, «Дуторчи қизлар» ансамбли артистларининг ҳар галги чиқишлиари томошабинларга бетакрор завқ-шавқ ҳадя этади.

Телевидениеда қўшиқ санъати тарғиботи ранг-баранг шаклларда олиб борилади. «Ялла», «Наво» эстрада ансамблари концертлари, портрет фильмконцертларда театрлаштирилган шакл, классик мусиқа ҳақидаги кўрсатувларда эса сұхбат шакли танланади. Масалан, «Назм ва наво»да бошловчининг классик шеърият, ижодкор ва замон, «Мақом»да Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимаҳсумовнинг мақом йўллари, «Дирижёр ҳикоя қилади»да профессор Зоҳид Ҳақназаровнинг мусиқа санъати, «Қўшиғим, жон қўшиғим»да композитор Шермат Ёрматовнинг болаларда мусиқага иштиёқ уйғотиш ҳақидаги мароқли сұхбатларини

ҳамма севиб эшитади. Уларнинг қисқа ва лўнда фикрлари, чуқур ҳис-ҳаяжон билан сугорилган нутқ-монологи томошабинда эмоционал кайфият уйғотади.

Ўзбекистон телевидениеси мунтазам равишда Янги йил, 8-март ва бошқа байрамларга «ОГОНЁК»лар уюштириб келмоқда. «ОГОНЁК»лар таркибидан байрам концерти программаси кенг ўрин олади. Шунингдек, унда санъаткорлар, ишлаб чиқариш илфорлари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, меҳнат фахрийлари иштирок этадилар. Байрам «ОГОНЁК»лари томошабинлар таклифи ва сўровига мувофиқ тақрорий кўрсатилади. Айни пайтда, улар минглаб кишиларнинг «зангори экран» қаршисидаги оиласидам олишининг замонавий шаклидир. Телевидение журналистлари ёш авлодни эстетик тарбиялашда таъсиридан воситалардан фойдаланмоқдалар. Болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар редакцияси ижодкорларининг бу соҳадаги изланишлари натижасида «ҚЎШИФИМ, ЖОН ҚЎШИФИМ» деб аталган кўрсатувларнинг янги туркуми ташкил қилинди. Бу туркунинг мақсади болаларда мусиқага муҳаббат уйғотишдан, уларни турли халқлар мусиқа маданиятининг энг яхши намуналари билан таништиришдан иборат. Ўзбекистон телевидениеси республикада ҳаваскорлик санъатиниң ривожлантириш ишига муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Телевидение ташаббуси билан ташкил этилган «Марҳабо, талантлар», «Чашма», «Қизлар давраси», «Куйланг, ёш хонандалар», «Доира рақсга чорлайди», «Қўшиқ айтган етар муродга», «Ўзбекистон куйлагай», «Даврамизга марҳабо», «Дебют» каби талай кўрсатувлар телетомошабинлар ўргасида катта қизиқиш уйғотди, жойларда ҳаваскорлик жамоаларининг тармоғи, миқдори ва таъсири доираси бирмунча кенгайди. Янги номлар, янги овоз, янги соз соҳиблари кашф этилди.

«ДАВРАМИЗГА МАРҲАБО» деб аталувчи телевестивалда Қорақалпоғистон ва республика вилоятларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этдилар. Телевестивалдан кўзланган асосий мақсад, вилоятларда фаолият кўрсатаётган энг яхши бадиий истеъодод эгаларини аниқлаш, қатнашчиларнинг ижро маҳоратини кузатиш, янги талантларни кашфт этиш ҳамда бастакорларнинг энг яхши асарларини тарғиб қилиш эди. Бу ўзига хос санъат байрамига энг яхши

бадиий ҳаваскорлик жамоалари жалб қилинди. Фестиваль анча кенг, ранг-баранг ва кўп жанрли бўлиб, унда хор, бадиий ўқиши, якка ва оммавий рақслар, эстрада номерлари, анъянавий ҳалқ жанрлари, лапар, баҳшилар айтишуви, мақом йўллари ҳамда қардош ҳалқлар қўшиқ ва куйлари ижро этилди.

Фестиваль қатнашчилари турли касб эгалари бўлиб, улар орасида пахтакор, чўпон, қурувчи, врач, шофёр, талаба, мактаб ўқитувчиси ва ўқувчиси ҳам бор эди. Бинобарин, ўз истеъоди билан телетомошибинлар кўнглига йўл топган ҳаваскор ёшлар Самарқанд ва Андижонда ҳам, Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам, Хоразм ва Бухорода ҳам, Тошкент ва Фарғонада ҳам, Наманган ва Сирдарёда ҳам борлиги республикамиизда ҳаваскорлик санъати нақадар кенг қулоч ёйғанлигини яна бир бор исбот этди. Айни пайтда, санъат байрами тусини олган фестиваль ҳалқ бадиий талантлари-нинг кўриги бўлиш билан бирга, кишиларимиз эстетик завқини камол төнтиришга ҳам бекёёс ҳисса бўлиб қўшилди.

## ЁЗУВЧИЛАР – ЁЗУВЧИЛАР ҲАҚИДА

1977 йил «Ёзувчилар – ёзувчилар ҳақида» номи билан туркум кўрсатувлар ташкил этилди. Биринчи кўрсатув Узбекистон ҳалқ шоираси Зулфия ижодига бағишлиланди. Уни Қабардин-болқар ҳалқ шоири Қайсин Кулиев олиб борди. Сўнг Расул Гамзатов –Faфур Ғулом, Константин Симонов – Абдулла Қаҳдор, Николай Тихонов – Ойбек, Чингиз Айтматов – Миртемир, Виталий Озеров – Ҳамид Ғулом, Георгий Марков – Раҳмат Файзий ижоди ҳақида ҳикоя қилди. Кўрсатув бир йил давом этди. Ушбу телемаҳсолот ҳақидаги тасаввурингизни бойитиш мақсадида атоқли адилларимизнинг ўзбек дўстлари ҳақидаги қалб сўзларидан намуналар келтиришни лозим топдим:

*Қайсин Кулиев Зулфия ҳақида:*

— Узбекистонда менинг садоқатли, самимий дўстларим жуда кўп. Зулфияхоним шулар орасида алоҳида ўрин тутади. Зулфия улкан шоира, гўзал инсон, жасур аёл.

Шеърият эзгуликда дунёга келади. Ёзузиликда у ҳеч қачон

туғилмайды. Фашизм жағонга шоир бермади. Ер шарининг қайси жойида фашистлар хукмрон бұлса, ўша ерда шоирлар бұлмайды.

Шеърият ҳаётнинг ұзидай қийинчилик, қайғу ва азоблардан күркмасагина катта шеъриятта айланиши мүмкін. Катта шеърият ҳаққоний түйғулардан, ҳақиқиәт тафаккурдан келиб чиқади.

Зулфия ҳаётида күп қийинчиликтер, күп азоб-уқубаттарни қүрді. Бироқ мардлығы ва бошқа фазилатлари билан кишини лол қолдирувчи бу аёл ижодида танхолик вағамалам бош мотив бўлиб қолмади. Киши ҳаётдан кетади, лекин унинг кишиларга кўрсатган самимияти, таланти, меҳнати ҳамда муҳаббати қолади. У кимни тарқ этган бўлса, ўша одам ҳаётни янада кучли эъзозламоги, асраромоги ва ҳимоя қилмоғи лозим.

Истеъдод қанчалик юксак бўлмасин, меҳнатсиз у үчиб қолади. Меҳнат ва шеърият Зулфия учун тенг аҳамият касб этади. «Юракдан тўғри бошқа юракка ўтади», дейди шоира. Мана шундай сатрларни яратиш учун минглаб сўзлар орасидан зарурини қидириб топиш ниҳоятда катта куч ва юрак қўрини талаб этади.

Табиийликка интилиш, қалдан айтилган шеърий нутқ, оддийликка катта диққат, чин инсонийлик — Зулфия ижодининг асосий хусусиятларидир.

Бугун мен бу ердан туриб, оппоқ Кавказ чўққилари билан яна сенинг номингни тилга оляпман Зулфия!

*Чингиз Айтматов Миртемир ҳақида:*

— Миртемир деганда, биз қирғизларнинг юзига ёруғ табассум югуради. Айниқса, бугун у ҳақда гапириш мен учун ҳам оғир, ҳам ёқимли. Оғирлиги шундаки, унинг овозини биз ортиқ эшитмаймиз. Ёқимлилиги шундаки, у бизнинг қалбимизда доимий қолади. У ҳар қандай катта-кичик имкониятлардан фойдаланиб, биз томонларда тез-тез бўлиб турар эди. Бизнинг тилимизни яхши билар, халқимиз руҳини чуқур англар эди. Тилимизнинг умумийлиги, руҳимиз ва қонимиз бирлиги жиҳатдан у ўзимизнинг одам эди.

Талас водийси бўйлаб биргаликда қилган сафаримизни

ҳаяжонсиз эслай олмайман. Ўшандада у ўзини жуда ёмон ҳис қилган, қон босими туфайли юзага келган бош оғриғидан кўп азоб чеккан эди. Биз кўп нарсалар тўғрисида гаплашган эдик. У «Манас»ни яқиндан биларди. Ана шунинг учун унинг ўзбекчага қилинган таржимаси ўзига хос алоҳида оҳангдорлик касб этган.

Мана шулардан сўнг Миртемир тўғрисида ҳаяжонланмай гапириш мумкинми!

У машҳур «Қирғиз дафтари», «Қорақалпоқ дафтари» асарларини ёзди. Бу китоблар фақат қирғиз ва қорақалпоқ халқига қимматли бўлиб қолмасдан, туркий тилдаги адабиётга қизиққан ҳар қандай ёзувчининг ижодий хазинасига айланishi мумкин.

Миртемир чуқур ички маданиятли, ўта камтарин қалб соҳиби эди. Буларнинг ҳаммаси унга нисбатан қалбимизда катта меҳр уйғотади.

## ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

Кўп йиллардан бери «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» телетомошибинларнинг севимли кўрсатуви бўлиб келмоқда. Кўрсатув ёшларни ахлоқий тарбиялашнинг ўзига хос воситасига айланган. Авторлар телетомошибинлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Айниқса, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Телевизион миниатюралар театри», «Баҳс» кўрсатувлари ҳар бир хонадонга яхши таниш. Бу кўрсатувлар кишилар тақдири орқали яхшилик, виждон, севги, фарзанд тарбияси, орзу-умид каби умуминсоний тушунчаларнинг қарор топишига, ҳаётда баъзан учраб турадиган текинхўрлик, лаганбардорлик, разиллик, беодоблик каби салбий ҳолатларни фош этишга қаратилгандир.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» деб номланган кўрсатув марказида катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, кекса авлоднинг барча ибратли анъаналарини ўзида тўла мужассам этган Отахон образи туради. Отахон фақатгина кўрсатувни олиб борувчигина эмас, айни пайтда жуда чигал бўлган ҳаётий можароларни шарҳлаб, баъзан эса уларга бевосита аралашувчи, яқин маслаҳатчидир. Шунинг учун ҳам кўрсатувни «Ёшлиқ» редакцияси тайёрлайди. Лекин Отахон

Ўзининг улугвор ёши, чуқур билими билан катталар ўртасида ҳам обрў қозонган. Ёшлар унинг принципиаллигига, ўткир ақлига, кенг дунёқарашига ҳам тан беришади. Кутарилган ахлоқий масалалар қанчалик муҳим эканлиги кўрсатув якунида аён бўлади. Редакцияга келаётган минглаб хатлар фикримизга асос бўла олади.

Мана шундай мактублардан бири. «Мен «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини доимий равишда кўриб бораман. Мана, бу гал Она, Анвар ва Хуршиданинг тақдири ҳақида «баҳслашув» бўлар экан, мен ҳам ўз фикримни шу жонсиз қоғоз орқали сизларга ҳавола қилмоқчиман, — деб ёзади андижонлик Ҳошимжон Ҳамидов. — Мен ўз мулоҳазаларимни онадан бошламоқчиман. Ҳа, она бу мұтабар, улуғ зотни ким айбдор деб тилга олади? Она ҳеч бўлмагандан фарзандларига охирги кўзёшлари билан ёрдам беради-ку. Шунинг учунми, Она айбдор эмас, бунга ҳаммамизнинг ишончимиз комил. Анвар масаласида мен бир нарсага ҳайронман. Нега ҳамма уни «Анвар» деб баҳслашяпти? Ахир кўрсатувда «Анваржон ака» эди-ку. Унинг гуноҳи нимада? Бўлса бордир, аммо бу гуноҳлар Анваржонники эмас, буларнинг ҳаммаси ўзгаларники. Анваржоннинг ўрнида бошқа бирор бўлса ҳам бу ишни худди шундай қилар эди. Шундай ҳашаматли уй-ҳовли, унинг ичидаги қимматбаҳо жиҳозлар, «Волга» автомашинаси — буларнинг ҳаммасига эришиш учун қанча вақт керак бўлар экан? Менимча, бу ишларни бир кишининг ўзи бажармагандир, албатта. У уйжой сотиб олганда ёки ижарага олганда, маҳалла комитети раиси, маҳалла активлари сўраб-суриштирмадимикан? Ахир у ишга жойлашганда «таржимаи ҳолини» сўраб, шахсий дело (варақа) тайёрлашмадимикан?

Ҳаммасига майли, Анваржон учинчи марта тўйга таклиф қилиб борганда ҳозирги замонамиз анъаналарига кўра комиссия аъзолари нима иш қилди? Балки, улар ҳам Анваржоннинг ногорасига ўйнашиб, ёғли ошлари, ширин-шакар ноз-неъматларидан биргалашиб тотгандирлар? Бу ташкилот раҳбарлари-ю, унинг вакиллари Анваржоннинг қўлидан бекасам тўнларни кийишиб, хурсанд бўлиб юришгандир? Менимча, Анваржоннинг бундай яхши ҳаёт кечиришига фақат ўзи сабабчи эканлигига ҳеч ким ишонмаса керак.

Ҳа, уни қўллаб-кувватлаган — ҳамтовоқлари. Ҳа, ўшалар. Агар олдиндан Анваржонни шу йўллардан қайтаришганда, унинг тартиб-интизомли бўлишига ёрдам беришганда, у бошқа одамлар сингари ҳалол меҳнат қилишга ўрганарди. Хуршидахон ҳали ҳаётнинг лаззатини татимай туриб, баҳт нима эканлигини билмай туриб, оила, фарзанд дийдорига очиқ юз билан қарай олмайди.

Хуршиданинг бу тақдирига унинг ўзи эмас, балки яқин дугоналари айбдор. Бирга юриб, бирга туриб, ёнма-ён ишлашиб, яхшилик гаштини бирга суришган қадрдон дугоналари айбдор. Бир ўзи нима қилсин, дугоналари ва тенгдошлари «Машинаси бор, уйлари ҳашаматли, баҳтли бўласан, жон дегин», деб қўллаб-кувватласа. Ёки «Сен тегмасанг, биз тегамиз ўшанга» деб туриб олишса. Ҳамма ҳам шу чуқурга тушарди. Энди бўлса шу дугоналари ва тенгдошлари, тўйда ўйнаган раҳбарлари Хуршиданинг ўзи айбдор деб юришибди. Қандай қилиб уялишмас экан булар. Ҳурматли телетомошабин дўстлар, келинглар, биргалашиб айбдор бўлган Анваржоннинг ва Хуршиданинг ҳамкасб дўстлари-ю, маҳалла комитети активлари, Хуршиданинг яқин дугоналарини студиямизга яқинроқ чақирайлик.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»нинг илгариги сонларида сюжетли томошалар қилинар эди. Эндиликда эса сценаристларнинг фантазиясига таяниб қолинмасдан, сюжетли кўрсатувлар бевосита хатлар асосида ҳам яратилмоқда. Отахон (кўрсатувни мудом олиб борувчи) сафарларга боради, бўлғуси кўрсатувларнинг қаҳрамонлари билан учрашади, улар билан ҳамкорликда муаммолар ечимини қидиради, эски ёки янги бўлса ҳам, зарарли одат ва тушунчаларга муккасидан кеттаниларга таъсир этади. Кўрсатувда муҳим ахлоқий масалалар зукколик билан таҳлил қилиб борилади.

Долзарб мавзудаги, томошабин дилидаги гаплар топиб айтилган ушбу дастур ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак. Унинг аҳамиятини заррача камситмаган ҳолда, баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» намойишида такрорийлик сезилмоқда. Сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирамиз. Мансабини сунистъемол қилиб, бойлик тўплашга ружу кўйган прокурор ўғил ва ота ўртасидаги муносабатларни

ҳикоя құлувчи күрсатувни олайлик. Таңланған мавзу, ўртага қүйилған масалалар, актёрлар ижроси мақбул. Бироқ, мазкур күрсатув күп марта тақорланиши оқибатида таъсир кучини йүқотиб қўйган. Иккинчидан, шу күрсатувнинг муқаддимасини иложи борича бошқачароқ тарзда тайёрлаган маъқул. Чунки муқаддимада, кўпинча томошабинни ишонтира олмайдиган, атай уюштирилган воқеалар баён қилинмоқда. Халқ орасида эътиборга сазовор бўлган ушбу кўрсатувнинг изланишлар доираси кенгайишини, таъсир кучи янада ўткирлашишини истардик.

«Телевизион миниатюралар» театрининг асосий аргументи — жамиятимизнинг олға ҳаракатига халақит берәёттан камчиликлар устидан кулиш, халқ театрлари анъаналарини ривожлантирган ҳолда актёрлар ўз чиқишилари билан турмушда учрайдиган бадмастлик, эгрилик, ширин ҳаётимизга раҳна солиб турган барча салбий нарсаларни танқид қиласи. Дастан муаллифлари экранда муҳим ижтимоий иллатларни ҳажв қилишга интиладилар. Мана шунинг учун ҳам кўрсатувлар ранг-баранг, бунда енгил кулгидан тортиб, газабни қўзғатувчи танқидлар ҳам бор. Кўрсатув қаҳрамонларининг исм ва фамилияси йўқ, аммо салбий типларнинг умумлашма образлари бор. Айни пайтда, реал воқеликни ҳис қилишда томошабинлар билан ҳамкорлик бор. «Менимча, оддий ахборот, оддий тарғибот ҳам жуда зарур ва муҳим, — деган эди кулги тождори Аркадий Райкин. — Лекин тарғибот бадиий ифодани, равонликни топди. Зоро, бу билан мен шуғулланаман. Бу билан бизнинг театр шуғулланади. Ўзимча, театримизнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини қайта баҳоламоқчи эмасман». Ҳозир « зангори экран»да шундай кўрсатувлар учраб қолади. Бошловчи ўтириб олиб гапира бошлайди: «Ўртоқлар, ўзаро муносабатда самимий, қатъий, меҳрибон бўлишимиз керак». Менимча, бу ҳеч ҳам қизиқарли эмас. Тарбияни ё конкрет ижобий фактлар мисолида, ё бизга ўхшаб олиб бориш керак. Ўзига жалб этмайдиган персонаж бадиий шаклда кўрсатилсагина қайси типни муҳокама этаётганимизни, нимани ташвиқот қилаётганимизни омма дарров тушуниб олади.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг қизиқишиларини ўрганиш, томошабинлардан келаётган хатларни умумлаштириш

«Ёшлик» редакциясининг «Баҳс» деб номланган кўрсатувининг туғилишига олиб келди. У ҳозирги кунимизнинг долзарб муаммоларини ўргага қўйиши, телетомошибинларга бевосита мурожаат қилиши билан ажралиб туради.

Ахлоқий мавзудаги «Баҳс»нинг пайдо бўлиши истеъодли ёзувчи ва телевидение ходимларининг ижодий изланишлари самарасидир. Бу кўрсатувда бугунги ёшларимизни ҳаяжонлантираётган кўпгина ахлоқий муаммолар ҳақида мунозаралар юритилади. Бу дастурнинг муваффақият қозонишида, шубҳасиз, кўрсатувни мароқ билан олиб борувчи ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг нотиқлик санъати қўл келди. Унинг ҳар бир воқеага, мавзуга бўлган самимилиги, у ёки бу саволни чин дилдан муҳокама қилишга ёшларни чорлаши, жамоатчиликнинг фикрини ўзига тортиши ёшлар ўртасида барқарор дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

«Баҳс»да кундалик турмушимиздаги энг долзарб ҳаётий, ахлоқий масалалар хусусида сўз кетади. Конкрет мисоллар билан унинг ижтимоий томонларини очишга, сабаб ва оқибатларини чукур таҳлил қилишга интилади. Айниқса, «Баҳс»нинг «Нон қадри», «Вақт қадри» деган, лоқайдлик, ичқиликбозликни фош этган сонлари телевизорни қаршисида ўтирган ҳар бир томошибинни кўрсатувнинг бевосита иштирокчисига айлантирди.

«Баҳс» ҳам турли фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлаётган қизиқарли кўрсатувлардан бири. Айниқса, нон қадри ва бугунги тўйларимиз хусусидаги баҳслар кенг томошибинлар оммасига маъкул бўлмоқда. Муҳтарам ота-оналар, кекса педагогларнинг иштироки кўрсатув қимматини оширишга, шубҳасиз, катта ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда баъзи истакларимиз бор. Айтайлик, нон қадри ва тўйларимиз ҳақидаги баҳсларни қайта-қайта айнан такрорлаш ўрнига, мавзу ўзгартирилмай, бошқачароқ шакл танланса бўлмасми кан? Масалан, улар бирор маҳаллада ёки бирор корхона, олий ўкув юрти, мактаб билан ҳамкорликда турли мавзудаги кўрсатувлар тайёрланса. Бизнингча, кўрсатувларнинг оммабоплиги, таъсири ошарди. Яна бир гап. Экран миллион-миллион кишиларники. Демак, уни ёшу қари бирдек томоша қиласи. Назаримизда, «Баҳс»дан асосий мақсад янгича урфодатларни кенгроқ тарғиб этиш, ёшларда ахлоқ идеалларини

камол топтиришдир. Шундай экан, экран орқали ёш-ёш йигит-қизларимизнинг насиҳат қилишлари қандай бўларкин? Албатта, ёшларнинг фикрини билиш маъносида бу фойдали тадбир. Ҳар ҳолда, кўпни кўрган, муайян ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар қўпроқ қатнашишини истардик.

## ТЕЛЕВИЗИОН ТЕАТР: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродағи сайёҳ ҳар доим булоқлардан чанқовини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кўплаб атоқли кишилар телевидение бошқа анъанавий санъатларни қисиб чиқармайди, аксинча, уларнинг умрини узайтиради, деган фикрдалар. «Телевидение кундалик ҳаётимизга сингиб кетди, — дейди таниқли актёр Николай Анненков, — телевидение жуда кенг ва ранг-барангдир, у инсон фаолиятининг барча соҳаларини — сиёсатдан тортиб санъатгача, ҳаммасини қамраб олмоқда. Тўғри, телевидениени ҳамма ўз уйида — айрим-айрим жойларда кўради. Аммо, айтайлик, телевидениеда бирор кўп серияли фильм берилди ёки бирор донгдор кишининг ёрқин чиқиши бўлди, ёки сиёсий курсатув берилди. Агар булар қизиқарли бўлса кўпчилик учун, ҳатто нотаниш одамлар учун ҳам умумий сұхбат мавзуи юзага келади. Шу тариқа телевидение жуда кўп одамларни яқинлаштира олади».

Теледраматургия — телевизион асарнинг биринчи асоси бўлиб, адабиёт ва санъатнинг алоҳида мустақил туридир. Теледраматургиянинг композицион қурилиши, бир томондан, драматургия ва кино қонун-қоидаларига, иккинчи томондан, телевидение спецификасига бўйсунади.

Телекўрсатувлар орасида энг оммабопи ТЕЛЕВИЗИОН ТЕАТР ҳисобланади. Уни бир йўла миллионлаб томошабин кўра олади. Телевизион постановкаларни мунтазам кўриб бориш орқали томошабинларда дид, эстетик дунёқараш шаклланади. Бу жиҳатдан унинг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Бундан 30—40 йил илгари ёзувчилар асарларини

телевидение орқали кўрсатишдан чўчишарди. Телевидениеда қўйилса, китобхон уни ўқимай ёки театрга бормай қўйишиди, деб ўйлашарди. Тажриба эса, шубҳасиз муваффақиятли тажриба телевидение ёзувчи билан китобхонни боғловчи асосий кўприк, яқин дўст эканлигини исботлади. Телевидениеда муваффақиятли экранлаштирилган «Улуғбек хазинаси», «Навоий», «Кутлуг қон», «Диёнат», «Ҳаким ва ажал», «Умид», «Гирдоб», «Абадият қонуни», «Меҳробдан чаён», «Юлдузли тунлар», «Кеча ва кундуз» асарлари сўнгти йиллар ичida қайта-қайта нашр этилган бўлса-да, мазкур китобларни дўконлардан қидириб тополмайсиз. Бу, шубҳасиз, телевидение санъатининг адабий асарлар шуҳратини янада ошираётганлигини кўрсатади. Ҳар гал телевидение учун асар танлаётгандан ижодий жамоа олдида қатор муаммолар пайдо бўлади. Бу асар қайси хусусиятлари билан юксак дидли миллионлаб томошабинлар эътиборига ҳавола этишга арзиди? Асарни телевидение орқали кўрсатишдан мақсад нима? Асар ҳақида адабий жамоатчиликнинг яхши фикрига соя ташлаб қўймаймизми? Экранлаштирилганда асар ҳаҳрамонларига иккинчи ҳаёт бағишлай оламизми ёки йўқми? каби саволларга қониқарли жавоб олингачгина, асар устида ижодий жараён бошланади. Чинакам бадий асарни ҳар бир авлод ўзича кашф қиласиди, унинг саҳифаларида яширинган янги-янги томонларини топади. Ундан ўзига сабоқ олади.

Ойбекнинг «Кутлуг қон» романни шундай умрбоқий асарлардан бири. Роман асосида театр спектакли, кинофильм, радиопостановка тайёрланган бўлса-да, ҳамон бу асар китобхонлар томонидан қўлма-қўл ўқиласиди. Ўзбекистон телевидениесида «Кутлуг қон» видеофильмигача муайян йирик асар асосида кўп қисмли видеофильм яратиш тажрибаси йўқ эди. «Кутлуг қон» ўзбек телевидениеси тарихида илк тажриба бўлди. «Кутлуг қон» романни — кино ва театр санъати талабларига анча мос келадиган, драматик вазиятларга бой асар. Бироқ, бадий асар нечоғлиқ саҳналаштиришга қулай бўлмасин, унинг бутун қиёфасини тўлатўқис экранда акс эттириш қийин. Бунга анча меҳнат эвазига эришиш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан бадий асар устида ишловчи сценаристга улкан масъулият юклайди. «Кутлуг

қон» видеофильмининг ижодкорлари романни экранлаштиришга чукур масъулият билан ёндашган. Сценарийда романнинг асосий тоясини сақлаб қолишига, асосий диққат-эътиборни ўзбек меҳнаткашларининг революцион уйғониш йилларида ўзини, ўз миллий ва синфий хуқуқини қандай қилиб англаб етганини Йўлчи характерининг эволюцияси орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Сценарист Мели Маҳкамов романга ижодий ёндашган. У видеофильмнинг ўзига хос талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб, бош қаҳрамонларнинг шаклланишига бевосита хизмат қилмайдиган талай картина ҳамда эпизодик образларни сценарийдан тушириб қолдирган. Бош қаҳрамонлар тўқнашадиган саҳналар қўшимча деталлар билан бойитилган. Бу эса кўп ўринларда ўзини оқлаб, видеофильмнинг таъсирчанигини оширган. Ёрматнинг Салимбайваччани ўлдириш саҳнасини эслайлик. Романда Ёрмат Салимбайваччани ўлдиригач... кўзлари нотинч ёниб, жавдираған, бошини чайқаб, сўлигини ғажиган отни силаб-сийпаб, сўнг қоронгуликка кирди. Қаёққадир илдам жўнаркан, лаблари муттасил пичирларди... «Нима қилиб қўйдим? Гуноҳми ё савоб? Соқолим оқарганда қўлимни қонга ботирдимми? Мана, ҳали ҳам бармоқларимга чилп-чилп ёпишади! Йўқ, мен қизимдан сўрайман. Айт жоним, Гулнор айт! Мен ёлғиз сенинг қаршингда гуноҳкорман. Сен айт, маъкул бўлдими? Бу қон оз десанг яна тўкаман...»

Видеофильмда Ёрматнинг бу монологи қизи Гулнорнинг мозори тепасида айтилади. Бу ҳол монологнинг таъсирчанигини янада оширган. Йўлчи онасининг ўлими ҳақидаги совуқ хабарни романда дастлаб Мирзакаримбойдан эшитади. Видеофильмда эса ҳамдард дўстлари — Шокир ота ва Қоратойлар сухбатида билиб қолади. Шу хилдаги романни бойитган, ёзувчи концепциясига зарар етказмайдиган деталь ва картиналарни видеофильм сценарийсидан қўплаб келтириш мумкин. Романга (экрандаги) иккинчи ҳаёт бағиашлашда постановкачи режиссёр Мели Маҳкамовнинг хизмати катта. Унинг сўнгти йилларда саҳналаштирган «Ҳазрати инсон», «Мукофот» телеспектакллари телетомошибинларга яхши таниш.

«Кутлуг қон» видеофильмида эса режиссёр талантининг янги қирраларини кўрамиз. У асардаги образларга мос

актёрлар танлай олган. Актёрларга роль тақсимлашда ҳам диққат-эътиборни унинг фақат ташқи қиёфасигина эмас, балки образнинг ички оламини қандай очиб бера олишига қаратган. Натижада, видеофильмда асарнинг бош қаҳрамонлари Йўлчи, Гулнордан тортиб, эпизодик характердаги Фазлиддингача деярли барча актёрлар ўзларига топширилган ролларни ҳаётий, ишонарли ижро этишган.

Йўлчи образи, шубҳасиз, Теша Мўминовнинг актёрлик фаолиятидаги дадил қадам. Унинг гавдаси, хатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан романдаги Йўлчини эслатади. Оддий қишлоқ йигити Йўлчининг исёнкор курашчи даражасига кўтарилиши, бу йўлдаги курашлар, унинг маънавий дунёси, орзуумидлари Теша Мўминов ижросида табиий чиққан. Афсуски, видеофильмнинг сўнгги картиналарини кузатган томошабинда Теша Мўминов талқинидаги Йўлчида жанговарлик, дадиллик қисман етишмаётгандек таассурот қолдиради. Гулнор Ойбек романида ҳам, шу асар асосидаги видеофильмда ҳам энг жозибали образлардан бири. Видеофильмда Гулнор образини ёш актриса Насиба Усмонова маҳорат билан талқин этди. Насиба бу образнинг романтик ва драматик мазмунини яхши ҳис эта олган. Ёш актриса изланувчалиги, тиришқоқлиги билан фақат режиссёргина эмас, балки телевизор мухлислирининг ишончини оқлади. У содда ва самимийлиги, қалб гўзаллиги билан телетомошабин кўз ўнгига узоқ сақланадиган мукаммал образ яратди. Видеофильмнинг муваффақиятида юксак ижрочилик маҳорати билан кўпчиликка манзур бўлган атоқли санъаткорлар Сора Эшонтураева, Наби Раҳимов, Раззоқ Ҳамроевларнинг хизмати катта бўлди. Улар ўзбек меҳнаткашларининг типик вакиллари бўлган Ёрмат, Шокир ота, Гулсумбиби образларини улкан санъаткорга хос ҳаётий ижро этишга эришганлар.

Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Сайдқосимов Мирзакаримбойнинг маккорлик, қабиҳлик, қувлиқдан иборат ички оламини табиий ва ишонарли гавдалантира олди. Мирзакаримбой Пўлат Сайдқосимовнинг актёр сифатидаги камолотини кўрсатиш билан бирга, унинг ижодий биографиясини яна бир ёрқин образ билан бойитди. Шунингдек, мазкур видеофильм кўпгина ёш актёрларга ўз иқтидорини

кўрсатиш учун катга ижодий синов бўлди. Ҳамза театрининг истеъдодли ёшларидан Марат Азимов билан Сайдкомил Умаровни кўпчилик лирик пландаги актёр қиёфасида тасаввур этишарди. «Кутлуғ қон»да ҳар иккаласи ҳам (М. Азимов — Салимбайвачча, С. Умаров — Абдушукур) ўша даврга мувофиқ салбий образларни ўзига хос талқин этиб, талантининг янги қиррасини кўрсата олди.

Наримон Муҳамедов (Фазлиддин) ҳамда Тамара Маҳкамова (Нури) ижролари ҳам видеофильмни безади. Актёр Наримон Муҳамедов бойнинг қуёви Фазлиддин образини такрорланмас қиёфада талқин этди. Фазлиддиннинг ташқи қиёфаси, Нури билан сұхбатидаги ўзини тутиши, сўзлаш оҳангини кўрган телетомошабин таъсиранмасдан иложи йўқ. Табиатида енгилтаклиқ ва макр устун бойнинг севимли қизи Нури актриса Тамара Маҳкамова талқинида ҳаётий ва ишонарли чиққан. Саҳнада Нури пайдо бўлдими, томошабин дарров сергакланади. Хаёлидан «Ҳозир бир балони бошлияди...» деган ўй ўтади.

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий жамоаси йил сайин ўз кўрсатувларининг мавзуи ва мазмунини бойитиб бормоқда. Таниқли адаб Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи асосида яратилган беш қисмли видеофильм бунга яхши мисолдир. «Диёнат» романи ғоявий-бадиий пухталиги, кўтарилилган масаланинг ниҳоятда актуал ва маънавийлиги билан адабий танқидчилик ва китобхон эътиборини тортган эди. Шу маънода, мазкур асарнинг телэкран воситасида талқин этилиши ўринли ва унумли натижа бериши табиий эди. Аммо, асар қанчалик драматик ситуациялар, бақувват ва мураккаб характерларга эга бўлмасин, уни экранлаштиришнинг ўзига хос мушкуллуклари, мураккабликлари бўлади. Бу, аввало, асар ғояси ва салмоғини сақлаган ҳолда сценарий яратиш, уни экранлаштиришда ҳамкорлик кўрсатувчи рассом, оператор ҳамда актёrlар ансамблини ягона бир мақсад сари йўналтиришга боғлиқ. Шунга кўра, ҳар бир сценарий автори мазкур жанрнинг ўзига хос спецификасини ҳисобга олган ҳолда асар ғоясига заррача халал етказмайдиган тарзда ижодий маҳорат кўрсатиши лозим. Бу ўз-ўзидан бадиий асар устида иш олиб борувчи сценаристга қўшимча масъулият юклайди.

«Диёнат» видеофильмини яратган ижодий жамоа романни экранлаштиришда изланувчанлик йўлидан борди. Сценарий автори Мақсуд Юнусов романнинг асосий гоявий йўналишини чуқур англаб, бутун диққат-эътиборини ўзибилармон раис Отакўзи ва саботли олим Шомуродов характерини очишга, уларнинг қалби, руҳий дунёсида содир бўлаётган ўзгаришларни, драматизмни кўрсатишга, воқеа, тўқнашувларни гоҳ Отакўзи, гоҳ профессор Шомуродов билан бўлган учрашув фонида умумлаштиришга интилган. Экран талабига кўра, асарнинг айрим ўринлари қисқартирилиб, яхлитлаштирилган. Асосий қаҳрамонлар тўқнашадиган саҳналар эса қўшимча деталлар, эпизодлар билан бойитилган. Видеофильмнинг муваффақиятли чиқишида актёрлар ансамблининг яхши танланиши муҳим аҳамият касб этган. Айтиш мумкинки, видеофильмдаги асар гоясини характерловчи асосий кучлар ҳисобланган Отакўзи ва домла Шомуродовдан то эпизодик характердаги Прохор чолгача деярли барча ролларнинг ҳаётий талқин этилишига муваффақ бўлинган. Энг муҳими, уларнинг хатти-ҳаракати табиий, ички олами жонли, ишонарли чиққан. Отакўзи (Ўзбекистон халқ артисти П. Сайдқосимов) видеофильмдаги мураккаб, кўп қиррали, актёрлардан кўп ва хўп меҳнат ҳамда маҳорат талаб этадиган образлар сирасига киради. Иқтидорли актёр ижросидаги Отакўзи телетомошабин кўз ўнгида бир кўринишда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, босиқ, мулозазакор, бутун онгли ҳаётини колхоз иқтисодини кўтаришга қаратган ташаббускор хўжалик раҳбари, меҳридарё инсон, иккинчи бир кўринишда эса ўзгалар билан ҳисоблашмайдиган, чўрткесар, босар-тусарини билмай қолган бир шахс сифатида намоён бўлади.

Видеофильмдаги энг жозибадор, томошабин қалбida муҳрланиб қоладиган образлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов томонидан маҳорат билан яратилган Нормурод Шомуродов образидир. Актёр бу образнинг ички олами, бой руҳий дунёсини очишга муваффақ бўла олган. Оқибатда Шомуродов маънавий олами бой, принципиал, дили пок инсон сифатида томошабин қалбидан чуқур жой олади, уни чуқур ўйга толдиради. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, романдаги Фазилат образининг

экран талқини Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова ижросида муваффақиятли чиққан. Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтураева (Гулсара опа), Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов (Кудратхўжа), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Толиб Каримов (Аброр Шукуров), Пўлат Носиров (Бўрибоев) ҳамда Эркин Комилов, Гулчехра Саъдуллаева, Ёдгор Саъдиев, Марат Азимов, Маҳмуд Дўстматов каби ёшларнинг ижрочилик маҳорати ҳам ўзининг табиий ва самимийлиги билан телетомошабин диққатини жалб этади. Видеофильмнинг ютуқлари ҳақида гап борганда, операторларнинг хизматини ҳам алоҳида қайд этиш ўринидир. Оператор Т. Қурбонов ва Р. Соатовлар асосий қаҳрамонлар тўқнашадиган саҳналарни суратга олишда ижодий излангани сезилиб туради. Отакўзи ва Шомуродов, Фазилат ва Бўрибоев, Шомуродов ва Кудратхўжа, Отакўзи ва Шукуров, Жаббор ва Бўрибоев тўқнашадиган саҳналар, Шомуродов, Фазилат ва Отакўзининг ички монологи бериладиган картиналарнинг йирик планларда кўрсатилиши, айниқса, таъсирчан чиққан.

«Диёнат»да истеъоддли рассом Сайдакмал Расулов чизган расмлардан инкрустация орқали кенг фойдаланилган. Бу усул университет биноси, дала шийпони, тоғ манзараси, мозор кўриниши акс эттирилган картиналарда ўзини оқлаган ва табиийлик касб этган. Аммо, баъзи ўринларда ёш рассом камчиликларга ҳам йўл қўйган. Жумладан, видеофильм декорациясида яхлитлик ҳамиша ҳам сақланавермаган. Бунинг учун ё ҳамма ўринда инкрустациядан фойдаланиш ёки бу усулдан воз кечиб, киносъёмкада суратга олиш ёхуд ҳар икки воситани маҳорат билан қўллай билиш лозим эди.

Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб» романи асосида тайёрланган видеофильм ҳам телетомошабинларга манзур бўлди.

«Биз — деб ёзишади Бухоро вилоятидан Тошевлар, — бу видеофильмни кўриб, Азизнинг қайғусига ҳам, шодлигига ҳам шерик бўлдик. Азиз образини ижро этган артист Эркин Комиловга минг тасанно айтгимиз келади. Бу образ Эркин Комилов томонидан шундай маҳорат билан яратилганки, биз уни сўз билан таърифлашга ожизмиз».

«Мен, — деб ёзади Тошкентдаги 157-мактабдан Маҳбуба Назарова — автобусда ёки қатта-кичик дўсту биродарлар

орасида бўлганимда, ҳамманинг оғзида шу фильм муҳо-камаси эканлигини кўрдим. Айниқса, тўртинчи қисм бўла-диган кунни зориқиб, юрак ўйнофида кутдик. Нечун дерсизлар? Чунки бўлажак олим Азизнинг тақдири нима бўлар экан, ишқилиб онасининг туши тўғри чиқмасин-да, деган ўйлар билан кутдик».

Романда пахтакор республикамиз учун муҳим ишга бел боғлаган олимлар ҳаёти, уларнинг мураккаб илмий фаолияти, бу йўлдаги қийинчиликлар, кашфиётлар, ғалаба ва мағлубиятлар реал ифодасини топган. Видеофильмда эса ана шу воқеалар, мураккаб вазиятлар шундоққина кўз ўнгимизда қайтадан жонланди. Бу роман асосида «Ўзбек-фильм»да ишланган «Танҳоликда» асари катта экранларда намойиш этилди. Ушбу фильмнинг айрим ютуқларини эътироф этган ҳолда, унинг видеофильм даражасига етолмаганини кўпчилик мутахассислар таъкидлашмоқда.

«Гирдоб» видеофильмининг асосий ютуқларидан бири муаллифнинг фикри ва ғояларини ишонарли, ҳаётий қилиб томошабинга етказа олган постановкаси режиссёр М. Юнусовнинг хизмати бўлса, иккинчиси, Ҳамза номидаги академик театрнинг етакчи санъаткорлари З. Мухаммаджонов, П. Сайдқосимов, Ё. Аҳмедов, Т. Орипов, М. Юсупов, Қ. Хўжаев ва талантли ёш истеъдод эгалари Э. Комилов, Г. Жамилова ва Ё. Саъдиевлар ўз ролларини жуда маҳорат билан адо этган-лигидадир.

Томошабин бош қаҳрамон Азиз (Э. Комилов) қувонса, дилдан қувонади, у йиғласа, қўшилиб йиғлайди. Бу муаллифнинг, санъаткорнинг ажойиб ютуғи, асарнинг эса умрбоқийлигидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда, артист Эркин Комилов бу образни аввалги яратган образларига қараганда анча тұлақонли чиқишига эришган. Бу образи унинг келажагига умид уйғотади.

Муҳиддин Жабборов (Тўйчи Орипов) ва Расул Оллоёров (Ёкуб Аҳмедов) образларини кўрар эканмиз, бизда шу кишиларга нисбатан ғазабу нафрат ва ижрочиларга эса характерли кишилар образини тўлиқ очиб берганлиги учун меҳрумұхаббатимиз ортади.

Маҳамат чатоқ образи ҳам Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Сайдқосимов ижросида жуда ёрқин ифода этилган. Пўлат

Сайдқосимовнинг ижодий фаолиятини видеофильмдаги Азиз Қосимов кашф этган янги навга қиёслагимиз келади. Маълумки, Пўлат Сайдқосимов кўпроқ салбий роллар ижро этади. Ҳатто дубляж фильмларда салбий образларга овоз беради. Салбий типлар ҳам актёр талқинида ўринли чиқади. Лекин, кейинги пайтларда Пўлат Сайдқосимов ижросида ҳам «янги навлар» пайдо бўла бошлади. Санъаткорни ижобий образларда кўра бошладик. Актёр ижодий фаолиятида яратилган бу «янги нав» яхши самара беришига кўпчиликнинг ишончи комил. Маҳамат чатоқ — бригадир, оддий ўзбек пахтакори, қисқаси, замондошимизнинг реал образи. Маҳамат чатоқнинг хатти-ҳаракатлари, кийиниши, гапириш манераси, пахтага, одамларга муҳаббати актёр ижросида жуда жозибали ва жонли қилиб гавдалантирилган.

Видеофильмдаги ҳаётий образлардан яна бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Жамилова талқинидаги Салтанат образидир. Г. Жамилова Салтанат образи орқали ҳалқимиз кўнглида сақлайдиган «эр-хотин қўш ҳўқиз, оиласда ҳар хил қийинчиликлар, етишмовчиликлар бўлиши мумкин, ана шу ўткинчи қийинчиликларга бардош берган одамгина оила мустақиллигига эришади», — деган гояни тўлиқ бера олган. Бу шубҳасиз, роль ижрочисининг ўтқир истеъдодидан далолат беради. Асарда кўтарйилган масалалар, олимлар орасидаги илмга фидойилик, шу билан бир қаторда, баҳил, худбин, нопок кишиларнинг ҳам илм даргоҳига баъзан кириб қолиши ҳоллари, бу нафақат пахта илмигагина эмас, барча соҳаларга ҳам тааллукли бўлиб, асарнинг таъсирчанлигини янада оширган. Баъзилар экранда айнан ўзларини кўраётганликлари мазкур асарнинг тарбиявий роли ўта баландлигидан далолат беради. Хуллас, видеофильм ижодкорлари олимлар ҳаётини, уларнинг ички дунёсини, «Игна билан қудуқ қазиш» жараёнларини жуда холисона, объектив, шу соҳанинг ўта билимдони сифатида ёритиб берган.

«Мен кўп сонли телетомошибинлар қатори замонавий мавзуларда намойиш этилаётган спектаклларни чанқоқлик билан кузатиб бораман, — деб ёзади Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Иномжон Шерғозиев. — Ўлмас Умарбеков асари асосида тайёрланган

«Қиёмат қарз» спектаклини томоша қилиб, жуда катта маънавий завқ олдим. Асарнинг мавзуси жуда долзарб, унда ифодаланган юксак ғоялар куй ва қўшиқ каби янграйди, инсон қалбини ҳаяжонга солади. Буюк шоиримиз Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» асарида «Менга на ишқ, на ошиқлик ҳавасдир, агар мен одам эрсам ушбу басдур» деганидек, инсонга зарур бўлган меҳр-муҳаббат, оқибат ғояси ниҳоятда ёрқин ифодаланган. Мен буни асар бош қаҳрамони Сулаймон ота образини юксак маҳорат билан ўйнаган Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов талқинида кўрдим».

Зоро, ватан ва халқни севиш, ҳалоллик, дўстга, оиласа садоқат, қаҳрамонлар хотирасини қадрлаш, мансабпарамастликка, худбинлик, очқўзлик, хуллас, адолатсизликнинг барча кўринишларига муросасизлик каби инсоний хислатлар Шукур Бурҳонов ижросида табиий, ишонарли чиққан.

«Мен ҳам миллионлаб телетомошабинлар қатори «Қиёмат қарз» видеофильмини зўр қизиқиши билан томоша қилдим. Бу видеофильм менга жуда катта таъсир этди, — деб ёзади Самарқанд архитектура институтининг талабаси МамадалиFaффоров. — Қани энди жамиятимиздаги барча инсонлар Сулаймон отадек пок, вижданли бўлса.

Сулаймон ота! Сизларнинг эзгулик йўлидаги шонли анъаналарингизни давом эттиришга биз ёшлар сўз берамиз. Баҳтли ҳаётимизни янада фаровон этиш учун жонини аямаган барча отахонларимиз, акаларимиз қалбимизда мангум яшайди. Орамизда Сулаймон отадек қалби пок, ҳалол, диёнатли отахонларимиз кўпаяверсин!».

Бу икки мактубдан олинган сатрларнинг ўзиёқ «Қиёмат қарз» спектаклининг телиежроси кўпчиликка манзур бўлганидан далолат беради.

Республикамиз маданий ҳаётида воқеа бўлган телепостановкалардан бири ўн серияли «Навоий» видеофильми шубҳасиз, жамоанинг кўп йиллик ижодий изланишлари самараси бўлди. Бу постановка улкан адид Ойбекнинг шуномли романи асосида яратилди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсад Юнусов экранлаштириди. Видеофильм томошабин синовидан муваффақиятли ўтди. Телевидениега келган минглаб мактублар, билдирилган фикр-мулоҳазалар шундай холосага келишга асос беради. Бу

муваффақиятнинг сири нимада? Энг асосий сири — видеофильм пойдевори саналмиш сценарийнинг пухта ва мукаммалигида. Тажрибали режиссёр М. Юнусов роман инсценировкаси устида узоқ ва ижодий изланди. Маълумки, инсценировка даврида айрим боблар қисқартирилди, баёнлар диалогга айлантирилди. Ойбекнинг бошқа асарларига мурожаат қилинди, Навоий ҳақидаги илмий адабиётлардан, халқ афсоналаридан фойдаланилди. Шунингдек, постановкачи режиссёрнинг ҳар бир серияга мос пролог ҳамда томошабин диққатини сериядан-серияга ушлаб турадиган ҳаяжонли якун ҳамда видеофильм учун шоирона, симфоник финал топа олганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз. Видеофильм муваффақиятининг иккинчи сири — образларнинг кўпчилик ижрочиларга тўғри тақсимланганлигидадир.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Олтин фонди»да Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика Давлат мукофоти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Мақсад Юнусов яратган асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. У қарийб ярим асрдан буён шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоийнинг бой адабий меросини халқа етказиш, шоир шахси ва фаолиятининг ибратли жиҳатларини авлодларга қолдириш учун сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Буюк шоир «Хамса» достонининг кириш қисмida — ўзидан аввал ўтган «Хамса»навис устозларга бағишилаб шундай ёзганди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Худди шунингдек, Навоий асарларига қўл уриб, шоир меросининг бутун фалсафаси, бадиий мукаммалиги, гўзалликлари билан замондошларга етказиб бериш ҳам осон эмас.

Зоро, Навоий асарларининг ҳар сатрида олам-олам маъно яширгани, бадиий воситаларнинг бетакрор ва гўзаллигини дастлаб «Фазал оқшоми» (70 йилларда) кўрсатувини тайёрлай бошлаганимда англағанман, дея эслайди Мақсад Юнусов. Кўрсатувга шоир Эркин Воҳидов бошловчилик қиласарди. Навоийшунос олимлар Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайит-

метов, Алибек Рустамовлар дастурнинг доимий иштирокчилари эдилар. 40—50 дақиқа давом этадиган кўрсатувда Навоийнинг битта газали таҳлил этиларди. Баъзан битта газалнинг таҳлили, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни мана шу фурсат ичига сифдира олмай ҳам қолардик.

Бир куни Алибек Рустамов менга ёзувчи Ойбекнинг «Навоий» романи билан танишиб чиқиши, агар шунга журъатим етса, уни экранлаштиришни маслаҳат бердилар. Аслида, мен «Навоий» романи билан олдиндан таниш эдим, яна ўқиб чиқдим. Лекин бу йирик насрға қўл уришдан аввал улуғ шоир шахси билан боғлиқ яна бир асар — Ойбекнинг «Гули ва Навоий» достони асосида видеофильм тайёрлагандим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: видеофильм эфирга кетганидан кейин муҳаррир иккаламиз Ойбек домланинг уйларига бордик. У пайтда адабнинг соғлиқлари анча ёмонлашиб, гапиролмай қолган экан. Кўзларидаги қувонч, қўл ишоралари билан видеофильм яхши чиққанини тушунтирганлари ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Рафиқалари Зарифа опа Сайдносирова ёзувчининг имо-ишораларини шарҳлаб турдилар. Шундан кейин «Навоий» романи асосида видеофильм сценарийсини ёзишга киришганмиз.

Қарийб ўн икки соат давом этадиган нафис видеофильмда Алишер Навоийнинг болалигидан умрининг охиригача бўлган ҳаёт лавҳалари бирин-кетин гавдаланади. Биринчи қисмдаги дастлабки эпизодларда пайдо бўлган Алишер ёшига нисбатан оқишу донолиги, зеҳнининг ўткирлиги-ю, мушоҳадаларининг теранлиги билан бизни мафтун этади. Ҳатто, наҳотки ёш болада бунчалик зукколик мавжуд бўлса, деган андиша қўланкаси ҳам соя солиб ўтади. Лекин Алишернинг жуда ёшлигидан газаллар битганини, устоз Лутфийни қойил қолдирганини, кўп китобларни ёдлаганини эсласак, унинг фикри камолига асло шубҳа қилмаймиз. Алишернинг бобоси билан қилган сұхбатлари, дўсти Ҳусайн билан тортишувлари, зўрлик, қилич, қон тўкищ йўлларини рад этиб, қалам, сўз, адолат билан элга хизмат қилишга чоғлангани унинг буюк инсон бўлиб етишувига ишонч туғдиради. Режиссёр ва сценарий муаллифи Мақсад Юнусов шоирнинг болалик йилларини

талқин қиларкан, «Навоий» романининг материаллари билантина чегараланмайди, балки адабнинг «Алишернинг ёшлиги» қиссаси, Миркарим Осимнинг айрим асарларига ҳам мурожаат қиласди. Шу асосида мутафаккир камолоти пиллапояларини батафсил, ишонарли, мароқли талқин этишга ҳаракат қиласди. Фақат воқеаларни танлаш, жанр талабларига мослаш ҳақида эмас, шоирнинг болалик ва ўсмирилик чоғларини ўйнайдиган актёр танлаш ва улар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор беради. Қирқ ўқувчи орасидан танлаб олинган тўртинчи синф ўқувчиси Дониёр Содиқов билан эринмай ижодий ҳамкорлик қилиб, бадиий ўқиш, ёд олиш, талаффуз этиш устида меҳнат қилди.

Албатта, ёшлигиданоқ ҳаммани ҳайратга солган Алишернинг иқтидорини Дониёр Содиқов ижросида ҳамма жиҳатдан тўлақонли талқин қилинган деб айтолмасак-да, видео-фильмдаги ёш Алишерга ишонамиз, унинг беғубор ижросига, маъсумлигию зукколигига мафтун бўламиз.

Алишернинг ўсмирилик, йигитлик чоғларидаги ҳаётининг талқини бошқа бир актёр — Фурқат Аҳмедовга топширилган. Биз энди балофатга етган, фалсафий фикрлари теран, ғазаллари чуқур маъноли, эл-улус, давлат аъёnlари олдида нуфузли кишини, подшоҳ саройидаги фитначиларнинг галамисликларидан азият чеккан, дунёқарашлари шакланган етук йигитни кўрамиз. Таҳсил, илм-фанни эгаллаш билан банд бўлган, сарой амалдорларининг фисқу фужурлари туфайли ота-онасидан, уй-жойидан айрилиб, Ҳусайн Бойқаро томонидан туриб сиёсий курашлар гирдобига тортилади. Унинг оқилона фикрлари,adolatпарварлиги, халқ орасидаги нуфузининг ортиб бориши тожу тахт учун курашаётган Ҳусайн Бойқарога қўл келади, уни саройнинг энг юқори мартабали амалдорлари қаторига кўтаради, кўп масалаларни ҳал қилишда шоҳ у билан маслаҳатлашади, унинг оқилона фикрига қулоқ солади.

Аммо Мажидиддин парвоначи бошчилигидаги фитначилар, амалпараст беклар, зулмкор қозилар Алишерни саройдан узоқлаштириш, унинг тарафдорларини йўқотиш, қатл қилиш, зиндонга ташлаш, ўзини эса Астрободга бадарға қилиш каби шум ниятларини амалга оширадилар.

Улар шаҳзодалар ўртасидаги тож-тахтга интилиш майларидан, шоҳнинг суюкли хотини Ҳадичабегимнинг ўғли Музаффар Мирзонинг тахтга ишқибозлигидан ўзларининг жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланиб, шаҳзода Мўмин Мирзони ўлдиририб юборадилар. Бу эса ўртадаги низоларни кучайтиради, отани ўғилга душман қилиб қўяди.

Тарих олдида юzlари қаро бўлган кишиларни муросага келтириш гарчи мумкин бўлмаса-да, Навоийнинг ўткир тафаккури, панд-насиҳатлари, самимий ўгитлари Бадиуззамонни сулҳ тузишга мажбур этади. Бу билан Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарога садоқатини намойиш қилиб, элга омонлик, юрга тинчлик келтиради.

Ҳусайн Бойқаро қалам билан элга хизмат қилишнинг намунасини кўрсатган Алишерга тан бериб, унга қуллуқ қиласди.

«Биз Ойбекнинг «Навоий» романи асосида суратга олинган видеофильмни бошдан охиригача қизиқиши билан томоша қилдик. Олим Хўжаев, Рассоқ Ҳамроев талқин этган Навоий образларидан кейин сўнгги авлод вакиллари бўлмиш актёрлардан Навоийни табиий қилиб яратадиган актёр чиқадими-йўқми, деган ташвишда эдик. Хайрият, ана шундай талантлар бор экан, — деб ёзади Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Беруний номли мактабнинг бир гурӯҳ ўқитувчилари. — Режиссер Ёкуб Аҳмедовни Навоий ролига таклиф этиб жуда тўғри иш қилган. Ё. Аҳмедовнинг ички дунёси, қомати, юз тузилиши Навоий сиймосига анча мос тушган».

Тарихда шундай сиймолар борки, уларнинг образини хоҳ саҳнада, хоҳ экранда яратиш ҳар бир актёр учун эзгу орзу ҳисобланади. Ҳалқимиз маданияти тарихида ёрқин юлдуз бўлган Алишер Навоий ана шундай сиймолардандир. Ана шу мураккаб образни томошабинга манзур қилиш Ўзбекистон ҳалқ артисти Ёкуб Аҳмедов учун осон кечмади. Чунки саҳнада ва экранда А. Ҳидоятов, О. Хўжаев, Р. Ҳамроевлар яратган Навоий сиймоси қўпчилик томошабинларнинг хотирасида эди. Ёкуб Аҳмедов олдида устозлар ижросини тақрорламаслик, улуғ шоир образининг янги қирраларини кашф этиш маъсулияти туради. Ижродаги озгина бўлса-да сохталик,

ҳаракатларидаги сунъийлик томошабин хотирасида ўрнашиб қолган Навоий образига соя ташлаши мумкин эди.

Бутун ижро давомида ана шу масъулиятни чукур ҳис этган Ё. Аҳмедов телеэкранда ўз Навоийсини яратишга мұваффақ бўлди. Видеофильмдаги Навоий образини Ҳусайн Бойқаросиз тасаввур этиш қийин. Саҳнада, фильмларда, зангори экранда қатор тарихий шахслар образини яратган халқ артисти Зикир Мұхаммаджонов қаҳри қаттиқ, баджаҳл шоҳ бўлса-да, Навоийдек улуғ зот билан елкама-елка туриб ижод қилган, Навоийнинг буюклигини юракдан ҳис қила олган мураккаб шахс образини ҳаётий талқин этишга эришди. Шунингдек, Мажидиддин (Т. Орипов), Бадиуззамон (Ё. Саъдиев), Хадичабегим (Г. Жамилова), Султонмурод (Э. Комилов), Алишер (Д. Содиқов), Мўмин Мирзо (А. Авезов), Дилдор (М. Қурбонова) ижролари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Чунки буларнинг ҳар бири ўзларига берилган образнинг сўзларини ёдлаб, ҳаракатни шунчаки кўрсатмаган, балки образга ўз ҳиссиёти, қалб қўрини, ижрочилик маҳоратини омухта қилиб юборишган. Маълумки, телевидениеда йирик план асар ғоясини очишда, қаҳрамонларнинг нозик ички кечинмаларини бўрттириб кўрсатища асосий восита бўлиб ҳисобланади. Постановкачи режиссёр актёрларни мумкин қадар йирик планда кўрсатишга ҳаракат қилган. Машҳур кинорежиссёр Элдар Рязанов «Тақдир ҳазили» кинофильми муносабати билан бундай деган эди: «Ушбу фильмнинг телевидениега мос жиҳатлари — унинг камерлиги (воқеалар хонада тасвирланиши), тафсилотлар мўллиги, йирик планларнинг кўплиги, инсонга яхшироқ эътибор берилишидир». Яна бир машҳур режиссёр Лев Кулижонов эса фақат йирик планларнинг ўзи кифоя эмас, дейди.

Бу шубҳасиз, актёрлар (театр актёрлари) учун маълум мураккабликлар туғдиради. Чунки актёрларнинг барча ҳаракатлари (юз-кўзидағи мимик ўзгаришлар, руҳий ҳолатлар) томошабинга йирик планда яққол сезилиб туради, театрда эса унчалик сезилмайди. Йирик планда ишлаш муаммосини келтиришдан мақсад шуки, айрим телетомошабинларнинг хатларида, театршуносларнинг чиқишлирида актёрларнинг юзи ва кўзидағи маъно ҳамда жозиба

камроқ, деган мuloҳазалар ҳам бўлди. Бу муаммонинг бошқа жиҳатига эътибор берайлик. Маълумки, ёзувчи асари телевидениеда ҳам режиссёр-актёр меҳнати орқали томошабинга етказилади. Бизда бу ижобий ишлар театр-кино артистлари томонидан бажарилмоқда. Афсуски, маҳсус телеактёрларимиз ҳозирча йўқ. Бизнингча, уларни ихтисослаштириш, қолаверса, телестудия қошида, театр ва рассомчилик, маданият институтларида телеактёрлар тайёрланишини йўлга қўйиш лозим...

Ҳар бир видеофильм муваффақиятини режиссёрининг диди, билими, ҳаётий тажрибасидан ташқари, у бошчилик қилган рассом, тасвирчи мусиқа танловчи, нур-ёруғлик устаси, монтаж қилувчи, кийим тикувчи, хуллас, катта бир коллективнинг меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Постановкачи рассом Сайдакмал Расуловнинг саҳнага қўювчи режиссёр М. Юнусов билан ижодий ҳамкорлиги асардан-асарга яхши самаралар бераётir. Буни «Навоий» видеофильми талқинида ҳам кўрамиз. Рассом Сайдакмал Расулов видеофильмдаги барча воқеаларга мос декорациялар яратди. Унинг ижодий меҳнати туфайли томошабинда гўё XV аср муҳити, ўша давр ҳаётидан лавҳалар студияга кўчириб кўлтирилгандек таассурот қолдиради. Видеофильм бошланиши ва сўнгидаги мусиқалар, Навоий фазали билан айтиладиган ашулалар ҳам томошабин дилида ҳаётбахш туйгулар уйғотади.

«Мен видеофильм сценарийсини тил жиҳатдан кўриб чиқдим, — деган эди филология фанлари доктори Алибек Рустамов видеофильм премьerasи муҳокамасида. — Тил масаласи жуда нозик нарса. Шунинг учун кўп қийинчилик туғдирди. Ушбу видеофильм тили ҳақида айрим ўртоқлар танқидий фикр билдиришди. Менимча, улар ноҳақ. Чунки бу асарга дунёвий нуқтаи назардан баҳо бериш керак. Ахир, ўша ўртоқлар тилимиздаги айрим характерли нарсаларни билмаса, бунинг учун видеофильмда нима айб? Бизда сўзларнинг изоҳли лугатлари кам. Шунинг учун тилимиздаги кўпгина фазилатлар айрим тиљшунос олимларга ҳам қоронғу бўлиб турибди. Лекин актёрларимиз бунга ўз савия эътиборларича ёндашдилар. Шунинг учун ҳар хил саволлар туғилмоқда. Сценарийда бу нарса жойида эди».

Ааслар бўладики, ҳеч кимда фикр уйғотмайди. Яна бир хил ааслар борки, улар ҳалқ ичидагатта қизиқиши, пировардида ижобий маънодаги шов-шувларга, баҳсларга сабаб бўлади. «Навоий» видеофильми ана шу иккинчи хилдаги ааслар жумласига киради. Буни матбуотдаги ижобий тақризлар ҳам исботлади. Аасарда воқеалар роман-дагидек жуда муфассал берилган. Видеофильмнинг энг катта қиймати романдаги гуманистик ғоя, ёзувчининг нуқтаи назари сақлаб қолинганлигидадир. Видеофильмда Навоий даври ўз мураккабликлари билан очилган. Навоийнинг ижодий эволюцияси жуда ишонарли тасвирланган. Навоийнинг интим ҳаёти, тўғрироғи, унинг оиласи тақдирни ҳам тарихий ҳақиқатга мос ифодаланган. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабати ҳам тарихий талаблар, фактлар асосида сақлаб қолинган.

Хуллас, «Навоий» видеофильми маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Телевидение имконияти орқали буюк шоир сиймоси ҳалқимиз қалбидагайта тирилди.

Убай Бурҳоннинг тавсияси билан «Улуғбек хазинаси» романи асосида беш қисмли телепостстановка тайёрланди. Постстановка тайёр бўлгач, Убай Бурҳон радио бўйича раис муовини лавозимига ўтказилиб, телевидение бўйича муовин этиб бу соҳадан бутунлай йироқ, муомаласи қўпол, чапани бир киши тайинланди. Орадан бир ҳафта ўтгач, «Улуғбек хазинаси»нинг қабулига бағишлиланган Бадиий кенгаш йигилишига тўпландик. Йиғинга раисимиз Убайдулла Ёқубович Иброҳимовдан ташқари роман муаллифи Одил Ёқубов, профессорлар Очил Тоғаев, Умарали Норматов, доцент Раҳматулла Иноғомовлар таклиф этилганди, — дея хотирлайди постановкачи режиссер Мақсуд Юнусов.

Бадиий кенгаш аъзолари ҳамда четдан чақирилган домлалар видеофильм ҳамда романни қиёсий таҳлил этиб, ижодий гуруҳни навбатдаги муваффақият билан табриклаб, аасарни кечиктирмай томошибинлар ҳукмига ҳавола этишни тавсия этишди. Кенгаш охирида сўз олган янги раис ўринбосари жамоа ва меҳмонларнинг энсасини қотирадиган бир неча таклифларни ўртага ташлади:

«Видеофильмда бугунги кун нафаси сезилмайди. Улуғбек масжид имоми эмас, балки таниқли олим бўлган. Унинг

нутқида «Аллоҳ», «Бисмиллахир раҳмонир роҳим», «Алҳам-дулиллаҳ» сўзлари жуда кўпайиб кетган. Буларнинг барчасини олиб ташлаш керак. Шундан сўнг эфир масаласини ҳал қиласиз».

Бу гапдан ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қараб қолиши. Айниқса, бош муҳарриримиз Мели Норматов тутикашиб кетди: «Эргага Улугбекка костюм-шим, бошига шапка кийгазиб райкомга олиб бориб, уни партия аъзолигига қабул қилдиринг, шунда у диний сўзларни айтмайдиган бўлади», дея хонадан чиқиб кетди. Кутимаган воқеадан бир оз эсанкираб қолган раис муовини: «Сизни тажрибали раҳбар деб ўйлардим. Қип-қизил партизон экансиз-ку», деб қолаверди...

Кучли дипломат, раисимиз Убайдулла Ёқубович ўртадаги вазиятни юмшатиши мақсадида муҳокамада иштирок этган барчага раҳмат айтиб, кенгаш йигилишини якунлади.

Изоҳ: Телепостановка ҳеч қандай ўзгаришсиз дастурга киритилиб, эфирга узатилди. Эфирдан кейин кутимаган воқеа юз берди. Орадан икки кун ўтмай Шароф Рашидов раисимизни чақириб, «Улугбек хазинаси»ни саҳналаштириб, тарихий ишни амалга оширибсизлар. Буюк аждодларимиз ҳақида фильм яратишни анъянага айлантириб, уни давом эттиринглар. Ижодий гуруҳни менинг номимдан табриклаб қўйинг, деб тайинлабдилар.

Телетомошабинларда қизғин баҳс уйғотган асарлардан яна бири қорақалпоқ драматурги П. Тилегеновнинг «Инсон тақдири» пьесаси асосида яратилган уч қисмдан иборат «Бир фожиа изидан» номли видеофильмдир. Асарда муҳим ва актуал мавзу кўтарилиган. Мешчанлик, бойлик кетидан қувиш, мол-дунё деб ўзгаларнинг баҳтига чанг солиши видеофильмдаги салбий қаҳрамонларнинг ҳаёт тарзини ташкил этади. Бироқ, муҳит ва шароит бундай ҳол билан сира чиқиша олмайди. Чунки бу жамиятимиз учун ўткинчи бир ҳолдир.

Асарни режиссёр Толиб Ҳамидов экранлаштириди. Редакция шу асар юзасидан телетомошабинлардан кўплаб мактублар олди. Уларда спектакль маъқул бўлганлиги, унда шу куннинг муҳим масаласи мавзу қилиб олинганлиги баён қилинади. Масалан, Қирғизистон Республикасининг Ўш

вилоятидан Насиба Маматхонова шундай ёзади: «Хурматли редакция, «Бир фожиа изидан» спектаклини зўр қизиқиши билан томоша қилдик. Телеспектаклда ҳамма актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этганлар. Айниқса, Элёр Носиров, Ойша Жўраева, Салоҳиддин Зиямуҳаммедов ҳақиқий образ яратиб ҳаммамизни хушнуд этдилар». Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу сонсиз хатларнинг ҳаммаси фақат миннатдорчилик сўзларидангина иборат эмас. Бугунги томошабиннинг диди юксак. Улар фоят талабчан. Кўрсатилаётган ҳар бир спектаклга диққат билан назар солади. Ютуқ ва камчиликларни мисоли бир абадий танқидчикидек таҳлил этади. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улугбек номидаги 2-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари қўйидаги саволлар билан мурожаат қилишган: «Омоннинг жасади олдида топилган олтиндан ясалган кийикча у ерга қандай қилиб тушиб қолди? Девор четидан топилган ўқлоқ қандай қилиб синдирилди? Нозигулни Мадраҳим пичоқлаётган вакъта пичоқни унинг орқасига уради. Лекин Ўрозов Мадраҳимга кўксига пичоқ санчилган одам нима бўларди, дейди. Пичоқ Нозигулнинг қаерига санчилган?». Бу саволларга жавоб бериш, ростини айтганда, бир қадар қийин. Чунки спектаклда муайян камчиликлар бор. Бу, аввало, драматургик материалдан келиб чиқсан, иккинчидан, спектаклни ёзиб олгандан сўнг монтаж қилиш жараёнида баъзи гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар тушиб қолган. Олтиндан ясалган кийикча Омоннинг олдига тушиб қолиши ҳам мумкин. Чунки Мадраҳим билан курашганда унинг чўнтагидан тушиб қолган булиши мумкин. Ҳаяжон устида эса Мадраҳим буни сезмаган. Девор четидаги ўқлоқ синиб қолиши масаласи эса режиссёрнинг эътиборсизлиги оқибатидир. Зотан, рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов саҳнанинг биринчи пардасида милтиқ отилиши керак, дейди. Бизнингча, ўқлоғ детали масаласида саҳнанинг ана шу қоидасига эътибор қилинмаган. Нозигулга Мадраҳимовнинг пичоқ уриши масаласи эса маълум даражада шартлидир».

Бундан кўринадики, томошабин ҳукмига ҳавола этилаётган ҳар бир спектакль фоят синчковлик билан ишланиши лозим. Чунки бугунги томошабинни алдаш қийин. У ҳар бир деталгача синчковлик билан кузата олиш қудратига эга.

П. Қодировнинг «Олмос камар» романни Тошкент шаҳри архитектураси, метро қурилиши каби муҳим масалаларга бағищланган. Маълумки, 1966 йилги зилзила — табиий оғатдан сўнг Тошкентни қайтадан тиклаш, бунёд этиш бошланди. Бундай пайтда бирон-бир масалани ҳал қилишда қарама-қарши фикрлар бўлгани табиий. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Пиримкул Қодировнинг романни жуда ҳаётий асарлардан биридир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мели Маҳкамов бу асарнинг асосий йўналишини тўғри белгилаб, жозибали видеофильм яратишга муваффақ бўлди.

Маълумки, «Олмос камар» романни китобхонларга мўлжаллаб ёзилган. Романин экран тилига кўчиришда, яъни сценарий ёзишда ижодий жамоа олдидаги кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Романдаги баъзи сюжет линиялари қисқартирилди. Бу ишлар роман муаллифи билан бамаслаҳат қилинди. Видеофильмни суратга олиш жараёнида бутун ижодий гурӯҳ: рассомдан тортиб видеомагнитофон инженерларигача, айниқса, постановкачи оператор Баҳтиёр Фоғуровнинг хизмати катта бўлди. Воқеалар натурада, яъни декорациясиз олинди. Бу эса оператордан катта ижодий изланишлар талаб қиласди.

Ўзбекистон телевидениесида классик ёзувчиларнинг асарлари билан телетомошибинларни ошно этиш, ўтмишдан сабоқ олиш бугуннинг қадрига етиш, эргани олдиндан кўра билиш каби хислат ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун ўзбек, рус, жаҳон ёзувчиларининг дурдоналарини экранлаштириш яхши йўлга қўйилган.

Зоро, жаҳон классик адабиёти дурдоналарини севмаган ўқувчи ёхуд томошибин топилмаса керак. Классик асар асрлар ўтиши билан ўз таъсирчанлигини янада ошириб боради. Мисол тариқасида Еврипиднинг «МЕДЕЯ»сини олайлик. Ундаги вафо ва садоқат, разиллик ва тубанликка нисбатан ғазаб руҳи ҳануз кун тартибидан тушмаган.

«Телевизор экранида намойиш қилинган «Медея» спектаклини оиласиз аъзолари ҳаяжон билан томоша қилдик. Барча актёрлар спектаклининг яхши чиқиши учун бор имкониятларини тўлиқ ишга солишгани кўриниб турибди. Бизга, айниқса, Римма Аҳмедова ижро этган Медея роли жуда ёқди.

У ўз болаларини ўлдирмоқчи бўлиб, руҳан қийналишини кўрганимизда мен актрисага қўшилиб беихтиёр йиғлаб юбордим. Шу спектаклда иштирок этган барча актёrlарга сиҳат-саломатлик, улкан ютуқлар тилаймиз».

Бу мактубни Самарқанд вилояти Нарпай туманидан Ойгул Мамарайимова йўллаган. Евріпиднинг «Медея» (постановкаси режиссёр Ҳ. Қаҳрамонов) асари ҳам антик адабиёт анъаналарини давом эттиради. Маълумки, антик адабиёт сюжети бирон-бир мифология асосига қурилган бўлади. Антик асарларда қаҳрамонлар характеристи асар бошидан охиригача деярли ўзгармаган. Евріпид асарларида қаҳрамонлар воқеалар таъсирида аста-секин ўзгариб, образнинг таъсирчанлиги кучайиб боради. «Медея» ҳам ана шундай асар.

Бу трагедия аргонавтлар ҳақидаги миф — афсона асосига қурилган. Миғда тасвирланишича, Ясон Кавказдаги Колхидага сафар қиласди. Медея машаққатли дамларда Ясонга, унинг қалабасига ёрдам қиласди. У, севгилисини деб, Ватанни, оиласини тарқ этади. Лекин Ясоннинг сотқинлиги уни ларзага келтиради ва Медея ундан ўч олмоқчи бўлади. Кўряпçизми, Медея характеристи бутун спектакль давомида ўсиб, тобланиб, янги бўёқлар билан бойиб боради.

Лекин Медея эрини қандай жазоласин? У қанақа жазога лойиқ? Ҳали хаёлига болаларини ўлдириш ҳақидаги фикр келгани йўқ. Шунда унинг ҳузурига Эгей кириб келади. Спектаклда Эгей образини истеъододли артист Теша Мўминов яратган. «Медея»даги Эгей кичик роль бўлишига қарамай, у Медея фикрини равшанлаштиришда асосий аҳамият касб этади. Гап шундаки, Эгей уйланган бўлса ҳам, зурриёд кўрмайди. У фарзанд кўришда Медеядан кўмак истаб келади. Эгей давлатманд одам, лекин фарзандсизлиги учун ўзини энг бахтсиз одам деб билади. Медеяда энг катта баҳт — фарзанд, Ясонни ана шу баҳтдан жудо қилиш керак, деган фикр Эгей билан бўлган учрашувдан сўнг келади.

Миғда ҳикоя қилинишича, Медея Эгейга турмушга чиқади ва унга бир паҳлавон ўғил туғиб беради. Лекин Евріпиднинг асарида бу воқеалар йўқ. У Медеяниң Ясондан ўч олиниши билан тугалланади. Зотан, Евріпид биринчи

ўринга инсон образини ва воқеаларнинг мантиқан ўсиб боришини кўяди.

Медея энди фарзандларини ўлдиришга қарор қиласди. Лекин бу қарорга осонлик билан келмайди. Чунки у она эди. Римма Аҳмедова ана шу саҳнани айниқса, маҳорат билан ижро этган.

Томошибинларнинг сон-саноқсиз мактублари бунинг исботидир. «Европиднинг «Медея»сини завқ-шавқ ва чукур ҳаяжон билан томоша қиласди. Айниқса, охирги саҳнадаги Римма Аҳмедова, яъни Медеяning ҳолати, ҳар бир айтган сўзи кишини ларзага келтиради», — деб ёзади Тошкент шаҳридан А. Ибодова.

«Дастлаб Медея ролига мени таклиф қилишганда иккиландим. Мен «Медея» спектаклини биринчи марта институтни янги битирган кезларим Москвада кўрган эдим. Ўшанда Медея менга уччалик ёқинқирамаган эди. У менга шафқатсиз, тошбағирдек кўринган эди, — деб ҳикоя қиласди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Римма Аҳмедова. — Кейин асарни қайта-қайта ўқидим. Умуман, антик адабиёт, мифология, ундаги анъаналар билан атрофлича танишдим. Медеяning мураккаб, исёнкор образ эканини тушундим. У эрининг шунчаки бир аёлни ташлаб, иккинчисига уйланиши учунгина ғазабланмайди. Чунки Ясон у маликани ҳам севмайди, бойлик ва давлат деб шу қабиҳ йўлни тутади. Медея ана шуни тушунади ва умуман, қабиҳлик ва разолатга, тубанлик ва пастқашликка қарши исён кўтаради. Ясонни шундай жазоламоқчи бўладики, токи унинг уруғ-авлоди бўлмасин, бир умр баҳтсиз бўлсин, афсус ва надоматда ҳаёт кечирсин...»

Жаҳон прогрессив адабиётининг йирик намояндаларидан бири — Фридрих Дюрренматтнинг «Авария» асари асосида тайёрланган телевизион спектакль ҳам телетомошибинларга манзур бўлди. Асарни Ҳамза мукофоти лауреати Абдураҳим Исмоилов саҳналаштириди. Асосий ролларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Тўғон Режаметов, Ўзбекистон халқ артисти Жалил Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Анвар Юсупов, Ширин Азизова, Турғун Хонгўраев, Файзула Аҳмедов қатнашган. «Авария» жанр нуқтаи назаридан психологик-трагик комедиядир.

Асарда ҳозирги замон буржуа жамиятидаги иллатлар аёвсиз фош этилади. Пьеса бош қаҳрамони Трапснинг йўлда машинаси бузилиб қолади. У машинасини механикка топшириб, тунаш учун жой қидиради ва пенсионер судьянинг уйида қолади. Судья уни дўстлари адвокат Пиле ҳамда прокурор Симонлар билан таништиради. Пенсионер чоллар Трапсдан антиқа «суд ўйини»да жиноятчи бўлиб қатнашишни таклиф этишади. Трапс жон-дили билан рози бўлади. Асарнинг бошида ҳеч қандай жиноят қилмаган, ўзини соғ, ҳалол деб ҳисоблаган фирманинг бош вакили Трапс асар финалида жиноятчи бўлиб чиқади. Муаллиф асар бош қаҳрамони Трапс ҳалокатини шундай ифодалайди: «Трапс оддий буржуа вакили. Лекин у жиноятчи эмас, балки шу машъум муҳитнинг, гарб жамиятининг қурбонидир. Зуравонлик ва бебошлиқ ҳукмрон бўлган бу даврда жамият ахлоқининг тубанлашиши табиий ҳолдир».

Ф. Дюрренматт Швейцарияда яшаб, ижод этган драматург. Ёзувчининг ҳар бир асари буржуазия жамиятига қарши айбномадир. Унинг ўндан ортиқ асари рус тилида босилиб чиқкан. Уларнинг кўпчилиги кўшни республикалар саҳнасида муваффақиятли ўйналмоқда. Бу асарлар чуқур фалса-фийлиги, ўзига хос шакли билан алоҳида ажралиб туради. «Авария» ҳам ана шу жиҳатлари билан ўзбек телетомо-шабинларининг диққатини ўзига жалб этди.

Ўзбек китобхонлари таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ижоди билан яхши таниш. Адиднинг «Биринчи ўқитувчи», «Сарвқомат дилбарим», «Алвидо, Гулсари!», «Оқ кема» каби жаҳонга машҳур асарлари ўзбек тилида бир неча марта чоп этилиб, китобхонлар орасида катта шуҳрат қозонди. Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асарининг телеспектакль шаклида кенг томошибинлар эътиборига ҳавола этилиши Ўзбекистон телевидениесида, умуман, маданиятимизда ўзига хос воқеа бўлди. Чуқур лиризм билан сугорилган, ижтимоий-фалсафий фикрларни илгари сурувчи бу асарда инсон ва табиат, зулм ва шафқат, эзгулик ва гўзаллик ҳақида, эрксизлик ва ёвузлик, бадбинлик ва тобеликнинг фожиаси хусусида фалсафий баҳс юритилади. Қизиги шундаки, бу улкан ижтимоий муаммолар пок бир вужуд, норасида бола тасаввuri орқали тасвирланади. Ҳар бир

ходисага ўша боланинг кўзи билан қаралади. Асарнинг нозиклиги ҳам ана шунда.

Телеспектакль режиссёри Мақсуд Юнусов асарнинг мана шу нозик жиҳатларини тўғри ҳис этиб, ҳар бир воқеа-ходисага бола нигоҳи билан қарашига, унинг руҳий дунёсини тұла очишга ҳаракат қылган. Бош ролни ижро этган Ҳаким Соатов ўзига юклатилган гоявий-бадиий вазифани яхши намоён эта олди. Боланинг бобоси айтиб берган эртакка эътиқод кўйиши, бу эътиқоднинг бошқалар томонидан, ҳатто бобоси томонидан топталганини кўриб, уларга қарши исён кўтариб, уйдан чиқиб кетиши спектаклдаги энг ҳаяжонли ўринлардан биридир. Телеспектаклнинг гоясини очувчи образлардан бири Мўмин чолдир. «Оқ кема»даги бутун воқеалар, қаҳрамонларнинг ҳар бир тўқнашуви Мўмин чол билан боғлиқ. У очиқ кўнгиллиги, фидойилиги, ҳаммага садоқатли ва хушмуомалалиги билан томошабинга ёқиб қолади. Умрида бирорнинг сўзини икки қилмаган Мўмин чолнинг Ўрозқулга қарши биринчи исёни ва мўминликнинг фожиаси телеспектаклда ишонарли очилган. Мўмин чолнинг Ўрозқулга иқтисодий қарамлиги ва хотинининг ҳадеб буни юзига солавергани туфайли у ноиложликдан ўз эътиқодидан воз кечишга мажбур бўлади. Натижада ўз «ота-боболаримиз» деб билган ва сифинган Буғуни отиб таштайди... Зўрлик туфайли ўз эътиқодига қарши иш тутган, виждан азобидан эзилаётган Мўмин чолнинг аянчли, фожиали ҳолатини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Хонтўраев маҳорат билан ижро этади.

Спектаклда «Менга ёмон экан, нега бошқаларга яхши бўлиши керак?» деган ёвуз ният билан гўзалликка, эзгуликка қарши курашган Ўрозқул образининг ижроси ҳам эътиборга лойиқдир. Ўрозқул — бизнингча, артист Ортиқ Юсуповнинг жиддий ютуғидир. Энг муҳими, актёр Ўрозқул қиёфасини унинг табиатидан келиб чиқиб, хатти-ҳаракатини ҳам, сўзлаш манерасини ҳам ишонарли талқин этган.

Сайдаҳмат (F. Искандаров), Беке (А. Носирова), Гулжамол (Р. Иброҳимова), кампир (С. Сотоволдиева) ва бошқаларнинг ижроси ҳам телетомошабинларга манзур бўлди. Спектаклда қирғиз тоғлари, ўрмонлари, тоғ шаршаралари, ўрмондаги буғуларни кўрсатишда кинокадр-

лардан ҳам ўринли фойдаланилган. Телеспектакль давомида ижро этиладиган миллий қирғиз күйлари ҳам асар тоясининг томошабинга тұлароқ етиб боришида яхши восита бўлган. Аммо булар телеспектаклдаги барча образларнинг ижроси мукаммал экан, деган маънони англатмайди. Телеспектаклда повестга қараганда бўшроқ чиқсан ўринлар анчагина. Бунинг бош сабаби, бизнингча, асарнинг кўпгина ўринлари ортиқча қисқартирилганида. Чунончи, Ўрозқулнинг «У ерда одамлар амалига қараб ҳурмат қилишни билишади. Лозимми, демак ҳурмат қилишинг шарт. Катта амалга — катта ҳурмат», «Ҳа, шаҳарда бўлганимдами... Ўзимни ҳурмат қилишга мажбур этардим. Ўрозқул Балажонович, кабинетингизга киришга рухсат этинг... У ерда шаҳарликка уйланиб олардим... Айтайлик, биронта... гўзал актрисага» каби ички монологлари унинг нақадар тубан бир зот эканлигини кўрсатиб турибди. Телеспектаклда эса худди шунга ўхшаш ўринлар кўпроқ қисқариб кетган. Шунингдек, асар ечими ҳам баҳсли... Телеспектаклда боланинг касал ҳолда қочиб кетиб, Иссиқкўлга ўзини ташлаб, ҳалок бўлиши кўрсатилмайди. Аслида асарнинг моҳияти шу ерда ечиларди. Телеспектакль жўшиб оқаётган дарёдаги Оқ кеманинг сузиб кетаётганини кўрсатиш ва авторнинг бола тилидан «Салом, оқ кема, бу мен» деган сўзлари билан оптимистик руҳда тугайди. Агар ҳамма нарсага ёш гўдак қалби билан ишонган, орзу-умидлари соврилган боланинг Иссиқкўлга чопиб бориши ва охирги илинжи бўлган Оқ кемага талпиниши кўрсатилганда телеспектакль ечими ҳозиргидан ҳам таъсирироқ чиқсан бўларди...

Телеспектаклда автор сўзларини ўқиган артист, бизнингча, саҳна орқасида бўлгани, томошабинга қўринмагани, матнни ҳазин ва оғир овозда ўқигани дуруст эди. Асадаги баъзи характерли деталлар телеспектаклга кирмай қолган. Хусусан, магазинчи (Т. Миралимов) болага бир сиқим конфет беради. Бола эса бу конфетни кўплаги Балтекка бермоқчи бўлади. Аммо магазинчи кўриб қолишидан кўрқиб, конфетни бекитибгина итнинг олдига ташлайди. Бу деталь боланинг табиий характерини, зийрак ва содалигини очиб берувчи ажойиб восита эди. Умуман,

боланинг ўй-хаёллари асардаги каби телеспектаклда ҳам кўпроқ ўрин олса, унинг мурғак қалби янада мукаммалроқ очилар эди...

Грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романи фоявий-бадиий пухталиги, кўтарилган масалаларнинг ниҳоятда актуал ва маънавийлиги билан китобхонлар эътиборини тортганди. Шу маънода мазкур асарнинг телэкраннынг воситасида талқин этилиши ўринли ва унумли натижа бериши табиий эди. Аммо, асар қанчалик драматик ситуациялар, бақувват ва мураккаб характерга эга бўлмасин, уни экранлаштиришнинг ўзига хос мушкулликлари, мураккабликлари бўлади. Бу, аввало, асар фояси ва салмофини сақлаган ҳолда сценарий яратиш, уни экранлаштиришда ҳамкорлик кўрсатувчи рассом, оператор ҳамда актёrlар ансамблини ягона бир мақсад сари йўналтиришга боғлиқ. Шунга кўра, ҳар бир сценарий автори мазкур жанрнинг ўзига хос спецификасини ҳисобга олган ҳолда, асар фоясига заррача халал етказмайдиган тарзда ижодий маҳоратини кўрсатиши лозим. Бу ўз-ўзидан бадиий асар устида иш олиб борувчи сценаристга қўшимча масъулият юклайди. «Абадият қонуни»да ниҳоятда актуал масалалар кўтарилган. Биргина Поп билан Бачананинг баҳсини эслаш кифоя. Икки қаҳрамоннинг ўртасидаги шунчаки баҳс ҳаётимизнинг муҳим масалалари сифатида томошабин қалбини ларзага келтиради. Видеофильмда ҳалол, садоқатли муҳаррир ва ҳаётда ўзини бош қаҳрамон ҳисобловчи, юлғич магазин директорининг ресторандаги баҳси саҳнасида Бачана (Эркин Комилов) билан Сандро (Ёкуб Аҳмедов) юксак ижодий маҳоратларини намоён этишган. Бу баҳсда турмушнинг муҳим муаммолари кўтарилади. Асар бош қаҳрамони Бачана ҳаёт ҳақиқатини чуқур тушунади. У воқеаларни кенг таҳлил қилиб, муҳим ижтимоий хulosалар чиқаради. Асарда кўтарилган масалалар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тааллуқли дейиш мумкин. Энди унинг қандай талқин қилинганига келсак, ижодий гуруҳ ўз олдига қўйган асосий вазифани бажара олган. Постановкачи режиссёр Ҳайбатилла Алиев актёrlар ансамблини тўғри танлаган. Э. Комилов, Т. Орипов, Р. Аҳмедова, Ё. Аҳмедов, Ҳ. Нурматов, О. Норбоевалар яратган образлари ишонарли чиққан.

Бир неча замонавий телеспектакллари билан танилган режиссёр М. Мирзааҳмедов ёзувчи Үткир Ҳошимов билан ҳамкорликда «Баҳор қайтмайди» қиссаси асосида икки қисмдан иборат телевизион спектакль тайёрлади. Телеспектакль марказида артист Алимардон Тўраев тақдири ётади. Постановкада худбинлиги, шуҳратпарастлиги ва ўжарлиги туфайли истеъодини қадрламасдан, уни молдунё йифишга, бемаъни айш-ишратга алмашган, оқибатда истеъоди, оиласи, дўстлари, муҳлислари эътиборидан қолиб, ҳалок бўлган Алимардоннинг ҳаёти ҳикоя қилинади. Шунингдек, асарда санъатнинг муқаддас даргоҳлиги, уни қадрламаган Алимардонга ўхшаш санъаткорларнинг шуҳрати қанча тез таралса, шунчалик тез сўнади, деган фоя илгари сурилади.

Алимардон — талантли артист. Лекин тўғри йўлдан кетишига ёшлигидан қалбида пайдо бўлган худбинлик куртаклари тўсқинлик қилади. У дўсти Анвар ёрдамида илк бор телевизорга чиқиб, кўпчилик олдида ашула айтади. Жамоатчиликнинг тилига тушиб қолгач, ундаги худбинлик иллати ёнига шуҳратпарастлик ҳам қўшилади. Натижада ҳеч кимни (филармония раҳбари Зуфар Ходиевични ҳам) менсимай кўяди.

Истеъодли, лекин худбин санъаткор қанча ўжарлик қилмасин, барибир унинг қалбини ёлғизлик эза бошлайди. Кўзига данғиллама ҳовли ҳам кўринмай қолади. Зерикканидан ресторонларда санғиб юради. Беихтиёр қалбида оталик ҳисси жўш уради, ўғлини соғинади, хотинини ўйлай бошлайди. Бу ҳаётний эпизодлар телеспектаклда энг ҳаяжонли ўринлардан биридир. Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев талқинидаги Алимардон унинг аввалги ижро этиб келган ролларидан кескин фарқ қилади. У телеспектакль давомида ижро этилган ашулаларга мос ҳатти-ҳаракатлар топа олган. Лекин спектаклга Алимардоннинг худбин, манман бўлиб ўсишига сабаб бўлган омилларни кўрсатувчи яна айрим деталлар киритилганда, унинг характеристи янада тўлароқ намоён бўларди.

Муқаддам — талантли актриса Гулчеҳра Саъдуллаева ижросида ҳаётний, табиий талқин этилган. Муқаддам образининг гўзал қиёфаси, ички ўйлари актриса ижодида аниқ

гавдаланган. Бироқ, телеспектаклда унинг қишлоқдан бош олиб, узоқ тоғ қишлоғига кетиши, тоғда ўрмон агрономига тегиши етарли асосланмаган. Унинг ички ўйлари, эрга тегиштегмаслик хусусидаги мулоҳазалари очилганда телеспектаклнинг таъсири янада ошган бўларди.

Телеспектаклда ижобий образлардан бири Анвардир. У одобли, софдил, севгига, дўстига садоқатли, чукур мулоҳазали йигит. Алимардон дўстликка хиёнат қилиб, севгилисини тортиб олса-да, унга меҳрибонлик қиласи, ачинади, қўлдан келган ёрдамини аямайди.

Телеспектакль бошланишида Ўзбекистон кузининг жонли картиналари, қишлоқ оқшомлари, табиат манзаралари, қишлоқ кишиларининг ўй-ташвишлари жуда ўринли қўлланилган. Шунингдек, Алимардон ва Муқаддамнинг тўйдан сўнг ўй-хаёлларини кўрсатувчи эпизодлар учун танланган киноленталар телеспектакль гоясига мос келган. Телеспектакль учун танланган мусиқалар, рассом Абдулла Валиев декорациялари ҳам спектакль руҳини очища яхши восита бўлган. Телеспектаклда ёш хонанда Мутал Қодировнинг машҳур Алимардонга нисбатан маҳоратлилиги бир неча марта қайд этилади. Шундай бўлгач, унинг бирор ашуласи берилганда Мутал Қодиров образи янада бойиган бўларди.

Ўзбекистон телевидениесида Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси асосида ҳам видеофильм яратилди. Бу асарнинг ютуғи тўғрисида редакцияга томошабинлардан ўнлаб мактублар келди. «Ҳурматли редакция, — деб ёзади фарғоналиқ Шакарой Маҳкамова. — Биз ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асари асосида яратилган видеофильмни ҳаяжон билан томоша қилдик. Эшитган бошқа, кўрган бошқа деганларидек, мен бу асарни ўқиганимда қанчалик хурсанд бўлган бўлсан, постановкасини кўриб қувончимга қувонч қўшилди».

Ижодий жамоа «Дунёнинг ишлари» видеофильми устида узоқ изланишиди. Чунки бу асарни экранлаштириш бошқа асарларга нисбатан бирмунча мураккаб эди. Унда узвий сюжет йўқ. «Дунёнинг ишлари» кичик-кичик ҳикоялардан иборат қисса. Режиссёр М. Мирзааҳмедов ана шу кичик ҳикояларни бирлаштирувчи восита топа олган. Шу тариқа асадаги

воқеаларни бир-бирига боғловчи, ҳикояларга бевосита аралашиб юрувчи муаллиф образи киритилди.

Видеофильмда томошабинларга манзур бўлган образлардан бири, шубҳасиз, Рихси Иброҳимова талқин этган она образидир. Р. Иброҳимова ижросидаги фоят софдил, бардошли, оиласпарвар, болажон она сиймоси ҳар бир фарзанд қалбida ўз онасига, барча оналарга меҳр-муҳаббатини янада оширди. Бу ўринда «Пошша ойим — бизнинг ҳам ойимиз!» деб хат ёзган телетомошабинлар минг бора ҳақ!

«Дунёнинг ишлари» видеофильмининг томошабинларга манзур бўлишида катта-кичик роллар билан иштирок этган И. Болтаева, М. Ҳамирова, В. Қодиров, С. Умаров, Т. Маҳкамова каби актёрларнинг хизмати катта бўлди.

Юқоридаги постановка ва видеофильмлардан «Навоий», «Диёнат», «Гирдоб» студияда, «Олмос камар», «Дунёнинг ишлари» студиядан ташқарида, «Кутлуғ қон», «Абадият қонуни», «Бир фожиа изидан» эса студия ҳамда табиат қўйнида съёмка қилинди. Булардаги ҳар хиллик синчков томошабинга яққол сезилади. Зоро, «бир хиллик» ва «ҳар хиллик» ҳақида турли мулоҳазалар билдирилган хатлар олинди. Бир хилликка эришиш учун ё ҳамма ўринларда студиядан фойдаланиш ёки бу усулдан воз кечиб, бутунлай табиат қўйнида суратга олиш лозим, деган томошабинлар ҳақ эмас. Чунки, ҳар хил имкониятлардан фойдаланиш асар гоясини очишга ёрдам беради. Шу ўринда яна бир муҳим масалага ойдинлик киритиш керак. Сўнгти йилларда саҳналаштирилган видеофильм ва постановкаларнинг деярли ҳаммасида кадр ортидан айтиладиган гап — ички монолог кенг қўлланиляпти. Бу умуман, яхши усул бўлса-да, баъзи ўринларда ўзини оқламаяпти. Бу мураккаб усул С. Эшонтураева, Ш. Бурҳонов, З. Муҳаммаджонов, Н. Раҳимов, Ҳ. Умаров, Ё. Аҳмедов, Р. Иброҳимова, Т. Орипов каби тажрибали актёрлар ҳаракатида, ҳолатида жуда табиий тарзда намоён бўлган бўлса-да, айрим ёш ижрочиларга актёр ҳолати ички монологга мос тушмаётгани яққол сезиляпти. Бундай ўринлар эса томошабинда ишончсизлик пайдо қиляпти.

Маълумки, овоз бериш масаласини ҳал қилмасдан туриб, тўла маънодаги мукаммал видеофильм яратиш қийин. Актёрнинг овозини ёзиш унинг ижросидан қолишмайдиган

жиддий масаладир. Барча видеофильмлар овоз жиҳатдан кўп камчиликка эга. Масалан, «Абадият қонуни»даги ресторон саҳнени олайлик. Ресторандаги шов-шув биринчи планга чиқиб, Сандронинг муҳим гаплари нишонга тегмади. Балки кинодагидек алоҳида овоз бериш усулидан фойдаланиш кўл келар!? Бу эса келажакнинг иши.

Ўзбекистон телевидениесида яхши оригинал телепъесалар, телесценарийларга муҳтоҷлик сезилади. Ҳозирча телиежодкорлар шеърий, насрый асарларни инсценировка қилиш орқали постановка яратмоқдалар. Телевидение учун ёзилган маҳсус телепъесалар бармоқ билан санаарли.

Халқимизнинг кулгига ташналигини ҳисобга олган ҳолда ҳажвий асарларни кўпроқ экранлаштириш, телекомедиялар яратиш ҳам шу куннинг талабидир.

## «ГИРДОБ»НИНГ ИККИНЧИ УМРИ

1978 йил январда адабий-драматик кўрсатувлар таҳриятида янги тележурнал — «Иход гулшани» ташкил этилди. Кўрсатувга ардоқли шоир Абдулла Орипов бошловчи, Толиб Ҳамидов режиссёр, муҳаррир эса мен этдим.

Журналда адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлар ёритиларди. Унда «Шеърият», «Янги асар — янги қаҳрамон», «Театр олами», «Кўргазма заллари бўйлаб», «Ҳангома» саҳифалари мавжуд эди. Журналнинг «Янги асар — янги қаҳрамон» саҳифаси анча қизиқарли бўлиб, ҳар гал ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги қисса ёки романнинг ёзилиш тарихи ва тақдирни ҳақида ҳикоя қилиниб, ундан парча бериладиган бўлди. «Шарқ юлдузи» журналининг 1978—79 йилги сонларида ёзувчи Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб» романни чоп этилди. Романни адабий жамоатчилик катта қизиқиши билан қабул қилишди. Романни ўқиб бўлгач, уни режиссёр Толиб Ҳамидовга тавсия этдим. У журнални бир ҳафта қўлтиқлаб юриб, қайтиб берди: Бундан 10 минутлик ҳам парча олиб бўлмайди, унда 2 бетлик ҳам диалогли жойи йўқ-ку! Мен унинг ялқовлигидан ҳафсалам пир бўлиб, романни ўқиб чиқишини устоз режиссёр Мақсуд Юнусовга тавсия этдим. Мақсуд ака «Гирдоб»ни аллақачон топиб ўқиётганини айтиб, асар саҳна учун анча мураккаб, лекин

ундан келажакда яхши фильм тайёрласа бўлади, деб қолди. Шу тариқа «Ижод гулшани»нинг март ойи сонида «Янги асар — янги қаҳрамон» рубрикаси билан М. Юнусов талқинида романдан чиройли лавҳа берилди. Парчада бош қаҳрамон Азиз Қосимов ролини Эркин Комилов ижро этди. Мұҳаммад чатоқ — Пўлат Сайдқосимов, Аллаёров — Ёқуб Аҳмедов, Жабборов — Тўйчи Орипов талқинида синаб кўрилди.

Орадан 2—3 ой ўтмай Мақсад Юнусов «Гирдоб» романи асосида 4 қисмли сценарий ёзди. Қўлёзма телевидение бадиий кенгаши томонидан яхши баҳоланиб, видеофильм яратишга тавсия этилди. Роман муаллифи Ўқтам Усмонов ўша йиллари Масъул лавозимда ишлар эди. Муаллифга сценарийни ўқитиб, унинг розилигини олиш мақсадида бир куни кечки пайт анҳор бўйида учрашадиган бўлдик. Белгиланган вақтда Мақсад ака билан анҳор бўйида у ёқбу ёққа юриб турғандик, кўп ўтмай Ўқтам Усмонов етиб келди. У узун бўйли, кўзлари қисиқ, доимо юзлари кулиб турадиган, қоп-қора жингалак соchlари ўзига ниҳоятда ярашган 40 ёшлар атрофидаги кўркам киши экан. Ўқтам акани илк бор 1965 йили чоп этилган ёш ижодкорларнинг тўпламида кўрган эдим. Унинг «Гулдаста»да «Баҳор чақмоқлари» номли каттагина ҳикояси босилган бўлиб, унинг тепасига 1937 йили Бўстонлик туманидаги «Байтқўрон» қишлоғида туғилган, деб ёзилиб, унинг олачипор шапка кийиб тушган расми берилганди. Суратни кўрган ўкувчи Ў. Усмонов албатта ҳажвчи ёзувчи бўлса керак, деб ўйлаши табиий. Лекин ҳикоя жиддий муаммога бағишлиланган фалсафий асар эди. Ў. Усмонов «Совет Ўзбекистони»да ишлаган йиллари селекционер олимлар ҳаётидан туркум очерклар эълон қилди. Сунг иккита ҳикоялар тўплами, лирик қиссаси чоп этилди.

Ўқтам ака катта жойда ишлаётган бўлса-да, камтар, самимий инсон экан. У қисқагина салом-алиқдан сўнг телевидениега эътибор учун миннатдорчилик билдирап экан, мен учун «Янги асар — янги қаҳрамон»даги илиқ гаплар, берилган парча етарли эди. Видеофильм қилиш шартмикин? — деди.

— Нозик жойда ишлайман, сизларга ўхшаш хайриҳоҳ

дўстларим сафида душманларим ҳам йўқ эмас... Бу фактни ким қандай тушунади?

— Ҳечам хижолат бўлманг, сиз романни матбуотда эълон қилдингиз. У энди халқ мулкига айланди. Кимдир шунчаки ўқийди, кимдир кино қиласди, яна кимдир...

Буёғидан қўнглингиз тўқ бўлсин. Яқинда Убай ака бевосита раҳбарингиз Азиз Оппоқовиҷнинг розилигини ҳам олди.

— Э, шунақами, — деди Ўқтам ака бир оз чеҳраси ёришиб.

Биз у кишига сценарийни тутқазиб, яна бир ҳафтадан сўнг учрашишга келишиб хайрлашдик. Ўқтам ака орадан уч кун ўтмасданоқ, менга қўнфироқ қилиб, бугун кеч соат 6:00 да аввалги жойда учрашсак, дея таклиф киритди. Мақсад ака съёмкада банд бўлгани сабабли, келишилган жойга ўзим бордим. Ўқтам ака сценарийга деярли қалам тегизмаган, ҳар бир қисм бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини алоҳида қофозга илова қилибди. У сценарийдан мамнунман, янги саҳналарга ҳам қаршилигим йўқ. Бироқ, менинг таклифларимни ҳам инобатга олинглар, дея сценарийнинг 4 қисмига имзо чекиб берди.

Эртасига Мақсад ака билан сценарий бўйича Ў. Усмонов таклифларини бирма-бир кўриб чиқдик. Муаллиф романдан тушириб қолдирилган деярли барча саҳифаларни қайта тикилашни талаб қилганди. У 3—4 бетлик баёнларни муаллиф номидан ўқилсин, 2—3 саҳифалик тасвирларни монологта айлантирилсин, дея таклиф киритганди.

— Буларни кўшсак, видеофильм расво бўладику, — деди Мақсад ака хуноби ошиб. — Мен видеофильм съёмкасини тўхтатаман..

— Мақсад ака, сиз парво қилманг. Ёзувчини тўғри тушунинг. Чунки унга ёзган ҳар бир сатри чиройли кўринаверади. Бу таклифлар менга ҳам маъқул эмас. Шундай бўлгач, сценарийнинг ҳеч жойига тегмай ишга киришинг. Ўқтам аканинг барча эътиrozларига ўзим жавоб бераман. Унинг таклифлари ёзилган қофозни сейфимга солиб қўйиб, телефонда барча таклифларингизни ҳисобга олдик, деб айтиб қўйман, дея Мақсад акани тинчтдим.

1980 йилнинг бошида «Гирдоб»ни тасвирга олиш ишларини тугаллаб, уни монтаж қилишга киришдик. Ниҳоят,

телемарказнинг кичик залида видеофильмнинг кўригини ўтказадиган бўлдик. Бадий Кенгаш йиғилишига роман муаллифи Ўқтам Усмонов, раисимиз Убайдулла Ёқубович Иброҳимов, раис ўринбосари Убай Бурҳон, бош муҳарриримиз Фани Расулов, Тошкент Давлат университети домлалари Сайди Умиров ва Умарали Норматов, актёrlардан Пўлат Сайдқосимов, Тўйчи Орипов, Эркин Комилов иштирок этди. Қарийб 5 соат давом этган видеофильм премьерасини деярли танаффусиз томоша қилдик. Йиғилишни Бадий Кенгаш раиси Убай Бурҳон кириш сўзи билан очди. У адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти жамоасини янги, ўзига хос премьера билан табриклаб, биринчи сўзни таниқли адабиётшунос Сайди Умировга берди.

С. Умиров (доцент): «Гирдоб»нинг журнал вариантини бир йил аввал ўқиган бўлсам-да, куни кеча унинг алоҳида китоб ҳолдаги нашрини қайта ўқиб чиққандим. Кечаги таассуротим фильмни томоша қилгач, 2—3 баробар ошди. Видеофильм ниҳоятда пишиқ, ҳаяжонли ишланган. Фильмдаги барча роллар ўзига хос характер даражасига кўтарилиган. Айниқса, Азиз Қосимов, Маҳаматчатор, Муҳиддин Жабборов, Расул Оллаёров образлари чин юракдан ўйналиб, юксак маҳорат билан талқин этилган. Азизнинг хотини Салтанат романда эпизодик образ сифатида кўзга ташланади. Шахсан сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Мақсуд Юнусовнинг ижодкорлик маҳорати туфайли Салтанат эсда қоларли образга айланган. Шорасулнинг банкети бўлаётганда Йўлдош ва Салтанатнинг пинҳона кўз уриштиришлари, Салтанатнинг эрига хиёнат қилганига иқор бўлиши (ётоқхонага осиб қўйилган сурат ва сурнай навоси) саҳнаси ҳақида, Азизнинг касалхонадаги унинг Давлат мукофотига қўйилганлиги тўғрисида газета хабарини ўқиш жараёнидаги изтироблари романда йўқ, Мақсад Юнусов ижодининг маҳсулидир.

У. Норматов (профессор): Мен ижодий жамоани улкан мувваффақият билан табриклайман. Актёrlар ижросига тасанно, дейишидан бошқа баҳо йўқ. Тасвирчи, рассом ишлари аъло даражада. Мен Сайдижоннинг гапларига тўла қўшилиб, уни такрорлаб ўтирумайман. Аслида «Гирдоб» роман сифатида қайта-қайта ўқиладиган узукдек чиройли асар. Лекин бу

узукка Мақсуд ака құли гул заргардек 2—3 та чиройли күз қўйибди. Халқимиздан узукка кўз қўйгандек иборасини бемалол ҳақиқийижодий ҳамкорлик меваси бўлмиш ушбу видеофильмга қўлласа бўлади...

Ў. Усмонов: Бугун ҳаётимда энг ҳаяжонли, энг қувончли воқеа юз берди. Романин ёзиб тутатган тунда ҳам бунчалик хурсанд бўлмагандим. Бугунги муваффақиятнинг бош сабабчиси буюк режиссер Мақсуд Юнусовга алоҳида миннатдорчилигимни изҳор этаман...

«Гирдоб» эфирга берилгач, ушбу телесериал телетомошабинга энг манзур бўлган фильм, дея эътироф этилди. Видеофильм намойиш этилгач, муҳлислардан беш юздан ортиқ мактуб олинди. Ҳусусан, биология фанлари доктори, профессор Атаулла Оқилов редакцияга йўллаган мактубида шундай сатрлар бор:

«Чуқур мамнуният ва миннатдорчилик ҳислари билан шуни маълум қиласманким, мен «Зангори экран» орқали намойиш этилган ёзувчи Ў. Усмоновнинг 4 қисмдан иборат «Гирдоб» видеофильмини зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Videofilm яратилгунча «Гирдоб» романини ўқиб ҳайратда қолган эдим, лекин бу асарнинг кўп қисмли фильм тарзида яратилиши асар моҳиятини янада ошириб, ундан нафақат китобхонлар, балки миллионлаб томошабинларни ҳам баҳраманд этганлиги қувончлидир. Мазкур асарнинг муваффақиятли чиқишида ёзувчи ғояларини ишонарли ҳаётий тарзда томошабинга етказишида, шубҳасиз, постановкаси режиссер М. Юнусовнинг хизматлари катта бўлди. Барча актёрлар қаҳрамонларнинг ўзига хос руҳиятини намоён қилиш учун изланиш йўлидан боргандар. Шу боис томошабин Азиз Қосимов (артист Эркин Комилов) қувонса дилдан қувонади, у йиғласа кўзига ёш олади»...

Муҳиддин Жабборов (Ўзбекистон ҳалқ артисти Тўйчи Орипов) ва Расул Оллаёров (Ўзбекистон ҳалқ артисти Ёқуб Аҳмедов) образларини томоша қилиш жараёнида уларга нисбатан нафратимиз, ижрочиларга эса характерли қиёфа яратгани учун меҳр-муҳаббатимиз ортади. Айниқса, Маҳамат чатоқ образи ўзига хос такрорланмас талқинини топган. Уни ижро этган Ўзбекистон ҳалқ артисти Пўлат Сайдқосимов

Маҳамат чатоққача телевидениеда қатор образлар яратганди. Бундан аввал у «Диёнат» видеофильмида Отакўзи ролини маҳорат билан ижро этганди. Йқтидорли актёр ижросида Отакўзи телетомошабин кўз ўнгидаги бир кўринишда турмушнинг аччиқ-чучугини тотган, босиқ мулоҳазакор, хўжалик раҳбари, меҳридарё инсон, иккинчи бир кўринишда ўзгалар билан ҳисоблашмайдиган, чўрткесар, босар-тусарини билмай қолган шахс тарзида гавдаланганди. Ана шу тажрибалар, шубҳасиз, актёрга Маҳамат чатоқ образини бетакрор талқин этишда қўл келган...

Ижодий гуруҳ орадан бир ой ўтгач, дам олиш кунларининг бирида шаҳар чеккасидаги чойхоналарнинг бирига йифилдик. Ўқтам Усмонов устози Одил Ёқубов билан ташриф буюрди. Актёрлардан Тўйчи Орипов, Ёқуб Аҳмедов, Пўлат Сайдқосимов, Эркин Комилов етиб келди. Йигилгандар яна бир бор бир-бирини ижодий муваффақият билан қутлашди. Гуруҳимиз раҳбари Мақсад Юнусов видеофильм муносабати билан келаётган мактублар, эътиборли қўнғироқларга шарҳ берәтиб, яқинда юз берган бир қизиқ ҳангомани гапириб берди.

— Бир ҳафта олдин таниқли ёзувчилардан бири сумкасини китобга тўлдириб хонамга кириб келди. Мақсаджон, биз ҳам 30—40 йилдан буён ижод қилиб, 10 дан ортиқ қисса, роман ёзганмиз. Шуларни ўқиб чиқингчи, зора, бирортаси эътиборингизга тушса, дея китобларини сумкасидан олиб олдимга қалаشتариб ташлади. Мен кутилмаган ҳодисадан ҳангуманг бўлиб, домла, бу асарларингизнинг барчасини яхши ниятда ўқиб чиқсанман, лекин... Ҳар кимнинг ўз диди, талаби бор. Эҳтимол, менинг тишим ўтмагандир. Телевидениеда мендан бошқа яна ўнлаб режиссерлар бор...

— Ёки сизлар фақат юқорида ишлайдиганларнинг асарини қўясизларми?

— Домла, бу гапингиз ортиқча бўлди. Умримда биринчи марта мансабдорнинг асарига қўл уришим. Бунгаям асарнинг ўзи сабабчи. Юқоридан ҳеч ким менга команда берган эмас...

— Мен чапаний, мард одамман. Бирорта романимни кўп серияли фильм қилсангиз, шаҳарнинг қоқ марказидан ҳовли

сотиб олиб калитини тутқазаман, дея китобларига ҳам қарамай хонамдан чиқиб кетди...

— Бир ҳафтадан бүён нима қылсам экан, деб ўйлаб юрибман, — деди Мақсуд ака мийигида кулиб.

Ҳамма яйраб кулишди. Кимлигини айтайми, деди Одил ака кулгидан кўзи ёшланиб.

Бу гапдан сўнг мен ҳам телережиссер бўлмаганимга афсусланаяпман, деди Тўйчи ака. Тезроқ фильмга киришинг, қачонгача тупканинг тагидаги Қозоқенгсойдан Тошкентга қатнайсиз, — деди Эркин Комилов хохолаб кулганча.

— Тошкентда уйингиз йўқлигини ҳам яхши биларкан, отга қамчи босинг, — деди Пўлат ака ҳангомага яқун ясад.

— Романимга иккинчи ҳаёт ва қанот бағишилаганликларинг учун барчангизга қуллуқ қиласман. Шу баҳонада бугун барчанинг гувоҳлигига Мақсуд акадан бир нарсани илтимос қўлмоқчиман, — деди Ўқтам ака йиғилиш сўнггида.

— Агар қарши бўлмасангиз, видеофильмни шу даражада таъсирчан, ҳаётий чиқишига хизмат қилган, шахсан сизнинг ижод маҳсулингиз бўлмиш деталь ва саҳналардан романнинг иккинчи нашрида фойдалансам...

— Менинг ёзувчилик даъвоим йўқ. Мингдан-минг розиман, деди Мақсуд ака босиқлик билан...

\* \* \*

1984 йил август ойининг охирги кунлари. Ўша йиллари Ўқтам Усмонов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи муовини лавозимида ишларди. Бир куни пешинда Ўқтам ака ишхонамга қўнфироқ қилди.

— Иккаламиз Қашқадарёга бориб келамиз. Маҳаллий шоирлардан бири 60 ёшга кирап экан. Эртага иккida депутатлар залида учрашамиз.

Тадбирдан сўнг иккаламизни «Қарши» меҳмонхонасига жойлаштиришди. Эрталабки нонушта пайтида Ўқтам ака мендан сўраб қолди:

— Ўролжон, болалар нечта, ҳозирги яшаш шароитингиз қандай?

— Худога шукр, 4 та фарзандим бор. Юнусободдаги ёшлар уйида тураман.

— Э, афандией, Ёзувчиларнинг янги уйига ариза бермаганмидингиз? Ҳозирал кеч эмас. Яқинда райисполкомдан 5 та номзоднинг хужжатлари қайтарилиди. Улар орасида 2 та қўшнингиз ҳам бор. Райисполком раисидан уюшмамиз раҳбари номига расмий хат келди. Унда бир ҳафта ичидаги хужжати қайтганлар ўрнига муносиб номзодлар хужжати жўнатилмаса, уюшмага ажратилган 5 та хонадон шаҳар ижроия комитети ихтиёрига берилади, дейилган. Муҳлат тугашига атиги тўрт кун қолди. Энди отни қамчиламасангиз бўлмайди.

Эртагаёқ ариза билан раисимизга киринг. Сарвар Олимжонович сизни жуда яхши билади ва қаттиқ ҳурмат қиласиди. Буни уюшмага аъзо бўлаёттанингизда ўзингиз ҳам сезгандирсиз...

Эртасига раис ҳузурига кириб борганимда, у киши аризамга имзо чекаркан, Ўрол, сиз пешонаси ярқираган, омадли йигитсиз, деди қувониб. Сўнг касаба уюшма раисини чақириб, бугундан қолдирмай 4 хонали уйлардан бирини Ўрол номига расмийлаштириб, хужжатларини райисполкомга жўнатинг, деб топшириқ берди. Шу тариқа Ўктам аканинг сезгирилиги, ёш ижодкорларга эътибори сабаб янги уйли бўлдим...

## ҲАҚИҚАТНИ БЎҒИБ БЎЛМАЙДИ...

1984 йили Раъно Абдуллаева Марказқўмнинг идеология бўйича котиби этиб тайинланди. У илк қадамини мархум Шароф Рашидов билан бирга ишлаган, ўз соҳасининг билимдони бўлган раҳбарларни алмаштиришдан бошлади. Матбуот қўмитасининг раиси Зиёд Есенбоев, «Шарқ» нашриётининг бош директори Ислом Шоғуломов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бош муҳаррири Мақсуд Қориев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари А. Набиҳўжаев, телерадиокомитет раиси Убайдулла Иброҳимов, унинг телевидение бўйича муовини Убай Бурҳон 1985 йил ноҳақ ишдан бўшатилди. Уларнинг ўрнига соҳадан анча йироқ, лекин ҳар қандай топшириқни «лаббай» деб бажарадиган садоқатли шогирдларини тайинлади. Негадир у телевидениега алоҳида «Мехр» қўйиб, ўз назоратига олди. Орадан кўп ўтмай, телевидениега юборган шогирдларига тезроқ амалий ёрдам бергиси келдими, шахсан ўзлари бу даргоҳга ташриф буорада

диган бўлди. Бу ҳақда батафсил ёёсак, шубҳасиз катта китоб бўлади. Мен шу ўринда унинг илк ташрифига оид бир-иккита ҳангомани эътиборингизга ҳавола қилиш билан чекланаман. Илк ҳангома хусусида таниқли журналист Иброҳим Норматов «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 27 декабрь сонида босилган мақоласида шундай ёзади:

«Биз ҳикоя қиласидан воқеани билиб қўйиш ҳар бир ўзбек ва ўзбекистонлик учун, ҳар бир телетомошибин ҳамда санъат ихлосманди учун, маънавий-маданий меросни қадрлайдиган ҳар бир инсон учун ўта муҳим, деб ўйлайман. Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Эҳтимол, кимлардир муносабат билдира.

1985 йили кутимагандага телевидениега Ўзбекистоннинг идеология раҳбари ташриф буюорди. У таҳририятлар иши билан танишар экан, адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти жамоаси билан учрашди. Йиғилишда фондларингизда нима бор? — сўради идеология раҳбари.

— Кўп нарса, — деди таҳририят бош муҳаррири Ўрол Ўтаев ва унга рўйхат узатди. У рўйхатта бир оз тикилиб турди-да, уни сумқасига солиб қўйди.

Орадан уч кун ўтиб, телерадио қўмитанинг ўша пайтдаги раиси, адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти бош муҳаррири Ўрол Ўтаев билан бош режессёр Мақсад Юнусовни ўз хонасига чақиртириди.

— Юқоридан топшириқ бўлди, мана бу рўйхатда қизил қалам билан белгиланган барча видеофильмлар ҳамда спектаклларни ўчириб ташлайсизлар, — дейди раис дабдурустдан уларга. Мақсад Юнусов ҳайратдан қотиб қолди. Чунки, қизил қалам билан белги қўйилиб, рўпарасига «Ўчирилсин» деб ёзилган телеасарлар қаторида «Навоий», «Улуғбек хазинаси», «Гирдоб» сингари олтин фондни безаб турган видеофильмлар ҳамда Ҳамза театррида намойиш этилган спектаклларнинг телевизион варианлари бор эди.

— Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — деди ниҳоят ўзига келган Мақсад Юнусов.

— Ахир, бу телевидениенинг, қолаверса, халқнинг мулки, — қўшимча қилди Ўрол Ўтаев.

Раис топшириқни қатъий ва кескин оҳангда такрорлади:

- Ўчиришни бугундан боштасизлар, гап тамом, вассалом.
- Мен ариза ёзиб кетсам ўчиртирмайсизларми? — умидворлик билан термулди Мақсуд Юнусов.
- Олдин ўчириңг, кейин ариза ёзасиз.
- Бош муҳаррир билан бош режиссёр раиснинг қаршисида қаққайиб туриб қолишиди.
- Тепанинг топшириғини бажармасликка менинг ҳам ҳаққим йўқ, тушунинглар, — деди раис ва огоҳлантириди:
- Ўчирилган рулонларни қутичалари билан бирга менга кўрсатасизлар.
- Бошлари қотиб, иложсиз қолишган бош муҳаррир билан режиссёр маслаҳат учун телемарказ директори Ҳамидулла Назировнинг олдига киришиди ва бўлган воқеани айтиб беришиди.
- Ҳаммасидан хабарим бор, раис менга сизларни назорат қилишимни топшириди, — деди Ҳамидулла aka ва сўзида давом этди. — Мен бир нарсани ўйлаб қўйдим, лекин буни учаламиздан бошқа ҳеч ким, ҳатто оддий техник ходимлар ҳам билмасликлари керак.
- Сир сирлигича қолади, — деди Мақсуд aka.
- Ҳамидулла aka рўйхатга кўз югуртириб чиқиб, бош чайқади:
- Даҳшат-ку... «Улугбек» билан Навоийни ўчиртиришга қандай журъат этишиди! Ахир бу рўйхатдаги йигирмата асар бутун бир олтин фондимиз-ку! Бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас!
- Ака, минг раҳмат, — деди шошилганидан Ўрол Ўтаев.
- Мен сизни ижодкорнинг юрагини тушунмайдиган одам деб юрар эдим, узр сўрайман, сиз телевидение тарихида, халқимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз тарихида қоладиган савоб иш қиляпсиз.
- Гап бундай, — деди Ҳамидулла aka, — захирада яқинда Москвадан олиб келган ўтизга рулоним бор. Ўчирилиши керак бўлганларни уларга алмаштирамиз. Янги рулонларни эски қутичаларга жойлаштириб, мана ўчирдик, деб уларни раисга топширамиз.
- Бирортаси буни раисга айтиб қўйса-чи, — деди Мақсуд aka.
- Бу ишга ҳеч кимни аралаштирмаймиз. Уни кечаси учаламиз бажарамиз, — деди Ҳамидулла aka.

Подвалда одам тугул, овчаркалар ҳам тополмайдиган жойлар бор. Эски рулонларни бошқа рақамларда янги қутичаларда ўша ерларга яширамиз. Шундай қилиб, телемарказ директори Ҳамидулла Назировнинг ташаббуси ва топқирлиги билан телевидениенинг олтин фонди, маданий меросимиз сақлаб қолинди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, Ҳамидулла aka бандаликни бажо келтирди. У кишига мустақилликни кўриш насиб этмади.

Хўш, уч киши ўргасидаги сир қачон ошкор қилинди? 1991 йил 31 июль куни телерадиоқўмита бошқарув йифилишида Ҳамидулла акани хотирлашди ва унинг хатти-ҳаракатини жасорат деб баҳолашди».

\* \* \*

Мафкура котибининг илк ташрифидан сўнг, телевидениедаги ўрта бўғин раҳбарлари ҳам бирин-кетин алмаша бошлади. Дастрраб бош директор, кейин мусиқа, кино, қишлоқ хўжалиги таҳририяти раҳбарлари алмаштирилди. Ишларим намунали, иккинчидан, телерадиокомитет тармоғидаги энг ёш бош муҳаррир бўлганим боис, мени бўшатиш учун ҳар хил баҳона қидира бошлашди.

Янги раис ўринбосарининг хонаси ҳамиша дўсту ёрлари билан гавжум бўларди. Улар орасида, шубҳасиз, ҳар хил тоифадаги кишилар: зиёли, артист, савдо, ички ишлар, прокуратура ходимлари бор эди. Кейин билсак, уларнинг аксарияти ёзувчиликка даъвогар шахслар экан.

У деярли ҳар куни мени хузурига чақириб, қўлимга «семиз» папкалар тутқазарди.

Мен унга бу асарлар замонавийлик никоби остида ёзилган бадиий бўш асарлар эканини рўй-рост айтардим.

У ҳар гал қўлёзмалар ҳақидаги фикримни диққат билан эшитаркан, «Ты, молодец!» деб сирли кулиб қўярди. Бу кулиш, сирли жилмайишнинг «сири» кейин маълум бўлди. Мен қайтарган ҳалтура «асар»ларнинг кўпчилиги янги бош муҳаррир даврида экран юзини кўрди.

Бу орада Ўзбекистон ҳалқ шоири Э. Воҳидов ойнаи жаҳон орқали ҳалқимизга «Ҳайитингиз муборак» дегани учун огоҳлантириш олган бўлсам, А.С. Пушкиннинг «Қишлоқи

ойимқиз», Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» (гүё ичкилиқ ва динни тарғиб қилибман) асарларини телезеркранда кўрсатганим учун «ҳайфсан» олдим.

Раис ўринбосари бир куни ёнига чақириб дилидагини очиқ айтди:

— Обрўйинг борида жойингни бўшат. Агар ўз аризанг билан кетмасанг, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, номингни бадном қилиб жўнатаман...

У ўз қарорини раисга ҳам айтган экан, шекилли, икки кундан сўнг раисимиз ҳузурига чақириб, шундай деди: Телевидение бўйича муовиним билан муносабатларингдан яхши хабардорман. Кеча у Ўролни ишдан кетгизмасангиз, мен истеъфога чиқаман, деб шарт қўйди. Менинчча, унинг ўрнингизга мўлжаллаган ўз одами бор. Яхшиси, у билан ади-бади айтишиб юрманг. Ҳаётда баъзан райисполком, ҳатто райкомнинг биринчи котибини ҳам бирорта қолоқ хўжаликка раҳбар қилиб жўнатиш тажрибаси бор. Талантли композитор бўлса-да, Дилором Сайдаминова мусиқали редакцияни бошқаришда анча қийналяпти. У ерга шеъриятни яхши тушунадиган, ўзбекча текстларни таҳrir қиласадиган, сиздек мутахассис сув ва ҳаводек зарур. Дилоромга муовин бўлиб ўтсангиз, айни муддао бўларди. Ойлик маошингизни ҳозирги ҳолида сақлаб қолишга ваъда бераман.

Менда ушбу таклифга рози бўлишдан ўзга чора қолмаганди...

\* \* \*

1987 йил ноябрининг охирлари... Пахта йифим-терими охирига еттак, телевидениедаги барча ижодий ва техник кучлар «Янги йил» оқшомини тайёрлашга қаратилди. Дастурни тайёрловчи ижодий гурӯҳ ва декорация тасдиқланиб, декабрдан уни ёзишга киришилди. Сценарий муаллифи мен ва шоир Анвар Обиджон. Постановкачи режиссёр Кўзижон Ҳакимов, постановкачи рассом Акмал Расулов, мұҳаррир Сотвoldи Абдувоҳидов, тасвирчилар Тўлқин Курбонов ва Сайдабзал Расулов. Одатдагидек, бош мұҳарриримиз касаллигини баҳона қилиб ишга чиқмай қўйди. Изоҳ: У раҳбарият томонидан бирорта масъулиятли иш топширилса, албатта бирор баҳона қилиб бу тадбирдан ўзини четга оларди.

«Янги йил» оқшомини бутунлай янгича шакл ва мазмунда тайёрлашга киришдик. У шунчаки концерт эмас, балки мусиқий спектаклни эслатарди. Унга бирорта ҳам шунчаки қўшиқ ёки рақс киритилмади. Ҳар бир чиқиши юмористик лавҳа ёки бирор сюжетга боғланарди. Шунингдек, барча театрларга 1,5—2 ой олдин маҳсус буюртма берилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида 3—4 минутлик маҳсус дастур тайёрлаган эди. Рақслар ҳам машҳур балетмейстрлар томонидан бизнинг буюртма асосида тайёрланганди. Қўшиқ ва рақсларни боғловчи ҳажвий кўприклар машҳур қизиқчи ва актёрларимизнинг имкониятига мослаб ёзилганди...

28 декабрь. Биз монтаж ишларини деярли тамомлаб, қисмларга ажратиб улгурган пайтда телевидениеда гап-сўз тарқалди. Раис Янги йил дастурини қабул қилиш учун Москва (Марказий телевидение)дан маҳсус комиссия чақиритирибди.

Ўша куни гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек, бош муҳарришимиз ҳам ишга чиқди.

Раис 29 декабрь кеч соат 17.00 да янги йил дастурларини москвалик мутахассислар иштирокида қабул қиласхагини баён қилди. Айтилган вақтда барча ижодий гуруҳ билан раис хонасига йигилдик. У ерда яна бир «сюрприз»га дуч келдик. Раис хонасида москвалик меҳмонлар сафида Республика мафкурасининг раҳбари ҳам салобат билан ўтиради. Бизда кўркув ҳиссидан кўра хурсандлик аломатлари кучлироқ эди. Чунки, профессионал тайёрланган дастур москвалик меҳмонларга маъқул келишига тўлиқ ишонардик. Зеро, ҳалқимизда қуш тилини қуш тушунади, деган ажойиб ибора ҳам бор. Бош муҳарришимиз дастурни деярли кўрмади. У ҳар бир сюжет, концерт номер бўйича катта «опа»сига нималарнидир шивир-шивир қилиб, тушунтириш билан банд бўлди. Москвалик меҳмонлар ўзбек тилини деярли тушунмаса-да, дастурни дикқат билан томоша қилиши. Меҳмонлар раҳбари, кекса режиссёр ҳатто бир неча бор «браво-браво» деб чапак ҳам чалиб кўйди. Ниҳоят, 2,5 соат давом этган биринчи қисмнинг кўриги тугади. Ҳамма бир оз жим бўлиб қолди. Раисимиз сукутни бузди: «Нима қиласиз, биринчи қисм бўйича фикрлашиб оламизми ёки охиригача кўриб, сўнг таҳлилга ўтамизми?»

— Менимча, масала ойдин, вақтни кеткизиб охиригача кўриш шарт эмас, — деди москвалик меҳмонлардан бири.

Буни ҳамма ҳар хил тушунди. Кутилмагандан бош муҳарришимиз сўз олиб шундай деди:

— Бу ҳеч қанақа «Янги йил оқшоми» эмас, балки бошдан охиригача майнабозчиликдан иборат бемаза нарса... Бу баҳсга москвалик тасвиричи чидай олмай ўрнидан туриб кетди.

— Сиз кимсиз ўзи? Касбингиз нима? Санъатдан бутунлай йироқ одамга ўхшайсиз.

Бу саволдан завқланиб кетган режиссер Кўзижон Ҳакимов кулиб юборди:

— Бу хоним бизнинг бош муҳарришимиз, буюк композитор, — деди ўзини кулгудан тўхтата олмай.

— Э, шунақами, биз уни Марказий Комитет масъуларидан бири деб ўйлабмиз, — деди москвалик режиссер ажабланиб.

Кутилмаган «ҳангома»дан ўзини йўқотиб қўйган мафкура котиби мажлис жиловини ўз қўлига олишга ҳаракат қилди.

— Охиригача кўришга менинг ҳам вақтим йўқ. Яхшиси, мунозарага чек қўйиб, биринчи қисмнинг муҳокамасига ўтайлик. Азиз меҳмонлар! Сизларни Ўзбекистонга чақиришишимиздан асосий мақсад, ҳар томонлама сабоқ олиш, доно маслаҳатларингиз асосида камчиликларимизни тўғрилаб олишдан иборат эди. Марҳамат, қимматли фикр-мулоҳазаларингиз биз учун «олтиндан ҳам қиммат».

Меҳмонлар бошлиғи *режиссер* муҳокамани бошлаб берди.

— Азиз ҳамкаслар! (У бизларга юзланди.) Мен сизларни бутунги ижодий муваффақият билан қутлайман. Мен кўрсатувни ажойиб комедия кўргандек, маза қилиб томоша қилдим. Аввало, сценарий оригинал. Ҳажвий қиёфада намоён бўлган барча актёрлар ўз қиёфаси ва ўзига хос талқинига эга. Ашула ва рақслар ҳам меъёрида жойлаштирилган. Рассом декорацияси ҳам ранг-баранглиги билан ажralиб туради. Тасвиричи, асосан, иирик планлардан фойдаланган. Бу энг тўғри ва профессионал йўл. Энг муҳими, бу дастурда ижодий гуруҳнинг ўзаро ҳамкорлиги яққол сезилиб турибди. Иложи бўлса, бизга ярим соатлик якуний қисмини кўрсатишларинг кифоя. Ишонаманки, биринчи қисмдаги сюжет линияси унинг ўрталарида янайм кучайган.

**Рассом:** Менга ҳамкасларимнинг ажойиб декорациялари

маъқул келди. Рассомнинг иши дастур сюжетини янайм бойитган. Ёруғлик ўз ўрнида. Тасвириларнинг кадрлари узукка кўз қўйгандек. Хуоса қилиб айтганда, сизларда Марказий телевидение ходимлари ўрганса бўладиган анча жиҳатлар бор экан.

**Тасвири:** «Янги йил оқшоми»ни томоша қилиш жараёнида менда шундай таассурот қолдирди: Ижодий гуруҳ таркиби ҳақиқий профессионаллар эканлиги яққол сезилади. Муҳтарам раис, янги йилдан сўнг бугунги дастур ижодкорларини рағбатлантириш учун бир ҳафтага Москвага (Марказий телевидениега) юборинг. Буларда бизнинг техник имкониятимиз бўлса, улар бугунгидан ҳам юксак савияли асарлар яратса олишига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Шу тариқа «Янги йил оқшоми» дастурининг тақдиди ҳал бўлган эди. Бу гаплардан кейин мафкура раҳбари жойида ўтиrolмай қолди. У зарур иши борлигини баҳона қилиб, меҳмонлар билан хайрлашди...

1987 йил 3 январда раисимизнинг «Янги йил оқшоми» кўрсатуви ижодкорларини рағбатлантириш ҳақида буйруги чиқди. Унга кўра дастур тайёрлашда актив иштирок этган 12 та ижодий ва техник ходим бир ойлик маош миқдорида пул мукофоти ҳамда раҳматнома билан тақдирланди. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Раисимиз бош муҳаррирни алоҳида рағбатлантириши ҳам эсдан чиқармабди.

Икки-уч кундан сўнг жамоада гап тарқалди. Бош муҳаррир олти ойга (уртacha маоши сақланган ҳолда) Москва чеккасидаги ижод уйларининг бирига «буюк асарлар» яратиш учун жўнаб кетибди.

Хуллас, мафкура котиби даврида ўз соҳасини яхши биладиган, энг муҳими, касбини чин дилдан севадиган, фидойи кадрлар эмас, балки давлат ишидан кўра шахсий манфаатини устун қўйиб, ўзидан юқори раҳбарнинг кўнглини овлаш учун кечаю-кундуз бош қотирадиган, одамлар қалбидан кўра курсисини кўпроқ ўйлайдиган хушомадгўйларга кенг йўл очилиб, улар ҳар томонлама рағбатлантирилди. Ва аксинча, ўз ишини пухта биладиган, ҳар қандай вазиятда тўғри сўзини айта оладиган, ҳалол, виждан амри билан яшайдиган кадрлар таъқиб қилинди.

1988 йил.

## ДАРЁДИЛ ИНСОН ЭДИ...

1988 йилнинг июль ойида телерадиоқўмита раиси лавозимига Наим Явқочевич Фойибов тайинланди.

Наим Фойибов бу даргоҳга келгунча файласуф олим, моҳир ношир сифатида жамоатчиликка яхши таниш эди. У маданиятли, камтарин, мулоҳазакор раҳбар сифатида тезда жамоа билан тил топишиб кетди.

У илк қадамини эзгу ишлар билан бошлади. 1984 йилдан бўён тўхтатиб қўйилган «Юлдузли тунлар» асари асосидаги видеофильмни бошлаш тўғрисида буйруқ тайёрлаб, унга имзо чекди. «Ичкуёв» видеофильмини яратган атоқли режиссёр Мақсад Юнусов бошлиқ ижодий гурӯҳни телерадио-қўмита бошқаруви қарорига биноан Давлат мукофотига тавсия этди.

Раис август ойининг охирида мени хузурига чақиририб шундай деди:

— Ўролжон, ҳалиям мусиқий редакцияда бош муҳаррир вазифасини бажараётган экансиз. Сизга янги «ҳаридор»лар чиқиб қолди. Кеча адабий-драматик қўрсатувлар таҳририятидан 5—6 та оқсоқол келиб, Ўролни бизга раҳбар қилиб қайтаринг, унинг даврида редакция ҳар томонлама гуллаган, ҳар ойда сара бадиий асарлар асосида 1—2 спектакль ёки видеофильм премьераси бўлар эди. Ҳозирги, бир-икки талантсиз «ёзувчи» кашф этилиб, уларниң ҳалтура асарларини саҳналаштириш билан банд бўлдик, — дейишидди афсус билан.

— Улар менинг дилимдаги гапларни айтишибди. Ҳақиқатан ҳам, мен атоқли адибларимизнинг асарлари асосида бобокалонларимиз Ибн Сино, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур ҳақида видеофильмлар яратишни орзу қиласдим. Афсуски, бу ниятларим чала қолди... Сиздан бирдан-бир илтимосим, муовин қилиб бўлса-да, мени эски редакцияга қайтаринг...

— Гапларингиз тўғри. Бироқ, ҳозирги жойингиз энг қалтис, лекин телерадиоқўмитанинг обрўсини белгилайдиган соҳа. Сиз ҳозирча бу ерда қойиллатиб ишлаётган экансиз, биз фоят мамнунмиз. Анча-мунча одамлар билан суҳбатлашдик. Қўпчиликнинг сиз ҳақингиздаги фикри ижобий. Кеча Элбек Мусаевич билан сиз тўғрингизда узоқ суҳбатлашдик. У

кишининг ҳам қарори қатъий. Тезда Ўролни мусиқий редакцияга бош муҳаррир этиб тасдиқлайлик, деяптилар. Раисдан яна бир бор имкон бўлса, адабиётга қайтаришни илтимос қилиб, хонасидан чиқдим. Тўғри диёнатли, ҳалол инсон, мусиқий редакциянинг бош режиссёри Кўзижон Ҳакимов ҳузурига бориб, унга раис билан бўлган учрашув тафсилотини қисқача гапириб бердим. Табиатан босиқ, камгап Кўзижон ака тутақиб, ўрнидан туриб кетди.

— Нималар деяпсиз, Редакция энди оёққа туриб, тилга тушаётганда, қаерга кетасиз?

— Қанча фидойилик кўрсатмайин, мен сизларга омонат раҳбарман. Чунки менда мусиқий маълумот йўқ.

— Қўш дипломли «буюк композитор»дан юраги зада бўлган жамоа сизни ҳамиша қўллаб-куватлашига ишонаман.

\* \* \*

Эртасига соат 10 да бутун мусиқий жамоа билан Элбек Мусаев хонасига йиғилдик. Кўп ўтмай, у ерга раисимиз Наим Ёвқочевич Фойибов кириб келди. У киши гапни чўзиб ўтирасдан асл мақсадга ўтди.

— Бугун Ўролнинг ишига охирги нуқта қўймоқчимиз. Бу масалада кимда қандай таклиф бор?

Э. МУСАЕВ: Аслида бу жойга талабгорлар жуда кўп. Лекин биз «ишқибоз»лардан эҳтиёт бўлишимиз даркор. Бугун ҳақиқатни айтишимиз лозим. Ўрол қисқа давр ичида мусиқий таҳририятда соғлом муҳит яратди. Адолатли бадиий кенгаш тузиб, жамоатчилик, қолаверса телевидение атрофида ҳамиша айланиб юрадиган майда-чуйда, фисқу фасод гапларга чек қўйди. У тузган кенгашда Туроб Тўла, Фанижон Тошматов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Отаназар Матёкубов, Тўхтасин Фофурбеков, Раҳматжон Турсунов, Отаёр, Муҳаммад Юсуф каби ўз соҳасининг усталари иштирок этаяпти.

Айтингларчи, бундай нуфузли кенгаш қаерда бор?

Бу Ўролнинг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатувчи биттагина мисол. Унинг ташаббуси билан «Барҳаёт наволар», «Халқ ижодиёти», «Мусиқа жавони» каби ўнлаб кўрсатувлар, атоқли санъаткорлар ҳақида видеофильмлар

яратилмоқда. Шундай экан, халқ топиб айтганидек: «Отни кечувда алмаштирмайдилар»...

Яна битта ибратли факт: Үрол Үтаев бошчилигига тайёрланган «Янги йил оқшоми» москвалик нуфузли комиссияни ҳам лол қолдирди.

Шундан сұнг К. Ҳакимов, С.Абдувоҳидов, А. Отамуродова, Л. Иноземцева, А. Юнусов, Ф. Ҳотамов ва бошқалар сүзға чиқиб, юқоридаги таклифни маъқулладилар.

Н. Фойибов: Үролжон, бу сұзларга нима дейсиз, деди жилмайиб.

Ү. ҮТАЕВ: Жамоа мени шу даражада эъзозлар экан, нима дейишігә ҳам ҳайронман. Раис бува, сиздан бир-иккита илтиносим бор.

1. Жамоа ҳозирча аҳил. Күпчилик ҳалол ишлашга ҳаракат қиласыпти. Лекин бизда оёғи чаққон ташкилотчилар күпү, қалами ўткир журналистлар, фантазиялы режиссёрлар озчиликни ташкил қиласы. Бир-иккитасини бошқа таҳририяттарға ўтказиб, уларнинг ўрнини иқтидорли ёшлар билан түлдирсак.

2. Иссиқ жойи совугач, ҳозир мени құллаб турғанларнинг айримлари ғимиллаб қолиб, унинг мусиқий маълумоти йўқ, деб юқорига имзосиз хатлар ёзса, мени ким ҳимоя қиласы. Мен бор масъулиятни бўйнимга оламан. Лекин...

Н. ФОЙИБОВ: Шахсан ўзим сиз учун қалқон бўламан. Мабодо шундай хатлар ташкил этилса, «мусиқий маълумот» қисми эътиборга олинмайди, – деди раис хохолаб кулиб.

Э. МУСАЕВ: Йиғилиш баённомасига таклифингизни албатта ёзиб қўямиз ва унга барчамиз имзо чекамиз...

Бу таклифни ҳамма маъқуллади. Эртасига, яъни 1988 йил 1 сентябрда мени мусиқий кўрсатувлар таҳририятига бош муҳаррир этиб тайинлаш тўғрисида раиснинг буйруғи чиқди.

Фаолиятимни анчадан бўён дилимда туғиб юрган эзгу иш билан бошлашга аҳд қилдим. Жамоа билан келишган ҳолда бир ҳафта ичидаги ўзбек мусиқа санъатининг дарғалари ҳақида видео ва телефильмлар яратиб, уларни «олтин фонд»га ўтказиш бўйича 2 йилга мўлжалланган режа ҳамда фильмга номзод санъаткорлар рўйхатини белгиладим. Уни амалга оширадиган ижодий гуруҳни туздим. У рўйхатдан нафақат

элга машхур хонандалар, балки моҳир созанда, раққоса, ҳалқ баҳшилари ўрин олди. Пойтахтда яшаётган Турғун Алиматов, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Саттор Ярашев, Муҳаммаджон Каримов, Очилхон Отахонов, Қувондиқ Искандаров, Орифхон Ҳотамовдан ташқари, вилоятлардан Ҳабиба Охунова, Таваккал Қодиров, Бола баҳши Абдуллаев, Фуломжон Ҳожиқулов, Отажон Худойшукоров, Тожиддин Муродов, Муроджон Аҳмедов, Байрам Матжонов каби 30 та санъаткор саралаб олинди. Бу эзгу иш амалга оширилса, телевидениенинг 40 йиллик тарихида улкан воқеа содир бўлиши аниқ эди. Бунинг учун шахсан телерадиоқўмита раиси томонидан барча ижодий ва техник кучлар бирлаштирилиши лозим эди. Зоро, нафақат редакция, балки бутун телевидение ҳам бу ишни тўла уддалашга ожизлик қиласди. Юқоридагиларни инобатта олиб, редакциянинг буюртмасига кўра, фильмларнинг 15 тасини телефильм, қолганларини телевидение зиммасига юклашни мўлжалладик. Иқтисод бошқармаси билан ҳамкорликда бўлажак фильмларнинг таҳминий сарф-харажатларини ҳам ҳисоблаб чиқди. Галдаги бош масала раиснинг розилигини олиб, бу тадбирни телерадиоқўмита бошқарувида қўриб чиқиб, унинг қарорини чиқазишдан иборат эди. Ҳар эҳтимолга қарши, ижодий гурӯҳ таркиби, бошқарув қарори лойиҳасини ҳам тайёрлаб қўйдим. Шундай эзгу ниятлар билан қанот қоқиб, учеб юрганимда раис қўнфироқ қилиб қолди: «Олдимга чиқинг. Саттор акангиз келган экан (Ўзбекистон ҳалқ артисти Саттор Ярашев), маслаҳатли гап бор. Мен нима гаплигини тушундим. Чунки шу йили Саттор Ярашев 70 ёшга тўлаётганидан хабардор эдим. Ҳар эҳтимолга қарши «Санъат дарғалари» ҳақидаги барча ҳужжатларни ҳам ўзим билан олиб олдим.

Раис хузурида Саттор акадан ташқари, бухоролик санъатшунос олим ҳам ўтирган экан.

Таҳминим тўғри бўлиб чиқди. Саттор ака юбилейга ўзи ҳақида кўрсатув тайёрлашимизни раисдан илтимос қилиб келган экан. Ҳаммасидан хабардорман деб, – раисга 2 йилга мўлжалланган фильмлар рўйхатини узатдим. Н. Фойибов рўйхатни қўриб, қувониб кетди. «Ў, зўр-ку! Саттор ака, сиз оддий кўрсатув қилишимизни илтимос қилиб юрибсиз, булар сиз ҳақингизда фильм қилишни аллақачон режалаш-

тириб қўйган экан. Мана, рўйхатнинг бошида фамилиянгиз турибди.»

Саттор ака хурсандлигидан ёш боладек яйраб кетди.

— Қачон кўрсатасизлар?

Буюк санъаткорнинг соддалигидан ҳаммамиз баравар кулиб юбордик. Аввал тайёрлайлик...

Меҳмонлар раисга раҳмат айтиб, чиқиб кетишди. Мен яна ярим соат қолиб, уни барча ҳужжатлар билан батафсил таништирдим.

Раис ёрдамчисини чақириб, барча ҳужжатларни унга тутқазаркан, навбатдаги коллегияда бу масалани, албатта, кўриб чиқамиз, бу ишга Ўролдан ташқари, телемарказ директори, иқтисод ва техника бошқарма бошлиқларини ҳам жалб этинг, деб алоҳида тайинлади.

**Изоҳ:** Икки йил давомида бошқарувда тасдиқланган деярли барча теле ва видеофильмлар юксак савияда тайёрланиб, эфирга узатилди. Дарёдил раҳбар Наим Ёвқочевич Фойибовнинг узоқни кўра билган сиёсати туфайли абадиятга муҳрланган мусиқий фильмлар ҳозир ҳам «ойнаи жаҳон» «олтин фондига»ни безаб турибди...

\* \* \*

Биринчи котибнинг қадами қутлуғ келди. 1989 йили 6 йиллик танаффусдан сўнг илк бор республикамиизда пахта тайёрлаш режаси муддатидан олдин бажарилди. Шу муносабат билан 21 ноябрь эрталаб соат 10 да раисимиз Наим Фойибов бош директор, бош режиссёр, қишлоқ хўжалиги ва бадиий таҳририят раҳбарларини ҳузурига чорлаб, ҳозиргина Марказий Комитетнинг биринчи котиби Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ҳузуридан келгани, у кишидан ўзбек пахтакорларининг ғалабасига бағишлиланган 4 соатлик маҳсус кўрсатув тайёрлаш топширигини олганини айтди. Шу муносабат билан камина раҳбарлигига энг тажрибали ижодий кучлардан иборат 15 кишилик гурӯҳ тузилди. Кўрсатувни икки кун ичida тайёрлаб, индинга эфирга беришимиз кераклигини алоҳида уқтириб ўтди.

Мен тезда ижодий гуруҳ таркиби, унда иштирок этувчи пахтакор, санъаткор ва ёзувчи-шоирларнинг рўйхатини тузиб, раисга олиб кирдим. У киши рўйхатни диққат билан кўздан кечириб, ишни бошлишимизга розилик билдириди.

Чиройли декорациялар билан безатилган катта студияда кўрсатувни ёзишга киришдик. Шу куни қундуз соат 2 ларда телемарказга кираверишдаги йўлақда раисимизни хуноб ҳолатда учратиб қолдим. Мен у кишидан, «нега бунчалик хавотирланяпсиз», — деб сўрасам, у киши: «ҳофиз ҳалиям келмабди-ку. Унинг «Бободеҳқоним» қўшигини беришимиз шарт...»

Мен раисга, ҳечам ҳаяжонланманғ, келса яхши, келмаса ҳам бир иложини топармиз, дедим ётиги билан.

— Э, нималар деяпсиз...

Унинг «Бободеҳқоним» қўшигини аллақачон топиб қўйганман. Монтаж пайтида унинг қўшигини 2—3 марта залдаги меҳмонларнинг чапаклари билан ёпиб юборамиз, олам гулистон...

— Э, шунақами, — деди Наим ака анча хурсанд бўлиб. Сўнг қўнгли жойига тушиб, хонасига йўл олди.

Шу куни тунги соат 2 да кўрсатув монтажини тутатдик. Шу тариқа тўрт соатлик чиройли дастур тайёр бўлганди.

Эртасига раисга байрам дастурини кўрсатдик. Раҳбарият томонидан ҳеч қандай эътиroz бўлмади. Наим ака, айниқса, «Бободеҳқоним» қўшигининг қандай монтаж қилганимизни кўриб, завқланиб кетди:

— Қойил-е, мен ҳеч қандай сунъийликни сезмадим!

Шу куни кечқурун дастурни икки қисмга бўлиб эфирга узатдик. Эртасига ҳаяжон билан кўрсатув бўйича мутасадди идоралар баҳосини кута бошладик. Эрталаб соат 10 ларда раис ва унинг ўринбосари Марказий Комитетга чақирилди. Улар орадан бирор соат ўтгач, кайфияти анча тушган ҳолда қайтиб келишди. Уни мафкура бўйича масъул ходимлардан бири қабул қилиб роса «тузлаб»ди.

— У кимнинг фикри бўйича чақириби? Биринчи котиб кўрганмикин?

— Билмадик. Масъул ходим ўта эҳтиёткор одам. Менимча, ҳар эҳтимолга қарши деб, бизларга пўписа қилиб қўйди-ёв. Агар биринчига ёқмаган бўлса, кечанинг ўзидаёқ қўнғироқ бўларди...

Соат 12 ларда кутилмагандага раис чақириб қолди.

Раисимиз табиатан анча босиқ инсон бўлса-да, дарғазаб бўлиб ўтиради.

— Ҳозир тепадан яна қўнғироқ бўлди. Соат 3 га барча ижодий гурӯҳни тўплаб, биринчи котибнинг хузурига борар эканмиз.

Мен шартта ўрнимдан туриб, раисни табриклидим: «Агар жазолаш керак бўлса, шахсан ӯзингизни чақиртиарди... Ижодий гурӯҳ билан дебдими, кўрсатув шахсан Ислом Абдуғаниевичга маъқул келган. Сиз, яхшиси, учрашув баҳонасида у кишидан ундирадиган нарсаларни қоғозга тушириб олинг».

Раис, илоё шундай бўлсин-да, деб Элбек ака ва мени қайта бағрига босди. Соат 14 дан 45 дақиқа ўтганда 14 киши бўлиб Марказий Комитет қабулхонасига этиб бордик. Бизни бинога кириш жойида кутиб олган масъул ходим, гўё эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек, барчамиз билан самимий кўришиб (ҳатто раис ва унинг ўринбосари билан ўпишиб), барчамизни ижодий ютуқ билан табриклиди. 15 дан 15 дақиқа ўтганда биринчи котиб хонасига таклиф этилдик. Наим ака ижодий гурӯҳ аъзолари билан таништиргач мулоқот қарийб 1,5 соат давом этди. Биринчи котиб аввал кўрсатувни чуқур таҳлил этиб, жамоага миннатдорчилик билдирилдилар. Сўнг шу кунларда республикада амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида гапириб берди. Учрашув тезда ўз самарасини берди. 1990 йилги «Наврўз» телемарафони муносабати билан Президентимиз фармони билан телерадиоқўмитанинг 30 дан ортиқ ижодий ва техник ходимлари ҳукуматимизнинг юксак унвон ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди...

**Мұхтарам китобхон!**

«Санъат дарғалари» туркумидан тайёрланиб, шу кунларда «Олтин фонд»да сақланыётган мусиқий видеофильмлар хусусидағи тасаввурларингизни бойитиш мақсадида мазкур фильм, сценарийларидан утасини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

## **СЕРҚИРРА ИСТЕЙДОД СОҲИБИ**

Санъат чамани... У шундай қутлуг даргоҳки, бу ерга ошна-оғайнигарчилик билан кириб бўлмайди. Бу чаман ўз соҳибидан нозик иқтидор, ноёб истеъдод ва машаққатли меҳнат талаб қиласи.

Орифхон Хотамов табиат берган салоҳиятни тинимсиз меҳнати орқали сайқаллаштирган санъаткорлардан.

У — серқирра талант соҳиби. Ўзига хос, ноёб овози билан ҳалқимиз дилидан чуқур жой олган ҳофиз, моҳир созандা булиш билан бирга бетакрор бастакор ҳамдир. Уч истеъдод қиррасининг бир кишида намоён бўлиши кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Орифхон Хотамов бу шарафга мұяссар бўла олган инсонлардан биридир.

Орифхон Хотамовнинг санъатга кириб келиш йўли ҳам барча қишлоқ болаларига хос кечди.

У ёшлигидан куй ва қўшиққа ўч эди. Жиззахда бўладиган йигин ва сайлларга бориб, у ерда куйланган қўшиқларни бутун вужуди билан тинглар, уйга келгач, алламаҳалгача эсида қолган қўшиқ мисраларини ўзича хиргойи қиласи.

1943 йили етти йиллик мактабни тамомлагач, Тошкентдаги Охунбобоев номли тиббиёт билим юртига ўқишга кирди.

Бир куни санъатга ишқибоз Орифхон «Муқимий театрига созанды керак», деган афишани ўқиб қолиб, ўз омадини синаб кўради ва 1945 йили театрга ишга қабул қилинади. Муқимий театрида ишлаш Орифхон Хотамов учун чинакам ижод мактаби бўлди. У ерда Тўхтасин Жалилов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби етук санъаткорлар ёнида гоҳ соз чалди, гоҳида жўравозлик қилиб қўшиқ куйлади.

1950 йилларда Ўзбекистон давлат филармонияси ташкил

тилгач, Орифхонни созанда ва хонанда сифатида ишга таклиф этишди.

Филармонияда Ҳакимжон Файзиев билан танишди. Ҳакимжон унга шогирд тушди. «Чоргоҳ», «Ўлмишам», «Сарахбори оромижон», «Садирхон», «Ўзинг» каби кўплаб қўшиқлар иккаласининг жўровозлигида яратилди.

Орифхон ака ёшлигидан қадимий ўзбек куй ва қўшиқларини янги сайқал билан келажак авлодларга етказишни орзу қиласарди.

Бу эзгу ниятни амалга ошириш учун билими етиш маслигини дилдан ҳис этиб, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишига кирди.

1950 йили ҳазрат Навоий ижодига бастакор сифатида илк бор қўл урди.

Қоши ёсинму дейин,  
Кўнглима ҳар бирининг  
Дарду балосинму дейин...

Зеро, ушбу қўшиқни тинглаган ҳар бир шинаванда Навоий ғазалининг янги қирраларини кашф этиб, хонанда иқтидорига тасаннолар айтади.

Зеро, ушбу қўшиқни тинглаган ҳар бир шинаванда Навоий ғазалининг янги қирраларини кашф этиб, хонанда иқтидорига тасаннолар айтади.

Орифхон Ҳотамов мактаб кўрган ҳофиз. Кўп йиллар Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов таълимими олди. Улардан ҳар бир қўшиқни ўзига хос жило бериб куйлаш сирларини ўрганди.

Орифхон ака ижросидаги классик қўшиқлар шу боисдан ҳам ўзига хос, бетакрор оҳангда жаранглайди.

Орифхон Ҳотамов ижоди баҳонасида яна бир ҳақиқатни очиқ айтиш жоиздир.

Шу вақтгача унинг репертуаридан бирорта ҳам ўртамиёна қўшиқ ўрин олмаган. У хонанда ва бастакор сифатида қўшиқ учун шеър танлашга жиддий эътибор беради.

У, асосан, классик шоирларимиз: Лутфий, Саккокий, Навоий, Фузулий, Машраб, Оғаҳий, Муқимий ижодига мурожаат қиласади. Шу ўринда «Аё, дилбар», «Арзимни айтай», «Оразинг намоён қил», «Мужгонларинг», «Сенсан севарим»ни эслаш кифоя.

Ой юзингта кўз солғали, ўзга киши бирла,  
Йўқдир назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Орифхон Ҳотамов ҳар гал бирор шеър ё ғазалга куй басталаётганда ўзига хос тароват, нозикликни сақлаб қолиш билан бирга, уларга янгича оҳанг, ўйноқилик, дилларга ором баҳш этувчи ранг ва жило беради. Шунинг учун ҳам унинг нафақат классик шоирларимиз, балки Ҳабибий, Чархий, Собир Абдулла, Чустий, Туроб Тўла, Саида Зуннунова каби замондош шоирлар шеърларига басталаган қўшиқлари ҳам фонотекамиз хазинасидан ўрин олиб, кексаю ёшни баробар тўлқинлантириб келмоқда.

Орифхон Ҳотамов ҳар гал радио, ойнаи жаҳон ёки турли хил сайлларда куйлаётган бўлса, шинавандалар барча юмушларини бир чеккага қўйиб, унинг ижросини диққат билан тинглайди. Бу ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган баҳтдир.

Орифхон Ҳотамов шундай ҳофизлар тоифасига кирадики, у айтган қўшиқларни ҳамнафас шогирдларидан ташқари, бошқа ҳеч бир хонанда қойиллатиб ижро эта олмайди.

«Мужгонларим», «Сенсан севарим», «Найлайн», «Кўзинг», «Жудо»... фикримга асос бўла олади.

Орифхон Ҳотамов кейинги йилларда бастакор сифатида қатор янги, ўзига хос изланишлар қилди. Айниқса, мақом меросимиз гултожига айланган Навоий, Огаҳий, Машраб ва бошқа шоирларнинг қатор ғазалларини Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Бекназар Дўстмуродов каби шогирдлари ҳамнафаслигига мослаб, янгича услубда тайёрлаган асарлари мусиқий ҳаётимизда чинакам воқеа бўлди.

Халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамовнинг бугунги кунда ижод йўлини давом эттираётган ўнлаб умидли шогирдлари бор. Ҳакимжон Файзиев, Эсон Лутфуллаев, Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳбуба Ҳасанова, Бекназар Дўстмуродов, Мажидхон Саидов, Авазбек Маҳмудов, ўғли, укаси бугун унинг санъатдаги йўлини муносиб давом эттирмоқдалар.

## ПОКИЗА ҚАЛБ ЭГАСИ

Одатда, эл довругини унинг шоирлари, ҳофизлари, зиёлилари таратади, лейишади. Эски шаҳарнинг довругини яна бир бор таратган инсонлардан бири, қўшиқчиликда ўзига хос мактаб яратган ҳофиз Муҳаммаджон Каримовдир. У такрорланмас ижро услуби билан мумтоз қўшиқ ихлосманндинг қалбидан чукур жой олган санъаткордир. У ижро этган ҳар бир қўшиқ ўз жозибаси, оҳанги, роҳатбахшилиги билан алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос олам.

Муҳаммаджон Каримов қалбидан отилиб чиққан ҳар бир қўшиқ тингловчи қалбини тезда ўзига забт этади. Гирён замонлар силсиласидан бўзловчи «Гиря», «Чоргоҳ», кеча, бугун, келажакни кўз олдингизда жонлантириб қўйгувчи «Дугоҳ», «Баёт-1», «Раъноланмасун», «Нигора», «Агар сендан тонар бўлсам», тингловчини сеҳрли оламга етаклаб кетгувчи «Чапандози гулёр», ҳар бир довон синовларидан виждони пок бўлиб чиққан ёр кўнглини ифодаловчи «Жамолинг соғиниб», «Ул қаро кўз», йиллар ва асрларнинг сирлари билан йўғрилган «Сегоҳ», юракларни сел қилиб юборгувчи «Муножот», ёр кўйида ёниб кул бўлган ошиқ тилидан айтилгувчи «Изларман», не-не манзиллар томон хаёлни олиб қочгувчи «Тошкент ироғи»-ю, «Қайдасан», «Қаландар»... Уларнинг ҳар бири хотира, мадад ва олдинга ундовчии кудрат, ажаб ва боқий хаёлот бўлиб киради.

Улуғлардан бири Диего Вега, «санъаткор бўлиш учун ижтимоий кураш марказида бўлмоқ зарур», деган экан. Муҳаммаджон Каримовнинг босиб ўтган йўли фикримизга тўла асос бўла олади.

«Минг тўқиз юз ўттиз еттинчи йили мени илк бор радиога таклиф этишди. У пайтлар тўғридан-тўғри эфирга чиқардик. 1939—42 йилларда Хоразмга юборишиди. У ерда Урганч ва Чоржуй ўзбек театрида концертлар қўйдик, саҳнада роллар ижро этдим. Тошкентга қайтгач, урушга кетдим», — дея хотирлайди Муҳаммаджон ака. У ердан ярадор бўлиб қайтгач, яна радиода созанда бўлиб ишлай бошладим. 60-йилларда мақом ансамбли ташкил этилгач, биринчилар қаторида мени ҳам ансамблга хонандаликка қабул қилишди... Улкан ҳофиз санъат йўлига қандай кириб келди? Унинг

санъатдаги илк устози, падари бузруквори Карим Раҳимов бўладилар. У кишининг асосий касби сартарош бўлса ҳам илмли ва фозил инсон эдилар.

«У дутор ва танбур жўрлигида ашула айтганида тинглаётганлар сел бўлиб кетарди», деганди Муҳаммаджон aka отаси ҳақида. Унинг созанда ва хонандалиги тўла-тўкис Муҳаммаджонга юқди. У Навоий, Увайсий, Машраб, Отахий ғазалларидан ҳайратга тушишни ҳам илк бор отасидан ўрганди. Кейинчалик унга Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Халим Ибодов, Гулом қори, Юнус Ражабийлар санъат соҳасида раҳнамолик қилишиди.

Муҳаммаджон aka ҳаётлигида эл орасида илк чиқишини хотирлаб, шундай деганди: «Минг тўқиз юз ўттиз тўқизинчи йил. Мақтаниш бўлсаям, айтай. Калонхона деган маҳалла бўлгувчи эди. Бир куни шу ерда кўп одам тўпланган, қандайдир йифиндан кейин санъаткорлар чиқиши бўлган эди. Бу пайтлар мен ҳам анча-мунча ашула айтадиган бўлиб қолганман денг. Ўша жойда илк бор «Чоргоҳ»ни айтганман, шундан бўён ҳамма мени «ҳофиз» деб айтадиган бўлди.

Ўша йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ санъат кўригига ҳам иштирок этдим».

Танбур, дутор чертишнинг нозик сир-асрорларини юксак эгаллаган, ҳар бир қўшиқ сўзларига пайваста қуй басталай оладиган Муҳаммаджон Каримов репертуаридағи энг суйган қўшиқларидан бири сўзсиз «Дилхирож»дир.

Уни дил қитиқловчи куй деганларича бор. Усул ва лад жиҳатдан мақом йўлларида айтилгувчи, муқаддима билан бошлиғувчи, Зебо пари авжида жон ўртагувчи «Дилхирож» ҳар бир тингловчига ором бағишлайди.

1991 йили ҳофиз ижодига бағишлиған фильмни суратта олаётганимизда унинг қадрдон дўсти Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимуҳаммедов шундай деганди: «Мен Муҳаммаджоннинг одамохунлиги, уста хонанда ва созандалиги ҳамда нодир овозини эъзозлайман. У ёшлигидан тоза нафасли эди. Ҳатто, урушда ҳам унинг ноёб санъати жангларда ёрдам бергани аниқ». Дарҳақиқат, М. Каримов жон бериб, жон олганлар сафида матонат кўрсатди. Тўп командири сифатида жангда жароҳатланди. Госпиталда ҳам куй-қўшиқлари билан беморларга мададкор бўлди».

Уруидан сўнг кўп йиллар Ўзбекистон радиосида фаолият кўрсатди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. 1992 йили «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвони билан тақдирланди. Умрининг охиригача ўқитувчилар уйи қошида ўзи ташкил этган ансамблга раҳбарлик қилди. Ўндан ортиқ ёшлар устоздан мақом сирларини ўрганиш билан бирга, турли хил милий созлар чалиш ҳадисини олишди. Ака-ука Ҳамидулла ва Абдулла Мирзакулов, Фатхулла Фофуров, Акмал Икромов, Равшан Ақбаров, жияни Хайрулла Муҳаммаджон аканинг муносиб давомчилари дидир.

Муҳаммаджон ака улкан ҳофиз бўлиш билан бирга камтарин инсон, меҳрибон ота, табаррук бобо ҳам эди. Қизлари Мавлуда, Мавжуда, Маъмурда, ўғли Солиҳон шу кунларда турли соҳаларда ҳалол хизмат қиласяпти.

Муҳаммаджон Каримов мафтункор, жозибали, сўzlари аниқ ва мазмунли, авжи баланд қўшиқлар куйлашни ёқтиради. Ана шундай қўшиқларгина кўнгилларда хушкайфият бағишлиб, инсонлар билан бирга тонгларга пешвоз чиқади. Беихтиёр қалбларни қалбларга улади.

— Чинакам санъат покизалик, камтарлик ва самимиятни ёқтиради. Ана шу фазилатларни эгаллаган санъаткоргина бир умр эл ардоғида яшайди, — дейди унинг муҳлисларидан бири, таниқли адаб Ҳуршид Дўстмуҳаммад. — Мен у киши билан қарийб бир маҳаллада яшар эдик, у киши амалдорга ҳам, оддий ишчи, бева-бечорага ҳам бир хил муносабатда бўларди. Унинг уйидаги «Тўй дафтари» ҳамиша очиқ турарди. Кимки уни ошга таклиф этиб келса, дафтарини очиб, бўш куни бўлса ёзиб қўярди. Бирорга хизмат учун фалон сўм деганини эшитмаганман...

Улкан ҳофиз Муҳаммаджон Каримов умрининг охиригача (1998) ўз зътиқодидан чекинмай, пок ва ҳалол яшади.

## ТОРЛАРДАН ТЎКИЛГАН ЁФДУЛАР

Қашқадарё — қадимий ва навқирон ўлка. Унинг тўрт тарафи — олис йўллар ва чўлларга, саҳро ва дарёларга, қадимий обидалару замонавий кошоналарга, сарҳадсиз барҳанлару гўзал боғ-роғларга туташиб кетади. Бу йўллар ва чўллар гўё ўқилмаган китоб, куйланмаган қўшиқ.

Халқ севган ҳофиз Тожиддин Муродов ана шу юрт фарзанди, шу воҳанинг булбули эди.

Тожиддин аканинг санъатга кириб келиши ҳам барча қишлоқ болаларига хос кечди. У ёшлигидан куй ва қўшиқقا ўч эди. Женовда бўладиган йифин, тўй ва сайлларга бориб, у ерда куйланган қўшиқларни бутун вужуди билан тинглар, уйга келгач алламаҳалгача эсида қолган Қўшиқ мисраларини ўзича хиргойи қиласарди.

Тожиддин Муродов Қашқа воҳасининг сержило гиламлари, такрорланмас амалий санъати, гаройиб бозори билан маълум ва машҳур «Женов» қишлоғида туғилиб ўсганди. Унинг қалбida мусиқа оламига илк ҳавас ҳам ана шу қадимий қишлоқда шаклланди. У 1958—1963 йилларда Қарши Давлат педагогика институтида таҳсил олгач, бир йил қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилди. Тарабалик йиллариданоқ лирик хонанда сифатида воҳада танилиб ултурган Тожиддинни 1964 йили Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят музиқали драма театрига ишга таклиф этишди.

... 1969 йилянинг ёзи. Бизлар талаба эдик. Тарабалар шаҳарчасига гап тарқалди: «Ёшлар» боғида Қашқадарё булбули Тожиддин Муродов концерти бўлармиш... Юргдош талабалар йиғилиб концертга бордик. Тожиддин ака тўхтovsиз 16 та қўшиқ ижро этди. Ҳаммамизнинг қалбимизда фаҳр туйғуси жўш уриб хонандага гулдаста тақдим этдик... Шундан буён у кишининг муҳлисиман. Ҳофиз овози ёзилган ноёб ленталар доимий ҳамроҳим...

Тожиддин ака ҳар гал қўлга тор олиб саҳнага чиққанда санъат йўлидаги илк мураббийси, қишлоқнинг биринчи муаллими, санъат шайдоси марҳум Сулаймон Мақсадовнинг ўтиларини эслайди.

Ундаги санъатга ҳавасни илк пайқаган амакиси: «Тожиддин, сенда ноёб овоз бор. Лекин овозим бор деб ҳадеб бақира-верма. Ҳар қандай ашулачи икки хил оҳангда Қўшиқ айтади. Бири томоқдан, иккинчиси юракдан. Юракдан айтилгани сокин тарагиб, унча жарангдор бўлмаса ҳам юракка етади. Айтган қўшиғинг одамлар юрагидан ўрин ололмаса, бошқа касб этагидан тутганинг маъкул. Шуни яхши билгинки, ҳар қанақа соҳага ҳам аввало ихлос, эътиқод, меҳр, юрак керак».

Устоз ўтитлари унга бир умр ҳамроҳ бўлди. Тожиддин турли хил байрам, ҳалқ сайлларида лирик ва классик қўшиқлар куйлаш билан бирга ўнлаб музикали спектаклларда роллар ижро этиб, ўзининг актёrlик иқтидорини ҳам намоён қилди.

«Алпомиш»да Култой, «Жон қизлар»да Эркин, «Ёрилтош»да Шоҳ, «Равшан ва Зулхумор»да Равшан, «Гули сиёҳ»да Фулом образлари фикримизга далил бўла олади.

Тожиддин Муродов театр саҳнасида қанча ранг-баранг роллар ижро этмасин, барибир ҳалқ назарида ўзига хос куйлаш услубига эга бўлган ҳофиз сифатида намоён бўлди. Чунки, унда ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган ширадор, ёқимли, кенг қамровли ноёб овоз бор эди.

1965—1980 йиллар Тожиддин Муродов учун ҳақиқий ижодий изланиш, эл орасида ҳофиз сифатида танилиш босқичи бўлди.

Зоро, шу йилларда у «Ўргандим», «Таҳсин сизга», «Қашқадарё» каби ўз қўшиқларини яратиш билан бирга «Гиря», «Гулизорим», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Тошкент ироғи», «Ўртар», «Хоразм сегоҳи», «Баёт-1», «Чапандози Гулёр» каби устоз санъаткорлар ижро этган машҳур қўшиқларга қўл урди ва уларга иккинчи ҳаёт бағишилади.

Унинг ўзига хос ҳофиз бўлиб шаклланишида қадрдан дўсти, юртдоши, таниқли бастакор Раҳматжон Турсуновнинг хизматлари катта.

Айниқса, Фузулийнинг «Фамзасин», Самад Вурғуннинг «Агар сендан...» ғазалларига басталанган оригинал куйлари Тожиддин Муродовнинг ҳофизлик иқтидорини тұла намоён қилди.

Юксак ижрочилик маҳорати учун 1975 йилда Тожиддин Муродовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди.

У умрининг сўнгги йилларида ўзи туғилиб ўстган қишлоқдаги Навоий номли мактабда ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, кўпгина иқтидорли ёшларга санъатда ўз йўлини топишида мураббийлик қилди. Ака-ука Амиркуловлар, Салоҳиддин Лутфуллаев, Рўзибой Ражабов, Тиллов Кенжәев Тожиддин акани ўзларининг ҳақиқий устозлари сифатида эътироф этишади.

Шу ўринда Тожиддин аканинг ҳам шогирди, ҳам маслакдоши, ҳамнафас укаси Пўлат Ҳамидов ҳақида икки оғиз сўз айтишни бир шинаванда, юртдош дўст сифатида ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман.

Тожиддин аканинг ака-укалари ичида Пўлатга бўлган меҳри ўзгача эди. Уни нафақат жигари, жўровоз ҳофиз, етук созанда, балки шеъриятни нозик тушунадиган маслаҳатгўй сифатида яхши кўрарди, чукур хурмат қиласарди. Зеро, Пўлат табиатан одобли, босиқ, лекин қарашлари маъноли, юzlари жозибали, билимдон, зийрак, суҳбати ширин йигит эди.

Пўлат кейинги 20 йилда Тожиддин ака билан туну кун бирга бўлди, — десак хато қилмаган бўламан.

У минглаб тўю сайлларда, концерт залларида ҳамнафас бўлиб акаси билан қўшиқ куйлади. Ҳатто уларнинг қишлоқдаги ҳовлилари ҳам ёнма-ён, битта девор билан ўралган эди.

Тожиддин Муродов шундай ҳофизлар тоифасига киради, у ижро этган, унинг репертуаридан ўрин олган аксарият қўшиқларни укаси Пўлатдан бошқа ашулачилар айта олмасди.

Гўё «Гулизорим», «Агар сендан...», «Ўргандим», «Девона бўлдим» фақат Тожиддин ака овозига мослаб яратилган қўшиқлар эди. Фақат Пўлатгина ана шу қўшиқларни Тожиддин ака даражасида куйлай оларди.

... Кун ботиб кўкда ой пайдо бўлади. Сўлим кечанинг афсонавий ёғдулари ака-ука чалаётган тор ва доира оҳанглари, ҳофизлар овози билан қўшилиб кенгликларга сингиб кетади.

Яна тонг отиб, яна янги кун бошланади. Ҳалол меҳнат, сўнгсиз ижоднинг яна бир голибона юриши бошланади.

Халқ севган ҳофиз Тожиддин Муродов ва унинг укаси Пўлатнинг одатдаги куни шундай бошланарди.

Ака-укалар воҳанинг қадимий ёдгорликларини тез-тез зиёрат қилишни, «Женов» қишлоғи атрофидаги адир ва тепаликларда, табиатнинг адогига етиб бўлмас манзараларига чиқиб дам олиш, пахтакор ва чорвадорлар билан ширин суҳбат қуришни ёқтиради. Таърифи беадоқ ана шу табиат, мадҳи сўнгсиз, қалби яйловлардай кенг, очиқ, кўнгил,

захматкаш чўпонлар турмушининг файзу гашти, улар билан ҳамиша ҳамроҳлик туйғуси уларга туганмас илҳом берарди.

Тушаётган оқшом кенгликлар аро чўкади. Чўпонлар туни бошланади. Кўй-кўзилар, саррин ел, қўшиқ оҳангига эшилиб тараалаётган ака-ука ҳофизлар овози дилни аллалайди.

Гўё табиат яшаш, яратиш ва яшаришнинг давомийлигидан сўнгсиз эртак айтиётганга ўхшайди...

Кўнгилда беихтиёр мангу ўлмас, Тожиддин Муродов ижодининг гултожи бўлмиш «Фамзасин» кўшиғи сатрлари жонланади:

Фамзасин севдинг кўнгил жонинг керакмасми санго?

Тийга урдинг, жисми урёning керакмасми санго?

## РЕЖИССЁР МАҲОРАТИ ВА ЖАСОРАТИ

Телевидениедаги 35 йиллик фаолиятимда мен билан энг кўп ижодий ҳамкорлик қилган ижодкор — Мақсад Юнусовдир. У киши билан илк ҳамкорлигимиз 1975 йили ташкил этилган «Ижодий учрашувлар» (таниқли ёзувчи ва шоирларнинг муҳлислари билан дийдорлашуви) туркум кўрсатуви билан бошланганди. Кўрсатувга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ажойиб сўз устаси Насиба Иброҳимова бошловчи, мен муаллиф ва муҳаррир эдим. Мақсад Юнусов ҳақидаги дастлабки таассуротим, у жаҳлдор, қўпол кўрингани билан аслида содда, дарёдил инсон экан. Мақсад ака жаҳли чиқса лов этиб ёниб, дарров учар, лекин кек сақламасди. Кўрсатувнинг илк сони — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом билан учрашув адаб яшайдиган маҳалладаги фабрикада бўлиб ўтди. Изланувчан режиссёр кўрсатувга жиддий тайёргарлик кўриб, фабрика қизларига адебнинг роман ва достонлари асосида иккита сахна, шеърий парчалар тайёрлади.

Икки йил давом этган кўрсатувда Асқад Мухтор, Шуҳрат, Уйғун, Сайд Аҳмад, Шукрулло, Мирмуҳсин, Жўлмирза Оймирзаев, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ўнлаб эл севган адаб ва шоирлар иштирок этди. Деярли ҳар бир кўрсатув юзасидан республикамиз матбуотида мақола ва тақризлар чоп этилди.

1977 йили «Ижодий учрашувлар» ўрнига «Ёзувчи ижодхонаси» кўрсатувини бошладик.

Янги кўрсатув ёзувчи ва шоирларнинг ижодхонасидан ёзиб олиниб, унда адиб асарларининг ёзилиш тарихи, мухлислардан келган хатлар шарҳланарди. Бу кўрсатув ҳам тезда ўз томошабинини топди. Афсуски, ҳар иккала кўрсатув ҳам ёзиб олиниб, 2 марта эфирга берилаётган, рулон етишмаслиги сабабли ўчириб юбориларди. Ундан хотира сифатида бир нечта сценарий намуналари қолган, холос. Мақсад Юнусов билан ҳамкорлигимиз меваси бўлмиш «Бир асар тарихи», «Навоийхонлик» туркум кўрсатувларини ҳам мухлислар ҳамон эслашади.

Бундан 45 йил аввал телевидениедаги фаолиятини режиссёр ассистенти сифатида бошлаган Мақсад Юнусов ўзининг режиссёрлик салоҳиятини адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида тўла намоён этди. У ана шу қутлуғ даргоҳда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари асбосида 50 дан ортиқ телеспектакль ва кўп қисмли видеофильмлар яратиб, телевидениени олтин фондига ўтказди.

«Улуғбек хазинаси» (О. Ёқубов), «Оқ кема» (Ч. Айтматов), «Гирдоб» (Ў. Усмонов), «Диёнат» (О. Ёқубов), «Ичкуёв» (Т. Пулат), «Навоий» (Ойбек), «Бобур» (П. Қодиров), «Лайли ва Мажнун» (Навоий), «Кеча ва кундуз» (Чўлпон) каби ўнлаб кўп қисмли видеофильмларнинг ҳалқимиз юрагидан чукур жой олишида Мақсад Юнусовнинг нафақат изланувчан режиссёр, балки етук ижодкор сифатида ҳам хизмати каттадир.

Мақсад Юнусов маҳоратли режиссёр булиш билан бирга, жасоратли, юзлаб истеъдодларнинг илк кашф этилиб элга танилишига улкан ҳисса қўшган устоз мураббий ҳамдир. Унинг режиссёрлик маҳоратининг чўққиси, жасорати, талантларни кашф этишдаги салоҳияти, айниқса «Навоий», «Бобур», «Кеча ва кундуз» видеофильмларида тўла намоён бўлган.

Ўзбек адабиётида ҳалқимизнинг фахру ифтихорига айланган тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятини ёрқин ёритган асарлар унчалик кўп эмас. Шу боис ҳам ижодкорларимиз ҳар бир тарихий асарга қўл уриш баробарида ҳалқимиз тарихининг номаълум саҳифаларини қидириб топиш масъулиятини

зиммаларига олишга мажбур. Зеро, шуро даврида маънавий қадриятларимизни тарғиб қилиш ҳар бир ижодкордан чинакамига жасорат, мустаҳкам ирода ва фидойилик талаб қиласар эди. Зотан, 1984 йилда «Бобур» видеофильмини суратга олиш ишлари бошланган бўлса-да, орадан етти йил ўтиб, яни 1990 йилнинг охирида ниҳоясига етди.

Атоқли адаб Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романни нафақат муаллиф ижоди, балки ўзбек тарихий романчилигига ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Видеофильм ижодкорлари олдида мана шу машҳур асарнинг телевизион талқинини яратишдек улкан масъулиятли иш, мураккаб вазифа турарди.

Бу жараённинг ниҳоятда оғир кечишига энг муҳим сабаб шуки, ўша пайтларда тарихий сиймо — шоҳ ва шоир Заҳиридин Муҳаммад Бобур шахсига нисбатан адоват, фараз, тазиик урчиган, бу дилбар тарихий шахсни «босқинчи», «золим кимса» сифатида талқин қилишга мойиллик кучайган эди.

Бу ҳақда постановкаси режиссёр Мақсад Юнусов шундай ҳикоя қиласади:

«Мазкур видеофильмнинг сценарийси ёзилганидан то ойнаи жаҳон юзини кўргунча жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирдик. Бугун бор ҳақиқатни очиқ айтиш вақти келди, деб ўйлайман. Сценарий 1984 йилда тайёр бўлганди. Лекин ўша пайтдаги айрим республика раҳбарларининг «Сиёсий хушёrlиги» туфайли бу асарни рӯёбга чиқариш жуда катта тўсиққа учради. Бобурнинг буюк шахс эканлиги таҳқирланиб, «маърифатли золим» деб таърифланди. Сценарий ана шундай қарашлар таъсирига учради, натижада қилинаётган ишларимиз тўхтатиб қўйилди».

Видеофильмдаги бош қаҳрамон Бобур образини талқин этадиган актёрни танлашда ҳам Мақсад Юнусов ўзига хос йўл тутди. Бобур ролига Пойтаҳт театридаги ўнлаб маълум ва машҳур актёрларни эмас, балки эндиғина Сурхондарё вилоят театридан пойтаҳтга келган, кўпчиликка ўзи ҳам, номи ҳам нотаниш Муҳаммадали Абдуқундузовни танлади. Бу ҳақда актёрнинг ўзи шундай хотирлайди:

«Сурхондарё вилоят театрида 40 дан ортиқ роль ўйнадим. Лекин тарихий шахслар сиймосини бирор марта ҳам яратмаган эдим. Бунинг устига кино ва телевидениеда роль

ўйнамагандим. Шу боис Мақсуд Юнусов менга бош қаҳрамон Бобур образини топшириб, чинакам жасорат күрсатди, — деб ўйлайман».

Айниқса, Мақсуд Юнусовнинг Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни куйловчи хонандани танлашдаги жасорати, дадил қарори ўша пайтдаги телерадиокомпания раҳбарларини лол қолдирди. Кўпчилик бадиий кенгаш аъзолари, раҳбарият Бобур ғазалларини халқа маълум ва машхур Фахриддин Умаров ёки Шерали Жўраев айтсин деб турганда у ҳеч иккilanmasdan, олтиариқлик қишлоқ мактаби ўқитувчиси, ёш хонанда Маъмуржон Тўхтасиновни танлади. Натижа қандай бўлгани бугун барчага яхши маълум. Маъмуржон ҳозир ҳам Олтиариқда яшайди. Факат унга Бобур ва Чўлпон руҳи мададкор бўлиб, «Ўзбекистон халқ артисти» юксак увонига сазовор бўлди.

Халқимиз, эл-юртимизнинг содик фарзандлари истиқлол учун узоқ курашдилар. Курашлар қурбонсиз бўлмади, албатта. Истиқлолга эришиш йўлида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари ҳалок бўлдилар.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби маънавиятимиз, адабиёт ва санъатимизга ҳам янгича нуқтаи назар билан қарашиб имкониятини берди. Истиқлол йўлида қурбон бўлган адаблар ижодини мукаммал ўрганиш ва тўғри баҳолаш имконияти туфилди.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида яратилган видеофильмда ҳам Мақсуд Юнусов ўзига хос йўл тутди. Бош қаҳрамон Мингбоши ролига номдор актёрларни эмас, балки Бухорода яшовчи янги ном — Муҳаммад Рафиқовни таклиф этди.

Жафокаш адаб Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романни ҳам ўзига хос тарих ва тақдирга эга. Муаллиф мазкур романнинг биринчи китоби «Кеча» ни чоп қилдиришга улгурган, холос. Асарнинг иккинчи — «Кундуз» қисми босмага тайёрланганда «халқ душмани» деган машъум тамға остида қамоққа олиниб, отиб ташланган. Таъбир жоиз бўлса, «Кеча ва кундуз» романни ўзбек адабиётидаги энг аянчли қисматга дучор бўлган, тарихдан ному нишонсиз ўчиб кетишга ҳукм қилинган, ўзининг чинакам озодлигини кўп йиллаб кутган ҳаққоний асадариди.

Мақсуд Юнусов талқинидаги «Лайли ва Мажнун» видеоФильми ҳам томошабинни қаҳрамонларининг «ишку изтироб» оламига олиб киради. Биз гўзал табиат, афсонавий манзаралар саҳнида қаҳрамонлар билан бирга яшаймиз, тоғ боғу бўстонлар, бир-бири учун бўзлаган икки баҳтиқаро ошиқ-маъшуқнинг мислсиз муҳаббатларидан, аччиқ ҳасратларидан воқиф бўламиз.

Мақсуд Юнусов буюк бобомиз Алишер Навоий қаламига мансуб «Лайли ва Мажнун» достонини экранлаштириб, яна бир ўзига хос жасорат кўрсатди. Жасорат деб аташимизнинг боиси шундаки, шу вақтга қадар на кино, на театр санъати арбоблари «Хамса»га кирувчи оригинал достонларга журъат билан қўл урмаган эди. Турли йилларда театрларимизда саҳналаштирилган ўнлаб мусиқий драма, опера ва либреттолар Навоий бобомиз асарларининг мотивлари асосида яратилганди.

Буюк бобомиз Навоий Ҳазратлари ўз асарларининг телевизор орқали кўрсатилиши ва уни бир пайтнинг ўзида неча-неча миллион томошабинлар чуқур ҳаяжон билан кўришларини, албатта, хаёлларига ҳам келтирмаган.

У пайтларда ўқигандан кўра эшитувчилар кўп бўлган. Лекин юз марта эшитгандан кўра бир марта қўрган афзал деганларидек, Навоий асарларини кино ва телевидениега кенг ёйилиши ва уларни кўриш бизнинг авлодга насиб этганидан фахрланамиз.

Мен «Лайли ва Мажнун»нинг опера ва мусиқали драма варианatlари билан танишман. Очигини айтиш керақ, Лайли ва Мажнун образларини ёшларга хос бўлмаган, ёши катта артистлар талқини асар руҳига унчалик мос келмасди. Ниҳоят илк бор Лайли ва Мажнуннинг аслини кўриб тургандекмиз. Боз устига, бу ролларни актриса Зухра Ашурова ҳамда Беҳзод Муҳаммадкаримов юракдан ижро этди.

Асарнинг энг муҳим фазилати ўз даврида жаранглаган тил хусусиятлари билан бутунги кун томошабинига тақдим қилинишида. Бир оз тушунилиши қийинроқ бўлса-да, Навоий бадиий тилининг нафосати аста-секин қалбларимизга жо бўлиб боради. Унинг соддалаштирилган тилда эмас, XV

асар ўзбек тили хусусиятларини сақлаган ҳолда берилиши, ўша даврда Давлат тили деб эълон қилинган ўзбек тили жилваларини тасаввур ва ҳис қилишда бугунги авлод учун муҳим маърифий аҳамиятга эгадир.

Айниқса, Лайлининг ташқи ва ички олами Зуҳра Ашурова сиймосида томошабин кўз ўнгига, унинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади. Жуда кўп шеърий парчаларни ёдлаш, уни ижро этиш, образ ҳолатини безаш актрисадан катта куч ва меҳнат талаб қилинганига шубҳа йўқ.

Танланган мусиқа асар давомида фоят гўзал, ёқимлилиги билан кишини тўлқинлантиради.

Мақсад Юнусов яратган деярли барча видеофильмларни томоша қилаётib, бу асар ўзбекники эканлигини дарҳол англайсиз.

Шу боис унинг видеофильмларида мусиқа, ашуалар шунчаки фан эмас, балки уларнинг туб моҳиятини белгиловчи вазифани ўтайди.

М. Юнусов видеофильмларида актёр танлашда ўзбек киносида Наби Фаниев, Йўлдош Аъзамов, Шуҳрат Аббосов каби йирик кинорежиссёrlар анъаналари сезилиб турибди. У табиатида миллий руҳ жўшиб турувчи актёрларни танлашга уринади. Биз юқорида таҳлил этган видеофильмлар ўзларининг ана шу жиҳатлари, фазилатлари илиа халқимизнинг дилини ром этди.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ режиссёр Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари, шубҳасиз, тарихимизнинг турли даврларига мансуб ва уларнинг қаҳрамонлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қиласди. Шу билан бирга, бу машҳур асарларни муҳим бир жиҳат ўзаро ҳамнафас қиласди, ичидан бирлаштиради.

## ИККИ ТЕЛЕАСАР ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ

Бугунги кунда ҳеч бир ёзувчи йўқки, ўз асарини телевизорда кўриб, телетомошибинлар мухокамасига қўйишни истамасин. Бундан 20—25 йил аввал аксинча, ёзувчилар даврасида «асар телепостановка қилинса, китобхонларнинг унга қизиқиши сусаяди», деган гаплар юради. Ҳаёт бу гапларнинг асоссиз эканини исбот қилди. Аслида «Ойнаи жаҳон» бадиий асарнинг энг яқин дўсти, чинакам тарғиботчиси экан. Асар телевизорда кўрсатилгандан кейин унинг китобхонлари юз, ҳатто минг баробар ортар, китобга қизиқиш ниҳоятда ўсар экан. Бунинг учун, аввало, видеофильм юқори савияда, юксак дид ва катта маҳорат билан саҳналаштирилиши даркор. Асарнинг муваффақияти хоҳ кино, хоҳ театр, хоҳ телевизорда бўлсин, биринчи навбатда режиссёрга ва унинг маҳоратига боғлиқ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсад Юнусов 1987 йили ёзувчи Турғун Пўлат қиссаси асосида «Ичкуёв» видеофильмини яратди. Тўрт қисмдан иборат ушбу видеофильмни томошибинлар илиқ кутиб олишди.

«Ичкуёв» қиссаси турғунлик йиллари кирдикорларини дадил фош қилган асарлардан биридир. Шунинг учун ҳам режиссёр М. Юнусов бу қиссага алоҳида меҳр билан ёндашди. У сценарий ёзиш жараёнида айрим эпизодларни кучайтирди, баъзи жойларини қисқартирди. Қаҳрамонлар портретига кўшимча чизгилар кўшди. Видеофильмнинг яратилиш тарихи ҳақида режиссёр шундай ҳикоя қилади:

Кўпчилик муҳлислар фильм сценарийсини адаб билан ҳамкорликда ёзганмисиз, деган савол беришади. Афсуски, мен учун сценарийни муаллифга бир кўрсатиб олиш ҳам армон бўлиб қолган. Бир куни драматург Ҳайитмат Расул Турғун Пўлатнинг «Шарқ Юлдузи» журналида босилган «Ичкуёв» қиссасини ўқидингизми, деб сўраб қолди. Мен ҳали ўқимаганимни айтдим. Кўп ўтмай қисса китоб ҳолида нашр қилинди. Асарни диққат билан ўқиб чиқдим. Қисса менга маъқул бўлди...

Бир куни қўшним — шоир Юсуф Шомансур номзодлик диссертациясини ёқлагани муносабати билан берилаётган зиёфатта таклиф қилди. У ерга ўша даврнинг кўзга кўринган

зиёлилари йиғилған экан. Менга Эркин Воҳидов, Умарали Норматов, Раҳматилла Иноғомов ёнидан жой ажратилған экан. Базм қизиб турганда Раҳматилла Иноғомов күлогимга секин шивирлади: Мақсуд ака, «Ичкуёв»ни ўқиб мақтаган эдингиз, шу асар муаллифини кўрганмисиз, деб сўраб қолди. Мен у киши билан ҳечам учрашмаганимни айтдим. Шунда Раҳматилла «...бошингизни кўтариб қарасангиз, рўпарангизда ўтирган одам Турғун Пўлат бўлади», — деди. Қарасам, рўпарамда узун бўйли, гавдали, қораҷадан келган одам ўтирган экан. Унинг ҳолати ҳамон кўз олдимдан кетмайди. «Шу одам Турғун Пўлатми?» — деб сўрадим суҳбатдошимдан. У «ҳа», — деб бош иргади. Кўнглимда унинг ёнига бориб кўришиш истаги пайдо бўлди-ю, одамлар кўплигидан уни безовта қилгим келмади. Раҳматилла Иноғомовдан базмдан сўнг у билан таништиришини илтимос қилдим. Профессор Очил Тоғаев билан бир маҳаллада яшар эдик. Базм тугагач, қўшним машинасида бирга қайтишимни таклиф қилиб қолди. Яrim йўлга келганимда, мен Турғун Пўлат билан танишмоқчи бўлганим ёдимга тушиб, Очил акага бу ҳақда гап очдим. У агар хоҳласангиз, мен сизни эртагаёқ таништириб қўяман, деб кўнглимни тинчитди. Ишлар кўплигидан бу учрашув орқага сурилаверди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Турғун Пўлат оламдан ўтганлиги ҳақида хабарни эшишиб, ҳафсаласизлигимдан хафа бўлиб кетдим. Шундан сўнг Умарали Норматовдан айрим маслаҳатлар олиб, «Ичкуёв» сценарийси устида ишлашга ўтирдим. Муҳокамада кўпчилик кенгаш аъзолари унга қарши чиқди: бири «ҳаёт ҳақиқати бузилган» деса, бошқаси «совет тузумига тўғри келмайди» дейишиди. Шу билан видеофильм ҳақидаги ишлар тўхтаб қолди...

Умуман у пайтларда хоҳ фильм, хоҳ бошқа бир санъат асарида бўлсин, ҳақиқатни олиб чиқиши осон кечмасди. Бу сценарий ғаладонда анча ётди. Ўша кезлари ўйлардим: оддий бир сценарийга шунча ҳужум, китоб қўллэзма ҳолида қанча ётди экан. Эҳтимол, унинг нашр этилиши ҳам бир тасодифдир... Узоқ мулоҳазалардан сўнг сценарийни Ёзувчилар уюшмасига топширдим. Бир куни мени уюшма раисининг биринчи ўринбосари Ўқтам Усмонов чақириб қолди. У сценарийни жиддий ўқиб чиқдим. Уни бемалол видеофильм

қылсангиз бўлади. Мана уюшманинг қарори. Буни бошлиқларингизга кўрсатинг. Бу орада телевидение раҳбари алмасиб, уюшмадан берилган қарор ҳам икки-уч йил қолиб кетди. Ниҳоят, 1987 йилнинг бошида тўрт қисмдан иборат видеофильмни тасвирга олишга киришдик. Видеофильм эфирга кетгач, жуда кўп хатлар келди, матбуотда фильм ҳақида бир нечта ижобий тақризлар зълон қилинди. Фильм муваффақиятининг асосий сабаби, асар қаҳрамонининг кечинмалари, алам ва қувончлари ошкора ва ишонарли яратилганида, деб ўйлайман. Ўз бошидан қора кунларни ўтказган ушбу видеофильм шу тариқа ёруғ кунларга етиб келганди. 1988 йили адолат тўла тантана қилиб, фильм ижодкорлари Давлат мукофотига тақдим этиладиган бўлди. Бу мукофотга актёр Ёдгор Саъдиев, тасвирчи Тўлқин Курбонов ва менинг номзодим кўрсатилганди. Бир куни Давлат мукофоти бўйича масъул Пиримкул Қодиров менга телефон қилиб, бу мукофотга фильм ижодкорларидан тўртта номзод кўрсатилиши шарт эканлигини эслатди. Мен шунда кўнглимдаги армонимни унга айтдим. Тўртингчи номзодга асар муаллифи — марҳум Турғун Пўлатни қўйсак, қандай бўларкин? — деб сўрадим. Пиримкул ака бу таклифдан хурсанд бўлиб, раҳмат сизга, жуда яхши таклиф, Турғун Пўлат бу мукофотга жудаям муносиб, дедилар. Шунда мен муаллиф олдидаги қарзимдан бироз кутулгандай енгил тордим.

\* \* \*

Турғунлик йилларида маънавий қадриятларимизнинг гўзаллиги, улуғворлиги, мураккаблиги билан акс эттирган заҳматкаш қалам соҳибларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировдир. У шўро даврига қарамай «Юлдузли тунлар»дек буюк асарни яратишга муваффақ бўлди. Ушбу роман асосида Бобур видеофильмини яратган ижодкорларни ҳам жасоратли кишилар деб айтишга тўла ҳақлимиз.

1984 йили буюк бобокалонимиз Бобурга бўлган меҳрим туфайли Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида сценарий яратдим, — дея ҳикоя қиласи саҳналаштирувчи режиссёр Мақсуд Юнусов. Доимий

ижодий ҳамкорим, иқтидорли рассом Саидакмал Расулов фильмга ажойиб безаклар ишлади. Бу орада Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби телевидениега ташриф буюрадиган бўлиб қолди. У студияларни айлананаётуб, тасодифан видео-фильмга ишланган декорацияларга кўзи тушиб қолди. Тезда мени ёнига чорлаб, дабдурустдан сўроқ қила бошлади:

«Навоий»ни қўйган ҳам сизми? Нега ҳамма қаҳрамонларингизга чопон кийдириб, салла ўратасиз. Биринчидан, Бобур босқинчи ва қонхўр шахс. Сизга ким рухсат берди унинг образини яратишга. Хуллас, Бобурга оид барча ишларингизни тўхтатинг, — дея телемарказ директорига барча эскизларни ёқиб юборишни буюрди. Рассом иккимизнинг икки ойлик маошимиз ҳисобидан харажатлар сарфи қопланадиган бўлди.

Орадан тўрт йил ўтди. 1988 йили телерадиокомпанияга Наим Фойибов раис бўлиб келди. Кунлардан бир куни у киши Бобур ҳақидаги ишимиз билан қизиқиб қолди. Унинг топшириғига кўра яшириб қўйган сценарий матнини олиб келиб бердим. Бир ҳафтадан сўнг маҳсус буйруқ асосида ишни давом эттиришимизга рухсат берилди. Суратга олиш жараёни Қозоғистон, Туркманистон, Қўқон, Жамбул, шунингдек, Бобурнинг Ўшдаги ҳужрасида, қолган қисмлари Қора денгиз бўйларида давом эттирилди. Аслида Бобур ролини Ёѓгор Саъдиев ижро этиши лозим эди. У қандайдир зарур иш билан банд бўлиб «синов»га келолмади. Бобурни ўйнаш бахти ўша пайтда Сурхондарё вилоят театридан эндиғина пойтахтга келган иқтидорли актёр Муҳаммадали Абдукундузовга насиб этди.

— Тўғрисини айтсам, бундай бўлишини тасаввур ҳам қила олмасдим, — дея хотирлайди Бобур ролининг ижро-чиси М. Абдукундузов. — Отам Фарғонанинг машҳур Яйпанида чойхоначи бўлиб ишларди. Азалдан чойхона маърифат, маданият маскани бўлган. Тез-тез у ерда шоиru санъаткорлар гурунги бўлиб турарди. Мен уларга чой ташиб, хизмат қилардим. Чойхона деворларида бир нечта улуғ алломаларнинг суратлари осиғлиқ турарди. Улар орасида Бобурнинг сурати ҳам бўлиб, у кўркамлиги билан мени ўзига ром этарди. Нега шундайлигини ҳозир ҳам билмайман. Мен ҳар гал суратнинг олдидан бефарқ ўтолмасдим. Шу

боис отамдан бир неча бор танбек эшитганман. Кейин билсам, одамзодга тақдир деган буюк аъмол аввалдан ҳадя этилган бўларкан.

Театр, кино санъати аввало режиссёр таланти, маҳорати, унинг ўткир нигоҳидан нурланади. «Бобур»даги маҳоратимни биринчи навбатда, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсад Юнусовнинг хизмати деб биламан. Кейин эса ҳалқим олдиғаги масъулият. Зеро, Бобур ҳаёти ва ижоди билан таниш ҳар бир инсон қалбida ўзи яратган Бобури бор. Мен ҳам ана шу улуғ зот қиёфасини мукаммал яратишни ўзимга мақсад қилиб қўйгандим.

Мен ҳар гал Бобур қиёфасига кирар эканман, у юртимиз, миллиатимизнинг бебаҳо бойлиги, шоҳ ва шоирнинг ўз юртидан кетиши биз учун улкан йўқотиш бўлганини юракдан ҳис қиласман. Зеро, Бобур билан катта маданият ва санъатимиз Ҳиндистонга кетди. Ахир, у кетмаганда Ҳинд диёридаги обод шаҳарлар, муҳташам кошоналар, Тож Маҳалдек дунёга машҳур обидалар кўхна Туронда бунёд этилармиди? Шунинг учун ҳам мен Муҳаммад Юсуф шеърини бироз ўзгартириб, «Нега йифламайсан, аҳли Туркистон» дейман.

Мен учун Бобур сиймосини яратиш осон кечмади. Аввало, унинг пири комили Амир Темур руҳидан мадад олдим. Биринчи эпизодни суратга олиш 1989 йил 4 январга белгиланганди. Эрта тонгдан ҳазрат Темурни зиёрат қилиш учун Гўри Амирга бордим. Аввал қабрни тавоб қилдим. Яхши билардимки, ҳазратнинг хилхоналари ертўлада жойлашган. Улуғ иш қилаётганимизни айтиб, у ерга тушиш учун рухсат сўрадим. Мутасаддилар рози бўлишиди. Беш минут ёлғиз ўзим Амир Темурнинг қабрини зиёрат қилдим. Руҳлари шод бўлишини сўраб Куръон тиловат қилдим.

Видеофильмни суратга олиш жараёнида улуғларнинг руҳлари мададкор бўлди. Натижка кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Видеофильм эфирга кетгач, турли вилоят ва давлатлардан юзлаб хатлар олдик. Ҳис-ҳаяжон, севинч, миннатдорчилик билан битилган мактублар видеофильм ижодкорларига кўтаринки руҳ инъом этди.

## ФИДОЙИ САНЬАТКОР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайбатулла Алиев ўз фаолияти давомида тўрт мусиқали драма, 30 та телевизион театр, икки видеофильмга режиссёрик қилган. Шунингдек, театр спектакларидан 80 дан ортигининг телевизион талқинини яратган. Адабиёт ва санъатни чуқур ҳис этадиган, билимдон, ўз ишининг устаси Ҳайбатулла Алиев кўп йиллар «Бўстон», «Умид» телевизион журналлари, «Бир асар тарихи» кўрсатувига режиссёрик қилган.

Ҳайбатулла Алиев ўз фаолиятини эндиғина бошлаган олтмишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йилларнинг бошида ўнлаб телеспектаклларни экранлаштиришга муваффақ бўлди.

У адабиётни, айниқса, жаҳон адабиёти дурданаларини яхши биладиган ижодкорлардан бири. Бальзакнинг «Горио Ота», «Евгения Гранде», Жек Лондоннинг «Мартин Иден», Э. Раннетнинг «Қадаҳ ва жон», Лакшмининг «Аёл юраги», К. Райнекнинг «Изолда Кавалтини иши» каби ўнлаб асарлар асосида икки, уч қисмли телевизион театрларни саҳналаштириди. Рус ва қардош халқлар адабиёти намояндадаридан М. Шолоховнинг «Очилган кўриқ», Яшар Камолнинг «Инжа Мамат», С. Алешиннинг «Дипломат», А. Бекнинг «Волоколам кўчаси», К. Кулиевнинг «Қора карвон» каби ўнлаб асарлари ҳам унинг талқинида экранлаштирилди.

Ҳайбатулла ака ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги роман ёки қисса ҳали чоп этилмасдан қўлёзма шаклидаёқ ўқиб, экранлаштиришга ҳаракат қиласи. Саъдулла Кароматовнинг «Бир томчи қон», Ҳамид Фуломнинг «Машъал», Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» романлари «Шарқ юлдози» журналида чоп этилиб, ҳали китоб ҳолида чоп этилмасдан саҳналаштирилди. «Уфқ» романи Ҳайбатулла Алиев томонидан икки маротаба экранлаштирилди. Биринчиси 1967 йилда, иккинчиси 1970 иили (рус тилида) тайёрланиб, Марказий телевидение орқали намойиш этилди.

Ҳайбатулла Алиев телевидениеда видеофильм жанрининг ривожига муносиб ҳисса қўшган режиссёrlардан биридир. Унинг Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни», Тоҳир

Маликнинг «Сўнгги ўқ» романлари асосида яратган кўп қисмли видеофильмлари фикримга асос бўла олади.

-- Режиссёrlик касбига яқин соҳа — журналистика. Бу икки касбни танлаган инсон умрининг охиригача халқ эътиборида бўлади. Мен ҳам ёшлигимда журналист бўлмоқчи эдим, лекин университетта киришга кўзим етмади. Ўйлаб-ўйлаб, Театр санъати институтига ўқишига кирдим, кам бўлмадим. Касбим билан фаҳранаман.

Режиссёrlик масъулиятли касб. У доим изланиши, доимо ҳушёр бўлиши керак. Шу боисдан мамлакатимизда олий маълумотли режиссёrlар кўп, лекин чинакам режиссёр мақомига эга бўлганлар бармоқ билан санарли, — дейди Ҳайбатулла ака.

Менинг ақидам — бошингга қилич келса ҳам ростини айт. Иложи борича шу ақидага суюниб яшадим. Кўп сурildim, камситилган пайтларим, севимли касбимдан четлатилган дамлар ҳам бўлди. Аммо телевидениедан ҳеч қаёққа кетмадим.

— Болалигим Тошкентнинг маркази — Навоий кўчасида «Ўрда» маҳалласида ўтган (ҳозирги «Пахтакор» стадиони ва Анҳор ўртасида). Жуда гавжум, аҳил, бағрикенг мәҳалла эди. Бир умр эсдан чиқмайдигани: 1945 йил, ўн ёшимда уруш тугаган. Маҳалламизда турли миллат вакиллари яшарди. Урушнинг оғатини биз кейинроқ, балоғат ёшига етганда тушундик. Лекин болаликда гувоҳ бўлганим ҳамон эсимда. Одамлар бир-бирига ҳозиргидан меҳрибонроқ эди. Ўсмирлигим ҳозирги «Ишчилар шаҳарчаси» аталмиш маҳаллада ўтган. Ойбек домла билан бир маҳаллада яшар эди. «Навоий», «Қутлуғ қон»дек довруғли романларни ёзган Ойбекни кўрганман. У кишининг бошига тушган кулфатлардан бехабар эдик, албатта. «Фалаба» парки (ҳозирги «Тошкент лэнд»)нинг этагида бир улкан шаршара бор эди. У киши уйларидан чиқиб, шу шаршара ёнида, мажнунтоллар соясида соатлаб ўтирганларини ҳайрат билан кузатганман.

Доимо қўлларида кичик блокнот, яхши очилган қалам, аммо бирор нарса ёзганларини кўрмаганман. Ўша пайтларда биз шўх йигитлар эдик, тўполон қилиб, чўмилардик. Ойбек домла келиб қолсалар, секин-аста жойимизни ўзгартирадик.

Бундан эллик йил бурун театр санъати институтини тутатиш арафасида отам вафот этган. Ҳали узатилмаган икки синглим, кекса онам ва мен аро йўлда қолганимиз.

24 ёшда уйлангандим. Институт йўлланмаси билан бирор вилоят театрига ишга кетолмас эдим. Кейинчалик институтимиз домлалари ва дўстларим ёрдамида Ўзбекистон телевидениесига режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашдим. Бир-икки ой ичида режиссёр ассистенти, кўп вақт ўтмай режиссёр бўлганман. Мана, деярли 45 йилдан буён ЎзТВ режиссёrimан. Ижодий фаолиятим асосан адабий-драматик, мусиқий кўрсатувлар редакциясида ўтган.

Мен режиссёр, сценарий муаллифи сифатида элликка яқин телевизион театр ва видеофильмлар ижодкориман. Сўнгги ижодий ишларимдан грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романи асосида яратилган уч қисмли ва Тоҳир Малик романи асосида яратилган етти қисмли «Сўнгги ўқ» видеофильмлари дир. «Абадият қонуни», «Сўнгги ўқ» видеофильмларини бир нафасда, кўтаринки руҳда яратганим. Ҳозир ҳам бу видеофильмлар билан фахрланаман, — дейди Ҳайбатулла Алиев. Зеро, видеофильм яратилаётган ҳар қандай проза асари тўлалигича экранга чиқа олмайди. Роман ёзувчи томонидан ўқиши учун, кўпинча ёлғиз, хотиржамликда мутолаа қилиш учун ёзилади. Шунингдек, китобхон яхши асардан маънавий озиқа олади, одоб ўрганади. Ўзига бегона бўлган ва мутолаа давомида қалбига яқин бўлиб қолаётган инсонларнинг қувончига шерик, қайғусига ҳамдард бўлади. Бу инсонга олам-олам ёруғлик, рўшнолик баҳшида этади. Мен ушбу асарлар асосида видеофильм яратилиш жараёнида Тоҳир Маликка, Нодар Думбадзега хиёнат қиласликка ҳаракат қилдим. Роман муаллифларининг ижодий маҳсулини бойитишга, мақсадларини янада ёрқинроқ ифодалашга, улар баён этган воқеалар янада кўркамроқ бўлишига ҳаракат қилдим...

Режиссёр ким? Режиссёрик касбми ёки ҳунарми?

Бу ҳақда кўплаб китоб ва рисолалар яратилган. Қисқача қилиб айтганда, режиссёр, авваламбор, ўз ватанининг, халқининг илғор зиёлиси. У ҳар томонлама мукаммал тарбия олган, ўқимишли инсондир.

Х. Алиев ҳаётда ва ижодда ана шу талабларга тұла амал қылип яшайды. У қарийб 50 йиллик фаолиятида ҳеч бир гурухбозликка қүшилмасдан ҳалол ва камтарин ҳаёт кецириб келмоқда. Лекин таҳририят, бадиий кенгаш йиғинларида ҳамиша тұғри сұзини айта оладиган виждонли инсон. Ҳайбатулла аканинг бирор марта ишга кечикиб келганини-ю, эрта кетганини, касаллик варақаси очғанлигини әслай олмайман.

Унда ҳеч кимга үхшамайдыган яна биттә одат бор. У ёзми, қиши ҳар доим ишга ҳаммадан илгари, ярим соат аввал, құлтиғида бир тахлам газета-журнал билан кириб келади. Ҳозир, нафақа ёшида ҳам бу аньанага амал қиласы. Фақат бозор иқтисодиёти сабаб адабиёт ва санъатта оид нашрларнигина олади. Қолган газета ва журналларни ҳар куни кутубхонага кириб 2 соат давомида үқиб чиқади.

Кутубхонадаги унга очилған карточкасига ҳам деярли ҳар куни янги саҳифалар очилади... У киши билан бирга юзлаб күрсатувлар тайёрлаш билан икки видеофильмига — «Абадият қонуни»га мұҳаррир, «Сүнгі үқ»га бадиий раҳбар сифатида ҳамкорлық қылғанман.

Сценарий муалтифи ва саҳналаштырувчи режиссёр Х. Алиев грузин ёзувчisi Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романы асосида уч қысмдан иборат видеофильмни телетомошабинлар хукмiga ҳавола этди.

Бош қаҳрамон Бачана Рамишвили фильм давомида телетомошабин күз олдидә үсіб, улғаяди. Унинг соғдиллиги, ёвузылк учун доимо курашувчанлиги видеофильмнинг дастлабки саҳналариданоқ яққол сезилади.

Видеофильм Бачана Рамишвилиниң (артист Эркин Комилов) хаёли асосида курилған. Бачана Рамишвили юрак хасталиғи билан касалхонага тушиб қолади. У касалхонада ёшлик йилларидан ҳозирғи күнгача бүлған даврни әслайды. Ёшлигидан ҳақиқат учун курашған Бачана, газетанинг бош мұҳаррiri лавозимида ишлаётганида ҳам күп туҳматтарға учрайди. Унинг ҳамхоналари: күпни күрган, босиқ Ҳазрат Иорам Канделаки ҳамда хушчақчақ, ҳаётта ташна Булиқадир. Бу ролларни Түйчи Орипов ва Ҳожиакбар Нурматов ижро этишган.

Абдуҳамид Фофуров ижросидаги Нугзар Дараквеледзе жуда ҳаракатчан, туйғуларини тийиб туролмайдыган одам

бўлса, Ёкуб Аҳмедов ижросидаги Сандро ниҳоятда сипо, босиқ. Ёкуб Аҳмедов ўзининг актёрлик маҳорати билан бу образни шу қадар меъёрига етказиб ўйнаганки, унинг умуман қизиши маслиги, ҳатто Мариядан тарсаки еганда ҳам табассум қилишга кучи етганини кўриб, беихтиёр ҳушёр торласиз, ҳаётда ана шундай «жозибадор» кишилар борлигидан ҳайрон бўласиз.

Мария асарда нисбатан кам ўрин эгаллади. Лекин унинг ниҳоятда мураккаб ички дунёси, вулқон бўлиб отилишга тайёр турган туйгулари уни беихтиёр биринчи планга олиб чиқиб қўяди. Мария Ўзбекистон ҳалқ артисти Ойдин Норбоева сиймосида ўз ижроисини топган.

Бадиий асар саҳна ёки экранга кўчирилганда кўп нарсаларни ўқотиши шубҳасиз. Лекин барибир, бадиий асарни санъатнинг бошқа турлари воситасига кўчирганда асосий фояни сақлаб қолишнинг ўзи кифоя эмас... Ана шу асосий фояга хизмат қиласидан воқеаларни иложи борича кўпроқ қамраб олиб, марказлаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу видеофильм инсценировкасини ижобий баҳолаган ҳолда, бироз осон йўлдан боришга ҳаракат қилинганини, яъни керак бўлган эпизодларни шу ҳолда экранга кўчириб қўя қолинганини эътироф этиш лозим.

Асарда Бачана Рамишвилиниң муҳаррирлик фаолияти ҳамда касалхонадаги Иoram Канделаки билан қилган баҳсларидан ташқари яна бир йўналиш бор. Бу йўналиш Бачананинг болалик ва ўсмирлик давридир. Унинг муҳаррир ва касалхонадалик даври тасвирида бироз фельетон ҳиди анқиб турса, унинг болалик ва ўсмирлик даври, шунингдек Мария билан боғлиқ воқеалар катта маҳорат билан тасвирланган.

Романдаги эпизодик, лекин энг ёрқин образлардан бири Вахтанг Амбокадзедир. Бачананинг қадрдон дўсти бўлган Вахтанг Амбокадзе — ўғри. Лекин қилмишидан пушаймон одам. Романда Бачанани кўргани келган Амбокадзенинг гапларини катта қизиқиши билан эшишиб, унга меҳр қўйиб қолган ҳазрат Иoram у кетгач, Бачанадан у ким деб сўраганида, Бачана чукур дард билан унинг ўғрилигини беркитиб, дўстим деб қўя қолади.

Яна бир фикр: Бу Мария образининг талқини билан боғлиқ. Маълумки, Мария жуда мураккаб тақдирли аёл. У

қирқ ёшларида ўз бахтини топади. Халқимизда сутдан оғзи куйган одам қатиқни ҳам пулаб ичади, деган гап бор. Мария бахтини — Бачанани топди, лекин уни топишдан йўқотиб кўйиш хавфи кучлироқ. Унинг муҳаббати, қувончи — ўн етти яшар қизнинг муҳаббати, қувончи эмас. Демак, бу муҳаббат бегам, беташвиш муҳаббат. Мария ҳар доим Бачананинг ёнида бахтга, табассумга гарқ ҳолда кўринади. Натижада томошабин Мариянинг жуда катта ички оламига эга аёл эканига, унинг бахтга нақадар катта қурбонлар бериб эришганига ишонади. Бу режиссёр маҳорати белги-сиdir.

«Сўнгги ўқ» видеофильмини яратища бир нечта қўшимча саҳналар ёзилди. Романда Мадаминбек, Кўрбоши Шокирхўжа саҳнаси йўқ. Тоҳир Маликнинг розилиги билан бу катта саҳна яратилди ва видеофильмдаги воқеалар ривожига катта ҳисса кўшди. Хадича образи романдагига нисбатан анча кенгайтирилди. Натижада «Сўнгги ўқ» видеофильмидаги ягона аёл образи узоқ ёдимиизда қоладиган, катта эътиборга лойик шахс сифатида намоён бўлди. Лекин етти қисмлик видеофильм «Сўнгги ўқ» романининг нусхаси десак, хато бўлади.

1994 йил ноябрь ойининг бошида Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» асари асосида 7 қисмли видеофильм съёмкаси тугади. Бир ҳафта ичida монтаж қилиниб, мусиқа безаклари берилиб эфирга тайёр бўлди. Ички кўрикка редакция бадиий кенгаши аъзоларидан ташқари, қисса муаллифи Тоҳир Малик, ёзувчилардан Машраб Бобоев, Эркин Усмонов, актёр Ёдгор Саъдиев таклиф этилди. Раис иши кўтилигини баҳона қилиб, видеофильмни қабул қилишни биринчи муовинига топширди. У оддий одамлар билан бирга ўтириб фильмни кўришни ўзига эп кўрмади шекилли, менга хонамга улаб қўйинглар, — деб топшириқ берди. Биз икки кунда барча қисмларни кўриб бўлиб, ундан муҳокамани қаерда ўтказмиз, сизга чиқайликми ёки сиз тушасизми, деган таклифимизга ланж жавоб қилди. «Ўзларинг ҳал қилаверинглар, мен чала-чулла кўрдим.»

Редакция бадиий кенгаши аъзолари ҳамда меҳмон адиллар фильмни бир овоздан маъқуллаб, эфирга беришга қарор

қилишди. Орадан икки кун ўтгач, биринчи муовин фильмни яна қайта кўриш истагини билдириди. Унинг хонасига яна икки кун улаб қўйдик. У одатда, ҳар душанба куни ўтказиладиган телевидение ходимлари йиғилишида иштирок этарди. У навбатдаги йиғинда барча ижодий ва техник ходимлар олдида дабдурустдан «Сўнгги ўқ» видеофильмига тош отиб қолди: «Бу фильмнинг ташаббускори ким? Мен 4 сериясини кўришга улгурдим. Ҳозирги ҳолида уни мутлақо эфирга бериб бўлмайди.»

Мен босиқлик билан унга юзландим: бу ерда фильмни муҳокама қилишимиз ноўрин. Яххиси, йиғилишдан сўнг ижодий гурӯҳни хонангизга олиб чиқаман. Қанча гапингиз бўлса, эшлишга тайёрмиз. Менинг таклифим унга унчалик ёқмади шекилли, сўзини давом эттирди. Менинг ҳеч кимдан яширадиган сирим йўқ. Бирорлар олдида тилим қисиқ эмас. Менинг 4 та қисм бўйича 32 та «замечанием» бор. Қолганини кўришни ҳам хоҳламайман. Унинг жавобига чидай олмай, мен ҳам дилимдаги гапларни айтдим: Сизнинг гапларингиздан 37-йилларнинг иси келяпти. Аслида фильм ҳам айнан ўша давр қурбонлари ҳақида.

Бу гапларингизни Тоҳир Малик эшлитиб қолса, қиссанинг давомини албатта ёзади. Бош қаҳрамон, шубҳасиз, сиз бўласиз... Эртага Тоҳир Малик бошчилигида адабиётшунос ва тарихчи олимларни чақириб, фильмни қайта кўрсатаман. Доно фикрларингизни уларнинг олдида айтарсиз, деб залдан чиқиб кетдим. Постановкачи режиссёр Ҳайбатулла Алиев бироз иккиланиб тургач, у ҳам менинг изимдан эргашди.

Орадан бир соат ўтгач, Ҳайбатулла aka биринчи муовин хузурига йўл олди. Орадан 10 минут ўтмай ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келди. У хонасига ҳам киритмай ўшқирибди: «мен бу ўйиндан чиқдим. Эфирга бериш, бермаслик масаласини доно раҳбарларингиз Ўрол Ўтаев ҳал қилсин».

Шу тариқа видеофильм хусусидаги гапларга сўнгги нуқта қўйилди. Фильм ҳеч бир жойи қисқартирилмасдан эфирга берилди. Биринчи муовиннинг кучи фақат битта нарсага, яъни видеофильм охирида «Бадиий раҳбар Ўрол Ўтаев» деган ёзувни олдириб ташлашга етди, холос...

## АДИБНИНГ СҮНГГИ АРМОНИ

Ўзбек адабиётида ёзувчиликни қисмат дея қабул қилиб, унга умрининг охиригача садоқат кўрсатган адиблар бармоқ билан санаарли. Шулар сафида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳам бор эди. Шу боис, у шўро даврида замонавийлик ниқобидаги ўйинларга иштирок этмай, уни жилмайиб кузатиб, фақат юрак буюрган мавзуларни қаламга олди.

Мустақиллик шарофати билан адабиёт жабхасида хизмат қилаётган шоир ва адибларимиз асарлариadolat тарозисига солиб кўрилганда, унинг деярли барча асарлари ғалвирдан бутун чиқди. Ўнлаб ҳикоялар, «Ўн саккизга кирмаган ким бор?», «Тўлқинлар» қиссалари, қатор эсселар, айниқса, «Қора камар» драмаси фикримга асос бўла олади.

Шукур aka ҳақиқий маънода серқирра талант соҳиби эди. У дунёвий билимга эга бўлган адиб бўлиш билан бирга, ҳар соҳада ўз нуқтаи назарига эга, қиёфаси кўркам, нутқи равон, овози жарангдор, бир сўз билан айтганда, у тайёр телебошловчи эди. Шу боисдан телевидениедаги ҳар бир чиқишида албатта бирорта ақлли фикр айтарди. У билан 1975 йилдан яхши таниш, ҳамфикр aka-ука эдик. Мен уни бир неча бор ҳамкорликда ишлашга даъват этдим. Бироқ, у ҳар хил баҳоналар билан бу ишдан ўзини олиб қочарди. Ҳар гал гапираверганимдан энсаси қотди шекилли, бир куни дангал шундай деди:

— Ўролжон, телевидениега бошловчилик қилиш ўртакашга кўпроқ ярашади. Ёзувчининг вазифаси эса уйда ўтириб асар ёзиш...

70-йилларнинг охирида Шукур акани «Ёзувчи ва замон»нинг навбатдаги сонларининг бирига таклиф этдим. Кўрсатувга гапга чечан, ҳар ойда бир-икки марта телевидениега чиқмаса, кўнгли жойига тушмайдиган адабиёт-шунослардан бири бошловчилик қиласидиган бўлди. Кўрсатувда Шукур акадан ташқари, Ўткир Ҳошимов ҳамда Омон Мухтор иштирок этадиган бўлди. Одатдагидек, жонли эфир олдидан, тракт (репетиция) қилиб олдик. Унда ким нима ҳақда гапиришини яна бир бор келишиб олдик. Шукур aka, одатдагидек адабиёт ва ҳаёт муаммоларига оид ўзига хос

кузатишлиарини ўртага ташлайдиган бўлди. Ниҳоят, 30 минутлик кўрсатув бошланди. Унда ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз берди. Бошловчи гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Шукур ака айтмоқчи бўлган барча тезисларни бирма-бир ўз номидан гапира кетди... Бу ҳолатдан ижодий гуруҳ қотиб қолдик. Шукур аканинг юзлари аввал оқарди, кейин қизарди, сўнг бўзарди. Ҳозир ҳаммамиз, Шукур ака сўкиб юборади ёки ўрнидан туриб кетади, деб хавотирга тушиб қолдик. Лекин у киши қўлини иягига тираганича жим ўтиради...

Мен чидаб туролмай, Шукур акага икки жумла хат битиб, жонли эфир кетаётган залга югурдим. Унда шундай сўзлар битилганди:

«Шукур ака, илтимос, ортиқча хатти-ҳаракат қилманг, эфирда бирон нарса юз берса мен қаттиқ жазо оламан». Тасвирчининг ёрдамида хатни бир амаллаб Шукур акага етказдим. Кўрсатув тугашига уч минут қолганда бошловчи Шукур акани осмонга чиқазиб мақтаб, унга сўз берди. Шукур ака унинг юзига ҳам қарамасдан, «буёғини ҳам ўзингиз гапириб қўя қолинг», деб тўнгиллади. Бошловчи бир тиржайиб, яна сайрай кетди...

Кўрсатув тугагач, Шукур ака ҳамманинг гувоҳлигида бошловчига шундай деди:

— Сенинг китоб ўқимасдан (бировлардан эшитиб) тақриз, мақола ёзишингни, Москва нашрларидан фикр ўғирашингни, иккита диссертациядан учинчисини ясай олиш «маҳорат»ингни билардим. Бугун талантингнинг «янги қирраси»ни кўрсатдинг...

Барчамиз бировнинг ошига адашиб кириб қолган меҳмонлардек, бир-биrimиз билан совуққина хайрлашдик.

Ана шу воқеа сабаб Шукур ака қарийб 10 йил телевидениега қадам ранжида қилмади. Унинг телевидениега қайтишига 1988 йили Аброр Ҳидоятов номидаги театрда саҳналаштирилган «Қора камар» асари сабаб бўлди. Театр учун маҳсус ёзилган ушбу асар ўша йиллар учун чинакам жасорат ва маҳорат маҳсули эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган ушбу асарда бутунлай янги қаҳрамон, шўро даврида «босмачи», «талончи» дея халқимиз онгига сингдирилган Хуррамбек (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод

Аминов) илк бор ўзбек адабиёти ва саҳнасида ижобий, ибратли қаҳрамон сифатида талқин этилди. Спектакль премьерасидан сўнг телевидениеда 50 минутлик кўрсатув тайёрланиб, унда муаллиф Шукур Холмирзаев, постановкаи режиссёр Баҳодир Йўлдошев, саҳналаштирувчи рассом Георгий Бrim, Бош роль — Хуррамбек образини ижро этган Фарҳод Аминовлар иштирок этиб, асарнинг ёзилиш жараёни, уни саҳналаштиришдаги қийинчиликлар тилга олиниб, «Қора камар»дан парчалар берилди.

1989 йили ижодий гуруҳ ҳақли равищда Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Шу йили таниқли телережиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайбатулла Алиев билан ҳамкорликда «Қора камар»нинг телевариантни яратилиб, «ойнаи жаҳон» «олтин фонди»дан ўрин олди.

Бу асар билан боғлиқ бир воқеа ҳечам эсимдан чиқмайди. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида «Қора камар»ни ҳафталиқ дастурга киритдик. Бир ой аввал телевидение буйича раис муовини бўлиб ишга келган янги раҳбаримиз дабдурустдан мени хонасига чорлаб қолди: «Ўролжон, «Қора камар»ни режага киритибсизлар, менга бир-иккита ходимлар келиб, уни сал нозикроқ асар дейишаётпти. Гўё асарда босмачи мақталиб, комсомоллар устидан кулинармиш. Буни халқимиз қандай қабул қиласиз?.. Мен кулгидан ўзимни зўрга тийиб, сиз қўрқманг, бу Давлат мукофотига сазовор бўлган асар дея олдим, холос...

Кўп йиллардан бўён Шукур аканинг бирорта асари асосида видеофильм яратишни орзу қиласиз эдим. Ниҳоят, бу эзгу ният 1992 йили амалга ошадиган бўлди. Унинг ҳикоялари асосида икки қисмли «Қадимда бўлган эди» видеофильмини талантли режиссёр Наби Рассоқов томонидан суратга олмоқчи бўлдик. Воқеа тоғли қишлоқларнинг бирида бўлиб ўтгани, асар қаҳрамонлари Сурхон ва Қашқадарё шевасида гапиришини ҳисобга олиб, фильмни Бойсун ёки Деҳқонободда суратга олишни, актёрларни ҳам икки вилоят театридан чақиришни режалаштиридик. Бу фикр Шукур акага ҳам маъқул келиб, бу масалани ижобий ҳал қилиш учун, постановкаи режиссёр Наби Рассоқов билан Сурхондарёга жўнаб кетди...

Орадан бир ҳафта ўтгач, улар ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келишди. Шукур ака кўнглидаги гапларни яшириб ўтирамади: «Сурхондарёда ҳам мард, ориятли раҳбарлар уруига ўт кетибди. Бир-икки «бойвачча» танишларим бор эди. Улар ҳам бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, бу эзгу ишдан ўзини олиб қочди».

Театр раҳбарияти билан ҳам тил топиша олмадик. У ерда кўчада қолишимиз аниқ, — деди Наби Рассоқов. Ўрол, энди барча умидимиз сиздан. Депутат ҳамда Чироқчи халқининг фарзанди сифатида барча харажатларни туман ҳокимининг бўйнига қўясиз.

— Шундай бўлишини аввалдан билардим... Икки кун аввал ҳокимимиз Рашид Норбўтаев билан бу масалада келишиб олдик. Ҳар эҳтимолга қарши ҳоким ва театр директорига расмий хат тайёрлаб қўйганман. Видеофильмни Чироқчининг «Қалқама» қишлоғида суратга оласизлар. У жойнинг табиати Бойсун ва Дехқонободдан ҳечам қолишмайди. Набижон, тасвирга олиш учун 20 кун етадими? Ижодий гуруҳ ва артистлар учун ётоКхона, овқатланиш муаммоси бўлмайди. Ҳокимнинг биринчи муовини ҳамда 3—4 та хўжалик раҳбари доимо хизматларингда бўлади...

Орадан бир ой ўтгач, ижодий гуруҳ хурсанд ҳолда Чироқчидан қайтишди... Видеофильм монтажи, овозлаштириш жараёни тугагач, Шукур акани эфир олди кўригига чақирдик. Шукур ака бир чеккада ўтириб, миқ этмай видеофильмни томоша қилди. Бир-икки бор кўзларида қувонч ёшлари ҳам пайдо бўлди. Айниқса, баҳшининг термалари, чанқовуз куйлари янграган онларида чинакамига йиғлаб ҳам олди.

Кўриқдан сўнг бир пиёла чой баҳонасида Шукур ака, режиссёр ва мен бироз ҳасратлашдик.

Шукур ака фильм пролог ва эпилогида берилган (асарда йўқ) баҳши образини чинакам кашфиёт, асар ичиди янграган куй ва қўшиқларни узукка кўз қўйгандек бўлибди, деб мақтади. Сўнг мен баҳшилар юрти Сурхондарёда ўсиб, юзлаб терма ва достонлар эшитган бўлсан-да, бундай ўзига хос нолали овоз ҳечам қулогимга чалинмаган. Бу баҳшини қаердан топдинглар? Ўролжон, эсингизда қолган бўлса, унинг бир-икки сатрини менга эслатинг. Мен нолага маст бўлиб, матнига эътибор қилмапман.

Шомурод бахши Тоғаев асли Чироқчи бахшичилик мактаби вакили. Унинг отаси машҳур Тоғай шоир 1939 йилда йигирма йилга сургун қилинади. Бахши хотини вафот этгани боис кенжা ўғли Шомуродни ўзи билан Сибирга олиб кетади. У болалар уйида тарбиялангани учун русчани она тилидан ҳам мукаммал билади. У ҳозир ҳам дўмбирада ўнлаб рус халқ қўшиқларини куйлай олади...

Сўнг мен бахши куйлаган термадан парчалар қайтардим. Бахши сиз сўраган термасида «Латибамни синдириб, бўхчамни олиб кетган уйинг куйгур Маҳкам чол, яшшамагур Маҳкам чол», деб нола қиласяпти...

— Латиба қулоққа тақиладиган сирғами?

— Йўқ, латиба қулоққа эмас, бурунга тақиладиган тилла тақинчоқ. Бўхча — момолар ўлимлигини сақлайдиган идиш. Ҳозирги сандик.

— Чироқчиликларнинг ҳар бир сўзи учун изоҳли лугат керак экан-да...

\* \* \*

Ҳар гал сўз масъулияти ҳақида ўйлаганимда марҳум Шукур Холмирзаев ёдимга тушаверади. У бир умр асарлари учун янги сўз ва характер излади. Уларни ўзига хос лаҳжада гапиртиришга эришди. Шу боис, бундан 45 йил аввал атоқли адид Асқад Мухтор мақолаларининг бирида «Мен ёш дўстим Шукурнинг тасвирлаш маҳоратига ҳавас қиласман. У ҳеч қачон воқеани баён этмайди, балки тасвирлайди», деб ёзганди.

Мен қирқ йилдан бўён Тошкентда яшаётган бўлсам-да, ҳамон қишлоқ шевасида гапираман. Шу боис Шукур aka мен билан сұхбатлашишни ёқтиради. Сұхбатимиз қизиганда, беихтиёр оғзимдан 3—4 та фақат чироқчиликларга хос образли, қанотли иборалар чиқиб кетса, у киши ёш боладай қувониб, «Вой тилингдан айланай, яна бир қайтар», деб юборарди.

Зоро, у умрининг охирги йилларида анча касалманд бўлиб қолгани боис вилоятларга деярли чиқмас, димиқсан шаҳарда чиройли гапирадиган одамлар даврасидан бир оз чарчаганди. 2005 йилнинг баҳорида Шукур акага Чироқчи элида ҳанго-

мага айланиб кетган бир воқеани айтиб бердим: 70-йилларда Чироқчи район ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган, майор Норқўзиев ёз кунларининг бирида меҳнат таътилини Ялтада ўтказиб, ота-она, қариндош-уругларини кўргани «Шўрқудуқ» қишлоғига борибди. Унинг келганини эшишиб бир нечта девор-дармиён қўшнилар йиғлишибди. Улар сафида «қишлоқ афандиси» номини олган Кулон бобо ҳам бор экан. У ҳамма билан қуюқ сўрашгач, бошлиқ Норқўзиевнинг башарасига ҳайрат билан узоқ тикилиб қолибди. Бошлиқ қўзига энди урфга айланаётган яшил ранги кўзойнак тақиб олган экан. У Кулон бобонинг унга тикилишидан бироз хижолат бўлиб, у ёқ-бу ёғини тузатгандек бўлибди. Кулон бобо эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ёнидаги ёстиқни гоҳ у, гоҳ бу ёнбошига олиб, унга ҳамон тикилар, ҳар замонда «Эй, аттанг, эй, аттанг», деб қўярмиш. Бошлиқ ҳам бироз ажабланиб, ҳа Кулон бобо, нега «аттанг»лаб қолдингиз, дебди. У бошлиқнинг кўзойнагини сўраб олиб бир тақиб кўргач, яна бир «аттанглаб», сенинг Ялтага боришингни олдинроқ билганимда, шундан 15 тагина олиб келишингни илтимос қиласдим...

— Каллангиз жойидами ўзи, 15 та кўзойнакни нима қиласиз? Бунинг ҳам уруғи «дефесит».

— Болам, икки жилдан бери лалмида ҳосил битмаяпти. Бизлар учун арпа тутул сариқ сомон ҳам сен айтгандай «дефесит» буб қолди. Кунимиз уч жиллиқ чирик сомон ва соварага қолаяпти. Бувангнинг 13 та совлиғи, 2 та болали сийири бор. Мен содда ўлгир молларимга яшил кўзойнақдан биттадан тақиб кўйсам, қиши билан чиригандан қорайиб кетган хашакни кўк беда деб еб ётармиди, деб ўйловдим, деган экан...

Шукур aka бу воқеадан таъсиrlаниб ўрнидан туриб кетди.

— Оббо уккагорнинг улияй. Ана ўқимаган, авом одамнинг жайдари фалсафаси... Биз ҳам юрибмизда ёзувчиликни даъво қилиб, қаҳрамонларимизни чиройли гапиртириб. Ҳойнаҳой, Кулон бобо ҳам аллақачон бу дунёни тарк этгандир.... Ўрол, илтимос мени Чироқчига яна бир олиб бор. Бахшининг ноласи ҳамон хаёлимда...

— Насиб бўлса, Чироқчига, албатта. олиб бораман. Халқимиизда «Оққан дарё оқмасдан қолмас», деган нақл бор.

Чироқчи эли ҳам оққан дарё. У ерда Қулон бобо ва баҳшининг давомчилари жуда кўп...

Афсуски, адабнинг сўнгги армони амалга ошмай қолди...

## КУЛГУ ТОЖДОРИ

Телевидениеда миниатюра санъатининг асосчиларидан бири, кулгу дарғаси Эргаш Каримовни 1973 йилдан буён танийман. Эргаш ака қанчалик ноёб истеъод эгаси бўлмасин, табиатан жиддий, камтарин, бироз содда ва интизомли инсон. У ёшми, қарими барча билан ширин муомала қиласи, сўрашаётганида ҳамиша қўли кўксига. Унинг ўзига хос одати бор. Иши зарурми ёки йўқми, барибир бир даста газета қўлтиқлаганча ҳаммадан илгари ишга келади. Газеталар билан танишиб бўлгач, ҳамхоналари Алп Жамол ёки Абдураҳмон Аҳмедов билан бир-икки партия шахмат ўйнаб чигал ёзи қилиб олади. Сўнг таҳририят бошлифи Элбек Мусаев хонасига мўралаб, кайфияти яхши кўринса у билан ҳам...

Кўнгил жойига тушгач, репетиция ёки ёзув хонасига йўл олади. Санъаткорнинг одатдаги куни деярли шундай бошланарди.

Халқимиз одамнинг қандайлигини сафарда билса бўлади, дейишади. 1985 йили «Ёшлиқ» Бош муҳаррири Элбек Мусаев, Эргаш ака, Роза опа ва мен Қашқадарёга сафар қилдик. Айниқса, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши ва Чироқчида бир умр эсдан чиқмайдиган учрашувлар бўлди. Сафар давомида мен учун яна бир янгилик содир бўлди. Устоз журналист ва адаб Элбек Мусаевнинг турмуш ўртоғи қамашилик эканлигини яхши билардиму, лекин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримованинг отаси яккабоғлик эканлигини билмас эдим. Сафардан сўнг қашқадарёлик теленожкорлар Эргаш Каримовни «почча» деб атайдиган бўлдик.

... 1990 йил 8 апрель. Олий Кенгаш депутатлигига сайловлар авж олган палла. Номзодлар сафида мен ҳам бор эдим... Кутимаганда бизнинг хонадонга Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Файрат Убайдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турдибек Содиков, таниқли қизиқчи Эгам-

берди Тұраев ҳамроғында кириб келишди. Үша куни Охунбобоев номли хұжаликда барча номзодлар иштирокидаги навбатдаги учрашув белгіланғанды. Талбир әрталаб соат 10.00 да мұлжалланғани боис, Эргаш Каримов бошчилигидаги ижодий гурухға соат 9.00 да навбат бериладиган бўлди. Даврани бошқарған Эгамберди Тұраев Эргаш Каримовга сўз беришдан аввал шундай деди: «Кулгу дарғаси Эргаш Каримов Чироқчига бекорга ташриф буюргани йўқ. Сайловда иштирок этаётган 8 та номзод ҳам қашқадарёлик... Эргаш ака эса қашқадарёликларнинг севимли күёви. Шундай бўлгач, ўртада бегона йўқ».

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Мухлислар Эргаш ака ва унинг шогирдлари билан сира ажрашкиси келмасди... Давоми кечқурун бўлади, — дея бир амаллаб расмий учрашувни 10.30 да бошлишга тўғри келди...

Кулги устаси, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов 1935 йили Тошкент шаҳрининг «Каттабоғ» маҳалласида туғилган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ўртоғи Абдуваҳоб билан кичик-кичик ҳажвий саҳналар кўрсатиб, илк бор «артист», «қизиқчи» деган ном олди. У қизиқчиликдаги илк устози Мұхиддин Дарвешев, Аркалий Райкин номини фахр билан тилга олади. Раҳматли оталари Карим ака ниҳоятда қувноқ, гурунгнинг уяси, дилкаш одам бўлган экан. У киши ҳамиша «Эргаш ўғлим, албатта, доктор бўлади» — деб орзу қиласарди. Эргаш эса тинимсиз фижжак чалар, бўш вақтида тасвирий санъат тўгарагига қатнарди. Мана шу қизиқиш уни 1954 йили Тошкент театр ва рассомчилик институтига етаклади.

Тақдирни қарангки, худди шу даргоҳда бир қизни севиб қолиб, у билан турмуш қуришди. Бу қиз бир умр унга садоқатли аёл ва сафдош бўлиб қолган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримова эди. 1958 йили иккаласи Сурхондарё вилоят театрига ишга юборилди. У ерда икки йил ишлаб, ўнлаб турли-туман роллар ижро этишди. 1960 йили иккаласи ҳам телевидениега ишга киришди. 60-йилларда «Истиқбол эгалари» кўрсатувига илова тарзида ҳажвий саҳифа бериладиган бўлди. Эру хотин кўрсатувнинг деярли барча сонларида биргаликла роль ўйнарди. Шу йилларда редакция летучкасида кимдир сўз олиб, улар

ҳажвий саҳифани «ўзиники» қилиб олгани ҳақида сўзлади. Шунда табиатан содда Эргаш ака бу эътирозни самимий қабул қилиб: «Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Санъаткор ким билан роль ижро этишидан қатъи назар, томошани маромига етказиб ўйнагани маъқул. Қолаверса, «ойнаи жаҳон» оиласидан хонадонлар кўзгуси. Агар бугун биз биттаси билан, эртага яна бошқаси билан саҳнага чиқаверсак одамлар нима дейди?» — деб жавоб берган экан.

Шу-шу ҳамкаслар бу тўғрида гап қўзғашмайдиган бўлиди.

Санъат — сирли олам. Унинг ҳар бир турида ўзига яраша сеҳр бор, — дейди Эргаш Каримов. — Миниатюрада ҳётимиз, жамиятимизга ёт бўлган иллатлар аччиқ қулги остига олиниб, маълум бир мақсад сари йўналтирилади. Ҳажвий кўрсатувни томошабин нафақат кўради, балки ундан ўrnak олади, айборд қилмишидан азият чекади. Дастлаб телестудияда режиссёр ёрдамчиси бўлиб иш бошлаганимда Розахон адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида ишларди. Талабалик йилларимиздан биргаликда ҳажвий интермедиялар ижро этиб юрганимиз боис, кўрсатув охирида бериладиган 5—10 дақиқалик ҳажвий саҳифани кенгайтириб, алоҳида кўрсатув — «Телевизион миниатюралар театри»ни ташкил этдик. Миниатюралар театри қарийб 30 йил умр кўрди. Ана шу давр ичида ўзбек миниатюрасида Эргаш Каримов мактабига асос солиниб, 30 дан ортиқ номлар бутунги ўзбек қизиқчиларининг янги авлодини шакллантирди.

...Кўрсатувнинг аксарияти оиласидан мавзуда бўлгани боис кўп саҳналарни уйда репетиция қиласадик, — дея хотирлайди Эргаш ака. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Кўп қаватли уйларнинг бирида яшардик. Бир куни ишга кетаётсам, маҳалламизга яқинда кўчиб келган қўшниларимиздан бири салом-аликдан сўнг секин мени четта тортиб: «Эргашжон тушунган, ўқимишли одамга ўхшайсиз. Сизларга энди урушжанжал ярашмайди», — деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Чунки шунча йил бирга яшаб эр-хотин ўртасида сиз оғзимиз сенга бормаган эди-да. Кейин бирдан ўтган ҳафтада уйда ўтказган репетициямиз эсимга тушиб, қайта такрорла-масликка ваъда бериб ҳайрлашдим. Ўшанда «Жанжал» номли

оилавий миниатюрани машқ қилгандик. Миниатюра «Тошойна» сингари бироз жанжаллироқ эди.

«Телевизион миниатюралар театрни»нинг асосий аргументи жамиятимизнинг олға ҳаракатига халақит бераётган камчиликлар устидан кулиш, халқ театрлари анъаналарини ривожлантирган ҳолда актёрлар ўз чиқишилари билан турмушда учрайдиган эгрилик, ширин ҳаётимизга рахна солиб турган салбий унсурлар устидан кулиш, — дейди миниатюра театрининг асосчиларидан бири, кўрсатув режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов.

Ижодий гурух, айниқса режиссёр экранда муҳим ижтимоий иллатларни ҳажв қилишга интилади. Мана шунинг учун ҳам кўрсатувлар ранг-баранг чиқиб, унда енгил кулгидан тортиб, газабни қўзгатувчи таңқидлар ҳам учрайди. Миниатюра қаҳрамонларининг исм ва фамилияси айтилмасада, салбий типларнинг умумлашма образлари мавжуд. Айни пайтда, реал воқеликни ҳис қилиш мақсадида томошабинлар билан ҳамкорлик бор.

— Менимча, оддий ахборот, оддий тарғибот ҳам жуда зарур ва муҳим, — деган эди кулги устаси Аркадий Райкин. — Лекин тарғибот бадиий ифода, образлар орқали синг-дирилгани мақсадга мувофиқ. Бу билан бизнинг театр шуғулланади. Ўзимча театримизнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини қайта баҳоламоқчи эмасман. Ҳозир «сангори экранда» шундай кўрсатувлар учраб қоладики: бошловчи ўтириб олиб гапира бошлайди: «Ўртоқлар ўзаро муносабатда самимий, қатъий, меҳрибон бўлайлик». Менимча, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тарбияни ё конкрет ижобий фактлар билан, ё бизга ўхшаб олиб бориш керак. Ўзига жалб этмайдиган персонаж бадиий шаклда кўрсатилсагина қайси типни муҳокама этаётганимизни, нимани ташвиқот қилаётганимизни дарров тушуниб олади...

Ҳар бир улуғ санъаткор у хоҳ театрда, хоҳ телевидение ёки кинода бўлсин юзлаб турли-туман характерлар яраттани билан, унинг халқимиз қалбидан чукур жой олган 4—5 та умрбоқий роллари бўлади. Эргаш Каримов репертуаридан ўрин олган «Имтиҳон»даги талаба, «Замбаракнинг ўқи»даги соччи, «Тошойна»даги футбол муҳлиси, «Кечиринг»даги ходим, «Иғвогар»даги ёзувчи, «Шум бола»даги домла,

«Ўзингмисан Ҳадиҷа»даги Муқимжон худди шундай мухлис юз марта томоша қиласа ҳам қайта-қайта кўрадиган тақрорланмас образлар сирасига киради.

Эргаш Каримов талантининг янги-янги қирраларини кўрсата оладиган «Учрашув» телевизиянинг яратилиш тарихи ҳақида санъаткор шундай ҳикоя қиласи:

«Бир куни «Ўзбектелефильм» директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ажойиб инсон, ташаббус-кор раҳбар Фани Расулов бош муҳарриримиз Элбек Мусаев хонасига кириб келди. У бошлигимиз билан бир оз шахмат сурештаси, кетиш олдидан бир янгилик билан бизни хурсанд қиласи. Яъни, у келгуси йили энг сара миниатюралардан ташкил топган 1 соатлик «Учрашув» номли фильмни режага киритганини маълум қиласи. Ўттиз йилдан буён «олтин фонд»дан ўрин олиб, ҳар йили тақрор-тақрор кўрсатиладиган «Учрашув» фильмни шу тариқа юзага келганди...»

Икки фарзандимиз бор. Ўғлимиз Эркинжон техника фаннари номзоди, қизимиш Озодахон шифокор. Санъаткор бўлмаса-да, ҳар иккаласи санъатни жуда севишишади. Ўғлимиз Эркинжон талабалик йиллари бир-икки миниатюрада иштирок ҳам этганди... Кейин ишлари кўпайиб, бу соҳанинг бошини тутмади. Кичик набираларимнинг феъл-автори менинг ўзим. Ҳойнаҳой шулардан бири артист булиб чиқадиёв, деб кулишиб ўтирамиз, — дейди Эргаш ака.

Қашқадарёдаги қариндош-уруглар билан борди-келди қилиб турасизларми?

— Ҳа, тез-тез бориб турамиз. Улар ҳам Тошкентга йўли тушса тўғри бизникига келишади. Улар билан ўзаро меҳроқибатимиз кучли.

Суҳбатимиз сўнгтида, одатда машхур санъаткорлар ҳашаматли уй ва дала ҳовлиларда яшашади... Сизлар эса бир умр кўп қаватли уйда яшаб келаяпсизлар? — дедим ҳазил аралаш Эргаш акага.

Биз бир умр шон-шуҳрат, ҳашаматларга қизиқмадик. Худога шукр, тақдиримиздан ҳечам нолимаймиз. Бирордан кам, бирордан зиёд умр кечираяпмиз...

Кулгу тождори, ҳалқимиз ардоғидаги санъаткор Эргаш Каримовнинг серқирра ижоди ҳукуматимиз томонидан

муносиб тақдирланган. У 1991 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонини олган бўлса, 1999 йили «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлди.

## БОШ РЕЖИССЁР

Биринчи ўзбек телевизион фильмининг асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳкам Муҳамедов 1935 йили Чимкент вилоятининг Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган. У Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтини тамомлаб, бир йилдан кўпроқ Бухоро вилоят театрида бош режиссёр бўлиб ишлади.

1957 йили телевидениенинг ilk қалдироғчларидан бири бўлиб ушбу муқаддас даргоҳга ишга кирди. У телевидение ва театрдаги 50 йиллик фаолиятининг 40 йилида бош режиссёр лавозимида ишлади.

Мен Маҳкам aka билан ilk бор 1975 йилда танишганман. У киши «Ёшлиқ» студиясида бош режиссёр, мен Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида мухаррир бўлиб ишлардим. Ўша йиллари саҳналаштирилаётган ҳар бир новелла, телеспектакль, ҳатто «Миниатюралар театри» ҳам қўлёзма ҳолида телевидение бадиий кенгашидан ўтар эди. У киши билан ҳафтада бир-икки марта кенгаш йиғилишида учрашиб, қизғин баҳслар қиласр эдик. Ўша йиллар М. Муҳамедов П. Турсуннинг «Ўқитувчи», Н. Ҳикматнинг «Ажал шамшири», А. Азимовнинг «Нейрон операцияси» асарларини муваффақиятли саҳналаштириб, ўзининг иқтидорини тұла намоён этган давлар эди. Кейинчалик у телевидениенинг бош режиссёри этиб тайинланди. 1977 йили М. Муҳамедов раҳбарлигида ёш ижодкорларнинг «Синов студияси» ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, бу даргоҳ ёш мухаррир, режиссёр, рассом, актёр, ҳатто режиссёр ёрдамчisi учун ўзлигини тұла намоён этадиган ижод майдони эди. Маҳкам aka билан чинакам ижодий ҳамкорлигимиз шу йилларда бошланди. Биз режиссёр Наби Раззоқов билан «Илҳом» телевизион клубини ташкил этиб, унинг ilk сонини ана шу студия шапкаси билан эфирға берганмиз. Шундан сўнг «Иходий учрашувлар», «Халқ ижодиёти»нинг ilk сонлари ҳам экран юзини кўрди. Хуллас, ушбу студия

ўнлаб турли касбдаги ёшларнинг илк ижодий қадамига мададкор бўлди.

Бугун Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг барча каналларида фаолият кўрсатаётган ўнлаб ёш ва ўрта авлод режиссрлари Маҳкам акани ўзларининг устози деб билади ва эъзозлайди. Устоз ярим асрлик режиссрлиги даврида юзга яқин телевизион спектакль ва видеофильмлар яратди. Ўнлаб телефильм ва видеофильмларнинг муаллифи бўлди. Уларнинг аксарияти шу кунларда телевидение «Олтин фонди»ни безаб турибди.

Унинг телевидениедаги (1958) илк дебюти Парда Турсун романи асосида саҳналаштирилган «Ўқитувчи» спектакли ҳисобланади. Шундан сўнг Лев Толстойнинг «Кавказ асири», Чингиз Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи», Суннатилла Анорбоевнинг «Оқшом шалолалари», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», «Қорақалпоқ қиссаси», Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Маманбий қиссаси», Шуҳратнинг «Шинелли йиллар», Зиё Сайднинг «Тўралиқ сиртмоғи», Беҳбудийнинг «Падаркуш» каби ўзбек ва жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган асарлар асосида телеспектакль ва видеофильмлар яратди. Булардан ташқари Ж. Абдуллахоновнинг «Азизахон», А. Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари», М. Бобоевнинг «Ирода», Х. Султоновнинг «Мозийдан бир саҳифа», К. Авазнинг «Сақили наво», Н. Қобилнинг «Амир Музаффар» асарлари асосида кўп қисмли видеофильмлар яратди. Улар орасида, айниқса 15 қисмли «Мехробдан чаён» ҳамда М. Бобоевнинг асари асосида яратилган 51 қисмли «Қўнгил кўчалари» сериаллари маданий ҳаётимизда воқеа сифатида эътироф этилди.

Маҳкам ака 1978—1982 йилларда Сирдарё вилоят театрида бош режисср лавозимида ишлаб, вилоятда театр санъатининг ривожига катта ҳисса қўшди. У ерда Машраб Бобоевнинг «Ўттиз ёшлилар», «Ер томири», В. Маяковскийнинг «Ҳаммом», Шекспирнинг «Ричард III», А. Гелманнинг «Имзо», Г. Мухторовнинг «Неваради келин» асарларини муваффақиятли саҳналаштириб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Шундан сўнг бир неча йил Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошибинлар театрида бош режисср лавозимида ишлаб, Чингиз Айтматовнинг «Оқ

кема», Р. Файзийнинг «Ўз уйингдасан», В. Гюгонинг «Гаврош», Чўлпоннинг «Асорат», А. Обиджоннинг «Кўнфироқли ёлғончи» спектакларини болалар театри саҳнасида жонлантирди. Шу йилларда Хоразм вилояттеатрида Э. Воҳидовнинг «Иккинчи тумор», Бухоро театрида Максим Каримовнинг «Қаламқошлигим», Фарғона театрида Туроб Тўланинг «Кизбулоқ», Самарқандда В. Розовнинг «Шодлик излаб» асарлари Маҳкам Муҳамедов талқинида саҳна юзини кўрди.

Маҳкам Муҳамедов 1985 йили яна қадрдан даргоҳи телевидениега қайтди. У Ўзбекистон телевидениеси бош режиссёри сифатида фаолият юритиб, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Ўнлаб туркум кўрсатувларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшди.

Маҳкам Муҳамедов табиатан камтар, самимий, бир оз содда инсон бўлсада, ижодда жасоратли, дадил ва дангал санъаткор. Унинг бу хусусияти, айниқса, ижодкор ва санъаткор талантларни кашф этишда яққол сезилади. У фаолияти давомида Машраб Бобоев, Хайриддин Султонов, Комил Аваз, Максим Каримов, Омон Жорқинбоев, Азимжон Азизов, Насрулла Қобил, Муҳаммад Исмоил каби аввал драматургия соҳасига қўл урмаган янги талантларни телевидениега олиб кирди. Айниқса, унинг халқимизга унчалик танилмаган Саидаҳрор Улуғовни Абдулла Қодирий сиймоси, 17—18 ёшли талабалар Дилдора Рустамова ва Исломжон Манноповни Раъно ва Анвар образлари учун таклиф этилиши телевидение тарихида чинақам жасорат, деб баҳоланди.

Шу ўринда устоз санъаткорнинг ўзи кашф этган Машраб Бобоев ва Хайриддин Султонов билан ижодий ҳамкорлиги хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Маҳкам aka Машраб Бобоев билан тасодифан Сирдарё вилояттеатрига ишга кетиш арафасида танишди. Ўша йиллари Маданият вазирлигига ишлаётган драматург Ҳайитмат Расул Самарқанд вилоят халқ ижодий уйидан эндиғина Тошкентга ишга келган Машраб Бобоев билан таништиаркан, унинг кўлига «Ўттиз ёшлилар» пьесасини тутқазди. Асар менга жудаям ёқди, афсуски, режиссёрлик қўлимдан келмайдида, — дея афсусланди Ҳайитмат Расул суҳбатга якун ясаркан...

Менинг «Машрабшунос» бўлишимнинг боиси, дейди Маҳкам ака, — унда давр руҳини сезадиган, замоннинг ҳарорат даражасини илғайдиган ноёб фазилат бор. Санъат институтида ўқигани боис, воқеалар тизмасини, тўқнашув жараёнларини, энг муҳими, драматургиянинг сир-асорларини яхши тушунади. Машраб ёлғонни кечира олмас, унга аёвсиз эди. «Кўнгил кўчалари»ни тасвирга тушириш жараёнида актёрларнинг бирортаси ўзидан сўз кўшиб гапирса, жаҳли чиқиб, мен ундай ёзмаганман, тўғри гапиринг, — деб шартта юзига айтарди...

Ўз навбатида, Машраб Бобоев ҳам Маҳкам ака ижодини юксак баҳолар, шу боис бир умрлик дўст, қадрдонга айланиб кетганди. Маҳкам ака менинг биринчи режиссёrim. Ҳаётда юз берадиган баъзи ҳодисаларнинг биринчиси алоҳида ўрин тутади. Кейинги ҳодисаларнинг марраси, моҳияти, аҳамияти ҳам кўпинча ўша, биринчи ҳодисанинг мазмун ва самарасига боғлиқ бўлади, — дея эътироф этганди драматург Машраб Бобоев. Тақдир мени Маҳкам акадек ИНСОН ва САНЪАТКОР билан учраштиргани учун ҳамиша бошим осмонда....

Таниқли шоир ва драматург, камтарин инсон Машраб Бобоев билан 15 йилдан кўпроқ ён қўшни бўлиб яшадик. Унинг кўплаб асарларининг ёзилиш тарихидан хабардорман. Айниқса, «Кўнгил кўчалари»нинг тарихи ва тақдирни билан яқиндан танишман. Машраб ака, асосан, шанба-якшанба кунлари ижод қиласарди. У ижодга киришишдан олдин албатта, драматург Шароф Бошбеков билан мени уйига чақиради. Дастрлаб Шароф билан 3—4 партия шахмат суришарди. Мен уларга чой ёқи май қуийб, ҳакамлик қиласардим. Улар бир оз сархуш бўлгач, албатта эстрадамиз юлдузи Ботир Зокиров пластинкасини баланд қўйиб, унга қўшилиб хиргойи қиласарди. Шарофнинг ажойиб овози бор эди. Гоҳида ашула таъсирида қўзёши қилиб оларди. Йигини, одатда Шароф бошлаб берар, Машраб ака эса поёнига етказарди. Бир оз хумори босилгач, Машраб ака икки қўлини кўксига қўйиб, бизлардан узр сўраб, «Ёввойи тановор»ни хиргойи қилганича ижод хонасига йўл оларди. Чунки душанба куни телевидениега «Кўнгил кўчалари»нинг навбатдаги қисмини олиб бориши шарт эди.

Халқимизнинг турли авлоди томонидан севиб ўқилган, унинг асосида яратилган бадиий фильмлар мороқ билан томоша қилинган маълум ва машҳур асарларга қайта мурожаат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун режиссёрда туғма истеъодод билан бирга, улкан жасорат ҳам даркор. 1995 йили бу ишга бел боғлаган санъаткор Маҳкам Муҳамедов бўлди. У узоқ ўйлаб, роман асосида сценарий ёзишни таниқли ва талантли адаб Ҳайриддин Султоновга топширди. У бир неча йил аввал адабиётимиз асосчиларидан бири Абдулла Қодирий ҳаётига бағишланган «Мозийдан бир саҳифа» (2 қисмли) асарини яратиб, унинг ўзи саҳналаштирган телевизион талқини телетомошибинлар қалбидан чуқур жой олганди. Зеро, Х. Султонов нафақат ташқи қиёфаси, балки ички дунёси ҳам Абдулла Қодирийга анча яқинлигини исботлаганди. У сценарийга заргарона ёндашиб, романнинг ҳар бир саҳифасига меҳр билан қаради. У ортиқча тиф тегизмасдан унинг маъно ва мазмунини сақлаб қолди. Шу тариқа 15 қисмли видеофильм эфирга кетгач, зукко олим ва адаб Иброҳим Faфуров ўз таассуротларини «Хуррият» газетаси орқали шундай баён этди: «...Қодирийга бир умрлик шайдо ва ошуфта бўлиб қўлига қалам олган ва ҳамиша унинг файзидан файз олган Ҳайриддин Султон романга шундай ёндашган, шундай ўқиганки, бирон ерда, «йўқ, бу Қодирий эмас, йўқ Қодирийнинг қаҳрамонлари бундай сўзларни айтмайдилар» — деган эътиrozга ўрин қолмайди...».

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, «Наврӯз», «Мустақиллик» телемарафонлари унинг раҳбарлигига эфирга узатилиб, муҳлислар меҳрини қозонди.

Маҳкам Муҳамедов кўп йиллардан буён педагогик фаолият билан шуғуланиб, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида «Телевидение ва радио режиссёрлиги» кафедрасининг мудири, доцент лавозимларида ишлаб келаятти. Унинг телевидение ва театр режиссурасига оид ўнлаб мақола ва қўлланмалари чоп этилган.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талabalari Маҳкам Муҳамедов режиссёрлигига кўплаб диплом спектаклларини саҳналаштирган. Шиллернинг «Қароқчилар», А. Островскийнинг «Сепсиз қиз», Ш. Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар» каби асарлари диплом

спектакллари сифатида саҳналаштирилиб, юқори баҳолангани ҳам фикримиз исботидир.

Маълумки, мухлислар телевидение орқали Мексика ёки Жанубий Корея кино усталарининг кўп қисмли сериалларини яхши билади. Шундай сериаллар ва видеофильмларнинг илк намуналари ўзимизда яратилишида ҳам устознинг хизматлари катта. Хусусан, мухлислар севиб томоша қилган Машраб Бобоевнинг «Кўнгил кўчалари» (51 қисмли сериал) эфирга узатилди. Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» (15 қисмли) видеофильми ҳам унинг ижод маҳсулидир.

Маҳкам Муҳамедов шу кунларда ҳам ёшларга ўзининг сермаҳсул ижоди, ишчанлиги, ниҳоятда камтарлиги билан намуна бўлиб келаётир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳкам Муҳамедов дунёвий билимга эга, талантли режиссёр бўлиш билан бирга, иродаси мустаҳкам, дили пок, диёнатли инсондир. Унинг бирор марта нимадандир норози бўлиб, кимдандир нолиб юрганини кўрмаганман. У барча ноҳақликларни меҳнати билан енгиб яшади. Унинг телевидениедаги қарийб 50 йиллик фаолияти силлиқ кечмади. Шуро даврида икки марта емаган сомсага пул тўлаб, иссиқ жойини совитишига тўғри келди. Бир марта телевидение бош режиссёри лавозимини ўз аризасига кўра топширди. Нега бўшашим керак, деган ҳақли саволни қўймасдан, оддий режиссёр сифатида жимгина фаолиятини давом эттириди.

Маҳкам ака билан ҳамкорликда ўнлаб кўрсатув, иккита видеофильм («Феруз», «Амир Музаффар»), мустақиллигимизнинг бир ва икки йиллигига бағишлиланган узлуксиз телемарафон (мен телевидениенинг бош директори, у бош режиссёр сифатида) тайёрладик. Барча ҳамкорлик меваларимиз юксак савияда тайёрланиб, эфирга узатилди.

Маҳкам ака ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзини айта оладиган ҳалол инсон. Айниқса, унинг холис ва тўғри сўзлигини республикамизнинг энг нуфузли қўрик-танловларида ҳайъат аъзоси сифатидаги иштирокида яққол сезганман.

Камтарин инсон ва заҳматкаш санъаткорнинг кўп йиллик фидокорона меҳнатлари ҳуқуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ТОМОШАБИН

Телевидение пайдо бўлган пайтларда бу техника мӯжизаси шунчаки буш вақтни хушнуд ўтказиш ва дам олишга хизмат қиласиган энг яхши воситалардан бири бўлади, дегувчилар кўпчилик эди. Лекин, телевидение кутилгандан бошқачароқ бўлиб чиқди. Зеро, орзуладарда яшаган «ойнаи жаҳон» бугунги кунда бутун дунё одамларини юзма-юз учраштирадиган, халқаро воқеаларни, мамлакатимиздаги юз бераётган ажойиб ўзгаришларни кўз ўнгимиизда жонлантирадиган, кишиларга маънавий-эстетик завқ-шавқ берадиган муҳим восита, ҳаётимизнинг, ишимизнинг, ютуқларимиз ва камчиликларимизнинг кўзгусига айланди.

Телевидениенинг ўзига хос хусусияти шундаки, содир булаётган воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот берибина қолмай, балки томошабинларни воқеанинг гувоҳи, иштирокчисига айлантиради. Ҳозир телевидениенинг газетадан афзаллигини исботловчилар жуда кўп. Газета ва телевидение «рақобати»ни тўғри тушунмоқ керак. Оммавий ахборотнинг бу икки воситаси ҳам инсонни тарбиялашдек буюк мақсадларга хизмат қиласиди. Лекин, улар ана шу вазифани адo этишда ўзига хос йўллар билан фаолият кўрсатади. Зеро, ахборотни эфирга олиб чиқишида тележурналист ҳамиша газета ахборотидан фарқли хусусиятларни назардан қочирмаслиги керак. Масалан, телевидениега томошабиндан қизиқарли хат келди. Бироқ, хат етиб келгунча ундаги воқеа-ҳодиса, фактлар эскириб қолди. Нима қилиш керак? Тележурналист ўша воқеа содир бўлган жой билан боғланиб, фактларни янгилаб олади. «Янгиланган, тўлдирилган» ахборотни ўша заҳоти эфирга чиқариш мумкин. Газета бундай тезкорлик имкониятига эга эмас. Зотан, худди шундай ахборот газетада бир ойдан кейин босилиши мумкин.

Газета журналисти мақола, репортаж, ахборот тайёрлар экан, сўз бораётган қаҳрамоннинг гапи олдидан оддийгина «чизиқча» қўйса, вассалом. Тележурналистлар эса қаҳрамоннинг ўзини тақдим этадилар. Бу ерда унинг нутқидаги стилистик талаффуз, маъно ифодалашдаги камчиликларни яшириб бўлмайди. Демак, тележурналист иши ҳам газетачилар меҳнатидан кам бўлмаган тайёргарлик талаб қиласди. Телевидениеда сўзга чиқаётган киши студияга таклиф этилса, шубҳасиз, муфассал суҳбатдан сўнг текст тайёрлаши, уни ўқиб бериши мумкин. Лекин, оператор бутун туриш-ўтиришингни кўрсатиб турса, қоғозга мукка тушиб ўқийверсанг. Бу ёқда минглаб томошабинлар сенга қараб турганини сезиб турсанг, булар кўрсатувнинг таъсиричанлигини сусайтиради. Шу нуқтада телевидение яна газетадан фарқланади. Агар тележурналист воқеа содир бўлган жойдан репортаж олиб бораётганда қаҳрамон ҳаяжонланганидан керакли сўзни тополмай қолса-чи? Бу ерда репортёр-журналистнинг маҳорати, керакли саволларни танлай билиши, суҳбатни мавзуга мослаб йўналтира олиши, суҳбатдошини «гапиртириб юбориши» керак бўлади.

Тележурналист томошабинлар билан боғлиқ бўлган кўпгина ўзига хосликларни ҳам ҳисобга олади. Масалан, ҳар бир кўрсатувни томоша қилаётганига қарамай, тележурналист бу аудитория уч-тўрт кишидан иборат кичик гуруҳлардан, телевидение атрофида оиласвий ёки дўстона тор бир давра қурган кишилардан иборат эканини назардан қочирмайди. Шунинг учун улар текстнинг содда ва ифодали, ишонарли, ёқимли бўлиши учун ҳаракат қиласдилар. Телевидение ахборотининг етакчи хусусияти — лаконизmdir. Афсуски, тележурналистлар ҳамиша ҳам бунга эришавермайдилар. Баъзан ўткир мазмун, масалаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш ўрнига, баландпарвоз иборалар билан чекланиб қўя қолинади. Ҳақиқий публицистика тумтароқли сўзлардан, баландпарвоз мақтовлар ёки айблашлардан иборат эмас, балки у ёки бу мавзуни ҳал этишининг чуқурлиги ва далиллар билан исботланганлигидан, таҳлил қилиши ва ишонарли бўлишидан иборат.

Матбуотнинг, радио ва тележурналистларнинг асосий қуороли сўздири. Топиб айтилган сўзлар воситасидагина ҳодисалар ҳақида ёрқин ва сермазмун қилиб гапириш мумкин. «Тил жонли нарса, — деган эди А. Мухтор «Даври-мизнинг бош қаҳрамони» деган мақоласида. — Тил дарахтдай, гиёҳдай яшайди, гуллайди, синдирсанг синади, каллакласанг чўлтоқ бўлади, тилнинг шираси ерга оқади. У тирик, нафас олади. Матбуот, китоб, газета, журнал, радио, телевидение унинг жонли нафаси, юрак уришидири».

Тилга эътибор — элга эътибор, дейди доно ҳалқимиз. Асқад Мухтор юқоридаги мақоласида тилимизнинг гўзаллигига, нозик товланишлари-ю ифода воситаларига эътиборсизлигимиздан ниҳоятда ташвишланади: «Афсуски, баъзан уни ўзимиз бузамиз, ўзимиз қўпол жароҳатлаймиз. Буни биз баъзан билиб, баъзан билмай қиласмиш. Биримиз мода туфайли, биримиз шунчаки олифтагарчилик учун бузамиз, биримиз оригинал бўлиб кўриниш учун, гоҳ фикрий камбағаллигимизни яшириш учун, биримиз тўппатуғри маданий савиямиз етишмаганидан ёки масъулиятсизлигимиздан бузамиз». Бунда вақтли матбуот, радио, телевидение журналистларининг ҳам маълум камчиликлари бор. Дарҳақиқат, гоҳо чалазабон телешарҳловчиларнинг «Хозир пахтакорчилар бурчакдан тўп тепишини бажарадилар», дикторларнинг «барака уругини қададилар...», «Эл хирмони кўкка бўй чўзди...», « зангори кема штурвалида ўтириб оқ денгизга шўнғиди...» қабилидаги сўз-жумлалари телетомошабинларнинг энсасини қотиради. Зеро, телевидение журналисти фақат воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириб бериш билан кифояланмай, балки мана шу воқеа-ҳодисаларни ёрқин образларда кўрсата билиши — сўз ва тасвирни моҳирона уйғунлаштира олиши керак...

Телевидениеда кўрсатувлар тъсирчанлиги — бош масала. Ёшларга бағишлиган дастурларда ҳам камчиликлар бор. Бу кўрсатувларда ёшларга хос фантазия етишмайди. Зеро, бугунги ёшлар ҳаётининг ички қатламлари телевидениеда тўла ёритилаяпти, деб бўлмайди. Ёшлик романтикаси, жўшқинлик, шунингдек, баъзида бўй кўрсатаётган мешчанлик психологияси жонли мисолларда очиб берилмаяпти.

Телевидение — синтетик санъат! У журналист, диктор, шарҳловчи, тасвирчи, инженер, рассом, режиссёр, актёр ва бошқа ижодий ва техник ходимлар меҳнатининг маҳсули. Журналистлар кейинги пайтда соҳалар бўйича ихтисослашмоқдалар. Зеро, космик асрда бир киши ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам медицина, ҳам саноат, ҳам қурилиш ва бошқа ўнлаб соҳалардаги ўзига хос мураккабликларни ўзлаштириши қийин.

Телевидение дикторларини қофозга қараб ҳамма соҳа бўйича гапираверишлари мумкин, дегувчилар ҳам бор. Телевидение тонгида битта диктор ҳам мусиқа, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам шеърият ҳақида 1—2 соатлик кўрсатувларни олиб бораверар эди. Ҳозир эса ҳар соҳанинг ўз мутахассислари бор: фан-техника ютуқлари ҳақида олимлар, адабиёт ва санъат ҳақида танқидчилар, санъатшунослар, ҳалқаро воқеалар ҳақида сиёсий шарҳловчилар телеминбарга чиқадилар. Демак, диктор-бошловчи вазифасини ихтисослашган ижодий группа адо этмоқда. Ўзбекистон телевидениеси дастурларида Зафар Эгамбердиев («Оlamга саёҳат»), Зоҳид Ҳақназаров («Дирижёр ҳикоя қилади»), Турсун Қоратоев, Насриддин Муҳаммадиев, Аҳмаджон Мелибоев, («Бугун оламда нима гап?»), Абдулла Орипов («Бир асар тарихи»), Фарҳод Мусажонов («Эртага премьера»), Абдулла Иноятов («Инсон ва қонун») каби бошловчилар ўз соҳасининг билимдони сифатида томошабинларнинг эътиборини қозонгандар. Шундай бўлса ҳам, бугунги кунда республика телевидениесида моҳирона, қизиқарли олиб борадиган бошловчилар озчиликни ташкил қилади.

Ўзбекистон телевидениеси ҳалқимизнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашга алоҳида эътибор бериб, телетомошибинлар конференцияларини системали ўтказиб боради. Бу ишнинг самарадорлигини редакцияларга келаётган хатларнинг миқдори ва сифати белгилайди.

Телестудияга келаётган хатларнинг мазмуни қизиқарли, мавзу қўлами кенг. Айниқса, кейинги йилларда танқидий руҳдаги хатлар редакцияларга кўп келяпти. Жойларда меҳнат интизоми, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхши-

лашга панжа орасидан қараётганлар ҳақидағи хатларга ўз вақтида жавоб айтиш, амалий ёрдам күрсатиш телевидение билан халқ алоқасини мустаҳкамлашга самарали таъсир күрсатмоқда. Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан бир хат келди. Хатга 43 қиз имзо чеккан эди. Уларнинг ёзишича, вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг йўлланмаси билан 122 қиз ўн ой давомида тикувчилик қасбида ўқиганлар. 1982 йил июль ойида ўқишини битириб, Файзобод фабрикасига ишга келадилар. Афсуски, 1972 йилдан бошланган фабрика қурилиши ҳали битмаган эди. Бу воқеалар таҳлил қилинган репортаж эфирга чиқарилди. Курилиш объектининг бундай аҳволга тушишига ким айбдор? 122 мутахассис қизнинг ишламай юришига сабаб нима? Редакция тегишли ташкilotларга шундай савол билан мурожаат қилди ва кўп ўтмай ижобий жавоб олди.

Илмий-оммабоп ва ўқув кўрсатувлар редакциясида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидан бир хат келди:

«Хурматли редакция! Мен сизларнинг «Қизиқувчилар экрани» кўрсатувингизни иштиёқ билан томоша қилдим. «Ҳайкаллар ичида» суҳбати менда катта таассурот қолдирди. Отам Ўзбекистон колхозида бульдозерчи бўлиб ишлайди. Кунлардан бир кун ер текислаётганларида қадимги тошни топиб олиб, менга бердилар. Нима қилишимни билмай сизларга хат йўллаяпман. Ҳурмат билан 9-синф ўқувчиси Нурхон Ҳасанова».

Телевидениенинг кучи нақадар улканлигини шу фактнинг ўзидан ҳам билса бўлади. «Қизиқувчилар экрани»ни олиб борувчи Баҳодир Турғунов билимга чанқоқ ёшларнинг жонкуяридир. Санъатшунослик илмий текшириш институтининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов археология соҳасида анча-мунча ишлар қилган. Редакцияга келган хатни муҳокама қилиб, дарров маҳсус комиссия тузилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Галина Пугаченкова раҳбарлигига Пастдарғом туманига хат изидан борилди. Аниқланишича, Нурхон ўз хатида ёзган сополдан ишланган идиш VII асрга тегишли бўлиб чиқди.

Телетомошабинларнинг хатлари асосида эса ўнлаб кўрсатувлар тайёрланади. Булар ижтимоий-иқтисодий муаммолардан тортиб фан ва санъат, маданият ва майший турмуш масалалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Оlamda нима гап?», «Хат ва ҳаёт», «Телетеатр почтасидан», «Инсон ва қонун» почтасидан, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Иқбол», «Эртага премьера», «Киноредакция почтасидан», «Халқ оғзаки ижоди», «Амалий учрашувлар давраси», «Анъана ва замонавийлик», «Ота-оналар университети» ва бошқа кўрсатувлардир. Бу кўрсатувлар номига меҳнаткашлардан жуда кўплаб хатлар келади. Уларнинг кўпчилигидан эфирда фойдаланилади, қолганлари эса керакли ташкилотларга текшириш учун юборилади.

Телекўрсатувлар ҳақида фикр билдираётган томошабинларнинг мақсади битта: кўрсатувлар сифатининг бундан ҳам яхшироқ бўлиши, улар том маънода маслаҳатчи, кўмакчига айланишини истайдилар.

Сўнгги йилларда эфирга узатилаётган «Инсон ва қонун», «Ассалому алайкум», «Хат ва ҳаёт», «Ахборот» танқид қилади», «Барҳаёт наволар», «Ёдгорлик» каби кўрсатувлар томошабинлар эътиборини тортмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланган «Одамлар ва тақдирлар» кўрсатуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, янги ташкил этилган «Ҳамشاҳарлар» кўрсатуви ҳақида ҳам яхши фикрлар айтиш мумкин. Сабаби, унда ҳар биримизнинг дилимиздаги муҳим масалалар ўртага ташланмоқда.

«14 февралда намойиш этилган «Кино, кино, кино» кўрсатуви бизга жуда маъқул бўлди, — деб ёзади андижонлик пахтакор Ҳошимжон Қурбонов. — Рихсивой Муҳаммаджонов олиб борган бу кўрсатувда ёзувчилардан Фарҳод Мусажонов, Дадаҳон Нурий, Исфандиёр, Зоҳир Аълам қатнашиб, жуда жиддий мулоҳазаларни ўртага ташлашди...»

Тошкентлик томошабин М. Аҳмедов фалсафа фанлари доктори М. Нурматов олиб борган «Эстетика асослари» туркum кўрсатувларининг оригиналлигини, фикр-мулоҳазаларга бойлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, кўрсатув вақтининг ноқулайлигини айтиб, имкони бўлса, кечроқقا

кўчирилишини сўрайди. К. Солиев «Интизорлик» номли хужжатли фильмни намойиш этгандари учун телевидение ходимларига миннатдорчилик билдиради.

Фарғоналиқ Ш. Отажонов шундай ёзади: «Яқинда Тошкент вилоятидан Ўзбекистон халқ артисти Б. Ҳамдамов билан дала меҳнаткашларининг учрашви олиб берилди. Албатта, ундан ниҳоятда кўнглимиз тўлди. Лекин, бир ой муқаддам худди шу жойдан Ўзбекистон халқ артисти Ш. Жўраев билан учрашув ва концерт берилган эди. Наҳотки, бутун бир республикада бошқа бирор хўжалик топилмади? Ахир, бу санъаткорлар билан учрашишни орзу қилганларнинг сони йўқ».

Эътиroz ўринли. Шунингдек, бу учрашувларни ташкил этишда сунъийликка йўл қўйилгани, савол-жавобларнинг ясамалиги ҳам танқид қилинади. Т. Фозилов мактубида ҳам шундай мулоҳазаларни учратдик.

«Ассалому алайкум» кўрсатувини томошабинлар яхши кутиб олганларини мактублар кўрсатиб турибди. Лекин, кейинги пайтда унинг савияси бир оз пасайиб, қайтариқлар кўпаяётгани, (жумладан, «Ахборот»да айтилган гапларнинг такори), эстрада номерлари баъзан ҳаддан зиёд бўлаётгани томошабинларни ранжитмоқда. Кўпчилик мактуб эгалари эса кўрсатувнинг намойиш этилиш вақти жуда кеч эканини ёзмоқдалар. «Ахир, жуда оз муддатли қищ палласини ҳисобга олмаганда, айниқса, қишлоқ аҳли эрта тонгдан дала юмушлари билан банд бўлади-ку!» — деб ёзади бухоролик О. Воҳидов.

А. Нишонбоев, Л. Ҳикматова, Т. Раҳимова каби томошабинлар «Кувноқлар ва зукколар» кўрсатувининг савияси пасайиб бораётганидан ранжийдилар. Шу билан бирга, кўрсатув бошловчисининг олиб бориш ва сўзлаш услуби, ўзини тутиши кўпчиликка маъқул бўлмаётгани хатлардан кўринади.

Кўпчиликни ташвишга солаётган муҳим масалалардан бири кийиниш, одоб-ахлоқdir. «Ойнаи жаҳон» миллионларнинг кўзгуси, маслаҳатчisi. Муҳими, у асосий тарбия воситаларидан биридир. Ўзбекистонда ташкил этилган ансамбллардаги йигитларнинг елкагача тушган соchlari, қизларнинг ярим яланғоч баданларини кўриб уялиб кетасан

киши. Ахир, эндигина шакланаётган ўсмир улардан андоза олмайды, деб ким кафолат бера олади? Айниқса, беҳаёлик билан қийшанглаётган, пардоз-андоздан асл қиёфасини билиб бўлмайдиган қизларни экранда кўриб ҳайрон қоласан. Йигитларда ҳам, қизларда ҳам ўзбекларга хос шарқона тақалуф, кийиниш, ўзни тутишга не етсин. Намойиш этилаётган бадиий фильмларнинг ҳам, биринчи навбатда, тарбиявий аҳамиятини, маънавий жиҳатини назарда тутишимиз лозим.

А. Бозоров, А. Бойхонов, М. Обидов, К. Усмонов, Т. Ҳасанов, Й. Аҳмедов, Х. Собирова ва бошқа газетхонлар «З-студия» фаолияти хусусида мунозара юритадилар. Кўрсатувнинг кундалик турмушимиздаги ижобий ва салбий ҳолатларини таҳдил этиб, нуқсонларни тугатишдаги аҳамиятини инкор қилмаймиз. Бироқ, унда чет эл куй-қўшиклиари (аксари бачкан) ҳаддан зиёд кўл. Улар дид билан сараланиб, тақдим этилишини орзу қиласиз.

Томошабиннинг кўпчилиги «Дебют» телевизион конкурси бошлангани, лекин бу хайрли иш охирига етмай қолганидан афсусланиб ёзадилар. Улар конкурс давом этирилиб, охирида якунловчи концерт берилишини орзиқиб кутмоқдалар. Томошабинлар телевидение орқали ҳинд фильмларидан парчаларни эмас, ўша фильмларнинг ўзини кўришни истайдилар. Агар кўрсатишнинг иложи бўлмаса, бунинг сабаби уларни жуда қизиқтиради. Биз ҳам телевидение ижодкорлари ихлосмандларнинг бу истакларини инобатга олишларини тилаб қолардик.

Томошабинлар янгича урф-одатлар ва анъаналарга, пахтачилик муаммоларига, тил масалаларига бағишлиланган янги дастурлар ташкил этишни, ѝстеъдодли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ўтказилишини сўраб, мактуб йўлламоқдалар.

«Бугун оламда нима гап?» халқаро аҳвол кундалигининг сиёсий шарҳловчилар томонидан олиб борилиши эътиборга лойиқ. Худди шу мавзудаги «Дунё воқеалари» кўрсатуви ҳам диққатга сазовор. Ҳужжатли кадрлар, аниқ фактлар орқали томошабинлар дунё халқларининг тинчлик учун олиб бораётган кураши ҳақида кенг маълумотга эга бўлмоқдалар. Агар мавзу доираси бир оз кенгайтирилиб, санъат, адабиёт,

умуман, маданият оламидаги янгиликларга ҳам ўрин ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Порахўрлик, кўзбўямачилик, текинхўрликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш бугунги кунда ҳар биримизнинг юксак фуқаролик бурчимиздир. Бундай иллатларнинг олдини олиш, таг-томири билан йўқотиш ишида «Инсон ва қонун» кўрсатувининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Кейинги пайтларда «Инсон ва қонун» кўрсагуви табиийлиги ва ҳаётий материалларга бойлиги билан кўпчилик диққатини ўзига жалб этди. Қайси соҳалигидан қатъи назар, иллатлар аниқ фактлар орқали, бевосита суд ёки тергов жараёнидан репортаж ўюстириш асосида фош этилаётгани унинг қимматини оширмоқда.

Телевидениеда жисмоний тарбия ва спортнинг ёритилиши кўнгилдагидек эмас. Республикаиз шаҳар ва қишлоқларида бу соҳада муаммолар озми? Айниқса, матбуотдаги чиқишлиардан маълумки, қишлоқларда спортнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Ҳатто, баязи хўжаликларнинг раҳбарлари умуман жисмоний тарбия ва спорт билан қизиқмайдилар. Шу боисдан қишлоқдан чиқаётган чемпионлар сони камайиб бораёттир. Бироқ, телевидение бу жиддий масалага танқидий ёндашишда сусткашлик қилмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси ходимлари томонидан маҳсус рейдлар ташкил қилиниб, хўжасизлик, сансалорлик юз берәётган, ишлаб чиқариш режалари бажарилмаётган жойлардан кўрсатувлар, меҳнаткашларнинг хатлари асосида маҳсус дастурлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар мавжуд-ку!

Экрандаги титрларга ёзилаётган маълумотларда кўплаб имло хатолари кўзга ташланади. Жумладан, 12 февраль куни «Время»дан кейин реклама берилди. Унинг бошидан охиригача титрда «Ҳева гиламлари» жумласи ёзилиб турди. Бунда Хива сўзида иккита орфографик хатога йўл қўйилган.

Телевидение катта куч. Шу беқиёс имкониятдан иложи борича унумли фойдаланиб, кишиларимизнинг гоявий-маънавий камолотларига таъсир этувчи кўрсатувлар сонини кўпайтириш, борларининг сифатини янада яхшилаш зарур.

Сўнгги йилларда халқ бахшиларига эътибор кучайди. Ҳар уч йилда бир марта бахши-шоирларнинг республика конкурсларини ўтказиб туришга қарор қилинди. Матбуот, телевидение ва радиода улар ижодига кенг ўрин берила бошлианди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон телевидениеси 1984—1985 йилларда республика бахши-шоирларининг телевизион конкурсини ўтказди. Мазкур телеконкурс халқимизнинг катта эътибори ва эъзозига сазовор бўлди.

Икки оғиз сўз конкурсаннинг асосий шартлари хусусида: конкурс муносабати билан телетомошабинлардан мингдан ошиқ хат олинди. Маълумки, бахшичилик энг қийин, масъулиятли санъатлардан бири ҳисобланади.

Бадиҳагўйлик, кучли хотира, чечанлик, яхши овоз, созандаликнинг бир кишида бирданига мужассам бўлиши ҳар кимга ҳам насиб қиласвермайдиган бахт. Чунки, бахши халқ достонларини ёдда сақлаб, унинг фазилатига фазилат қўшиб, наслдан-наслга элтувчи масъулиятли шахс. Бахшилар азалдан халқ орасига кириб терма ёки достон бошлаганда илк каломини дўмбира мадҳидан бошлаган. Шу анъанага мувофиқ конкурсаннинг дастлабки шартларидан бири сифатида дўмбира мадҳи киритилди.

Ўзбек халқ достончилик мактабининг яхши анъаналаридан яна бири — улар анъанавий достонларни мукаммал куйлаш билан биргаликда, ҳар бири бадиҳагўй — ҳозиржавоб бўлишган. Улар даврга ҳамнафас ижод қилиб, халқимизнинг буюк меҳнат шижаоти, орзу-умидлари хусусида кўплаб оригинал термалар яратишган. Ҳар бир бахши репертуаридан Ўзбекистон мадҳи ёки деҳқонлар, чўл ўрнига гул ўстираётган чўлқуварлар таърифи ўрин олган. Демак, достончилик мактабининг ўлмас анъаналаридан яна бири соз чалиш, дўмбирада бир неча хил куй чала олиш маҳоратидир.

Улар анъанавий достонлар айтганда ҳам, замонавий термадостонлар куйлаганда ҳам ҳар бир ҳолатнинг ўзига хос куйини чалишган. Танлов иштирокчиларининг ана шу анъанага қандай амал қилаётганлигига ҳам алоҳида эътибор берилди. Танловнинг сўнгги шартларидан бири «От тавсифи» деб номланади. Зотан, ўзбек халқ достончилигига Гўрўли,

Алпомиш, Авазхон, Барчиной каби ўлмас образлар қандай ҳурмат ва эҳтиром билан куйланса, от образи ҳам бахшилар томонидан шунчалик меҳр билан таъриф ва тавсиф этилган. Чунки азалдан ҳалқ орасида от — йигит кишининг энг яхши дўсти, ҳамроҳи деб ҳисобланган.

Ўзбекистон телевидениесининг «Бахши-шоирлар конкурсси»дан мамнун бўлиб ёзилган хатларнинг географик доираси кенг, мазмуни бой.

«Биз кексалар сизлар бошлаган эзгу иш — «Бахши-шоирлар конкурсси»дан жуда мамнунмиз, — деб ёзишади Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан Усмон Дониёров, Чори Аннакулов, Ёқуб Мўминовлар. — Дўмбира товуши, бахшиларнинг юракни титратувчи оҳангларини эшишиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ота-боболаримизнинг бой бебаҳо маданиятини ҳалқимизга қайта тақдим этаётгандарингиз учун раҳматлар айтамиз».

«Бу мактубни кўзларимда қувонч ёшлари билан битмоқдаман, — деб ёзади сурхондарёлик Мамат Бобомуродов. — Бу қувончимнинг боиси бахшилар конкурсининг бошланганинига. Биз авлодлар такроримиз. Авлодларимиз эса минг йиллар силсиласи. Улар дўмбира оҳанглари, бахшининг қўшиқлари билан умрларини безаганлар, узун тунларини уйқусиз ўтказганлар. Мен конкурс қатнашчиларини тингларканман, ота-боболаримиздан қолган санъат ўлмаганлигига, балки янги замонавий руҳда иккинчи ҳаётни бошлаганлигига икror бўлдим».

«Кўрган-кечирғанларим мисолида ёзяпман бу гапларни, — деб ёзади Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғида яшовчи Холмирза Бокиев, — эл бошига оғир иш тушганда, уруш балоси ёпирилганда ҳамиша унга мадад бўлган, кулдирган, қувонтирган, куч-қувват багишлаган, яхши кунлар келишига ундан бахшилар эди. Очюпун бўлса ҳам — руҳан кийинтирган, қорнини тўйдирган ҳам бахшилар эди. Одамийлик, элпарварлик, ростгўйлик, дўстлик ва муҳаббат туйғуларини дилимизга солган ҳам бахшилар эди.

Айни кунларда кексалик гаштини сураётган Жума бобо Ниёзов ўша кезлари раис эди. Ҳаракатчан, уддабурон, ҳалқ дилидагини топиб иш кўрадиган раислардан эди. У баъзан

ҳафтада 1—2 марта қишлоқнинг катта-кичигини йигар, ўша пайтлар эл оғзига тушган Алиқул бахши, Фармон бахшиларга достон — термалар айттириб, дўмбира черттиради. Айниқса, «қора хат» олган хонадондагилар қўнгилларини бўшатиб олишар, анъанавий достонлардан эшишиб, замонавий термаларни тинглаб, яна янги куч-ғайрат билан ишга отланардик...

Биз кексалар халқимизнинг ана шундай ноёб санъати қайта тикланаётганидан қайта яшаргандек бўлдик».

Телевидениега келаётган мактубларнинг аксарияти Қодир, Шоберди, Ҳазратқул, Чори бахшининг овози, айтиш усули хусусида. Қодир бахшининг профессионал, йирик достонлар билан оригинал бахшилиги, кўп шогирд етиштирганлиги таъкидланган хатлардан ҳам исталганча келтириш мумкин.

Жizzах вилоятининг Охунбобоев номли хўжалигига истиқомат қилувчи Сулаймон Бузлаков қизиқ бир ҳолатни ёзади: «Қодир Раҳим ўғлининг ижодий кечаси бир гурӯҳ телетомошабинлар билан учрашув формасида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Қодир достон, термалар айтган ўша даврада бўлган томошабинларга гойибона қўшилиб, бизлар ҳам қарсак чалиб турдик». Бу ҳолат телевидениеда ҳам содир бўлган эди. Қодир бахшининг ижодий кечасига таклиф қилинган томошабинларга уқтирилди: ҳуда-бехудага ўриндан туриб кетмаслик, ҳаяжонли, таъсирчан ўринларда қарсак чалмаслик... Ҳаммасига эришилди-ю, аммо тақиқланган ўринларда ҳам қарсак чалинаверди.

Хуллас, телевидение халқимизга ҳаёт муаллими, ақлий маслаҳатчи ва содик дўст бўлиб қолди. У хонадонимизга врач ва агроном, олим ва шоир, артист ва рассом, мураббий ва муаллим бўлиб кириб келди. Шундай қилиб, телевидение туғилгандан бўён ҳаётнинг ҳамма даврида одамларга ҳамроҳ бўлиб, билимларини бойитиб, фикрлашга ўргатиб, маслаҳат ва ёрдам бериб келяпти.

1987 йил.

## БОШ ДИРЕКТОР МАСЬУЛИЯТИ

Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоев раис бўлиб келгач, тасодифан телемарказга кирадиган йўлакда у киши билан тўқнаш келиб қолдим. У, нега кўринмайсан, ҳар замонда кириб тур, деб ўтиб кетди. Чунки у киши билан бизга раис бўлиб келгунча яхши таниш эмас эдим. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, унинг ёрдамчиси қўнғироқ қилиб, сизни раис сўраяпти, тезда хузурига кирап экансиз, деб қолди. Унинг хонасида чет элларга эшиттиришлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Шерзод Фуломов, иқтисод бошқармаси бошлиғи Faffor Закруллаев ўтирган экан. Мен киргач, раис гап бошлади:

— Мен имкон даражасида ўрта бўғин раҳбарлари (бош директор, унинг ўринбосарлари, бош муҳаррирлар) фаолиятини ўрганиб чиқдим. Радиода аҳвол ёмон эмас. Лекин телевидениеда вазият даҳшатли даражада. У ердаги раҳбарларнинг аксарияти кўрсатув сифатини яхшилаш, ҳалол ва пок ишлаш ўрнига, қонунни бузиб бўлса-да, пул ишлаш бўйича ўзаро мусобақалашаётганга ўхшайди. Шунинг учун бутун Шерзод Ҳамидович бошчилигида 9 кишилик комиссия таркибини тасдиқладим. Ўролжон, сиз комиссия муовинисиз. 15 кун ичида телевидение бўйича тижорат кўрсатувлари, реклама ва эълонлар, уларга тўланаётган пулларга оид барча ҳужжатларни жиддий ўрганиб чиқинглар. Навбатдаги бошқарувга барча хуносалар тайёр бўлсин...

Шерзод Ҳамидович билан шу куниёқ ишга киришдик. Ким нима билан шуғулланишини келишиб олдик. Текшириш жараённида телевидениедаги аҳвол раис айтганидан ҳам баттар чиқди. Оқибатда навбатдаги бошқарувда бош директор бошчилигида яна бир нечта ўрта бўғин раҳбарлари вазифасидан олиниб, аксарияти ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан билан жазоланди... 1992 йил 20 май куни мен раиснинг буйруғи билан телевидение бош директори лавозимига тайинландим.

— Эндиғи вазифа жазо олган раҳбарлар ўрнига қисқа муддат ичида ҳалол, қалами ўткир журналистларни топишдан иборат, — деди раис мени янги лавозим билан табриклар экан. Шу баҳонада республикамиз газета ва журналларида

обру билан ишлаётган қалами ўткир ўнлаб журналистларни телевидениега жалб этдик.

Бош директор лавозимида ишлаётганимда раисимиз Эркин Қаҳжорович барча масалада менга қаттиқ сұянарди. Кадрлар танлашда ҳам маслағатимни эътиборга оларди. У бир гапни күп такрорларди: «Сенга ҳар томонлама ишонаман. Чунки сен ҳақиқий профессионалсан. Лекин ишончимни суистеъмол қылсанг, ҳечам аяб ўтирумайман». Шу боис «Ахборот» дастурининг эфирдан олдинги вариантини күришни ҳам менга ишониб топшириб қўйганди. «Ахборот» ва бошқа жиддий кўрсатувларнинг кўриги даврида унинг хонасига ҳам, албатта, улаб қўядим. Кўриқдан сўнг у менга, албатта, қўнғироқ қилиб, фикримни сўрарди. Аксарият масалада қараашларимиз бир хил чиқарди...

Зотан, мен телевидениедаги деярли барча ижодий ходимларнинг иқтидори, имкониятини яхши билардим. Шу боис кимни қаерга сафарга жўнатиш, унинг натижаси қандай бўлиши, муҳим топшириқларни кимга ишониб топшириш, кимнинг кўрсатувини эфирдан олдин кўриш, қайси биридан бирор қитмир гап чиқишини яхши билардим. Кунлик дастур тайёрловчи масъул ходимдан ҳар куни эрталаб тўлиқ маълумотнома олиб, шу асосда сценарий папкаларини ўқиб чиқар, уларнинг эфиролди кўригини ташкил этардим. Зоро, у пайтда мавжуд барча телеканаллар учун бош директор жавобгар эди.

\* \* \*

1992 йилнинг 9 июня. Бош директор лавозимига тайинланганимга эндиғина бир ой бўлган. Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимизнинг фармони билан душанба — дам олиш куни, деб эълон қилинганди. Эрталаб соат 6<sup>30</sup> ларда уйғониб, одатимга кўра, дарров телевидение мурватини бурадим. Россия каналида Бош муфтий барча мусулмонларни бугунги байрам билан табриклайтган экан. Дарров «Ўзбекистон» каналига бурадим. Бошқа каналлар ишляяпти-ю, бош каналда ҳеч қанақа эфир йўқ... Юрагим шиф этиб кетди. Югуриб бориб «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» дастурини қўлга олдим.

Қай күз билан күрайки, душанба кунги дастурда қора шрифтгда шундай сұзлар битилғанди. «Қарлри томошабинлар! Профилактика мұносабати билан «Ўзбекистон» телеканали Ўзининг кўрсатувлар дастурини 17.00 дан бошлайди». Аъзои баданимдан совуқ тер чиқиб кетди... Ҳукумат раҳбарларига, оддий халқقا буни қандай тушунтирасан. Ўзимни қўлга олиб, қатый қарорга келдим. Ҳеч бўлмаса соат 8.00 да дастурни бошлишимиз керак. Биринчи бўлиб, телемарказ директори, ўз касбининг моҳир устаси, камтар, самимий инсон Мирсобир Мирзоҳидовнинг уйига қўнфироқ қилиб, унга вазиятни тушунтиридим. У, сиз нимани эфирга беришни ўйланг. Техник жиҳатларни менга қўйиб беринг, деб руҳими ни кўтарди. У билан соат 7.30 да телемарказнинг кичик студиясида учрашишга келишиб олдик. Тезда режиссёр Толиб Ҳамидов ҳамда талантли диктор Дилором Умарова билан боғланиб, уларга ҳам тезда телевидениега етиб келишини илтимос қилдим. Дилоромга миллий кийимда келишини ҳам уқтиридим. Сумкамдан телевидениенинг «олтин фонди» рўйхатини олиб, хизмат машинамни ҳам қутмасдан, йўлдан такси ушлаб ишхонага учдим. Йўл-йўлакай байрам кўрсатувларини қандай бошлиш, эрталабки блокка нималарни жойлаштиришни ўйлаб, телевидениега етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Уйи яқинроқ бўлгани боис, Мирсобир ака аллақачон ишни бошлаб юборган экан. Мен у билан қучоқ очиб кўришгач, сценарий ёзиш ва бугунги дастурни тузиш учун хонамга йўл олдим. Ўша пайтда соат 7.00 дан 20 минут ўтган эди.

— Ўрол ака, ҳечам ҳаяжонланманг, ҳаммаси жойида бўлади, — деди Мирсобир ака.

Мен 15 минут ичиди кеч соат 17.00 гача бўлган кўрсатувларнинг бошланиши, дастурлар ўртасида ўқиладиган текстларни ёзиб, қўлёзма ҳолида Дилоромхонга тутқаздим.

Дастурдан «Аҳмад Яссавий», «Шашмақом» фильмлари, «Маърифатнома», «Жума оқшоми», «Олтин бешик» кўрсатувларининг энг яхши сонлари, О.Отахонов, Ф.Мамадалиев, О.Хотамов, М.Каримов ҳақидаги видеофильмлардан парчалар ҳамда бошқа материаллар ўрин олганди. Бош рассом Сайдакмал Расулов бугунги байрамга мос, чиройли, миллий колоритта бой декорация ҳам ўрнатишга улгурибди. Эрталаб

соат 8.00 да режиссёр Толиб Ҳамидов томонидан тиловат ўқилиб, эфирни бошладик. Соат 10.00 ларда раисимиз Эркин Қаҳхорович Ҳайитбоев ишга етиб келди. Орадан 10 минут ўтар-ўтмас, унинг хонасига Мирсобир ака билан кириб бориб, у кишини бугунги байрам билан табрикладик. Раис ҳеч нарсадан хабари йўқ, хурсанд ҳолда телевизордан бизнинг «эртапишар» маҳсулотларимизни кўриб ўтиради. Экранда машҳур ҳофиз Муҳаммаджон Каримов кўйламоқда эди. Мен, сабрим чидамасдан, бугунги ҳангомани унга ҳам айтиш ниятида сўз бошладим:

— Раис бува, узр, байрам муносабати билан сиздан берухсат бир иш қилиб қўйдим. Яъни, дастурга бир оз ўзгартириш киритдим, — дея унга ҳафталик телерадиодастур ва бугунги «қўлбола» вариантини узатдим. У дастлаб ҳеч нарса тушунмади шекилли, қандай ўзгариш қилдинглар, деб менга юзланди. Мен қисқача бугунги воқеани сўзлаб бердим. Буни эшигтан Эркин Қаҳхорович дастлаб ранглари оқариб бир оз довдираф қолди. У гоҳ эфирга, гоҳ дастурга қарабарди. Сўнг одатига кўра қаҳ-қаҳ уриб кулганича, кафтларини бир-бирига ишқаб ўрнидан турди.

— Ҳаммамизни худо бир сақлабди-да. Икковларингта ҳам миллион марта раҳмат, — деб бизларни кучоқлай кетди... Сўнг:

— Бундан кейин профилактика деганларингдан эҳтиёт бўлинглар. Ўзи шу нарса шартми? — деди бизларга синовчан тикилиб.

— Албатта шарт, техника ҳам одамдай гап. Унга ҳам вақти-вақти билан дам бермаса бўлмайди, — деди Мирсобир ака мийифида кулиб...

\* \* \*

Ўзбекистон телевидениеси бадиий Кенгашининг навбатдаги йиғини 1992 йил 25 июнь куни бўлиб ўтди. Кенгашда Э. Ҳайитбоев, Э. Мусаев, Ў. Ўтаев, А. Орипов, Б. Маннопов, Ў. Ҳошимов, С. Холбоев, Р. Турсунов, Н. Зоҳидова, М. Муҳамедов, Т. Ҳайит, Х. Алиев, М. Муслимов, Э. Мирсаидов, А. Расуловлар иштирок этишди. Кун тартибига: «Ойнаи жаҳон» кўрсатувлари сифатини яхшилаш масаласи

күйилган эди. Куйида биз ана шу йифиннинг мухтасар баёнини келтирамиз.

**Э. ҲАЙИТБОЕВ:** — Биз бугун кўрсатувлар сифатини яхшилаш, экран воситасида маънавий қадриятларимизни тиклаш хусусида фикр алмашсак.

**Ў. ҲОШИМОВ:** — Шахсан мен телевидениеда бу хилдаги кенгаш тузилишини қўллаб-қувватлайман. Таркиби кўпайтириш керак эмас. Кўп бўлса иш яхши бўлмайди. Биз юксак савияли кўрсатувлар ташкил этишимиз керак. Бунинг учун мустақил фикрлай оладиган журналистларга кенг имконият яратиш лозим.

Халқнинг онгини уйғотадиган, иқтисодий масалаларни кенгроқ ёритадиган кўрсатувларни кўпайтириш керак. Халқимизнинг бой тарихини унинг ўзига яхшироқ таништириш керак. Масалан, Амир Темур даврини тушунтириб бериш учун 10—15 дақиқадан туркум кўрсатувлар ташкил этилса яхши бўларди. 37—50-йиллардаги қатафон қилинган даврдаги ҳақиқатни ҳам очиқ айтишимиз лозим.

**Н. ЗОҲИДОВА:** — Биз биргалиқда телевидениенинг концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Кўрсатувларнинг умумий савияси паст. «Ахборот»ни янада таъсирили қилиш мумкин. Негадир Ўзбекистон телевидениеси дастурларида тез-тез ўзгаришлар бўлади. Биз маданиятли, маърифатли халқмиз. Кеча «Гулобод ва хон Феруз» телефильми ижодкорларига бағишлиланган кўрсатувни кўрдик. Тарихга ниҳоятда юзаки ёндашилган, бутафорлик билан қилинган фильм. Фильм ниҳоятда бўш. Яна, Ферузнинг ҳаёт йўли ёлгондан тўқилган. Хуллас, тезда тузатиш лозим бўлган муаммоларимиз етарли.

**С. ХОЛБОЕВ:** — иқтисодий қийинчиллик шароитида халқ яхшироқ кўрсатувларни кўришга муштоқ. Биз тарихни куруқ ёдлатамиз. Ҳикоя қилиб берадиган яхши тарихчи топиш керак. Туркистонимиз тарихи жуда бой. Халқимиз тарихига оид кўрсатув ва турли кўриклар ташкил этиш керак. Камида ҳар ойда 1—2 марта халқимиз тарихига оид маҳсус кўрсатувлар қилинса, яхши бўларди.

**Б. МАННОПОВ:** — Ҳозир ойнаи жаҳонда туб бурилиш қилиш лозим.

1. Меросимиз ҳақида «Хазина» туркумини очишимиз даркор.

2. Ўзбек халқининг дипломатия тарихи бор. Бунга Амир Темур ва Бобурлар асос солган.

3. Халқаро аҳвол тўғрисидаги кўрсатувлар сифатини тубдан яхшилаш керак.

Р. ТУРСУНОВ: — Адабиёт ва мусиқа азалдан эгизак. Мусиқа тарғиботи бўйича маҳсус концепция ишланмаса бўлмайди. Кўрсатувларда географияга жиддий амал қилиш лозим. Бир хил вилоятлар эътибордан четда қоляпти. «Марҳабо, талантлар» кўригини қайта тиклаш керак.

Т. ҲАЙИТ: — Кейинги пайтларда газета ва журналларда деярли ҳар ҳафтада телевидение шаънига танқидий, бир томонлама фикрлар билдирилмоқда. Тўғри, танқиддан тегишли хуласа чиқараляпмиз, бироқ пичинг, киноя, тухмат сўзларга жавоб беришимиз қийин. Хуллас, телевидениенинг номини, гурурини, шаънини асрашга хизмат қиласайлик.

А. ОРИПОВ: — Экранни ислоҳ қилишнинг иккита йўли бор. Биринчиси, кадрларни яхшилаш, иккинчиси, мавжуд ходимларнинг ички имкониятларини очиш. Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги қонуннинг чиққанига уч йил бўлди. Бироқ амалий иш йўқ. Компания ҳам мустақил бўлди. Бундай бўлгач, руҳ қайтадан уйғониши керак. Биринчи навбатда, тарихни тўғри ёритиш керак. Телевидениенинг томирида мустақиллик бўлиши керак. Ҳусайн Бойқаро, Умархон, Амир Темур, Машраб ҳақида бор ҳақиқатни айтадиган давр келди. «Ахборот», Ижтимоий-сиёсий, «Ёшлиқ» таҳририяtlари фаолиятини тубдан ўзгартириш керак.

Ў. ЎТАЕВ: — Мустақилликнинг бир йиллигига тайёр-гарлик хусусида қисқача ҳисобот бермоқчиман. Шу кунларда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари асосида 5 қисмли видеофильм тайёрлаяпмиз. Шунингдек, «Марҳабо, талантлар», «Ўзлигинг намоён қил», «Ўзанини топар дарёлар» туркум кўрсатувлари ҳам байрамга совфамиз бўлади.

Телерадиокомпаниясининг раиси Э. Ҳайитбоев йиғилишга якун ясад, шундай деди:

— Бугунги йиғилишимиз самимий, жонли ўтди. Қатор фойдали таклифлар ўртага ташланди. Юқоридаги таклиф-

ларни тезда ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Қимматли вақтларингизни аямай келганларингиз учун барчангизга ташаккур изҳор этаман.

Бундай йиғинлар кейинчалик ҳам ўтказилиб турилди ва у ерда ўртага ташланган қимматли таклифларни имкон қадар амалга оширилди.

## ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

Ойнаи жаҳонсиз байрам байрамдай ўтмаслиги, у ҳар бир хонадоннинг азиз «мехмони»га айланиб қолганлиги сир эмас. Телетомошибинларни бу йилги Наврӯз кунларида қандай мӯъжизалар кутмоқда? Ўзбекистон телевидениесининг ижодий ходимлари Наврӯзга қандай ҳозирлик кўрмоқда?

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири Б. Абдулаев шундай саволлар билан Ўзбекистон телевидениесининг Бош директори Ўрол Ўтаевга мурожаат қилди.

— Мамлакатимизда амал қилинаётган ойномага мувофиқ баҳор аллақачон бошланиб кетди. Бутоқлар бўртиб, бодомлар гуллай бошлади. Ҳавода дилларни хуррам этувчи, деҳқонларни янги ҳосил тарааддудига чорловчи уфорли насимлар эса япти. Даля-даштлар, кўкат-у гуллар «тўнини» елкасига ташлаяпти, ариқчалар бўйларидан ялпизнинг хуш иси таралиб қолди... Лекин, ҳали бу ҳақиқий баҳор эмас. Марказий Осиё мамлакатларида асл кўклам — Наврӯз байрами 21 мартдан бошланади. Шу куни Күёш ҳамал буржига киради, кеча билан кундуз баробарлашади. Бугун табиат-у борлиқда янгиланиш, яратиш фасли бошланади. Қадим-қадим замонлардан шундай. Аждодларимиз 3—4 минг йиллардан бўён бу кунни фоят катта тарааддуд, тантана ва шод-хуррамлик билан нишонлаб келади.

Бу йилги Наврӯзни кутиб олишга ҳам мамлакатимизда катта ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Наврӯз» умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди. Шунга мувофиқ байрам миллий урфодатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, ҳалқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида

дүстлик, тинчлик ва осойишталиктин янада мустаҳкамлаш мақсадида нишонланди. Кўриниб турибдики, бу мустақилликка ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаётган Ўзбекистонимиз тутаётган эзгу сиёсатта нечоғлиқ ҳамоҳанг ва ҳаммазмундир.

Мазкур қарорда Республика оммавий ахборот воситалари зиммасига байрам тайёргарлиги ва унинг ўтиш жараёнини кенг ёритиш вазифаси юкланди. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эса «Наврӯз» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда 21 март куни «Мустақиллик — инсонни эъзозлашдир» шиори остида узлуксиз телемарафон ўтказишга ҳозирлик кўраяпти.

— Наврӯз куни телетомошабинлар эътиборига ҳавола этиладиган анъанавий узлуксиз кўрсатувлар дастури аввалгилардан қандай фарқ қиласди?

— Биз ижодий жамоамиз билан худди шу масалада жиддий бош қотирдик. Кўп мулоҳаза, мунозара ва таклифлардан кейин унинг моҳият-мазмунни, усул ва услубларини ўзгартиришга аҳд қилдик. Лекин, бу аввалги телемарафонларимиз тажрибасидан умуман воз кечдик, дегани эмас.

Ўтган йилларда тўпланган бой тажриба ривожлантирилади. Камчиликлардан сабоқ чиқариб, ҳаётий талаблар, телетомошабинларнинг таклиф-истаклари асосида янгича мазмун кашф этади. Ҳозир телевидениенинг ҳамма таҳририятларида бу борада қизғин ижодий ишлар олиб борилияпти.

Маълумки, ўтган йиллардаги «Наврӯз»га бағишлиланган кўрсатувларимизда, асосан хайрия тадбирлари устуворлик қилган, меҳр-шафқат масалаларига кенг ўрин ажратилган эди. Бу йил ҳам кўрсатувларимизда инсонлар ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат, уларни қадрлаш, меҳнатларини улуғлаш асосий мақсад бўлиб, худди шу инсоний фазилатлар мустақиллик берган ажойиб имконият — неъматлар, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва аҳамияти, унинг обруй-эътиборини ошириш йўлида амалга оширилаётган табаррук ишлар, Ўрта Осиё мамлакатларининг дўстлиги, ҳамжиҳатлигини ёрқин ифодаловчи хусусиятлар нурига йўғрилган равишда ўз аксини топади.

Шуни қайд этиш керакки, бу йилги Наврӯз дастурларимизда мустақиллик шароғати, унинг дастлабки меваларига бағишиланган кўрсатувлар телемарафон асосини ташкил қиласди. Бу кутлуг йўналишда мамлакатимизнинг барча вилоятларида катта яратувчанлик тадбирлари амалга оширилаяпти. Ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда қадимий урф-одатлари қўклам майсаларидай қайтадан ўзига хос жозиба билан бош кўтаряпти. Айни чоқда барча катта-кичик байрамлар миљий удумларимиз асосида ўтаётир. Шу каби истиқдол туфайли юз очган ва очаётган Наврӯз шодиёналарини имкони борича кенгроқ ёритишни режалаштирганимиз. Шу боис республикамизнинг барча вилоятларининг энг муҳим, ажralиб турувчи қирраларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатувлар тайёрланаётир. Аслини олганда, бу режа ҳозирдан амалга ошира бошланди. «Ўзбекистон» ахборот кўрсатуви орқали ҳар куни бериладиган рангранг лавҳалар бунинг далилидир.

Наврӯз байрами тадбирлари Тошкент шаҳрининг барча асосий кўча ва майдонларида умумхалқ сайлига айланиб кетиши, шубҳасиз. Ижодий ходимларимиз ана шу шодиёналарни бевосита эфирга узатишиди. Ойнаи жаҳон дастурлари эса «Наврӯз» тарихи, урф-одатларимиз келиб чиқиши ва уларни қандай амалга оширилиши ҳамда ҳалқимизнинг қадимий ижодкорлик бойликлари билан боғлиқ кўрсатувларга бой. 24 соатлик узлуксиз кўрсатувда инсонларни эъзозлашга, мустақилликни қадрлашга, ҳалқимизни улуғлашга кенг ўрин берилади. Машҳур санъаткорлар, таниқли адаб ва олимлар, чет эллик меҳмонларнинг табрик-кутловлари ҳам дастурдан жой олган. «Наврӯз» жамғармаси билан ҳамкорликда байрам лоторея ўйинлари ўтказилиб, уни катта томошага айлантириш мўлжалланаяпти.

— Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Тошкент учрашувида ягона минтақавий телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинган эди. «Наврӯз» телемарафонида Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётига оид лавҳалар ҳам ўрин оладими?

— Шу йилнинг бошида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари раҳбарларининг Тошкент учрашуви бўлиб ўтди. Бу воқеа тарих зарварақларидан Марказий Осиё

мамлакатлари учрашуви сифатида жой олди. Унинг баёнотномасида келгусида азал-азалдан қондош ва жондош бўлган беш республиканинг ягона минтақавий ойнаи жаҳонини барпо этиш вазифаси ҳам юклатилган эди. Шунга кўра, бу телекомпаниянинг маркази Тошкентда бўлиши лозим. Яқинда мазкур йўналишдаги дастлабки амалий қадам қўйилди. Марказий Осиё телерадиокомпанияларининг раҳбарлари учрашишиб, бу вазифани рўёбга чиқаришнинг ташкилий жиҳатларини келишиб олишди, ҳозир эксперт комиссиялар иш олиб бораялти. Бу йўналишдаги илк кутлуг тадбир ҳам Наврӯз куни амалга оширилади. Шу куни Марказий Осиё мамлакатлари телевидениеси ижодкорлари телемарафонда иштирок этишиб, байрамни қандай меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашаётганининг, тантаналар қандай тарзда ўтаётганлигини ойнаи жаҳон орқали бир-бирларига намойиш этадилар.

Хуллас, Наврӯз халқимизнинг энг суюкли, энг улуг ва энг оммавий байрамидир. Унинг бутун жозибаси, хилмачиллиги, кенг мундарижаси ва қалбий теранлиги, ҳаётимизда туттан муҳим ўрни ва аҳамиятини телетомошибинларга тұла күрсата олсак, деган катта ният билан тайёргарлик қўрайапмиз.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг офтобдай ёрқин сатрлари бор:

Ҳар тунинг қадр ўлубон,  
Ҳар кунинг ұлсин Наврӯз!

Биз телевидение ижодий ҳодимларининг ҳам ниятлари шулдир. Ойнаи жаҳон мухлисларининг ҳар куни хайрли, кутлуг ва саодатли бўлсин!

## ҚАНОТЛИ СЎЗЛАРДАН МАДАД ОЛИБ...

1997 йил апрелда таниқли адаб ва ташкилотчи Абдусаид Кўчимов Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси этиб тайинланди... У ўз фаолиятини шошмасдан, кадрларни алмаштиришда ҳам бировларнинг маслаҳати билан эмас, балки ўз кузатишлари асосида, халқимизнинг етти ўлчаб бир кес, мақолига амал қилган ҳолда бошлади. У ўрта ва паст бўғиндаги раҳбарларнинг бирортасини ҳам бутунлай

ишдан бүшатиб, күчага ҳайдамади. Балки уста шахматчиларга хос ҳаракат қилиб, айримларининг ўрнини алмаштириди ёки амалини бир поғона тушириш билан чекланди. Аксариятини телевидениедан радиога ўтказди. Радиода ишләётган иқтидорли журналистларни телевидениега олиб келди. Шу тариқа сокинлик билан амалга оширилган кадрлар алмашинуви тез орада ўз самарасини бериб, яхши маънода ўзгаришлар юз бера бошлади. Энг муҳими, анча-мунча кадрлар алмашинуви юз берган бўлса-да, муҳит ўзгармади. Ҳеч ким хафа бўлиб у ёқ-бу ёққа шикоят қилмади. Мени энг масъул вазифалардан бири — вилоят телерадиокомпаниялари билан ишлаш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлади. У билан саккиз йил давомида ака-уқадек, дўстона ишладик. Бирор марта сен-менга бормадик, ҳатто бир-биримизга баланд овозда мурожаат ҳам қилмадик. У билан деярли тенгдош, дўст, касбдош (иккаламиз ҳам Ёзувчилар уюшмаси аъзоси) биринчи депутат бўлсак-да, ўргамизда маълум чегара доимо сақланиб турарди. Шу боисдан унинг ҳузурига доимо зарур иш юзасидан кириб, ишни битиргач, тезда чиқиб кетардим. Унинг олдида арзимас гаплар айтиб лақиллаб ўтирас, баъзиларга ўшшаб бошқаларга «баҳо» беришни ҳам одат қилмаган эдим.

Бошқарма бошлиғи этиб тайинланганимга ўн беш кун ўтар-ўтмас, иш юзасидан ҳузурига кирганимда менга қулиб туриб, шундай деди:

— Оқсоқол, негадир жанобни (аввал менинг ўрнимда ишлаган собиқ раҳбарни назарда тутиб) ҳеч ким ишга олишни хоҳламаяпти. На радио, на телевидение. У шунчалик «хавфли» одамми? Ҳали нафақага чиқишига икки-уч йил бор экан.

— Раис бува, сизнинг зиммангизга қарийб беш минг кишилик жамоани бошқариш юклатилган. Битта ходим учун бош қотириб ўтирасизми? Менга қўшимча штат беринг. Уни ўзим ишга оламан. Яхши бўлса ошини ейди, ёмон бўлса...

— Уни ўзингизга муовин қилиб ола қолинг. Закруллаевга айтаман (иқтисод бошқармаси бошлиғи), у штат тўғрилаб беради.

Раис бува мен билан қуюқ хайрлашаркан қўшимча қилди:

— Барibir у билан эҳтиёткор бўлиб ишланг...

Янги раис А. Кўчимов табиатан ходимларга меҳрибон, самимий, айни чоғда ғоят сезгир, хушёр раҳбар эди.

Унинг эшиги ходимлар учун ҳамиша очиқ эди. Унинг ҳузурига кирган ҳар қандай инсон, иши битса-битмаса хурсанд ҳолда чиқарди. Айниқса, бу даргоҳда ундан олдин ишлаб кетган раис, унинг ўринbosарлари, ҳатто ўрта бўғинга раҳбарлик қилган оқсоқолларнинг ҳурматини ҳам жойига қўярди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан қилинган барча маъруза ва табрикларида кўплаб қанотли, ҳалқ мақолларидан қолишмайдиган ҳикматли сўз ва иборалар айтилар, албатта, ўша сўз ва иборалар орадан бир кун ўтар-ўтмас «Ахборот», «Давр» дастурларида чиройли саҳифа сифатида пайдо бўларди. Кейинроқ бу саҳифалар, туркум кўрсатув ва радиоэшлифтиришларга айланиб кетарди. Шунингдек, унинг раҳбарлик даврида вилояглараро «Ўзлигинг намоён қил», «Истиқболим — истиқболим», «Алпомиш авлодлари» номли телерадиокўриклар ташкил этилиб, ўнлаб ижодий ва техник ходимлар «Энг яхши бошловчи», «Энг яхши тасвирчи», «Энг яхши режиссёр» каби номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси раҳбаријати Маҳаллий телекўрсатувларнинг ғоявий-бадиий савиясини ошириш, вилоятларда юрт фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш мақсадида биринчи бор вилоятлараро «Ўзлигинг намоён қил» телетанловини ўтказди.

Биз телетанлов ҳайъати раисининг ўринbosари, Маҳаллий телерадиоэшлифтиришлар бошқармаси бошлиғи Ўрол Ўтаевдан танловнинг асосий мақсадлари, ғолиб жамоа ва теленижодкорларнинг фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Танлов 1997 йил ноябрдан 1998 йил июнигача давом этди. Бир сўз билан айтганда, вилоят тележурналистларининг касб маҳоратларини ошириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танлов ўзини тўла оқлади. Вилоят теленижодкорлари ҳам кўп соҳаларда республика телевидениеси ижодий ходимлари билан bemalol ижодий баҳслаша олишларини намоён этишди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят 45 дақиқалик дастури билан иштирок этди. Ҳайъат аъзоларининг эътироф этишича, Сурхондарё вилояти телевидениеси ижодкорлари тайёрлаган кўрсатувдаги «Пайғамбар ороли», «Бўйра тўқувчилар» ҳақидаги лавҳалар томошабинлар учун янгилик бўлди. Олий Мажлис депутати Курбон Амиркулов ҳақидаги очеркда ҳам юракка жиз этиб тегадиган ўринлар бор. Қашқадарё вилояти тележодкорлари тайёрлаган кўрсатувда ҳам ижодий изланиш, масалага янгича ёндашув сезилади. Тоҳир ва Зухронинг афсонавий севгисига бағищланган «Ишққа қўйилган ҳайкал» ҳамда Китоб Кенглиқ станцияси ҳақида лавҳалар томошабинлар томонидан қизиқиш билан қабул қилинди.

Намангандиклар тақдим этган кўрсатувдаги «Мозийга бир назар», «Чодоклик чўпон» лавҳалари, қорақалпоғистондиклар тайёрлаган қўбизчилар, хоразмликларнинг «Бир сиқим тупроқ» номли очерклари ҳам анча кўримли чиққан.

Вилоят телевидениеларининг техник аҳволи барчамизга яхши маълум. У ерда профессионал тасвирчи ва режиссерлар жуда кам. Шунга қарамай, намангандиклар ижодкорлар тайёрлаган кўрсатувларда тасвирчилар меҳнати яққол кўзга ташланади. Тасвирчи Абдусалом Шарипов ва Машраб Қосимов ҳар бир саҳифани суратга олишда мавзуга янгича ёндашган.

Бошловчи журналистлар орасида навоийлик ижодкор Фуломжон Султонов экранда фикрлай олиш лаёқатини кўрсата олди. Кўрсатувлар давомида вилоятларда яшаб ижод қилаётган хонандалар ижросида мустақил юргимизни мадҳ этувчи ўнлаб янги қўшиқлар тингладик. Булар орасида сирдарёлик журналистлар тайёрлаган кўрсатувда Асадулла Холиқов ижро этган «Юртим жамоли» қўшиғи ўзига хос ижро услуби билан ажralиб туради. Тўғриси, вилоят тележурналистлари учун «Ўзлигинг намоён қил» танловидан ўтиш катта маҳорат мактаби бўлди.

Айниқса, республика телевидениесининг биринчи дастурида чиқиши тележурналистлардан чукур масъулият ва маҳорат талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, танловга тақдим этилган кўрсатувларни кўриш жараёнида вилоятларимизнинг

ұтмиші, мустақиллік шарофати ила сүнгги етти йилда амалға оширилаётган буюк ұзгаришлари хусусида маълум тасаввурға эга бўлиш билан бирга, теленжодкорларнинг ҳар жиҳатдан давр билан ҳамнафас ижод қилаётганидан воқиф бўлдик.

«Садо» газетаси, 1998 йил 25 июнь

\* \* \*

«Садо»нинг муҳбири Кувондиқ Сиддиқов «Алпомиш авлодлари» телетанлови ҳайъати раиси муовини, департамент директори Ўрол Ўтаевга бир нечта савол билан мурожаат қилди:

— Дарҳақиқат, бу йил бешинчи бор телетанлов ұтказяпмиз. Аввали танловларнинг номланишига эътибор беринг: «Ўзлигинг намоён қил», «Истиқолим — Истиқболим», «Озод элим — Ойдин йўлим», «Истиқлолдан зиё топган юрг». Ушбу телетанловларда бевосита Мустақилликнинг вилоятларимиз берган неъматлари ҳақида ҳикоя қилилганимиз. Аввали кўрикларда нафақат жамоага, балки «Энг яхши тележурналист», «Энг яхши режиссёр», «Энг яхши диктор»лар учун ҳам алоҳида мукофотлар ажратганимиз.

Бу йилги телетанлов аввалгиларидан бир оз фарқ қиласи. Биринчидан, «Алпомиш авлодлари» деб номланишида рамзий маъно бор. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимиз болалар спортига жиддий эътибор берилмоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди. Жамғарма тузилди. Болалар спортини ривожлантиришга оид Қарордан сўнг чинакам Алпомиш авлодлари шаклланиши учун вилоятларда қандай эзгу ишлар қилингани? Спорт иншоотлари курилиши қай аҳволда? У ерда яратилган шарт-шароитлар, мураббийлар савияси, спорт дарсликлари билан таъминлаш аҳволи қандай?

Хозир мамлакатимизда 6 миллион 720 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшлар мавжуд. Бу ёшларнинг атиги 28 фоизга яқини спорт билан доимий машгул. Қолган 72 фоиз ёшлар нима билан банд? Юргимизда 7 минг 694 та қишлоқ, бор.

Уларнинг фақат 30 фойизида спорт заллари мавжуд. Шулардан келиб чиққан ҳолда вилоятлараро «Алпомиш авлодлари» телетанловини ташкил этдик.

— Телетанловнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Мустақиллик йилларида вилоятларда болалар спортини ривожлантириш соҳасида юз берган туб ўзгаришлар ва айрим муаммоларни чукур таҳлил этиш;

— Ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рӯёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини сингдириш, спорт тарғиботи билан шуғулланувчи ҳудудий тележурналистларнинг ижодий ва касб маҳоратларини ошириш;

— Энг олис қишлоқларда болалар спортининг аҳволи, ҳар бир вилоятнинг иқлими, анъаналарига хос ва мос бўлган миллий ўйинларни тарғиб этиш;

— Спортчи оиласлар, ибратли мактаблар, қишлоқ ва маҳаллалар фаолиятини тарғиб этиш, ёш спортчилари-мизнинг мамлакатимиз ва халқаро майдонлардаги эришган ютуқларини ёритиш;

— Қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спорт тўгаракларига жалб этиш, айниқса, ўсмир қизларимизни спортнинг кураш, бокс, таэквандо, каратэ турларидан кўра, ўзимизнинг миллий қадриятларимизга мос келадиган тўгаракларга жалб этиш. Шунингдек, кўпгина қишлоқ ёшлари сувда сузишни билишмайди. Демак, сув спорти, от спорти, мерганлик, қиличбозлик, дорбозлик каби бобомерос азалий ўйинларга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозимлигига асосий эътиборни қаратдик.

— Мана, «Алпомиш авлодлари» телетанлови ҳам ўз ниҳоясига етди. Энди бемалол голиблар ҳақида сўз юритсангиз бўлади.

— Халқимизнинг азалий удуми бор: Тўйга тўёна билан борилади. «Алпомиш авлодлари» телетанловининг муваффақият билан яқунланганлиги Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига муносиб тухфа бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят телеижодкорлари 20 дақиқалик маҳсус қўрсатувлари билан иштирок этдилар. Қўрсатувда тележурналистиканинг барча жанрларидан фойдаланган ҳолда Мустақилликнинг 13 йили ичидаги болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги кўлга киритилган ютуқлар, мамлакатимиз шуҳратини оламга танитишга муносиб ҳисса қўшайтган ёш спортчилар фаолияти тўлақонли акс эттирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ТРК ларнинг ижодий жамоалари бир-биридан мазмунли ва гўзал қўрсатувлар тайёрладилар. Бизни курсанд қиласиган жиҳати шундаки, барча вилоятлар «Алпомиш авлодлари»га пухта тайёргарлик кўришган. Муҳими, эфирда узилиш бўлмади. Танловга тақдим этилган кўрсатувлар аввал «Ўзбекистон» каналида, сўнгра «Спорт» каналида эфирга узатилди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир вилоятнинг чиқиши ўзига хос бўлди.

Айниқса, Сурхондарё ва Намангандан вилоят телеижодкорлари танлов низоми талабларидан келиб чиқиб, қўрсатувда болалар спортини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни, ёш спортчиларнинг натижаларини таҳлил эта олган. Шунингдек, улар миллий халқ ўйинларига ҳам атрофлича тўхталган. Бундан ташқари, соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида таклифлари, холис танқидий чиқишлиарини ҳам тўла намоён этган.

Телетанловда Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Жizzах ва Фарғона вилояти телеижодкорлари ҳам фаол қатнашди. Телетанлов Низомининг ҳар бир банди талабидан келиб чиққан ҳолда совриндорлар аниқланди.

*«Садо» газетаси, 2004 йил 20 август*

\* \* \*

Шу ўринда камтар, тўғрисўз, диёнатли бир инсон ҳақида икки оғиз дил сўзларимни баён этмоқчиман. Бу инсон Шерзод Фуломовдир. Мен 1973 йили телевидениега

ишга келганимда Шерзод Фуломов дастурлар дирекциясида бош муҳаррир бўлиб ишларди. Менинг ilk таассуротим: у ички ва ташқи маданиятга ниҳоятда қаттиқ амал қила-диган, ҳамиша байрамдагидек тоза ва орастга кийиниб юрадиган, камсукум инсон эди. У ёш бўлишига қарамасдан, катта ташкилотга бош эди. Уни бирон марта баланд овозда галиргани ёки бирор билан қизишиб, баҳс-мунозара қилаётганини кўрмаганман. У телевидениеда узоқ ишламади. Республика радиоси қошида чет эллар учун радиодастурлар тайёрлаш бош бошқармаси тузилгач, у ерга ишга чақирилди. Дастлаб бош муҳаррир, бош директор, сўнгги 20 йил ичидаги бошқарма бошлиги лавозимида ишлади. Ана шу йилларда унинг иш фаолияти доимо намунавий деб баҳоланаарди. Чунки у бирор марта ҳам топшириқни чала бажармас, белгиланган муддатидан албатта 3—4 кун аввал ижро этарди. У ҳар бир бошқарув йигилишида актив иштирок этар, албатта бирорта, ҳеч ким хаёлига келмаган, ташаббус ёки янги фикрни ўртага ташларди. У ташаббускор раҳбар бўлиш билан бирга ажойиб, самимий, дилкаш даврабоши ҳам эди. Шу боис телерадиокомпаниядаги бирор-бир тадбир усиз ўтмас, табиатан камтар, кам сўзли бўлса-да, ўзаро давраларни нозик дид ва фаросат билан бошқаарди. У ҳеч қачон даврадаги энг обрўли раҳбарни ёлгон-яшиқ сўзлар билан мақтамас, ҳамманинг хизматларини қисқа-лўнда сўзлар билан ифода этарди. У билан кўп марта вилоятлар бўйлаб сафарларда бирга бўлдим. Шерзод Фуломов қандай шароитда бўлмасин, албатта эрталаб тонг саҳарда туриб, кўча айланышни канда қиласди. Кечқурун ҳам яrim-бир соат албатта сайр қилиш унинг одатига айланганди. Шахсан мен у кишидан одамлар билан муомалада кучли дипломатияни ўрганганман. Унинг дўстларга, ўз ходимларига бўлган муносабати ҳам таҳсинга сазовор. У ҳаётда жиддийликни ҳам, ҳазилни ҳам, самимиятни ҳам ўз ўрнида, меъерида ишлата билади. Шерзод Фуломов янги ишда — Ўзбекистон журналистлари уюшмасининг раиси лавозимида ҳам ташкилотчилик талантини тўла намоён қилмоқда.

## **ТАДҚИҚОТ, ТАХЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР...**

Ўзтелерадиокомпаниянинг «Мониторинг, таҳлил, ўқув ва маҳаллий телерадиолар билан ишлаш» департаменти директори лавозимида ишлаб юрган пайтимда (2002—2006-йиллар) телерадиокомпаниядаги барча тизимлар бўйича юздан зиёд Мониторинг таҳлили ва тадқиқот ўтказган эдик.

Куйида улардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«Ўзбекистон» телеканали фаолиятига оид социологик тадқиқот ўтказиш чоғида сўровнома варақалари 504 нафар фуқарога тарқатилди. Сўровнома саволлари ранг-баранг бўлиб, олинган жавоблар ҳам қизиқарлидир. Анкета саволларига жавоб берганлар 15 ёшдан 60 ёшгача эди.

Респондентларнинг 51 фоизи аёллар, 49 фоизи эркаклар бўлиб, жами иштирокчиларнинг 46% олий, 14% тўлиқсиз олий, 19% ўрта маҳсус ва 21% ўрта маълумоти бўлган касб эгаларидир.

**1. Сиз «Ўзбекистон» телеканалини мунтазам кўриб борасизми?**

«Ҳа» — 48%

«Баъзида» — 32%

«Йўқ» — 12%

**2. «Ўзбекистон» телеканалини қандай мақсадда томоша қиласиз?**

«Дунё ва мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар ҳамда ислоҳотларнинг боришидан воқиф бўлиш учун» — 40%

«Бадиий фильм, видеофильм ва сериалларни кўриш учун» — 26%

«Қизиқарли кўрсатувларни томоша қилиш учун» — 25%

«Мусиқа ва ащулаларни эшишиб, дам олиш учун» — 25%

«Маданият ва спорт янгиликларидан хабардор бўлиш учун» — 22%

«Вақтни ёки об-ҳавони билиш учун» — 21%

**3. «Ассалом, Ўзбекистон!» студиясининг тонгги дастури кўрсатувларидан мамиунмисиз?**

«Ҳа» — 62%

«Йўқ» — 18%

«Жавоб беришга қийналаман» — 10%

4. «Ўзбекистон» телеканалида берилаётган сиёсий ва иқтисодий кўрсатувлар савияси Сизни қониқтирадими?

«Қониқтиради» — 50%

«Қониқтирмайди» — 45%

«Жавоб беришга қийналаман» — 5%

5. «Маънавият» студияси томонидан тайёрланаётган кўрсатувларнинг қайси бирини севиб томоша қиласиз?

«Яхшилик» — 44%

«Гап чиқди» — 35%

«Телеминиатюралар театри» — 19%

«Камалак» — 19%

«Антиқа-шоу» — 18%

«Кўрсатувдан-кўрсатувгача» — 18%

«Кинотеатр» — 17%

«Олтин бешик» — 10%

«Тилга эътибор» — 8%

«Масъул сўз» — 7%

«Остонаси тиллодан» — 6%

«Саргузаштлар ороли» — 6%

«Сен ёлғиз эмассан» — 3%

«Бу турфа олам» — 3%

«Қалб гавҳари» — 3%

«Рангин дунё» — 2%

«Ҳиммат» — 2%

6. «Ўзбекистон» каналида берилаётган телесериал ва видеофильмлар савиясидан қониқиши ҳосил қиляпсизми?

«Қониқтиради» — 52%

«Қониқтирмайди» — 11%

«Ҳар доим эмас» — 37%

7. «Мусиқа» дирекцияси томонидан тайёрланаётган мусиқий дастур ва кўрсатувлар Сизга маъқул бўляптими?

«Маъқул» — 64%

«Маъқул эмас» — 33%

«Жавоб беришга қийналаман» — 3%

8. «Болалар» студияси томонидан тайёрланаётган кўрсатувларнинг қайси бирини болалар учун ҳар томонлама ибратли деб ҳисоблайсиз?

«Кизлар давраси» — 44%

- «Оқшом эртаклари» — 42%
- «Интеллектуал ринг» — 24%
- «Олтин тож» — 23%
- «Ўйла, изла, топ!» — 22%
- «Дастурхон атрофида» — 14%

**9. «Дўстлик» студияси томонидан турли миллат вакиллари учун тайёрлаб келинаётган қайси кўрсатувларни мунтазам томоша қиласиз?**

- «Ўзбекистон — умумий уйимиз» — 23%
- «Ягона оиласда» — 22%
- «Рангинкамон» — 22%
- «Қорақалпоқнома» — 11%
- «Умид» — 9%
- «Дидар» — 8%
- «Айчурек» — 8%
- «Мэўрит» — 8%
- «Бизнен мирас» — 4%
- «Сахий хонадонда» — 4%
- «Гардишлик дунъясында» — 4%
- «Чинсэн» — 2%

**Аввалги ойларда «Сиёsat» ва «Иқтисод» студияларининг кўрсатувларини таҳлил қилган эдик. Сўровнома якунида телетомошабинлар билдирган фикр-мулоҳазалардан намуналар келтирамиз:**

Дам олиш ва шоу дастурларни кўпайтириш зарур.

Кўрсатувлар эълон қилинган соатда берилса.

Журналист ҳамкасларимиз ўз маҳоратларини ошириш йулида кўпроқ ишлашса.

Ёш ижодкорлар сафини кўпайтириш лозим.

Телетомошабинни зериктириб қўядиган даражада кўп гапиришдан, томошабин олдида масъулиятни ҳис қилмасликдан ўзларини асрасинлар.

Ахлоқий, ватанпарварлик мавзулари янгича талқинда ёритилсин.

Тиббиётга оид кўрсатувлар кўпроқ тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шеърий лаҳзалар кўпроқ берилсин. Томошабинлар фикри билан ҳар доим ҳисоблашиш зарур.

Таълим-тарбия, одоб-ахлоқни тарғиб этувчи ўзбекона

анъаналарни унутмаган ҳолда қўрсатувлар, сериаллар тайёрланса.

Миллий сериаллар тез-тез қўйилса.

Бир хиллик, нотабиийликдан қочиш керак.

Ҳақиқий ҳаётни акс эттирувчи қўрсатувлар керак.

«Ўзбекистон» телеканалида янги миллий сериалларни мунтазам қўрсатишингизни сўрайман.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» қўрсатувининг янги сонлари кўпроқ берилса.

Ўсмир ва болалар учун оддий, содда, тушунарли, аълочи болаларни намуна қилувчи қўрсатувлар тайёрланса.

Замонавий хужжатли, бадиий фильмлар яратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Малака ошириш, таҳлил ва нодавлат телерадио-компаниялар билан ишлаш департаменти томонидан «Ахборот» ва «Таҳлилнома» қўрсатувлари бошловчилари, вилоят мухбирлари фаолияти ҳақида республика фуқароларининг фикрини билиш мақсадида сўровнома ўtkazildi. Ушбу сўровномада Тошкент шаҳар аҳолиси, республикамиз марказий газеталари журналистлари, Тошкент Давлат Педагогика университети қошидаги ўқитувчилар малакасини ошириш курси тингловчилари иштирок этди. Сўровномада иштирок этган 300 респондентларнинг 57% аёллар, 43% эркаклар, 85% олий, 12% ўрта маҳсус ва 3% ўрта маълумотли бўлган турли касб эгалариридир.

**«Ахборот» ва «Таҳлилнома» дастурини мунтазам кўриб борасизми?**

Ҳа — 63%

Йўқ — 3%

Баъзида — 34%

**«Ахборот» дастури орқали берилаётган хабар ва янгиликлардан мамнунмисиз?**

Ҳа — 68%

Йўқ — 12%

Жавоб беришга қийналаман — 20%

**«Ахборот» ва «Таҳлилнома» дастурини олиб борувчи бошловчиларнинг фаолиятидан мамнунмисиз? («Аъло»га 5 балл, «Яхши»га 4 балл, «Ўрта»га 3 балл қўйилади.)**

## **Комилжон ШАМСИТДИНОВ**

Аъло — 60

Яхши — 32

Ўрта — 12

Жами: — 94 балл

а) изланаётган, жасоратли ёшлардан;

б) чет эл журналистларига хос ижобий хислатлари бор;

в) гаплари маъноли, ҳар бир воқеа ҳақида теран фикрлай олади.

## **Наврӯз РИЗАЕВ**

Аъло — 60

Яхши — 24

Ўрта — 6

Жами: — 90 балл

а) фаолиятини ижобий баҳолайман;

б) экранда эркин фикрлай олади.

## **Абдурауф ҚОРЖОВОВ**

Аъло — 50

Яхши — 28

Ўрта — 3

Жами: — 81 балл

а) Профессионал журналист.

б) Аниқ ва тушунарли тилда олиб боради.

в) Мавзуни яхши танлайди, бироқ шеваси бир оз сезилади.

## **Людмила МЕРВИНСКАЯ**

Аъло — 40

Яхши — 28

Ўрта — 12

Жами: — 80 балл

а) Ўз соҳаси бўйича етук мутахассис, профессионал журналист эканлиги яққол сезилади. Суҳбатдошига аниқ, уни ўйлантирадиган савол бера олади.

## **Ҳайдар ҲАСАНОВ**

Аъло — 25

Яхши — 28

Ўрта — 15

Жами: — 68 балл

а) Фикри теран, мулоҳазакор журналист. Фактлардан

чукур умумлашмалар чиқара олади.

**Навбаҳор МАМАЖОНОВА**

Аъло — 30

Яхши — 20

Ўрта — 15

Жами: — 65 балл

а) Нутқи равон

б) Адабий тилда гапиради.

**Рузанна САГОМОНЯН**

Аъло — 30

Яхши — 24

Ўрта — 3

Жами: — 57 балл,

**Раиса МИРЗАЕВА**

Аъло — 25

Яхши — 12

Ўрта — 5

Жами: — 43 балл

а) Табиий, содда, самимий гапиради.

**Озод ҲАМИДХЎЖАЕВ**

Аъло — 30

Яхши — 8

Ўрта — 3

Жами: — 41 балл

а) Фаолияти иқтисодий мавзуларга анча мос келади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш курси тингловчилири ҳамда марказий газета журналистлари вилоят муҳбирлари ҳақида қўйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирган. («Аъло»га 5 балл, «Яхши»га 4 балл. «Ўрта»га 3 балл қўйилди.

**Илҳом ЭШМАТОВ**

Аъло — 20

Яхши — 16

Ўрта — 9

Жами: — 45 балл

а) Икки тилда баробар олиб боради.

б) Кичик лавҳа тайёrlашга уста.

**Амрулло БЕШИМОВ**

Аъло — 25

Яхши — 12

Үртә — 6

Жами: 43 балл

А) Сюжетларида лирик чекиниш, образли фикрлашга интилади, таҳлили ҳам ёмон эмас. Лекин шеваси билиниб туради.

**Зафар ДАРХОНОВ**

Айло — 15

Яхши — 16

Үртә — 9

Жами: — 40 балл

**Жұракүл ТУРСУНОВ**

Айло — 10

Яхши — 16

Үртә — 12

Жами: — 38 балл

А) Изланувчан журналист. Бироқ мақташни ёқтиради.

**Чоршанби РҰЗИБОЕВ**

Айло — 10

Яхши — 16

Үртә — 9

Жами: — 35 балл

**Владимир ПОЛЕТАЕВ**

Айло — 10

Яхши — 16

Үртә — 6

Жами: — 32 балл

**Шұхрат МАТКАРИМОВ**

Айло — 5

Яхши — 12

Үртә — 9

Жами: — 26 балл

**Темур ЭШБОЕВ**

Айло — 5

Яхши — 12

Үртә — 6

Жами: — 23 балл

**Тожиддин ҚАМАРОВ**

Айло — 5

Яхши — 12

**Ўрта — 6**

**Жами: — 23 балл**

**Исмоил ШОМУРОДОВ**

**Аъло — 15**

**Яхши — 28**

**Ўрта — 39**

**Жами: — 22 балл**

**Олим ДУШАЕВ**

**Аъло — 5**

**Яхши — 12**

**Ўрта — 3**

**Жами: — 20 балл**

**Дилором АБДУЛЛАЕВА**

**Аъло —**

**Яхши — 8**

**Ўрта — 9**

**Жами: — 17 балл**

**а) Шевада гапиради. Фаолиятида таҳлилий сюжетлар йўқ  
хисоби.**

**Абди ҚОДИРОВ**

**Аъло —**

**Яхши — 8**

**Ўрта — 9**

**Жами: — 17 балл**

**а) Анча пассив. Сюжетлари бир-биридан фарқланмайди.**

**Қалибек НИГМАТОВ**

**Аъло —**

**Яхши — 8**

**Ўрта — 6**

**Жами: — 14 балл**

**а) Тележурналист сифатида ўзига хослиги сезилмайди.**

**Абдураҳмон ИСҲОҚОВ**

**Аъло —**

**Яхши — 8**

**Ўрта — 6**

**Жами: — 14 балл**

**а) Нутқи устида ишлаши керак, шеваси сезилади.**

**Танқидий, таҳлилий сюжетлар деярли бермайди.**

**«Ахборот» ҳамда вилоят муҳбирларининг фаолиятини**

янада яхшилаш хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалардан намуналар:

Вилоят мухбирларининг аксарияти сўзга эътибор бермайди. Улар хабар, янгиликни нимадан бошлаб, қандай тугатишни унчалик яхши билмайди.

Бизнингча, кўз завқ оладиган табиат манзаралари, тарихий обидалар ҳақида ҳам қизиқарли сюжетлар керак.

Аксарият вилоят мухбирлари ўз фаолиятини фақат экин экиш, уни парвариш қилиш ҳақида хабар беришдан иборат деб ўйлади.

Аксарият мухбирларда изланувчанлик, янгиликка интилиш, фикрини теран ифода этиш маҳорати етишмайди.

**Мухбирларниг аксарияти шева, талаффузга эътибор бермаслиги томошабиннинг ғашига тегади.**

«Ахборот»да ички ва ташқи ҳаётни акс эттирувчи тезкор хабарлар етишмайди.

### **Мониторинг якунлари**

**«Сиёsat», «Иқтисод» ва «Ўзбектелефильм» студиялари бўйича ўтказилган сўровнома натижалари:**

Томошабинлар бизга хатлар йўллашиб, қўнгироқ қилишиб, алоҳида муҳарририятлар фаолиятига ҳам эътибор қаратишимизни сўраганлар. Ана шу таклифларни инобатга олган ҳолда «Сиёsat», «Иқтисод» ҳамда «Ўзбектелефильм» студиялари фаолиятини ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилди. Мухлис сифатида сизнинг фикрингиз TV ижодкорлари учун қадрли деб ўйлаймиз, умуман, мақсадимиз телевидениедаги кўрсатувлар сифатини яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон ТВнинг «Сиёsat» студияси фаолияти бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари:

**Студия фаолиятидан мамнунмисиз?**

«Ҳа» — 43 фоиз.

«Йўқ» — 27 фоиз.

**Қайси кўрсатувларни мунтазам кўриб борасиз?**

«Юзма-юз» — 18 фоиз.

«Муносабат» — 7 фоиз.

«Парламент соати», «Чорраҳа» — 0,4 фоиз.

**Кўрсатувлар долзарбликини қандай баҳолайсиз?**

«Яхши» — 46 фоиз.

«Қониқарли» — 37 фоиз.

«Қониқарсиз» — 8 фоиз фикр билдиришган.

**Студияда тайёрланаётган сиёсий шарҳ, баҳс-мунозаралар сизга маъкулми?**

«Ҳа» — 33 фоиз.

«Йўқ» — 27 фоиз.

**Бошловчилардан кимларнинг фаолиятини юқори баҳолайсиз?»**

Қ. Каримбеков — 24 фоиз.

Қ. Аъзам — 22 фоиз.

Н. Шониёзов — 2 фоиз.

**Сайлов жараёни, сиёсий партиялар фаолияти, Олий Мажлис сессияларининг ёритилишидан қониқасизми?**

«Ҳа» — 69 фоиз.

«Йўқ» — 31 фоиз.

Тадқиқот мобайнинда сўралганлар турли касб эгалари, сиёсий партия раҳбарлари, сиёсатшунос олимлар, талаба, ишчи-хизматчи, пенсионер, уй бекалари, тадбиркорлар бўлиб, уларнинг ёшлари ҳам турлича.

Ўзбекистон ТВ нинг «Иқтисод» студияси фаолияти бўйича утказилган тадқиқот натижалари:

**Студиянинг қайси кўрсатувларини мунтазам кўриб борасиз?**

«Биржа ва банк» — 14 фоиз.

«Телемулоқот» — 10 фоиз.

«Истеъмолчи» — 4 фоиз.

«Фарз ва қарз» — 2 фоиз.

**Мавзуларнинг долзарбликини қандай баҳолайсиз?**

«Яхши» — 43 фоиз.

«Қониқарли» — 27 фоиз.

«Қониқарсиз» — 9 фоиз.

**Иқтисодий шарҳлар сизга маъкулми?**

«Ҳа» — 55 фоиз. «Жавоб беришга қийналаман» — 27 фоиз.

**Бошловчилардан қай бирининг шарҳи сизга маъкул?**

З. Мўминов — 8 фоиз.

М. Камолова — 6 фоиз.

Қ. Абдухолиқов — 1 фоиз.

Ш.Мелихолов — 0,5 фоиз.

**Иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг ҳаётимииздаги ўрни мавзуси ёритилишидан мамнунмисиз?**

«Ҳа» — 42 фоиз.

«Жавоб беришга қийналаман» — 34 фоиз.

**«Иқтисод» студияси кўрсатувларига Республика миз пойтахти ва бошқа ҳудудлардан ҳамюртларимиз фикр билдирганлар:**

Қашқадарё вилояти — 22 фоиз,

Сирдарё вилояти — 16 фоиз,

Тошкент шаҳри — 12 фоиз,

Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятлари — 9 фоиз.

Тадқиқот иштирокчилари томонидан бу икки студия кўрсатувлари бўйича билдирилган эътиrozлар:

Дадиллик, чукур таҳлил, соҳага ихтисослашув етишмайди.

Кўпинча иқтисодий ислоҳотлар ҳамда сиёсий мавзуни ёритишида камчиликларнинг туб сабаблари очиб берилмайди. Ютуқлар шарҳланади-ю, аммо унинг халқ турмушини яхшилашдаги таъсири ҳақида фикр юритилмайди:

ТВ да иқтисодчи ва сиёсатшунос журналистлар камлиги яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам журналистлар соҳани етарли ёрита олмаяптилар. Уларда таҳлил етицмайди.

**Таклифлар:**

Ҳаётда бўлаётган воқеалар реал ёритилса;

Танқидий кўрсатувлар кўпроқ берилса.

**Эди «Ўзбектелефильм» студияси ҳақидаги сўровнома натижалари тўғрисида тўхталамиз.**

Сўровнома географияси республикамиз вилоятларини деярли тўла қамраб олди. Унда 10 та вилоятдан турли ёш ва касбдаги томошибинлар иштирок этган. «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари томонидан суратга олинган қандай жанрдаги фильмларни ёқтирасиз? — деган саволга муҳлислар биринчи навбатда бадиий, кейин илмий-оммабоп, учинчи ўринда ҳужжатли ҳамда болалар учун фильмларни, дея жавоб беришган.

**Бадиий фильмлардан қайсиларини севиб томоша қиласиз?**

«Чархпалак» — 61 фоиз.

«Тоғлик куёв» — 44 фоиз.

«Музaffer» — 5 фоиз.

«Ёмғирли осмон» — 3 фоиз.  
Хужжатли фильмлар —  
«Алпомиш» — 30 фоиз.  
«Улутбек юлдози» — 28 фоиз.  
«Биби Увайдо» — 8 фоиз.

«Рустам Раҳимов интилган нур» — 2 фоиз.

**Болалар учун тайёрланган фильмлар:**

«Баланд тоғлар остида» — 40 фоиз.

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» — 29 фоиз.  
«Эркатой» — 11 фоиз.

**«Келгусида қайси мавзудаги фильмларни кўришни хоҳлар эдингиз?»** — деган саволга муҳлислар машҳур кишилар ҳақидаги, тарихий, оиласиёт, комедия жанридаги ва бошқа мавзуларни тилга олганлар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Ўзбектелефильм» студиясининг барча фильмларини яхши чиққан деб бўлмайди, улар ичida ўргамиёна фильмлар ҳам анчагина. Келажакда улар бадиий савияси пишиқ ва пухта фильмларни кўпроқ яратишади, деган умиддамиз.

\* \* \*

Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканали фаолиятига оид Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида сўровнома ўтказилди. Сўровномада республика ва шаҳар ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, касб-хунар коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди. Сўровнома 540 кишига тарқатилиши. Иштирокчиларнинг 56% аёллар, 44% эркаклар, шулардан 47% тўлиқсиз олий, 18% олий, 17% ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган турли ёш ва касб эгаларидир.

### **Сўровнома натижалари:**

**1. «Ёшлар» телеканалини мунтазам кўриб борасизми?**

Ҳа — 78%

Йўқ —

Баъзида — 22%

**2. «Ёшлар» телеканалини нима учун томоша қиласиз?**

Дунё ва мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар, ислоҳотларнинг боришидан воқиф бўлиш учун — 55%

Видеофильм ва сериалларни томоша қилиш учун — 30%  
Кизиқарли күрсатувларни томоша қилиш учун — 24%  
Мусиқа ва ашулаларни томоша қилиш учун — 16%  
Вактни ёки об-хавони билиш учун — 4%

**3. «Давр» информацион дастурида берилаётган жаҳон ва маҳаллий янгиликларни ишончли ва тезкор деб ўйлайсизми?**

Ҳа — 63%

Йўқ — 20%

Жавоб беришга қийналаман — 17%

**4. «Мунаввар тонг» ахборот-музиқий дастури Сизга манзурми?**

Ҳа — 56%

Йўқ — 22%

Жавоб беришга қийналаман — 22%

**5. «Ёшлар» телеканалида қайси мавзулар талаб даражасида ёритилалапти деб ўйлайсиз?**

Ёшларга оид — 41%

Ижтимоий-сиёсий мавзулар — 39%

Спортга оид — 24%

Иқтисодга ва аграр соҳага оид — 18%

Қишлоқ ёшлари ҳаёти — 41%

Болаларга бағишиланган күрсатувлар — 16%

Хуқуқий соҳа — 14%

Мусиқий — 14%

**6. «Ёшлар» телеканалида таълим тўғрисидаги қонўн, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган ვазифаларнинг ёритилишиндан қониқиши ҳосил қиласизми?**

Ҳа — 66%

Йўқ — 18%

Жавоб беришга қийналаман — 16%

**7. «Ёшлар» канали орқали берилаётган «Олтин мерос» мусиқий дастури ўз номига муносибми?**

Муносиб — 78%

Муносиб эмас — 22%

**8. «Ёшлар» телеканалида яна қайси йўналишдаги мусиқий дастурларни томоша қилишни хоҳлар эдингиз?**

1. Ўзбек эстрадаси — 39%

2. Халқ куйлари ва лапарлари — 39%

3. Жаҳон эстрадаси — 33%
4. Ўзбек мумтоз мусиқаси — 22%
5. Жаҳон мумтоз мусиқаси — 22%

### **9. «Ёшлар» телеканали орқали бўрилаётган энг севимли кўрсатувларингизни сиаб ўтсангиз?**

1. «Азизим» — 48%
2. «Бегойим» — 30%
3. «Оҳанрабо» — 28%
4. «Заковат» — 28%
5. «Умр дафтари» — 28%
6. «Мезон» — 20%
7. «Ҳандалак» — 20%
8. «Мехр кўзда» — 19%
9. «Давр» — 17%
10. «Ёшлар овози» — 15%
11. «Қилни қирқ ёриб» — 15%
12. «Қишлоқдаги тенгдошим» — 11%
13. «Олтин мерос» — 8%
14. «Мунаввар тонг» — 6%
15. «Автосалтанат» — 6%
16. «Давр ҳафта ичида» — 6%
17. «Давр-интервью» — 6%
18. «Интерфутбол» — 5%
19. «Ринг қироллари» — 5%
20. «ТВ-тест» — 5%
21. «Маслаҳат» — 5%
22. «Янги авлод» — 5%
23. «Қаҳқаҳа» — 4%
24. «Гап йўқ» — 4%
25. «Мусиқий лаҳзалар» — 4%
26. «Очил дастурхон» — 3%
27. «Бола тилидан» — 3%

### **10. «Оҳанрабо» кўрсатувидан мамнунмисиз?**

Мамнунман — 67%

Жавоб беришга қийналаман — 22%

Мамнун эмасман — 11%

### **11. «Сен ёлғиз эмассан» кўрсатувига муносабатингиз?**

Қониқтиради — 44%

Қониқтирмайди — 11%

## **«Тараққиёт» ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йұналишдаги құрсатувлардан**

### **12. «Меҳр күзда» құрсатуви Сизни қониқтирадими?**

Ха — 67%

Йүқ — 22%

Жавоб беришга қийналаман — 11%

### **13. «Азизим» құрсатуви талаб даражасидами?**

Яхши — 89%

Яхши эмас — 3%

Жавоб беришга қийналаман — 8%

### **14. «Марди майдон» құрсатуви талаб даражасидами?**

Талаб даражасида — 57%

Жавоб беришга қийналаман — 23%

Талаб даражасида эмас — 20%

## **«Камолот» маърифий құрсатувларидан**

### **15. Сизни «Қишлоқдаги тенгдошим» құрсатуви қониқтирадими?**

Қаноатлантиради — 57%

Қаноатлантирмайды — 22%

Жавоб беришга қийналаман — 21%

### **16. «Ёшлар овози» құрсатуви маъқулми?**

Маъқул — 70%

Жавоб беришга қийналаман — 19%

Маъқул эмас — 11%

### **17. «Сиyrat» құрсатуви сизга манзурми?**

Ха — 44%

Жавоб беришга қийналаман — 35%

Йүқ — 21%

## **«Умид» ўсмирлар ва болалар учун маънавий ва маърифий құрсатувларидан**

### **18. «Катта танаффус» құрсатуви сизга ёқадими?**

Ха — 54%

Жавоб беришга қийналаман — 29%

Йүқ — 17%

### **19. «Дунё ва болалар» құрсатуви талаб даражасидами?**

Талаб даражасида — 33%

Жавоб беришга қийналаман — 23%

**20. «Оқ кабутар» күрсатуви сизга манзурми?**

Ха — 54%

Жавоб беришга қийналаман — 29%

Йүк —

**21. Сиз «Ёшлар» каналидаги қайси бошловчилар фаолиятидан қониқиши ҳосил қиласыз?**

1. Умидада Усмонова — 38%
2. Гули Икромова — 37%
3. Нилуфар Умрзоқова — 31%
4. Нозима Воҳидова — 14%
5. Толиб Исроилов — 13%
6. Баҳодир Йўлдошев — 12%
7. Юлдуз Очилова — 12%
8. Хайрулла Нурилдинов — 12%
9. Абдурасул Абдуллаев — 9%
10. Асрор Аброрхўжаев — 5%
11. Собир Турдиев — 7%
12. Бахтиёр Иноғомов — 7%
13. Ирода Аслбекова — 7%
14. Нодира Турсунова — 7%
15. Аривек Григорьян — 41%
16. Матлуба Сафарова — 4%
17. Диљдора Ҳамидова — 5%
18. Даврон Файзиев — 4%
19. Абдурайим Абдуваҳобов — 4%
20. Иброҳим Аҳмедов — 4%

**Бошловчиларнинг қайси фазилатлари  
сизга кўпроқ манзур?**

Ёқимтой овози ва ширин сўзлиги — 54%

Сўз бойлиги — 44%

Билимдон ва зукколиги — 35%

Эфирга мос тушади — 15%

**«Ёшлар» телеканали фаолиятига билдирилган таклиф ва  
мулоҳазалар қуйидагича:**

1. Мусиқали клиплар, ёшлар учун қизиқарли күрсатувлар  
кўпроқ намойиш этилса.

2. «Заковат», «Илдиз ва япроқ»лар күрсатуви күпроқ эфирга узатилса.
3. Ҳаётий воқеаларга бой бўлган күрсатувлар күпроқ тайёрланса.
4. Нафақат ўзбек, балки жаҳон ёшлари ҳақида күрсатувлар тайёрланса.
5. Танқидий ва таҳлилий күрсатувлар күпроқ бўлса.
6. «Давр» информацион күрсатувининг мухбирлари чет давлатларда ҳам бўлса. Ўзимизнинг ўзбек сериаллари суратга олиниб, намойиш қилинса.
7. Илтимос, экранга олиб чиқаётган қаҳрамонларингизни одамлар орасидан астойдил изланг.
8. «Ёшлар» телеканалидаги барча информацион дастурларнинг тезкорлиги ва сифати ёқади.
9. Телесериалларда Ўзбекистон тарихига оид, тарбиявий телесериаллар күпроқ эфирга берилса.
10. Аналитик, таҳлилий күрсатувларни кўпайтириш керак. Омма фикрини ўзгартираман, деб чиранмаслик керак. Оммага күпроқ янгилик беринг, холосасини ўзи қиласди.
11. Ўзбек эстрадасидаги янги ёзиб олинган қўшиқлар күпроқ берилса.
12. Болалар күрсатуvida бошловчилар, иложи бўлса, ўзларини самимий тутсалар.

### **Муҳтарам телетомошабин!**

«Ўзбекистон» телеканали «Маърифат» студияси рейтинги бўйича сўровномалар тарқатилди. Шунинг билан бир қаторда, мұҳарририятга келган хатлар билан ҳам танишиб чиқдик.

Сўровномада Тошкент Давлат Педагогика университети қошидаги лицей ўқитувчилари, талабалар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар аҳолиси иштирок этишди. Сўровда иштирок этган 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган 510 нафар респондентларнинг 52 фоизини аёллар, 48 фоизини эркаклар, 43 фоизини ўрта маълумотли, ҳар хил касб эгалари ташкил этган.

«Маърифат» студияси ижодкорлари 13 номда кўрсатув тайёрлашар экан: «Куч — билим ва тафаккурда», «Зиё масканлари», «Хунарманд», «Мехр улашиб», «Тиббиёт одим-

лари», «Соғлом она — соғлом бола», «Иқтидор», «Алифбо сабоқлари». Булардан ташқари «Устоз», «Буни умр дерлар», «Эл саломатлиги йүлида», «Долзарб мавзу», «Ҳамшира» каби құшимча күрсатувлар ҳам тайёрланади.

**Әнді бевосита сұровнома саволларига олинган жавобларга тұхтalamиз: «Маърифат» студиясининг қайси күрсатувларини мунтазам томоша қиласыз?**

- «Хидоят сари» — 56%
- «Иқтидор» — 33%
- «Сиҳат-саломатлик» — 26%
- «Соғлом она — соглом бола» — 26%
- «Она меҳри» — 19%
- «Меҳр улашиб» — 17%
- «Оlamни асранның» — 13%
- «Куч — билим ва тафаккурда» — 12%
- «Тиббиёт одимлари» — 11%
- «Алифбо сабоқлари» — 9%

**«Маърифат» студияси күрсатувлари мазмуни Сизни қониқтирадими?**

- Үртача — 72%
- Тұла қониқтиради — 19%
- Қониқтиирмайди — 9%

**«Маърифат» студияси томонидан тайёрланған таълимтарбияга оид ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланған вазифаларнинг ёритилиши Сизни қониқтирадими?**

- Хар доим эмас — 67%
- Қониқтиради — 22%
- Қониқтиирмайди — 11%

**«Маърифат» студиясида тайёрланаётған қайси мавзулар шу кун талаби даражасида ёритилаяпты деб үйлайсиз?**

- диний-маърифий мавзулар — 30%
- тиббиёт соҳасига оид — 24%
- ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш — 22%
- ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш — 17%
- бала тарбияси — 15%
- экология масалалари — 11%
- ҳамма күрсатувлар түлиқ ёритилмаяпты — 4%
- ногиронлар ҳаётига оид — 2%

## **Қайси күрсатув бошловчиларининг фаолияти Сизга манзур ва нима сабабдан?**

Анвар қори Қўчқор ўғли (Турсунов) («Ҳидоят сари») — 57%

Раҳимбой Жуманиёзов («Иқтидор») — 42%

Ирода Ҳожиматова («Она меҳри») — 26%

Махмуда Тожибоева («Тиббиёт одимлари») — 22%

Муҳтарама Улуғова («Соғлом она — соғлом бола») — 22%

Равшан Жамолов («Алифбо сабоқлари») — 4%

## **Социологик тадқиқотлар бўйича қуйидаги таклиф ва истаклар билдирилди:**

«Ҳидоят сари» күрсатуви бизга ёқади ва уни мунтазам кўриб борамиз. Сабаби, күрсатув кишиларга ҳам маънавий, ҳам ахлоқий озиқа беради. Бироқ, күрсатув шакли бир оз эскирган.

«Иқтидор» бошловчиси күрсатувни профессионал олиб боради. Лекин ортиқча шеърлар ўқиб юборади, баландпарвозликка берилади.

«Тиббиёт одимлари» күрсатуви Абу Али ибн Сино, Ар-Розий асарларидан кўпроқ фойдаланиши керак.

«Алифбо сабоқлари»нинг дарс ўтиш услуби эскича, унга янгича ёндашиш керак.

Республика кутубхоналари ҳақида туркум күрсатувлар тайёрланса. 2005 йилда «Кутубхоначи минбари» номли күрсатув булишини истаймиз. У телетанлов тарзида ёритилса, кутубхоначилар беллашса, билимларини намойиш этишса, томошабинларга маърифат тарқатган бўларди.

Кўпроқ мактаблар ҳақида, ёшлар билимини бойитадиган, меҳр-муҳаббат (дўстга, ота-она, ватан, aka-ука, қўни-қўшнига ҳурмат) ҳақида күрсатувлар бўлса...

Руҳият олами билан боғлиқ ҳамда инсонларни комилликка элтувчи күрсатувлар керак.

Тарихий мавзуларга эътибор қаратилса, қишлоқ мактабларидаги шарт-шароитлар ҳақида таҳлилий-танқидий күрсатувлар тайёрланса.

Маърифат соҳасидаги ислоҳотларни кенгроқ ёритадиган күрсатувлар берилишини хоҳлаймиз.

Донишманд, алломалар ҳақида кўпроқ күрсатувлар тайёрланса.

Диний-маърифий, одоб-ахлоққа доир кўрсатувлар театр-лаштирилган ҳолда тайёрланса...

## Энди «Маърифат» студиясига келган хатлар ҳақида

Хатлар бўлими маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, қуидаги ҳолат намоён бўлади.

2004 йилнинг 9 ойи мобайнида «Маърифат» студиясига 386 та хат келган. 2003 йилнинг шу даврида эса 403 та хат олинган экан. Таққосласак, 17 та хат кам. Телетомошибинларнинг «Маърифат» студияси кўрсатувларига қизиқишини келаётган хатлар ҳам бир қадар аниқлаб беради, деб ўйлаймиз.

«Иқтидор» кўрсатувига 9 ой мобайнида 253 та хат келган. Бу умумий келган хатларнинг 68,2% ини ташкил этади. «Ҳидоят сари» кўрсатувига 60 та, (16,6%), «Сиҳат-саломатлик» кўрсатувига 23 та (5,9%), «Зиё масканлари» кўрсатувига 12 та (3,1%) хат келган. Бу бошқа студиялар билан таққосланганда «Маърифат» студиясига энг кам хат келаётган экан, дегани. Демак, студия ижодкорлари ўз устида кўпроқ ишлаб, жон қуидиришлари керак бўлади.

\* \* \*

«Тошкент» телеканали фаолияти ҳақида сўров «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Тошкент ҳақиқати» газеталари, Тошкент шаҳридаги айрим университетлар ва институтларнинг талабалари, профессор-уқитувчилари, Тошкент шаҳар ва вилояти аҳолиси ўртасида ўтказилди. Сўровда 500 та турли касбдаги фуқаролар қатнашди. Улардан 64% аёллар, 36% эркаклар. Маълумотига кўра, олий маълумотлилар 57%, тўлиқсиз олий — 30%, ўрта-махсус — 11%, ўрта маълумотлилар 2%ни ташкил этган. Сўровда қатнашганлар 19 дан 65 ёшгача бўлган.

Энди бевосита сўровнома жавобларига ўтамиз.

**«Тошкент» телеканалини мунтазам кўриб борасизми?**

Ха — 68%

Баъзида — 32%

**«Пойтахт» ахборот дастурининг қайси соҳага оид янгиликлари sizни қизиқтиради?**

дунё ва мамлақатимизда бўлаётган янгиликлар, ислоҳотлар — 57%

шаҳар ва вилоятга оид янгиликлар — 25%

маданият янгиликлари — 30%

спорт янгиликлари — 9%

об-ҳаво — 11%

**«Пойтахт» дастури шаҳримиз ва вилоятимизда содир бўлаётган воқеаларни тұла ва тезкорлик билан ёритиб беряптими?**

Ха — 73%

Ҳар доим әмас — 9%

Йүқ — 18%

**«Тошкент» телеканалидаги ижтимоий-сиёсий кўрсатувларнинг мазмуни ва мавзулари сизни қониқтирадими?**

Қониқтираяпти — 57%

Баъзида — 20%

Қониқтирмаяпти — 23%

**«Тошкент» телеканалида бир неча ҳуқуқий кўрсатувлар тайёрланади. Қайси бирини сиз мунтазам томошаша қиласиз?**

«Инсон ва қонун» — 59%

«Солиқ ва биз» — 16%

«Пойтахт йўлларида» — 14%

«Ҳуқуқ телеклуби» — 11%

«Аёллар салтанати» — 34%

«Аёл — она, мураббий, раҳбар» — 15%

«Дугоналар» — 14%

«Бахтили бўлинг» — 9%

**Телеканалда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, улар ҳаётида учрайдиган муаммоларни ёритувчи қайси кўрсатувлар сизга маъқул?**

«Биргалиқда куйлаймиз» — 34%

«Ёшлар даврасида» — 27%

«Билим телеклуби» — 16%

«Биз, болалар» — 9%

«Тенгдошлар» — 9%

**«Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлиланган «Тўрт карра йўқ» телемарафон кўрсатувларига муносабатингиз?**

Чакки эмас, яхши, фақат айрим бошловчилари унчалик ҳам талабга жавоб бермайди.

Ушбу телемарафон үзига хос жиҳатлари билан телетомошибинлар қалбини тұла қамраб олсин, деймиз.

Яхши. Бундан кейин ҳам тез-тез эфир орқали шундай телемарафонлар булиб туришини истардим. Долзарб мавзудаги лавҳаларни күпроқ статистик маълумотларга таянган ҳолда намойиш этишса, маъкул бўларди.

Бу борадаги муаммо ҳали тұлиқ қамраб олинганича йўқ.

Ушбу марафоннинг берилиши кутилмаган бўлди, унда муҳими — сохталик йўқ.

Шу муаммоларга оид бадиий фильмлар берилса, янада қизиқарлироқ бўларди.

Фояси яхши. Лекин эфирда берилаётган кўрсатувлар, лавҳалар унчалик бир-бирига уланмаган. Бошловчилар ҳар бир кўрсатув ва лавҳанинг анонсини беришса яхши бўлар эди.

**ТТВ каналидан берилаётган қайси мавзудаги кўрсатувларни энг керакли ва долзарб деб ҳисоблайсиз?**

Сиёсий ва информацион кўрсатувлар, «Пойтахт» хабарлари, шунингдек, «Тўрт карра йўқ» телемарафони мавзуси долзарб.

Театр спектакларини мунтазам ёритиб бориш бизга маъкул бўларди.

**Қайси журналистларнинг қасб маҳорати, адабий тил нормаларига амал қилишидан мамнунсиз?**

Дилбар Мирхожиева, «Аёл қалби» — 25%.

Эльмира Тухфатуллина, «Бахти бўлинг» — 20%

Мадина Шукрова, «Пойтахт» — 20%

Лазиза Носирова, «Пойтахт» — 18%

Шоира Содикова, «Аёллар салтанати» 16%

Георгий Ирлин, «Хайрли оқиғом» — 16%

Нигора Ҳайиталиева «Билим телеклуби» — 11%

Жамшид Назаров, «Пойтахт» — 11%

Жаҳонгир Норийгитов, «Пойтахт» — 7%

Камила Юлдашева, «Пойтахт» — 7%

Мукаррам Назарова, «Саодат қалити» — 7%

Олимжон Пардаев, «Эътиқод» — 5%

Кларина Рузметова, «Дорихона эшигади» — 5%

«Тошкент» телеканали фаолияти ҳақидағи таклиф ва мулоҳазаларингиз ...

«Тошкент» телеканалида вилоятдан ҳам муаммоли кўрсатувлар кўпроқ тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шаҳримиз тарихига оид кўрсатувлар тез-тез берил борилса.

Янада тезкор, томошабинни ўзига тортадиган, бугунги кун нафаси сезиладиган кўрсатувлар керак.

Тележурналистлар касбий маҳорат устида жиддий бош қотириши зарур.

Пойтахт аҳолисини қийнаётган муаммо ва камчиликлар кенгроқ ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

\* \* \*

«Спорт» телеканали ўз фаолиятини 2004 йилнинг 1 январидан бошлаган. Телеканалда 5 та муҳарририят мавжуд бўлиб, уларда 150 дан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади. Мазкур телеканалнинг асосий йўналишлари мамлакатимиз аҳолисини оммавий спортга жалб этиш, ўсмир ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етказиш, Ўзбекистон спортини халқаро миқёсга олиб чиқишдан иборатдир. Шу мақсадда каналда 34 рукида турли кўрсатувлар тайёрланади.

Биз «Спорт» телеканалининг «Болалар спорти» кўрсатувлари билан танишиб, шу нарсага амин бўлдикки, кўрсатувларнинг аксарияти қуруқ баёндан иборат. Таҳлил кам, муаммоли танқидий материаллар деярли йўқ.

«Болалар спорти» кўрсатувларида маҳсус спорт мактаблари мураббийлари савияси, жисмоний тарбия ва спортга оид дарсликлар, олис қишлоқлардаги мактабларда спорт заллари ва спорт майдонларининг аҳволи, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан қай даражада таъминланганлиги чукур таҳлил этилмаяпти.

«Спорт — менинг ҳаётим» кўрсатуви тажрибали спорт усталари ҳақидағи ҳикоялардан иборат эканлиги маълум. Аммо, бу кўрсатувларнинг аксарияти ёш спортчиларга бағишли наяпти. «Захирадаги спортчи» кўрсатувининг охирги сонлари анча юзаки бўлиб қоялпти. Аксарият сонлари номига

муносиб эмас. Кўрсатув қаҳрамони спорт фидойиси эмас, балки қўшиқчилар бўлиб қолмоқда. Бошловчи кўрсатувга мос эмас. М.Ўзбекованинг ўйламасдан берган саволлари кўрсатувни анча кўримсиз қилиб қўйди.

«Спорт — менинг ҳаётим», «Захирадаги спортчи», «Майдон ортидаги одам» кўрсатувларининг шакли, мақсади деярли бир хил. Кўрсатув қаҳрамони спортчи, мураббий ёки санъаткор. Аввало, улар билан суҳбат ёки шогирдларидан интервью олинади. Дастлаб иш жойидан, сўнг хонадонидан, машғулот залларидан олинган съёмка ва фотосуратлар тақорр-тақорр кўрсатилаверади. «Спорт» телеканали фаолиятини янада яхшилашга оид айрим таклиф ва истаклар:

— машҳур спортчилар сулоласи ҳақида маҳсус кўрсатувлар тайёрланса;

— республикамиздаги машҳур кишилар (санъаткор, олим, адаб, давлат ва жамоат арбоблари) орасида спорт билан шуғулланувчилар ва ҳатто, спорт устаси даражасига кўтарили-ганлар ҳақидаги лавҳалар ҳам кўрсатувдан ўрин олса.

Телеканалда бошловчи ва спорт шарҳловчиларининг маҳоратини кескин ошириш керак.

### **Сўровиома натижалари:**

«Спорт» телеканалининг фаолияти бўйича социологик тадқиқот ўтказилди. Сўров Тошкент Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти, Олимпия захиралари коллежи спорт интернати, Спорт соҳасини ёритувчи газета журналистлари ўтласида ўтказилди. Сўровда қатнашганлар орасида аёллар 42%, эркаклар 58%ни ташкил этади.

#### **1. Сиз «Спорт» телеканалини мунтазам томоша қиласизми?**

Ҳа — 64%

Баъзида — 30%

Йўқ — 6%

#### **2. Телеканални нима мақсадда томоша қиласиз?**

Дунё спорт янгиликларидан хабардор бўлиш учун — 53%

Республика спорт ҳаётидан хабардор бўлиш учун — 33%

Таниқли спорт усталари ҳаёти ҳақида кўрсатувларни томоша қилиш учун — 22%

**Спорт репортажларини томоша қилиш учун — 20%**

**Спорт ҳақидаги фильм ҳамда сериалларни томоша қилиш учун — 12%**

**3. Телеканал юртимиз ва хорижда рўй берадиган спорт янгиликларини тезкор ёритиб бермоқда деб ўйлайсизми?**

Ҳа — 47%

Йўқ — 31%

Баъзида — 22%

**4. Ҳар куни эрта тонгда эфирга узатилаётган «Бодroe утро» кўрсатуви сизга маъқул бўляйтими?**

Ҳа — 51%

Йўқ — 25%

Баъзида — 24%

**5. «Спорт» телеканалида бериллаётган танили ва иктидорли спортчилар ҳамда спорт мураббийлари ҳақидаги қайси кўрсатувларни мунтазам кўриб борасиз?**

«Спорт — менинг ҳаётим» — 32%

«Ўзбекистон ифтихори» — 28%

«Кўнгил кўнгилга пайванд» — 26%

«Майдон ортидаги одам» — 17%

«Спортив маликалари» — 8%

«Захирадаги спортчи» — 7%

**6. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантиришига катта эътибор берилалапти. «Спорт» телеканалида ушбу масалага боғлиқ кўрсатувлар сизга маъқул бўляйтими?**

«Спорт — саломатлик гарови» — 27%

«Кувноқ стартлар» — 22%

«Бинафша» — 21%

«Болалар спорти» — 17%

«Полвон бўлмоқчиман» — 15%

«Спорт масканларида» — 12%

«Спорт энциклопедияси» — 10%.

**7. Республикаимизда футболга қизиқиш жуда катта. Шу муносабат билан миллий ва жаҳон футболи ҳақидаги кўрсатувлардан қониқиши ҳосил қиляпсизми?**

«Еврофутбол» — 36%

«Футбол плюс» — 32%

«Жаҳон футболи» — 27%

«Кучли бешлик» — 20%

«3-тайм» — 12%

«Эртага футбол» — 4%

8. «Спорт» телеканалида фаслият кўрсатадиган ҳайси шарҳловчиларнинг шарҳи професионал деб ҳисоблайсиз?

Тўхтамирзаев М. (футбол) — 56%

Тошхўжаев А. (шахмат) — 51%

Мустафоев Э. (бокс, футбол) — 45%

Алимов А. (футбол, кураш, дзюдо, баскетбол) — 43%

Жумаев К. (футбол, мини-футбол, тенис) — 31%

Элмуродов М. (кураш, дзюдо) — 29%

### Телемуҳлислардан олинига тақлиф ва мулодзазалар:

«Спорт» телеканалида професионал жангларни (бокс) ҳамда дунё спорт янгиликлари ва спорт юлдузлари ҳақидаги кўрсатувларни кўпроқ беришса.

Биз хорижда рўй берадиган спорт янгиликларини бир кундан кейин эшиганимиз. Ўз вақтида беришга эришини керак.

«Спорт» ва «Хукуқ»га оид кўрсатув очиш керак. Каналда муаллиф, режиссёр ва тасвиричиларнинг ўзаро ҳамкорлиги сезилимайди.

Курашга бағишлиланган кўрсатувлар ҳаддан ортиқ кўп. Шарҳловчилар малакаси эса унча етарли эмас.

Бир вилоят ва шаҳардан кетма-кет кўрсатувлар намойиш этишга чек қўйилсин.

Ёш спортчилар тўғрисида кўпроқ кўрсатувлар берилса, «Болалар спорти»нинг географияси анча тор.

### Томонабин бефарқ эмас...

Хўш, мустақил давлатимиз телевидениесида ҳалқимизнинг қувончу таинвашлари қай даражада акс этмоқда?

Шу мақсаддада 2003 йилги кўрсатувлар мисолида жойларга бир неча саволлардан иборат сўровнома тарқатилган ва «Садо» саҳифаларида эълон қилинган эди. Сўровнома матни 15 кун давомида телевидение ва радионинг барча каналлари орқали

мунгазам зылон қилиб борилди. Шундан сўнг Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар телерадиокомпаниялари ёрдамида 350 дан ортиқ анкета саволларига турли касб эгаларидан жавоблар олдик. Пойтахтдаги аксарият Олий ўкув юртлари, муассаса, ташкилотлар, мавжуд сиёсий партия, давлат ва нодавлаг ташкилотларидан юзлаб жавоблар, Департамент номига кўплаб хатлар келди. Бу томошабинларнинг бефарқ эмаслигидан далолатдир.

### **Анкета сўровномасига келган жавоблардан намуналар**

#### **Козимбек САЪДУЛЛАЕВ:**

— «Ёшлар» телеканалини кўпроқ кўраман. Чунки ҳар қандай соҳага оид кўрсатувларни кўриш мумкин. Аммо барча кўрсатувлар ҳам кўнгилдагидек эмас. «Бегойим»нинг бошловчиси бир хилликдан чекинса. «Ёшлар овози»ни авваллари мириқиб кўрсанг бўлар эди, ҳозир эса талабчаниликни анча камайтирган. Улар кўтариб чиқаётган муаммолар оддий бўлиб қолаяпти. «Газеталар шарҳи» фақат «у мақолани ўқинг — бу мақолани ўқинг» билан гапни тугатаяпти. Санъат соҳасига оид кўрсатувлар кўп, лекин улардан керакли маълумот ололмайсиз». Айрим бошловчиларнинг соҳа мутахассислигидан йироқлиги сезилади.

#### **Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ:**

— «Ёшлар» канали бошқа каналларга нисбатан етакчи десам, муболага бўлмайди. Лекин бу каналда ҳам такрорий кўрсатувлар, эски сериаллар, кйнолар кўп берилади.

#### **Дилафруз МҮМИНОВА:**

— «Гап чиқди» кўрсатуви Ўзбекистон телевидениесининг ижодий ютуқларидан биридир. Очигини айтиш керак, мазкур дастур телетомошабинлар эътиборини ўзига торта олди. «Мехр кўзда» эса киши кўнглига таскин баҳш этади. Кимнингдир яқинлари билан топишганига гувоҳ бўлиш дилингизда қувонч уйғотади.

«Заковат» ўйини дунёвий билимларнинг у ёки бу жиҳатини оддий кишиларга билдириш, хабардор этишга хизмат қиласиди.

#### **Ҳикматулло ИСЛОМОВ:**

— Мен тўртала канални ҳам кўриб боришга ҳаракат қиласман. Ҳар бир каналнинг ўзига яраша ютуқ ва камчилиги бор.

Йилнинг энг яхши кўрсатувлари сифатида «Ёшлар» каналидан «Азизим», «Бегойим», «Қишлоқдаги тенгдошлар», «Ўзбекистон» каналидан «Муносабат», «Гап чиқди» кўрсатувлари деб биламан.

Биз ҳар куни телевизор кўрамиз. Кўрсатув, фильмларни кўриш жараёнида хоҳлайсизми-йўқми фикр ва мулоҳазалар туғилади. Жараён давомида ўзимиз сезиб-сезмай ҳакамлик қиласми. Ҳар ким ўз фикри, ўзининг эркин қарашларига эга. Кимдир телерадиокомпания фаолиятидан қониқса, яна кимдир эса бунинг акси. Қайси касб соҳиби бўлишингиздан қатъи назар, томошабин сифатида ўз баҳоингизни беришга ҳақлисиз. Демак, ўз мулоҳазаларингизни биз билан баҳам кўринг. Баҳамжихатлик сизга ҳам, бизга ҳам фойда беради. Фикрлар, таҳлил ва танқидлар телерадио дастурларининг савиасига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

**Баҳодир ТОНГОТАРОВ, талаба. Самарқанд вилояти Нарпай тумани:**

Мен Ўзбекистон телевидениеси ходимларининг фаолиятларидан қониқаман, «Ўзбекистон» телеканали орқали бериладиган Корея сериаллари мәнга жуда ёқади. Сабаби, тарбиявий томондан ёшларга кўп фойда беради. «Ёшлар» телеканалида ҳам сериалларга алоҳида зътибор беришади. Масалан «Ёлғон асираси»ни томошабинлар яхши кутиб олишди. Яна «Оҳанграбо»ни яхши кўраман. Ўзимизнинг миллий куйларимиз, қўшиқларимизни жонли эфирга беришлари томошабинни руҳлаштиради. «Бегойим», «Азизим» кўрсатувларида кўтарилаётган муаммолар, аёлларимизнинг орзулари, қизларга берилаётган маслаҳатлар ўз натижасини бермай қолмайди, албатта. Энди қониқмайдиган томонларим: ҳар ким ўзича ҳақ. Эфир орқали маслаҳат беришдан осон иш қолмагандек. Катта авлод вакилларига насиҳат қилиш ярашади. Аммо ёшлар катталарга маслаҳат беришини ҳазм қилиш қийин. Вилоятларнинг ҳаёти тўлиқ ёритилмайди. Қишлоқдаги истеъдодлар ҳақида жуда кам ёритилади. Яхши қўшиқлар бериб борилса, яна ҳам яхши бўларди. Танқидий, таҳлилий кўрсатувлар керак. Болалар уйларидан лавҳалар қилишсин.

Масалан, бола вояга етгач қаерга, кимнинг олдига боради? Гарчи 16 ёнига тўлган бўлсада, ёрдамга муҳтож бўлади. Ўғил болалар йўлини топиб кетар, лекин қизларга қийин. Ўшалар ҳаёти ёритилсинг. Ёрдамга муҳтож одамлар бор. Шулар телевиденине орқали кўринса, балки кимлардир ёрдам кўлини чўзар. «Мехр кўзда» кўрсатувининг ижодкорларидан мамнунман. Журналистлардан Хайрулла Нуридинов, Юлдуз Очиловаларнинг фаолиятини яхши баҳоласа арзиди.

### **Зокир ШОЖИРОВ, спортчи. Тошкент шахри:**

Мен спорт каналининг очилганидан хурсандман. Тайёрлаётган кўрсатувлари жуда ёқади. Жаҳон спорти, ўзимизнинг ўзбек спортчиларимизнинг ҳаёти мунтазам ёритиб борилмоқда. Батзи камчиликлардан ҳам кўз юммаслик керак. Тезкорлик билан тайёрланган лавҳаларда нўноқликлар кўзга ташланади. «Ёшлар» каналининг «Давр» информацион дастурида ҳам спортга бўлган эътибордан хурсанд бўламан. «Спорт» телеканали орқали Грецияда ўтказилган 28-ёзги олимпиада ўйинларини мириқиб томоша қўидик. Буни ижобий баҳоламай бўлмайди. Иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Лекин астойдил ҳаракат қилинса, мавжуд камчиликтарга барҳам бериш мумкин.

## **МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕВАЛАРИ**

Мустақиллик туфайли маданий мерос ва анъаналаримизга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Илгари қораланиб келган шахслар, тарихий обидалар, китоблар ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтариб берилди. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб каби буюк зотлар ижодини янгича ўрганишга киришдик. Шу аснода «Навоий гулшани», «Навоийхонлик» кўрсатувининг 30 дан ортиқ сони эғирга берилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романни асосида 10 қисмдан иборат «Бобур» видеофильми ойнаи жаҳонга олиб чиқылди. Тарихга, маданий меросимизга бўлган муносабат ўзгача тус олди. Энди унга илгариgidек шубҳа, гумон билан эмас, балки катта ишонч билан қарашга, таҳдид этишга жазм қилдик. Бу албатта, мустақиллик шарофати. Шунингдек, «халқлар отаси» хукмронлик қилиган йилларда қатагонга учраган қатор ёзувчи, шоир, санъаткорлар маданиятимиз тарихидаги ўз жойларини эгаллайди. Абдулла Конирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фиграт, Беҳбудий, Элбек, Мунавварқори ва бошқалар ҳақида тайёрланган «Хотира», «Мерос, «Унуттишас сатрлар» каби туркум кўрсатувлар юкоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Айниқса, «Маърифнома» кўрсатувининг ойнаи жаҳонда пайдо бўлиши халқимиз дилини равшан этди. Ойнаи жаҳонга онкоралик кириб келгач, кўзгуда ҳаётимиз тўла ўз аксини топа бошлади. Шундай қилиб, соқов бўлаёзган ўзбекнинг тили ва дилига тўла эрк берниди.

Шу аснода маънавий меросимиз, тарихий ёдгорликлар, урғодатларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Оғтин бешик» номиди янги кўрсатув дунёга келди. «Мулоҳаза» туркумидан берилсаётган адабий, мусикӣ ва театр муаммоларига бағиш-

ланган кўрсатувлар ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Яқин-яқингача ўтмишни қоралаб, мозийнинг тагига сув қуяр эдик. Тарихимиз қора, келажагимиз порлоқ эди. Бугунга келиб қора деганимиз оқ, оқ деганимиз — қора бўлиб чиқяпти.

Республика ҳаётида юз берадиган бу хилдаги ижобий ўзгаришлар телевидение фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади. Аввало, телевидение тизимида туб ўзгаришлар содир бўлди. Йирик-йирик ижодий бирлашмалар ихчам таҳририятларга айлантирилиб, ижодкор учун соғлом муҳит яратиш имкони берилди. Руқнлар тартибга келтирилиб, унинг дастурдаги ўрни ва вақти аниқ қилиб белгиланди. Телевидение жамоасининг ҳар ойда ўтказиладиган мулоқотларига республика вазирликлари, муассаса, ташкилот раҳбарлари таклиф этилиб, улар билан ошкора учрашувлар ўтказила бошланди. Натижада телевидение таҳририятлари ва тегишли вазирликлар билан ҳамкор режалар тузилди. Бу эса кўрсатувлар савиясини яхшилашга имкон яратди.

Ижодий ходимлар сафини янгилаш бўйича ҳам анча ишлар қилинди. Телевидение ташвиқотининг ҳозирги кун талабига жавоб бера олмайдиган, ўз касбига лаёқатсиз ходимлар билан шартнома тузилмади. Меҳнат интизоми ҳам тартибга солинди.

Таҳририят жамоаларининг алоҳида бўлиб телерадиокомпания раиси ва раҳбарияти билан ўтказган очиқ мулоқотлари таҳририятлардаги мавжуд ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга амалий ёрдам бўлди.

Телевидение тизимидағи бундай ўзгаришлар ўз самарасини бера бошлади. Иzlаниш самаралари эфирга узатилаётган кўрсатувларда яққол кўзга ташлана бошлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» асарлари «Ахборот», сиёсий-иктисодий таҳририятлари тайёрлаётган кўрсатувларда кенг тарғиб қилинди. Ўзбекистоннинг таниқли ва нуфузли кишилари билан ушбу китобларнинг мазмунмоҳияти тўғрисида сухбатлар, телешарҳлар уюштирилди.

Президентимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувлари, чет эл сафарлари, юксак мартабали хорижий делегациялар,

мөхмөнларни қабул қилиш маросимлари кенг күламда ва тезкорлик билан ёритилади. Натижада ҳар бир сафар ва учрашув ҳақида маҳсус кўрсатув, видеофильмлар тайёрланди.

«Ўзбекистон ахбороти» таҳририяти кўрсатувлари шаклан ва мазмунан ўзгарди. Ҳабарлар қисқа, лўнда шаклга кириб, телетомошибинга шу кунги республикамиз ва хориж ҳаётига оид муҳим воқеа, янгиликлар холислик билан етказилади. «Бугун», «Ҳафтанома» дастурлари ташкил этилди. Ҳар ҳафтанинг шанба куни Марказий Осиёда ягона бўлган шу минтақа ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Туркистон» кўрсатуви эфирга чиқа бошлади. Шунингдек, ҳафтада 2 марта «Дунё ҳабарлари» кўрсатуви эфирга чиқди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, истиқлол мағкурасини тарғиб қилувчи «Ватан туйғуси» рукни очилди.

Янги ташкил этилган «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Ислоҳот ҳақида сухбатлар», «Ўзбекистоннинг йўли битта — олға юриш», «Истиқлолим — истиқболим», «Мустақиллик ва мағкура», «Истиқлол ва маънавият» каби ранг-баранг кўрсатувлар ўша йилларнинг энг долзарб мавзуларига бағишланди.

Бир болага етти қўшни ҳам оталик, ҳам оналик қиласи деганларидек, ёш авлодни тарбиялаш, уларни мустақил давлатимизнинг муносиб вориси этиб тарбиялашда маҳаллаларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳалла фаолиятига оид муаммолар «Менинг маҳаллам», «Ҳамишаҳарлар», «Оила» кўрсатувлари орқали мунтазам ёритила борди.

Қишлоқ турмуш тарзи, фермерлик ҳаракати, чорва фермаларининг хусусийлаштирилиши, давлат хўжаликларининг ширкат хўжаликларига айлантирилишини изчил ёритиб бораётган «Фармон ва ижро», «Хусусийлаштириш — давр талаби», «Хукумат тадбирлари» кўрсатувларида республика Президентининг одилона сиёсати, иқтисодий йўли кенг ёритилди.

Республикамизда яшаётган юздан ортиқ миллат вакилларининг ўзаро тинч-тотув, ягона оила аъзоларидек аҳил бўлишлари мустақил республикани мустаҳкамлашда асосий омиллардан биридир. Республика Президенти ва ҳукумати бу масалага алоҳида диққат ва эътибор билан қарамоқда.

Ўрта Осиё республикалари халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тарғиб этувчи «Дўстлик» телеканали мунтазам эфирга чиқиб турди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ва ҳукумаг олиб бораётган сиёсат миллатлараро муносабатларни нафақат Ўрта Осиё минтақасида, балки дунё бўйича ривожлантиришга ҳисса қўшажаги кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларнинг ривожланиши бунга яққол далилдир. Ўзбекистон телевидениеси томонидан тайёрланаётган кўрсатувларнинг турли мамлақатларга таржима қилиб олиб кетилаётгани фикримизга исбот була олади. Ўша йилларда Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари тайёрлаган «Руслар» номли 2 қисмли видеофильминг Останкинодан берилиши, шунингдек, республикамиздаги немислар, корейслар фаолиятига оид кўрсатувлар диёrimизда яшаётган миллат ва элатларнинг жипслиги, ахиллиги ва тинч-тотувлигининг яна бир намойиши бўлди.

«Замандас», «Рангинкамон», «Ўзбекистон меҳмонлари» каби кўрсатувларда республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ҳаёти, турмуш тарзи, ўзаро ҳамжиҳатлиги кенг ёритилмоқда.

Адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида шакл-намойили эскирган «Миниатюралар театри» ўрнига янгича шакл ва мазмунга эга бўлган «Адаб табассуми», «Насриддин Афанди чойхонаси» каби кўрсатувлар ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақидлигининг икки йиллигига бағишлаб «Адабиёт ва маънавият», «Истиқбул ва адабиёт», «Халқ иходи», «Мерос» каби руқнларда ҳалқимизнинг тарихий-маданий бойлиги, классик мероси, қадриялари ёритиб берилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, буюк аллома Улугбек таваллудининг 600, Аҳмад Яссавийнинг 950 йиллигига бағишлаб туркум кўрсатувлар берилди.

Ўзбек адабиётида ҳалқимизнинг фахру ифтихорига айланган тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолияти ёритилган асарлар унчалик кўп эмас. Шу боис ҳам ижодкорларимиз ҳар бир тарихий асарга қўл уриш баробарида ҳалқимиз ўтмишининг номаълум саҳифаларини қидириб топиш масъулиятини зиммаларига олишга мажбурдирлар. Ўзбекистон телевидениесида «Юлдузли тунлар»га қадар ҳам тарихий асарлар муваффақият билан ёритилиб, етарлича тажриба

тўпланганди. Республикаизда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг соҳиби Мақсад Юнусов ушбу видеофильмини тайёрлаш жараёнида асарнинг тарихийлиги ва аслиятига заха етказмасликка эришди. Энг муҳими — асарнинг бетимсол қадимий тили сақлаб қолинди. Видеофильмда акс эттирилган давр руҳиятига мос мусиқалар ва улуғ шоир асарларининг хушвуз хонандалар томонидан ижро этилиши тасвирларни янада бойитиб, таъсирчанлигини оширган. Бу ўринда бастакор Ўлмас Расулов ҳамда рассом Сайдакмал Расуловнинг хизмати таҳсинга лойикдир. Ролларда иштирок этган актёrlар маҳорати ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш ўринли. Айниқса, бош ролни ижро этган Мұхаммаджон Абдукундузов яратган Бобур образи бетакрор талқин этилган.

Дунё адабиётида ишқ-муҳаббат ҳақидағи қиссалар ва уларга бағишлиб яратилган асарлар талайгина. Жумладан, кўхна Шарқнинг энг машҳур ва маҳзун қиссаларидан бири Лайли ва Мажнун ҳақидағи асарлардир. Бу қиссага ilk бор XII асрнинг буюқ шоири Низомий Ганжавий мурожаат қилиб, бетакрор бир асар яратди. Шундан сўнг Лайли ва Мажнуннинг ишқий можароларига бағишлиб ўнлаб «Лайли ва Мажнун» достонлари яратилди. Шулар орасида энг машҳури ва бадиий жиҳатдан юксак даражада бўлгани улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг қаламига мансуб достондир. Бу асар не-не улуғ шоирлар-у нуктадон фозилларни ўзига мағтун қилмаган ва ҳайратга солмаган дейсиз!

Улуғ бобомизнинг кутлуғ тўйлари кунларида Мақсад Юнусов ана шу асар асосида кўп қисмли видеофильм тайёрлади. Видеофильмнинг диққатга сазовор жиҳати шуки, у асосан шеърий услубда — асар аслиятда қандай бўлса, шундай, яъни вазнига, баҳрларига иложи борича риоя қилинган. Айрим мураккаб ҳолатлардагина унинг насрий баёнидан фойдаланилган.

Достонда тасвирланган жанг жадаллар, Қайснинг чўлу биёбонлардаги риёзатли ҳаёти, унинг жониворлар ила ошино тутинишлари — жамики шоирона тавсифлар табиат қўйнида тасвирга туширилгандиким, бу ҳам саҳнаноманинг таъсирчанлигини оширади.

Бизнингча, мазкур саҳнанома улуғ шоир асарларига бу қадар кенг миқёсда ёндашув борасида илк тажрибадир. Шунга қарамасдан, бу тажриба жуда муваффақиятли чиққан. Бу муваффақиятнинг сабаби, режиссёр Мақсуд Юнусовнинг «Лайли ва Мажнун» достонини, умуман Алишер Навоий ижодини, унинг маънавий оламини теран ўрганганилиги. Режиссёр улуғ шоирнинг мазкур достон руҳиятига мос бўлган рубойлари, туюқлари, ғазаллари асосида ажойиб санъаткорлар ижросида ашуалалар тайёрлаган ва бундан унумли фойдалана олган.

«Лайли ва Мажнун» сиймоларини истеъдодли ёш ижодкорлар Зухра Ашурова ва Беҳзод Муҳаммадкаримов талқинида томоша қиласиз.

Саҳнаноманинг муваффақиятида адабий маслаҳатчи профессор Алибек Рустамов, мусаввир Сайдакмал Расулов ва тасвиричи Саидафзал Расуловларнинг ҳам ҳиссалари бекиёсdir.

Халқимиз, эл-юртимизнинг содиқ фарзандлари истиқтол учун узоқ курашдилар. Курашлар қурбонсиз бўлмади. Истиқтолга эришиш йўлида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари ҳалок бўлдилар.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби маънавиятимиз, адабиёт ва санъатимизга ҳам янгича нуқтаи назар билан қараш имкониятини берди. Истиқтол йўлида қурбон бўлган адиблар ижодини мукаммал ўрганиш ва тўғри баҳолаш имконияти туғилди.

1991 йили Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти ижодкорлари Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида беш қисмдан иборат янги видеофильм яратдилар.

Видеофильмда ўзбек халқининг яқин ўтмишидаги оғир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Видеофильмдаги ролларни республика театрларининг таникли актёрлари ижро этадилар.

Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кечава кундуз» романи асосидаги видеофильм 1910-йиллар воқеасидан ҳикоя қиласиди. Видеофильм Зеби хонадонидаги воқеалар билан бошланади. Зеби қишлоққа дугонаси Энахонникига меҳмонга бормоқчи бўлади. Онасининг илтимосига кўра

Раззоқ сўфи меҳмонга бориш учун Зебига рухсат беради. Аёллар базмида Зебини кўриб қолган Мингбоши унга уйланишга аҳд қиласди. Зеби Мингбошига тўртинчи хотин бўлиб тегади. Кундошлар ўртасидаги бўлган қарама-қаршиликлар, ифво ва уйдирма жанжаллар Мингбошининг ўлими билан тугайди.

Бу ўлимда ҳеч айби бўлмаган Зеби шаҳар туралари ва ҳокимлари томонидан суд қилиниб, Сибирга бадарға этилди.

Видеофильм халқ куйлари ва қўшиқлари билан безатилган. Ундаги барча қўшиқлар Абдулҳамид Чўлпон шеърлари асосида яратилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халқимиз юрагидан чуқур жой олган «Барҳаёт наволар» кўрсатувида Муҳиддин Қориёқубов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Хожихон Болтаев каби нурли сиймолар ҳакида ҳикоя қилинди.

«Мусиқа жавони», «Назм ва наво» туркум кўрсатувлар мунтазам равища эфирга узатилди. «Анор — 1992», «Рақс — 93», «Алла», «Истебоддод — 94», «Қизиқчи — 95» телетанловлари ўtkазилиб, юзлаб талантлар каашф этилди.

## **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ**

Кўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмун-мундарижасини тубдан ўзгартириш, уларнинг стратегияси ва асосий йўналишларини белгилаш, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 1992 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш Лавлат Комитетини Ўзбекистон Лавлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан мамлакатда телерадио-эшиттириш ташкилотини ривожлантириш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда хорижий давлатларнинг телерадиоташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашини мувофиқлаштириш йўлга қўйилди.

1994 йил 28 марта Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиштириши компаниясининг кўрсатув ва эшиштиришилари хажмини кўпайтириш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди ва ушбу қарорга асосан, Узбекистон телевидениесининг 3 та канали узлуксиз ишлаши таъминланди, кўрсатувлар ҳажми 16,5 соатга ва бунда телевидениенинг ўз маҳсулотлари 10 соат ҳажмга етказилди.

1996 йил 7 майда Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон ижтимоий тараккиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди ва Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Узбекистон телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио) деб ўзгартирилди.

Мазкур Фармонга асосан телеканаллар фаолияти ривожлантирилди ва журналист кадрларни соҳаларга ихтисослаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

1997 йил 25 августа Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс кайта жиҳозлаш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорга асосан 1998–2008 йиллар давомида «Республика телерадиомарказ» давлат унитар корхонаси, «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпигистон Республикаси телерадиокомпанияси Австрияning «Сименс АГ» ва Германияning «БФЕ АГ» фирмаларининг энг замонавий техникалари билан жиҳозланди.

2010 йилгача қолган ҳудудий телерадиокомпанияларда ҳам ана шундай жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган техник асбоб-ускуналар ўрнатилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартағи «Ижтимоий-мальявий мухитни янала соғломлаштириш, диний ақилапарастиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра 1998 йил июль ойидан «Ёшлар» теле ва радиоканаллари ташкил этилди ва

телеканалнинг эфир ҳажми 16,0 соатга, радиоканалнинг эфир ҳажми кунига 20,0 соатга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги қарорига биноан, «Спорт» телеканали ташкил этилди. Қарорда белгилаб берилганидек, телеканал күрсатувлари 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат, 2004 йил апель ойидан бошлаб эса кунига 8 соат ҳажмидә эфирга узатылмоқда. Россиянинг 1 каналының күрсатувлари ретрансляцияси эса 5 соат ҳажмидә булиб, «Спорт» телеканалининг бир кунлик жами эфир ҳажми 13 соатни ташкил этди.

2005 йил 8 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадиоканалларни ислох килиши ва ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Фармони билан мустақил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиясий ва социал-иктисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама холис ахборотта бұлған талаб-эхтиёжларини қондиріштә мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ўзбекистон МТРК) этиб қайта ташкил этилди!

Мазкур Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг асосий вазифалари этиб аҳолини, шунингдек, чет әл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берадиган, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар тұғрисида кенг хабардор қилиш;

аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгода демократик қадриятларни

шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватан-парварлик, Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теле ва радиодастурларнинг тематик йўналишларини аниқлаш ва уларнинг профессионал ва бадиий даражасини таъминлаш;

Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари, таркибий бўлинмалари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, телерадио кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиш жараёнига бозор механизмларини татбиқ этиш, ушбу соҳага мамлакатимиз ҳамда чет эл корхоналари, ташкилотлари ва молия институтларининг сармояларини жалб қилиш;

замонавий талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ техника базасини янада ривожлантириш, телерадиодастурлар тайёрлашга ахборот, компьютер ва медиатехнологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон МТРК бўлинмалари ижодий техник ходимларининг касб маҳоратини такомиллаштириш, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида уларни самарали қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун зарур ташкилий шартшароитлар яратиш;

Давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиттириш соҳасида ахборот алмашиш бўйича самарали ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш каби асосий йўналишлар белгиланди.

Мазкур Фармонга асосан 2006 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Ушбу Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш юзасидан компанияда конкрет ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибида қуйидагилар:

«Ўзбекистон» телеканали ва «Ўзбекистон» радиоканали негизида «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонаси;

«Спорт» телеканали ва «Машъял» радиоканали негизида «Спорт» телерадиоканали давлат унитар корхонаси;

«Тошкент» телеканали ва «Дустлик» радиоканали негизида «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонаси;

«Республика телемаркази», «Республика радиоэшиттириши ва овоз ёзиш уйи», «Нукус телемаркази» негизида «Республика телемаркази» давлат унитар корхонаси;

«Ўзбектелефильм» студияси негизида «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси;

«Ёшлар» телеканали ва «Ёшлар» радиоканали негизида «Ёшлар телерадиоканали» ёпиқ акционерлик жамияти;

«Махсусавтокорхона», «Оқтош пансионати», «Поликлиника» давлат унитар корхоналри, Қорақалпогистон республикаси ва вилоятлар телерадиокомпаниялари қайта ташкил қилинди.

2005 йилдан бошлаб тўртала радиоканал дастурлари 2006 йил 21 марта бошлаб эса, «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеканаллари ҳам Интернет тармоғи орқали ер юзидағи барча мамлакатларга тарқатилмоқда.

Шунингдек, 2006 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг худудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-талбиrlари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди ва ушбу қарор асосида Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар телерадиокомпанияларининг фаолияти қайта ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кечава кундуз», Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» кўп қисмли видеофильмлари, «Ватан туйғуси», «Имом Мотуридий», «Бурҳониддин Марғиноний», «Ибн Сино», «Имом Бухорий», «Жалолиддин Мангуберди», «Қомусий аллома изидан», «Хўжа Аҳрор Валий» каби буюк аждодларимиз, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов,

Матёкуб Кўимжонов каби замондошларимиз ҳаёти ва ижодига бағищланган фильмлар, ранг-баранг мавзуларда «Лафз». «Увайсий», «Тоғлиқ қуёв», «Қайтмас», «Имон» каби ўндан ортиқ видеосериаллари яратилди.

2006 йил 15 июня **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Миллий серия» ижодий-ишлаб чиқариш комплекс дастурини тасдиклаш түғрисида**ги Қарори эълон қилингач, бу ерда ушбу дастурни амалга ошириш юзасидан тегишли тадбирлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида шу кунларда олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, мустақил телерадиоканалларнинг ривожланиши ўзининг қатор ижобий натижаларини бермоқда. Компания тизимида кўрсатув ва эшиттиришларнинг профессионал даражаси, бадиий савиаси ва сифатини ошириш, аҳолининг ҳар томонлама холис ахборотта бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш борасида янги, қизиқарли телерадиодастурлар тайёрланиб, соғлом ижодий рақобат муҳити яратилмоқда.

Юқорида қайд этилган телерадио тараққиётига оид ўнлаб тарихий Фармон ва Қарорларни ҳаётга татбиқ этишда 2005 йил май ойидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси лавозимида ишлаётган ташаббускор ва ҳалол раҳбар Алишер Жўракулович Хаджаев ва кўп сонли жамоанинг хизматлари бекиёсdir.

Мустақил телевидениемизнинг бугунги камолида бу муқаддас даргоҳда кўп йиллардан бўён самарали ишлаётган, аллақачон ўз касбининг устасига айланган М. Раҳимов, К. Каримжонов, С. Турсунова, К. Хўжаева, Х. Даврон, Ф. Бобоҷонов, А. Алимов, Д. Умарова, Г. Маҳкамова, А. Ўтбосаров, М. Йўлдошев, Н. Бобоҷонов, К. Матёкубов, Э. Шукур, Н. Норқобилов, Р. Қўлдошев, Қ. Аъзам, Й. Исмоилов, А. Аброрхужаев, Ш. Иброҳимов, И. Мирзо, А. Абдулаев, М. Орипов, М. Турсунова, С. Мирзаев, Д. Турдиалиев, Б. Бобоев, М. Раҳматов, Р. Мирзаев, Қ. Каримбеков, Р. Камолов, С. Расулов, Ф. Зоитов, З. Бегимқурова, Л. Мервинская, А. Мадраҳимов каби тажрибали ижодий ходимлар билан бирга Ф. Маҳмудов, Г. Мусажонова, Ф. Юнусов, О. Давлетова, Х. Нуриддинов,

Ж. Бобораҳмат, Н. Эшонкул, М. Ҳамроева, М. Камолова, О. Тошбоев, И. Ризаев, Н. Умрзокова, Г. Марданова, Ф. Мұхаммаджонова, С. Алижонов, А. Абдусаматов, А. Ҳайитов, О. Бурхонов, Н. Мўминов, С. Турдиев, Г. Икромова, З. Қурбонов, С. Шукуров, Ш. Қаюмов, Н. Жонузоқ қаби ўз нуқтаи назарига эта истебодли ёшлиарнинг муносаб ҳиссаси бор.

Айни пайтда республикамизнинг юз фоиз аҳолиси йўлдошли алоқа тизими орқали узатилаётган «Ўзбекистон» телерадиодастурларидан баҳраманд бўтмоқда. Эътиборли томони шундаки, ҳукуматимиз томонидан ажратилган маблағ ҳисобига қабул қилувчи ва узатувчи ер станцияси, йўлдошдан телерadioэшиттириш сигналларини қабул қилувчи 327 та маскандаги кичик қувватта эга телерadioэшиттириш узатгичларини ўрнатиш белгиланганди. Бу юқорида айтиб ўтилган сигнал қабул қилиш қийин бўлган аҳоли пунктларида оддий сигналларни қабул қиладиган антенналар ёрдамида бемалол телерadioэшиттиришларни қабул қилиш имконига эга бўлдилар.

Сунъий йўлдош орқали узатилаётган дастурларни нафакат республикамиз, балки дунё жамоатчилиги эшитиш ва кузатиш имкониятига эга бўлди.

2008 йил апрель ойидан бошлаб кундузги ва кечки кўрсатувлар билан бирга тунги дастурлар йўлдошли алоқа тизими орқали узатила бошланди.

2008 йил 16 апрелга қадар «Ўзбекистон» теледастури ўртacha 18 соат давомида эфирга узатилаётган эди. Бу кўрсаткич 6 соатга оширилди. «Ўзбекистон» деб номланган теледастурнинг тунги ўртacha 6 соатлик ҳажмини «Ўзбекистон», «Спорт», «Тошкент», «Ёшлар» телерадиоканаллари ҳамда ҳудудий телерадиокомпанияларнинг энг яхши телекўрсатувлари ҳисобидан шакллантириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бундан асосий мақсад — мафтункор ва бетакрор Ўзбекистонимизнинг қадимий шаҳарлари, мөъморий обидалари, хушманзара табиати, ҳалқимизнинг миллий урф-одатлари


ҳамда бугунги бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини намойиш этишдан иборат.

Истиқдол йилларида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг халқаро муносабатлари мустаҳкамланиб, ўзаро теледастур ва видеофильмлар айирбошлиш борасида ҳамкорликка кенг йўл очилмоқда.

1996 йил компания ўзининг хорижий ҳамкорлари ёрдамида илк бора улуғ бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига багицланган байрам тантаналарини Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидан дунёning 60 дан ортиқ мамлакатларига сунъий йўлдош алоқа восигалари орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатишга муваффақ бўлди. Сунгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий байрамлари — «Мустақиллик куни», «Наврӯз», буюк алломаларимизнинг юбилей тантаналари, халқаро аҳамиятга молик йирик анжуман ва спорт мусобақалари ҳам мунтазам равишда хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри узатилмоқда.

# ДЕПУТАТЛИК МАЙДОНИ: ЙҮЛЛАР ВА ЧОРРАҲАЛАР





## ВАКИЛЛАР ХУРСАНДЧИЛИГИ

Шуро даврида Олий ҳокимият органларига сайлаб қўйтилган «хайбарақаллач» депутатлар заҳматлакиң халқимиз номидан бизнинг зараримизга «ишлайдиган» қонун ва қарорларни кўл кўтариб тасдиқлаб келардилар. Шунинг учун ҳам 1990 йил 18 февралда ўтказилган XII ҷаҳониқ Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловида республиканизминг 23 та округида кўрсатилишни номзодлар етарлича орез ола олмадилар. Натижада ана шу округларда 1990 йил 15 айрелда қайта сайлов ўтказиладиган бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 23 йирокчи сайлов округидан рақобатсиз номзоди кўрсатилишни сут сорувчи аёл чироқчиликларнинг айтиги 11 фойиз овозини олишига эришиди.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлиги учун ўтказиладиган сайловлар олдидан мен бир неча мутахассис: юрист, иқтисодчи, тарихчи олимлар билан Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳоразм ва Бўхоро вилоятларида сайловни қандай ўтказиш юзасидан тарғибот ишларини олиб бўргандим.

Янги сайланган депутатларнинг исм-фамилияси матбуотда эълон қилингач, адолатпараст, фурурли чироқчиликлар қалбida ҳам эзгу ҳислар уйғонди. Янги сайланган депутатлар рўйхатида Тошкентда яшаб, ижод қилаётган бўлса-да, ўзи туғилиб ўсан вилоятдан сайланган ўнлаб ижодкор-зиёлilarнинг исм-фамилиясини кўрган чироқчиликлар қалбida бир савол туғён уради.

**Нега бизнинг кўзимиз бунчалик кеч очилди? Ахир, пойтахтда элимиз обрўсини кўтариб юрган депутатликка муносиб ўнлаб чироқчилик йигитлар бор эди-ку!**

Март ойининг ўрталари... Бир куни ишдан келсан, уйга бир нечта меҳмон келибди. Жамоа хўжалигининг раиси, райондаги нуфузли қурилиш ташкилотининг раҳбари ҳамда ҳуқуқшунос укам Жаббор. Меҳмондорчилик, гурунг алла-маҳалгача давом этди. Нихоят юрагидаги дардларини ўртага ташлади: уларнинг келишдан мақсади, депутатликка номзод сифатида менинг розилигимни олиш экан. Секин сўраб билиб олдим. Шу кунгача 231-Чироқчи сайлов округидан депутатликка 6 киши ўз номзодини қўйибди...

Мен ўйлаб ўтирмасдан номзодимни кўрсатишга розилик бермадим. «Сизлар айтган 6 нафар номзод ҳам ҳар томонлама депутатликка муносиб, обрўли кишилар экан. Уларнинг орасига тушиб нима қиласман». Меҳмонлар менинг қароримдан ҳафсаласи пир бўлиб, яна бир ўйлаб кўринг, дея Чироқчига қайтиб кетишиди. Орадан яна бир ҳафта ўтди. Кечкурун соат 9 ларда ишхонамга уйдан кўнфироқ бўлди.

— Нега кечикаяпсиз? Уйда меҳмонлар бор. Улар яна эски гап бўйича келишибди...

Уйга келсан, меҳмонларнинг важоҳати анча баланд. Ўртада аччиқ, ориятни қўзғатадиган анча-мунча гаплар бўлди. Энг эсда қолгани: «Чироқчиликларнинг хотини депутатликка арзийдиган ўғил туғмай қўйганми?!»

Ўша пайтда Қашқадарё вилоят фирмаси қўмитасининг 2-котиби туман раҳбарларига маҳсус қўнфироқ қилиб, депутатликни орзу қилган Тошкентдан борган ёш журналистга барча шароитларни яратиб беришни буюрибди. Шу баҳонада у туманнинг иккинчи котиби М. Алибоев кабинетини эгал-лаб, ўзига штаб қилиб олибди. Бу ҳангомалар менга қаттиқ таъсир қилди. Мен эрталаб аниқ жавоб айтаман деб, хонамга кириб кетдим. Эрталабгача ориятдан ухлолмай, тўлғониб чиқдим. Ўзимга ўзим ҳисоб бердим: чироқчиликларга қилган яхшилигимни, холис хизматларимни санаб саноfigа етмадим. Ёмонлигимни эса эслай олмадим. Эрталаб қатъий қарорга келиб, номзодимни қўйдиришга розилигимни айтдим.

— 2—3 кунда Чироқчига етиб бораман. Керакли хужжатларни шу ерда расмийлаштирамиз.

Вакиллар хурсандчилигидан терисига сифмай кетди.

Эртасига районда сессия бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман раҳбари бошқа ишга ўтгани боис, унинг ўрнига қўшни Қамаши туманида совхоз директори бўлиб ишлаётган Рашид Норбўтаев сайланди. Рашид ака ишибилармон, тадбиркор раҳбар сифатида вилоятда анча обрў топган инсон эди.

Шу куни район сайлов комиссиясига кириб, номзодлар билан қизиқдим. Комиссиянинг масъул котиби Ширин Ўринов экан. У киши районда ўз обрўсини топган, самимий, адолатли инсон эди. Ширин ака бизга мактабда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс ҳам берган эди.

— Сиз ҳозирча 10-бўлиб рўйхатга олинайпсиз, — деди у кулимсираб. Сўнг яна бир нечталар ҳаракатда юрибди, — деб қўшиб қўйди.

## ЭЛИМГА ЕЛКАДОШМАН

Ўзбекистон халқ депутатлигига номзодлар орасида истеъодли танқидчи, публицист, Ўзбекистон телевидение-сининг бош муҳаррири Ўрол Ўтаев ҳам бор. У танқидчи ва публицист сифатида адабиёт ва санъат, халқ оғзаки иходи, маданий мерос, халқимиз турмушининг ижтимоий-сиёсий муаммоларига ўзига хос муносабат билдиради. Шу боисдан унинг элдошлари — 231-Чироқчи округи сайловчилари унга катта ишонч билдиришмоқда. Адабиётшунос олим ва журналист Фулом Faфуров Ўрол Ўтаевга сайловолди дастури бўйича бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Халқ ишончи — катта шараф ва масъулият. Сиз депутатлик масъулиягини қандай тушунасиз?

— Элдошларимнинг катта ишонч билдирганларидан фоят хурсандман. Бу менга юксак масъулият юклайди. Аввало, бу масъулият ҳисси Республикализнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан тўла мустақиллигини таъминлашда фаол иштирок этишга унрайди.

— Республика изда иқтисодиёт қонунлари, ҳұжалик юритишинг социал принциплари, раҳбарлық усууллари құтпол равищда бузилди. Ҳар қандай йүллар билан юқоридаги раҳбарларниң күнглини олишга интилиб келдик. Бу масалаларда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

— Дарҳақиқат, иқтисодиёт қонунларининг бузилиши меңнатқашлар турмуш даражасининг ёмонлашувига олиб келди. Ҳозир жумхуриятимизда 9 миллион одамнинг қашшоқликда күн кечираётганligи эса бунинг яқын ифодасидир. Биргина Чироқчи райони ҳар йили 63 миллион 304 минг сүм даромад қилаёттан бўлса, кишиларниң ўртача иш ҳақи 150 сўмдан пастдир. Пахта яккаҳокимлиги халқа кўп жабр келтирди. Биргина Чироқчи районида тайёрлананаётган 32 минг 400 тонна дон, 1 минг 200 тонна мева, 9 минг 800 тонна сабзавотнинг ҳаммаси четда қайта ишланади. Шунингдек, район аҳли этиштираёттан 2 минг 764 тонна гўшт, 6 минг 800 тонна сут маҳсулотлари ҳам уларниң ўзига насиб этмайди. Район аҳолиси эҳтиёжлари эса ҳисобга олинмайди. Бозордаги нарх-навони жамоатчилик ўз назоратига олиши, этиштирилаётган маҳсулотларниң бир қисмини ўзимизда қайта ишлаш йўлларини излаб топиш лозим. Маҳсулотларниң бир қисмини давлат нархида халқнинг ўзига сотишини йўлга қўйиш керак.

— Айтишларича, ҳозир жумхуриятимизда бир миллион, жумладан, Чироқчи районида 20 минг ишсиз бор. Бу муаммонинг олдини олиш йўллари ҳақида нималар дейсиз?

— Баъзи мисолларга мурожаат қиласман. Чироқчи районида ишсизликни бартараф этишнинг аниқ имкониятлари мавжуд. Масалан, район аҳли этиштираёттан 32 минг 400 тонна пахта, 395 тонна жун, 36 минг 400 дона қоракўл тери ва бошқа хом ашёларни қайта ишлайдиган тўқимачилик комбинати, консерва заводи филиаллари, тикув фабрикалари, маҳаллий саноат цехлари, гилам тўқиши, терини қайта ишлаш, гишт заводи барпо этишни йўлга қўйиш керак. Бу муаммони ҳал этиш аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиради, буш турган пештахталарни тўлдиради. Баҳор келиши билан чироқчиликлар кетмөн, бел излаб, келин-куёвларга сандиқ, болаларга бешик, сумак, тувак, уй-жой учун эшик-ромни 40—50 чақирим наридаги Шаҳрисабздан олиб

келишади. Бу маҳсулотлар Чироқчи районидаги деярли тайёрланмайди. Шунингдек, тикувчилик, каштачилик цехларини очиш ана шу муаммони ҳал этган бўларди.

— Гап айланиб аҳолининг турмуш шароитларига келиб тақалмоқда. Чироқчи райони аҳолисини газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхши йўлга қўйилганими?

— Туманда 23 минг 138 хўжалик яшайди. Уларнинг атиги 320 таси табиий газ билан, 16 мингта яқини баллонли газ билан таъминланган. Қолганлари янтоқ, тезак, фўзапоя ва кўмирга зўр беришади. Қишлоқларимиз ёнидан магистрал газ қувурлари ўтган бўлса-да, уйлар, мактаблар, болалар муассасалари, шифохоналарда иситиш ночор аҳволда. Шарқда «Сув бу — ҳаёт!» деган нақл бор. Чироқчи районидаги «Москва», Охунбобоев номли, Максим Горький номли, «Кизил Юлдуз» хўжаликларининг аҳли ёзда бир қултум ичимлик сувга зор бўлиб яшамоқда. Ариқлар, район худудидан оқиб ўтадиган Қашқадарё ўта ифлосланган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Қашқадарёни асл ҳолига қайтариш, ҳамма хонадонларни табиий газ билан таъминлашни депутатлик сўровига киритган бўлардим. Чироқчида уй-жой таъминоти ёмон аҳволда. Томорқа ажратиш, қурилиш материаллари етказиб бериш ва уларни арzon нарҳда сотишда назорат ўрнатиш ҳақидаги ҳукумат қарорлари ҳам ҳали бажарилмаяпти.

— Чироқчи туманида мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, шифохоналар, акушерлик пунктлари, клублар, кинотеатрлар хизмати ҳозиргача ибтидоий аҳволда деб айтишади. Шулар ҳақида мулоҳазаларингизни айтсангиз?

— Дарҳақиқат, шундай, тумандаги шифохона, боғча, клуб, кинотеатр, кутубхоналар район аҳли эҳтиёжларини мутлақо қондирмайди. Иш сифатининг пастлигини айтмай кўя қолайлик. 41 мактаб авария ҳолатида. 36 минг 600 боғча ёшидаги болага 35 та боғча нима бўлади? Болаларни боғчаларга жойлаштириш навбатида турган ота-оналарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хўжаликларда оиласвий боғчаларни жорий этиш бу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўлидир. Шунингдек, истироҳат боғи, спорт иншоотлари, чойхоналар, клублар қуришга эътиборни кучайтириш лозим. Чироқчи районида темир йўл йўқ. Узоқ ўлкалардан кел-

тириладиган қурилиш материаллари, кўмир, ун ва бошқа маҳсулотлар Яккабоғ станциясидан ташиб келтирилади. Темир йўлни 12 километрга чўзиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

1989 йил Чироқчидаги 2 минг 250 киши сариқ касали билан оғриди, 920 аёл камқонлик касалига йўлиқди. Болалар ўлими ҳам ҳар йили 300 тани ташкил этмоқда. Бу мисоллар районда медицина хизматининг нақадар ночор эканлигини кўрсатади. Шу боисдан районда аҳолига медицина хизматини яхшилаш комплекс планини ишлаб чиқиш керак.

— Республикализнинг шаҳар ва қишлоқларида экологик танглик ҳукм сурмоқда. Ерлар минерал ўғитлардан зўриқмоқда. Чироқчи районидаги экология, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини нималарда кўрасиз?

— Бошқа жойларда бўлгани каби Чироқчидаги ҳам экологик ҳолат ёмон. Туманда 103 минг 740 гектар майдонга экин экиласди. Ҳар йили 8 минг 574 тонна минерал, 6848 тонна маҳаллий ўғит ишлатилмоқда. Деҳқон баъзан қистов, баъзан кўр-кўрони заҳарли химикатлар билан ерни зўриқтируммоқда. Экологик тангликни вужудга келтирмоқда.

Бу ўринда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида ҳам бир неча оғиз сўз айтиш керак. 7—10 фарзанд тарбия-лаётган оналарга қўшимча нафақа тўлаш, газ, электр, кўмир, ем-хашақдан фойдаланишда уларга имтиёзлар бериш, давлат нархида гүшт маҳсулотлари, камёб кийим-кечаклар билан таъминлашда сўздан амалий ишга ўтиш лозим. Қишлоқ аёлларининг яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш учун уларнинг зиммасидаги оғир юмушлардан халос этиш, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухорода ҳарорат 50—60 даражага кўтарилиганда ҳам саратон иссиғида қора терга тушиб ишлаётган аёлларимизга қўшимча ҳақ тўлаш масаласида депутатлик сўровини киритишимиз керак.

Чироқчи шаҳрида, «Москва», Охунбобоев номли, «Коммунизм», Максим Горький номли ва бошқа қатор ҳўжаликларда Улуф Ватан уруши ва Афғонистонда ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг номи қайд этилган ёдгорлик ўрнатиш, уларнинг номларини агадийлаштириш муҳим ишдир.

— Ҳаракат дастурингизда жумҳуриятимизда таълимтарбия ишларига мустақиллик бериш масаласи ҳам борми?

— Жамиятнинг келажагини ёшлар белгилайди. Қачонки, жамият ўз ёш аъзоларининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғуллансагина ўша жамият узоқ яшашга қодир. Дарвоҳе, оталаримиз тутган йўлнинг хато экалигини англаб етдик. Ёзишларича, бир пайтлар Японияда иқтисодий танглик рўй берганда мутахассислар аҳволни пухта ўрганиб, маориф соҳасидаги ишларни яхшилаш керак, деган холосага келган эканлар. Японлар ҳозирги тараққиётнинг камол топишини ўша пайтда маорифга ажратилган ва ўз вақтида сарфланган харажатлар ҳосиласи деб қарашар эди. Зоро, маорифга АҚШда миллий даромаднинг 6,1 фоизи сарфлангани ҳолда мамлакатимизда 2,7 фоиз маблағ ажратилган. Агар биз бугун мактаб ўқувчисига чуқур билим берсак, эртага ундан олам-шумул ихтиrolар сламиз. Бунинг устига сабоқ усуслари ибтидоий аҳволда қолиб кетган. Биз 72 йилдан бери кимлар гадир тақлид қилиб, бирорлардан андоза олиб яшашга интилиб келдик. Шу боис маънавий ўзлигимизни йўқотдик. Бу муаммолар Чироқчи райони аҳолисига ҳам бегона эмас.

— Диний эътиқод, қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Чироқчидаги аҳвол қандай?

— Бугунги кунда Чироқчидаги 5 мингга яқин намозхон яшайди. Улар районнинг турли хўжаликларидан анча йўл босиб, район марказидаги яккаю ягона эски, тор мачитга қатнайдилар. Бу уларда анча-мунча қийинчиликлар тудирмоқда. Районда ва хўжалик марказларида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида бир неча хайрия концертлари ташкил этиб, ундан тушган маблағни мачитлар, қариялар чойхонаси қуришга ҳамда қабристонлар атрофини ободонлаштиришга сарфлайман.

30—50-йилларда қатағон этилган кишиларнинг хотирасига бағишлилаб «Ёднома» телекўрсатувини ташкил этаман. Уруш ва меҳнат ветеранлари, қаровчисиз оилалар ҳамда етим болаларга моддий ёрдам бериш мақсадида ҳар йили телевизион марафон ташкил этиб, ундан тушган маблағнинг бир қисмини чироқчилик қарияларга, етим-есирларга берилишини таъминлайман. Шунингдек, Ўзбекистон телевидениеси, марказий ҳамда қардош республикалар телекўрсатувларини сифатли курсатиш учун Чироқчи район худудида кучайтиргич телеминора қуришни амалга ошираман.

Чироқчиликларнинг ютуқлари, муаммолари, қувонч ва ташвишларини республика телевидениесида мунтазам ёритиб боришини, туманнинг ўтмиши, бугунги ва ёрқин келажаги ҳақида ҳикоя қилувчи «Чироқчи чироқчилари» номли видеофильм тайёрлашни ўз зинмамга оламан.

— Сизга депутат бўлишингизда омад тилаймиз!

«Қашқадарё ҳақиқати» газетаси, 1990 йил 7 апрель

## ИЛК УЧРАШУВ

Барча номзодлар иштирокидаги ilk учрашув 1990 йил 5 апрель соат 10 да район ижроия комитетининг мажлислар залидаги бошланди. Йигилишини раис ўрийбосари Ж. Жўраев бўлиқарди.

Учрашув анча осойишта ўтди. Фақат номзод Исмат Хушев алфавит бўйича мен охирида сўзлашм керак, деб туриб олди. Номзодлар унинг таклифига қарнилил курсатмади.

Номзодлар орасида энг Кекаси — Янгибой Жўраев маъшаққатли ҳаёт йулини босиб ўтган инсон. Ёшлигидан арава ҳайдаб, рўзгор тебратишга кўмаклашган. Унинг қалбидаги уруш кулфатлари тош булиб қотиб ётибди.

Янгибой ота Н-Жаҳон уруши фронтларида жон олиб, жон берди. Оқибатда бир оғенини Смоленск учун булган жангларда ташлаб келди. Урушидан сўнг у Тошкент қўйлоқ хўжалиги техникуминий тамомлаб, 45 йил хўжаликда бош ҳисобчи булиб ишлади. Ҳозир совхоз меҳнат ва уруши ветерандари кенгашининг райси.

— Мен гапга чечан эмасман, — деди Янгибой ота ўз сўзида. — Фақат амалий ишни, эл-юргита наф келтиришни тан оламан. Чироқчининг шароитини, одамларниң турмушини яхши билмаган одам депутат бўлса, ундан элга нима фойда? Афсуски, орамизда шундай номзодлар ҳам йўқ эмас...

Ўзингиз биласиз, чироқчиликлар зийрак, айни пайтда бир оз қувроқ халқ. Энг муҳими, одам танийди. Гапга оғиз жуфтламасингдан ичингдагини билиб олади...

— Аввал иқтисод, кейин сиёsat, дейдилар. — Турмушимиз ночор, қишлоқлар тўзғиган, йўллар бузук, тоза ичимлик суви етишмайди, — деди яна бир номзод, Чироқчи ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг директори Ҳамид Раҳматул-

лаев. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, иқтисодни мустаҳкамлаш керак.

Чироқчидаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан билдирилаётган таклифлар ҳам бир-биридан фарқ қиласарди. Яна бир номзод — 105-автохўжалик директори Эгамберди Шерматов экан. У Чироқчида етиштирилаётган маҳсулотларнинг нархини ошириш юзасидан ўз таклифларини билдириди.

Навбатдаги номзод — Чироқчи пахта тозалаш заводининг директори Эшдавлат Усанов шундай деди:

— Мен аниқ таклифларни, муаммоларнинг амалий ечимини топишни маъқул кўраман. Чироқчига темир йўл келтириш ниҳоятда зарур. Ҳозир ҳисобимизда 3 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ бор. Корхонамиз темир йўл масаласини ўз маблағи ҳисобидан ҳал қила олади.

Чироқчидаги муаммоларни ҳал қилиш, яна бир номзод — область йўл курилиши бошқармасининг бошлиғи Фофир Қодировнинг сайловолди дастуридан ҳам кенг ўрин олган экан. У ўз сўзида «Москва» ва М. Горький жамоа хўжалиги орасида «Қашқадарё» купригини қуришга аллақачон киришганини маълум қилди.

Чироқчидаги сайловнинг ўзига хослиги шунда эдики, бир мавzedan уч нафар журналист депутат бўлиш учун кураш олиб борди. Бу ҳам камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди.

Худди аввалдан келишилгандек, менга навбат берилишига ўн дақиқа қолганда залга бир тахлам газета қўлтиқлаганча менинг ишончли вакилларимдан яна бири Фулом Faфуров кириб келди. У тўғри аэропортдан келаётган экан.

Навбат менга келганда Фарҳод Бобожонов телевидение-даги фаолиятим ҳақида қисқача сўзлади. Фулом Faфуров эса сўзини жуда қисқа қилди: у қўлидаги «Ёш Ленинчи» газетасининг 1990 йил 5 апрель сонини залдагиларга кўрсатиб, бугун газетада чоп этилган «Элнинг Ўрол боласи» мақоламни барчага ўқиб чиқишини тавсия этаман, —деди. Ўйлайманки, бу гал чироқчиликлар ўз оғзидагини олдириб қўймайдилар. Чироқчиликлар Ўрол Ўтаев номзодига, унинг Ўзбекистон ҳалқ депутати бўлиши учун баҳамжиҳат овоз берадилар...

Шундан сўнг менга сўз беришди.

Ў. ЎТАЕВ: Мен кўп гапириб вақтингизни олмайман. Сайловолди дастуримни «Олға» газетасида тўлиқ эълон қилганман. Ҳаммаларингизга яхши маълумки, Чироқчи республикамизда муаммолар тўпланиб қолган район ҳисобланади. Мен пойтахтда ишлаганим билан Чироқчининг энг олис қишлоғида туғилиб ўсанман. Шу боис элимнинг барча қувонч ва ташвишларидан яхши хабардорман. Жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, турмушимизни ўзгартириб бўлмайди. Шундагина чироқчиликлар ҳам рўшнолик кўради. Биргина мисол, қарийб 40 минг тонна дон етиштирган чироқчиликлар аллақачон ўзи етиштираётган буғдойининг тансиқ таъмини аллақачон унутиб қўйишган...

— Мен сизлар билан учрашувга ишончли вакилсиз келдим, — деди номзодлардан яна бири, «Иқтисод ва ҳаёт» журнали бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Исмат Хушев. Шу боис ўзим ҳақимда ўзим гапираман. Ҳозир мен борйуги 30 га кирдим. Москва Давлат университетининг журналистика факультетини тамомолаб Шаҳрисабз шаҳар ижроия комитетида ишладим. Сўнг Қарши Пединститутида комсомол секретари бўлдим. Тўғрисўзлигим учун у ерда тазиикча учрадим. Сўнг ўз хоҳишим билан армия хизматига кетдим. Хизматдан қайтиб «Саодат», «Ўзбекистон маданияти»да ишладим. У ерда ҳам менинг устимдан юмaloқ хатлар ташкил этиб, номимни бадном қилдилар... Лекин мен ўз позициядан чекинмай келаяпман.

Агар чироқчиликлар мени депутат этиб сайлашса, ҳеч ҳам адашмайди. Чунки менинг қўлимдан келмайдиган иш йўқ. Қисқа вақтда тоза ичимлик сув масаласини ҳал қилиб, 6 ойда Чироқчини тўла газлаштираман.

Темир йўл масаласини аллақачон тегишли идоралар билан келишиб қўйганман.

У сўзини тугатаётиб, «қани чапак», — дея залга мурожаат қилдики, бу учрашув иштирокчиларининг энсасини қотирди.

\* \* \*

8 апрелда иккинчи расмий учрашув Охунбобоев жамоа хўжалигининг клубида ўtkазиладиган бўлди. Шу куни

Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, режиссёр ва актёrlар Файрат Убайдуллаев, Турдибек Содиқовлар мажлисга одам йигилгунча бир нечта миниатюра ва ҳангомалар айтиб, халқнинг бироз кайфиятини кўтарди. Маҳаллий қизиқчи Эгамберди Тўраев бир нечта ҳофизларга тақлид қилиб, улар номидан «номерлар» ижро этди...

Алфавит бўйича Ж. Боймиров ва унинг тарафдорларига биринчи сўз беришди. Унинг ишончли вакилларидан бири мен ҳақимда шундай деди: «Кимки Ўрол Ўтаевни қўллаб-куватлаб овоз берса адашади. Чунки у Тошкентнинг жин кўчаларидан бирида яшайди. Агар уни сайласанглар адашасизлар. Аввало, у депутат бўлса, бу ерда қорасини ҳам кўрсатмайди. Бизнинг ҳолимиздан хабар ҳам олмайди».

Иккинчи бўлиб сўз олган қишлоқ мулласи ҳам менинг шаънимга куракда турмайдиган гаплар айта бошлади. Залдагилар менга нисбатан бу хилдаги муносабатдан ҳайратдан ёқа ушлашди. Ниҳоят, адолатсизликка чидай олмаган прокурор ёрдамчиси, шогирдим Мажид Бобоёров мажлисни бошқараётган жанобга мурожаат қилишга мажбур бўлди:

— Сиз нега ҳайкал каби томошабин бўлиб ўтирибсиз? Вазифангиз нимадан иборат эканини ҳис этасизми? Мажлисни бошқариш қўлингиздан келмаса, бу залдан чиқиб кетинг, — деди. Бу вазиятдан орияти қўзиган эл оқсоқолларидан Раҳмат ва Эгамберди боболар мулланинг қўлидаги ҳассасини улоқтириб, ўзини судраб кўчага олиб чиқиши. Шу пайт сайловчилардан бири кутилмагандан менга савол билан мурожаат қилди.

**САВОЛ:** 8 та номзод билан курашга тушишдан олдин туғилган қишлоғингизга бориб, отангиз мозорини зиёрат қилдингизми?

Ў. Ў. — Жуда оғир савол бердингиз. Менинг шу даражага етишимда раҳматлик отам Ўтаган бобонинг хизматлари бекиёс. Отам бир сўзли, дангал, донишманд одам эдилар. Ҳар бир гапида халқ мақоллари ва ибораларини қўшиб сўзларди. «Номи чиқмаган йигитдан, номи чиқсан тепа яхши», «Нонни катта тишлисанг ҳам, гапни катта гапирма», «Болам, борига қаноат қил», «Бироннинг бурнини беҳудага қонатма»...

Отам раҳматли ёшлигидан курашчи, чавандоз сифатида ном қозонган. Кексайганда ҳам қари саман оти билан четдан улоқ чопган. Шунинг учун ҳам үнинг тахаллуси «Ўта четгир» эди. Шу боис депутатлик баҳона Чироқчига келганимда, биринчи бўлиб отамнинг қабрига бориб, битта жонлиқ сўйдирашиб, қишлоқ қарияларининг дуосини олдим. 8 та номзод билан курашда менга отамнинг қўлини, йўлини берсин, — деб ниyat қилдим...

Мажлис энг авжига чиққан паллада домла Аброй Эркаев менга элимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов ташриф буюрганини маълум қилди. Нуриддин ака тўғри Андижондан келаётганини маълум қилди. Мен ҳофизга, аввало эътибори учун миннатдорчилик билдириб, бекор овора бўлиб-сизлар-да, бизларда вазият анча мураккаб, — дедим.

— Худо ҳаққи, Ўрол аканинг бизнинг келишимиздан ҳечам хабари йўқ. Биз халқ хизматкоримиз. Шахсан мен ҳамма номзодларга омад тилайман, — деди ҳофиз бироз хижолат бўлиб.

Ж. Боймиров тарафдорларидан бири эса очиқчасига агар Ўтаевни қўллаб концерт берсангиз клубга ўт қўямиз, машиналарингнинг соғ жойи қолмайди, деб пўписа қилди. Ярим соат миқ этмай ўтирган ҳофиз секингина ўрнидан туриб ташқарига йўл олди...

Шу тариқа нафақат Чироқчи, балки Қашқадарёга тужу сўйсангиз ҳам келмайдиган машхур ҳофиз баъзи бир ғаламис кимсаларнинг баттоллигидан ранжиб торининг филофини ҳам ечмасдан изига қайтиб кетди....

**Изоҳ:** Орадан 2 ой ўтгач, Нуриддин Ҳамроқулов ним табассум билан хонамга кириб келди. Мени сайловдаги ғалабам билан табриклагач, энди вазият ўзгаргандир, қачон Чироқчига концерт қўйгани борамиз, — деди жиддий қиёфада. Мен минг истиҳола билан ҳалигача туманда масжид йўқлиги, хайрия концергини Чироқчидаги эмас, балки Ангренда ўтказиб, тушган маблағга заводдан фишт олиб масжид қурилиши учун жўнатсак, дея қариялар таклифини ўртага ташладим.

Туман марказидаги оқ фиштдан тикланган қариялар масжиди диёнатли, бир сўзли, эл ардоғидаги ҳофизнинг хайрияси эвазига 1992 йили бунёд этилган эди.

Кечкүрун барчамиз (каминанинг тарафдорлари) қайним Мухторнинг уйига йиғилдик. Ҳамманинг кайфияти тирриқ. Айниқса, Тошкентдан келган дўстларимнинг бутунлай ҳафсаласи пир бўлган.

— Дўстим Ўрол, — деди, чуқур уф тортганча Икромжон. — Сиз ўзи кимларга, нимангизга ишониб депутатликка номзодингизни кўрсатдингиз? Туғилган жойингизда, қариндош-уруғлар орасида аҳвол шундай бўлгач, бошқа сайлов участкаларидан нимани кутасиз?! Мен номзодимни қўйганимдан минг бор пушаймон эканлигимни тан олиб, улардан узр сўрадим.

Шу пайт давра тўрида ўтирган Шуҳрат Жабборов ҳеч кимнинг хаёлига келмаган гап билан совуқ сукунатни бузди:

— Дўстларим, — деди Шуҳрат кўзи ёниб, — бугунги йиғилиш бизнинг фойдамизга ҳал бўлди. Йиғилишда асоссиз бўлса-да, айтилган аччиқ гаплар нафақат Ўрол, балки унинг қариндош-уруғларининг ҳам кўзини мощдек очди. Кўтчилик бу галги сайлов аввалгилардан бутунлай бошқача ўтишини юрақдан ҳис этди. Бугундан бошлаб Ўрол ака тарафдорларининг сони камида 2 баробарга ошиди. Хулас, чекинишга ўрин йўқ, ғалаба биз тарафда...

Бу гапдан барчанинг елкасидан оғир юқ тушиб, уларнинг қалбida умид учқунлари яна порлай бошлаганди...

Эргасига Шуҳрат Жабборовнинг таҳминлари тўғри бўлиб чиқди. Охунбобоев жамоа хўжалигидаги йиғиндан сўнг бизнинг тарафдорлар, айниқса, қариндош-уруғлар ғимирилаб қолишиди. Хўжалик икки қисмдан: «Пахтакор» ва «Дашт» участкаларидан иборат эди. Унинг «Дашт» қисми Торжилғадан Оқчовагача бўлган кенгликларда яшовчи 5—6 та қишлоқдан иборат бўлиб, аҳолиси асосан, ғалла ва чорвачилик билан шуғулланарди.

«Пахтакор» ҳудуди эса 50-йилларда ана шу қишлоқлардан кўчирилган одамлардан иборат эди.

Хўжаликнинг «Пахтакор» ҳудуди гўё футболдаги терма командани эслатарди. У ерда Торжилға, Батрак, Пўстин, Мозорли, Большевик, Жар қишлоқларидан кўчиб келганлар яшарди. Шунингдек, 10—15 хўжаликдан иборат «эски

охунлик»лар деб номланувчи (40-йилларда Шахрисабз, Китоб туманидан кўчиб келган) аҳоли яшарди.

Торжилғадан кўчиб келган Худойберди чўнг, Тулабой, Жонқобил, Бойқобил, Элмурод, Холмурод, Прим, Фармон, Парда, Ҳайит, Жомурод, Эшбадал, Эшмурод, Эсон, Алмат автолидан тарқалиған 30 хонадон эди. Эртаси куни кечқурун элнинг оқсоқолларидан бири, ёш бўлса-да, қишлоқнинг кайвониси, отамнинг жияни, вилоят молия бошқармасининг бош тафтишчиси Шодмон Абдиев хонадонига таклиф этилдик. Шу куни барча қишлоқ вакилларидан иборат Шодмон Абдиев раислигида нуфузли гуруҳ тузилиб, унинг таркибига Жўра Тангиров, Хушвақт Ҳасан, Элмирза Маҳманов, Яхшибой Бекназаров, Маҳматмурод Итолмасов, Маҳмадмурод Ўсанов, Берлиёр Диллаев, Қора Жўраев, Қўйли Усмонов, Ўрол Ибодуллаев, Рўзикул Жомғиров, Толиб Эсиргадиев, Нурқул Назаров, Соатмурод Абдулазизов, Ўрол Жабборов, Тилов Култоев, Абрај Эркаев, Ёкуб Ҳамроев, Аҳмад Дўхмаров, Дўхли Усанов, Соатмурод Ёрматов ва бошқа элнинг обрўли кишилари киритилди.

Икки кун ичида мени қўллаб-қувватловчи Мойли Ашурров раҳбарлигида «дамлик»лар, Кенжа Жуман, Расул Шодиёров, шоир Жўра Алимардон бошчилигида зиёлилар, дўстларим Қалқон Жамолов ва Маҳман Қурбонов бошчилигида «синфдошлар», Девона Аннаев бошчилигида «батраклик»лар гуруҳи иш бошлади...

Шу баҳонада «Пахтакор» ва «Дашт» участкалари орасида «Олтин кўпприк» бўлган бир камтарин инсонни эслаш ўринлидир.

Қарийб 40 йил (35—70-йилларда) «Торжилға» ва «Батрак»да бригадир, ферма мудири, партком секретари, колхоз раиси, қишлоқ совети раиси лавозимида ҳалол, фидойилик курсатиб ишлаган Дилла Сафаровдир. У киши худди ёш боладек содда, беғубор, дарёдил раҳбар эди.

**Изоҳ:** Мен Ўзбекистон Олий Советига депутат этиб сайлангач, 1992 йили собиқ «Ўзкомпартия» хўжалигига унинг номини қўйдириб, олийжаноб бир инсоннинг номини абдийташтирдик.

## РАМАЗОН ОТАНИНГ ЖАЙДАРИ ФАЛСАФАСИ

Навбатдаги расмий учрашув 11 апрель куни «Москва» совхози клубида ўтказиладиган бўлди. Йиғин кутилмаган ҳангомаларга бойлиги билан аввалгиларидан фарқ қилиди. Мажлис бошланишидан ярим соат аввал бу ерга пойтахтдан машҳур актёр ҳамда таникли шоира кириб келди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзини айта оладиган дўстим Икромжон кутилмагандан шоирани сўроқقا тутди: «Сиз кимга тарафдор бўлиб келдингиз? Ўролгами ёки Исматга?»

Опа кутилмаган саводдан бироз эсанкираб қолди. Икромжон сўзида давом этди:

— Юрт Ўролники. Унинг чироқчиликларга кўп меҳнати сингтан. Эли ҳам уни ардоқлайди. Сиз ҳам аслида Исматдан кўра Ўролни яхшироқ биласиз...

Бу гаплардан шоира бир оз хижолат бўлиб шундай деди:

— Ахир уни шахсан Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўзлари қўллаб турибди-ку!

Бу жавобдан энсаси қотган Икромжон қулини силтаб, ўзини четга олди. Шу пайт учрашувларга ҳамиша ёлиз келадиган Исмат Хушев бир автобус ёш йигитлар билан кириб келди. Соат 10 да йифилиш бошланди.

Исматнинг командаси залнинг олдинги қаторидан жой олиши. Алфавит бўйича барча номзод ва унинг ишончли вакилларига сўз берилди. Мен ҳакимда Икромжон ва Шухрат Жабборов гапиришди. — Мен дастурим матбуотда эълон қилингани боис атиги уч минут гапирдим. Менга сайловчилардан бири шундай савол берди:

— Номзодлардан бири йўл қурувчи — ҳамма жойни асфальт қилиш билан овора, пахга заводи директори керакли одамларга чигит ва шулха тарқатмоқда. Қолганлари ҳеч бўлмаса, қоп-қоп ваъда бераяпти. Сизда эса униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Айтингчи, темир йўл бўйича шахсий фикрингиз қандай?

Ў. Ўтаев: — Темир йўл ҳеч қачон одам ташиш учун келмайди. Чироқчи ғалла маскани, чорванинг кони. Чироқчиликлар 50 минг тоннадан зиёд ғалла етиштираётган

бўлсада, лекин ўзлари тўйимли, калорияга бой, жануб офтобида пишган ўз буѓои унига эмас, балки Россиянинг офтоб кўрмаган оқ унига кўнишиб қолишган. Хуллас, туманда ун ишлаб чиқарадиган кичик заводлар, нон цехлари, колбаса тайёрловчи, терини қайта ишлаш корхоналари қурилса, қалашиб ётган маҳсулотларни ташиш учун темир йўл ўзи келади.

Ниҳоят, сўз таниқли актёрга берилди. У минбарга чиқиб, гап бошлишга энди чоғланганда, унга қишлоқ оқсоқолларидан бири Пирназаров шундай савол берди:

— Биз сизни жуда яхши биламиз ва ижодингизни севамиз. Сиз машҳур актёrsиз. Шогирдингиз Исмат Хушев қайси театрда ишлайди? (Залда кулги.)

Актёр: — Исматжон артист эмас, журналист. У «Иқтисод ва ҳаёт» журналининг бош муҳаррири...

САВОЛ: — Сиз нафақат театрда, балки телевидениеда ҳам ажойиб роллар ижро этгансиз. Сиз бош ролни ўйнаган қатор фильмларнинг муҳаррири, ташкилотчи ва ташаббускори бугунги номзодларнинг бири Ўрол Ўтаевдир. Шундай бўлгач, нега Ўрол Ўтаевга эмас, балки Исмат Хушевга ишончли вакил бўлиб келдингиз? — дея мурожаат қилди элга машҳур Жомурод полвон.

Актёр: (И. Хушев қолиб, мени мақташга тушиб қетди.)

— Ўролжон менинг энг қадрдан укам. У телевидениенинг чинакам жонкуяри. «Ойнаи жаҳон»даги ўнлаб яхши кўрсатув ва видеофильмлар шахсан унинг ташаббуси билан кўйилган. Мен унга омад тилайман...

Кутилмаган, лекин адолатли саволлардан бир оз ўзини йўқотиб кўйган актёр Исмат ҳақида ҳам умумий гаплар гапирди.

Ниҳоят, сўз шоирага берилди. У на мен, на Исмат ҳақимизда бир оғиз ҳам сўз айтмай, битта шеър ўқиши билан кифояланиб, тезда зални тарк этди...

Исматнинг «ёшлар командаси» ҳам ўз вазифаларини аъло бажаришди. Унинг гапларини чапак, бошқа номзодларнинг сўзларини шовқин-сурон ва ҳуштаклар билан бўлиб туришди. Йиғилишни бошқарган масъул ходим Жўра Маманов охирги сўзни Чироқчи элининг оқсоқолларидан бири, меҳнат фахрийси Рамазон Аликуловга берди.

Р. АЛИҚУЛОВ: — Азиз меҳмонлар! Фуурли, ориятбоз Чироқчи элига хуш келибсиз! Чироқчиликларда битта ўзига хос хислат бор: улар эгилганга эгилади — бурни ерга теккунча, кеккайганга кеккаяди — боши кўкка етгунча. Чироқчиликлар табиатан содда, лекин бир оз кувроқ. Улар бир қарашаёқ одам танийди. Меҳмоннинг ниятига яраша жавоб қиласди. Мени минбарга чиқишига ёш номзоднинг куракда турмайдиган ваъдалари мажбур этди. Чунки у бугун «чиройли» ваъдалари эвазига энг кўп чапак олди. Лекин у бу чапак ҳам унинг гапларидек ёлғон эканлигини ҳис этмади. Бугунги йигинда унинг Чироқчини олти ойда газлашираман, — деган гапи ҳаммасидан ошиб тушди. Мабодо, осмондан труба ёқсанда ҳам Чироқчи олти ойда газлашмайди. Ука, ҳали ёш экансан, бироқ, эртароқ депутатлик дардига йўлиқибсан-да. Бир кун депутат ҳам бўларсан, лекин бу сафар эмас. Чироқчиликлар бу гал адашмайди. Уларнинг эл севган ўз номзоди бор...

\* \* \*

Бизнинг команда укам Жабборнинг уйида жойлашгандик. Шу ўринда қарийб бир ой давомида кечани кечаш, кундузни кундуз демай, беминнат хизмат қилган келиним Моможон ҳамда тандир-тандир иссиқ нон ёпган қайнонам Момохол момога алоҳида раҳмат айтгим келади.

12 апрель куни тинимсиз ёмғир ёғди. Натижада, ҳеч қаерга учрашувга бора олмай, уйда қамалиб ўтиридик. Кечга яқин элимизнинг оқсоқолларидан бири, Охунбобоев жамоа ҳўжалигига қарийб 30 йил раис бўлган, 70 ёшдан ошган бўлса-да, доимо кўзлари чақнаб турадиган зийрак отахон Абдулла Юсупов ҳузуримизга кириб келди. У бир оз ҳангомалашиб ўтиргач, «Ўролжон, бугун чимқўрғонлик дўстим, эл оқсоқоли Овлаёр бобонгнинг илтимосини бажарсак», — деди менга синовчан тикилиб. — У кўпдан буён сиз билан бир пиёла чой устида гурунг қилишни орзу қиласди. Мана, ёмғир ҳам тинди. Бугун айни мавруди.

Биз уч киши бўлиб дўстим Қалқоннинг машинасида Овлаёр бобонинг қишлоғига йўл олдик. Овлаёр Қораев Абдулла Юсупов билан деярли тенгдош, у киши ҳам кўп

йиллар бригада бошлиғи, ҳосилот, ферма мудири вазифаларида ишлаган обрӯли инсон эканлигини эшигтан бўлсамда, ҳечам сұхбатдош бўлмагандим.

Овлаёр бобонинг уйига кириб борганимизда аллақачон қоронғу тушган эди. «Сени кўрганимдан хурсандман, болам, — дея сўз бошлади Овлаёр бобо. — Адашмасам, сен яқинда 40 га кирасан. 1950 йилнинг фалла ўрими мавсумида мен сизларнинг қишлоқларингизга райондан вакил бўлиб бориб, бир ой уйларингизда яшаб, тузларингизни еганман. Сен ўшандаги 2—3 ойлик чақалоқ эдинг. Мана бутун қирчиллама йигит бўлиб, депутатлик курашида от солиб юрибсан. Отанг раҳматли элнинг орияти учун ўн кунлаб суришадиган мард, танти, бир сўзли инсон эди. Илоҳо, арвоҳи сенга мададкор бўлсин. Болам, менинг қишлоғимда 500 га яқин сайловчи яшайди. Улар сен билан фахрланишади. Телевизорда номинг чиқса ёки ўзинг кўринсанг, қишлоқда қўй сўйилади. Дангалини айтсам, сен бизнинг қишлоққа учрашувга келиб ўтирма. Бошқа участкаларни мустаҳкамлайвер. Яқинда номзодлардан Қодиров келиб, кўчангизни асфальт қилиб берайин, эвазига қишлоғингиз менга овоз берсин, деди. Мен унга бизнинг сайлайдиган ўз депутатимиз бор, у Тошкентда яшайдиган Ўрол Ўтаев, деб жавоб бердим...»

## УСТОЗЛАР ТАШРИФИ

1990 йил 13 апрель кечкурун кутилмаганда бизнинг штабга икки буюк инсон — адабиётимиз жонкуяри, академик Матёқуб Қўшжонов ҳамда санъатимиз дарғаси — Ўзбекистон халқ артисти, профессор Таваккал Қодиров ташриф буюрди. Бирининг қўлида бир таҳлам «Ўзбекистон маданияти» газетаси, иккинчисининг қўлида садаф билан нақшланган тор. Домла Қўшжонов газеталарни менга тутқазаркан, топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек, мен сенга 5 та газета олиб келдим, деди. Газетанинг 12 апрель сонида домланинг мен ҳақимдаги «Юрт фарзанди» номли ихчамгина мақоласи ҳамда расмим ўрин олганди. Бир пиёла чой баҳонасида ташкил этилган кичик даврада дўстим, ишончли

вакилларимдан Шухрат Жабборов сабри чидамади шекилли, қироат билан мақолани даврадагиларга ўқиб берди. Мақола шундай сатрлар билан бошланарди: «Халқимиз ошкоралик ва демократия шарофати билан ўзлигини англаб етмоқда. Қатағон йиллари йўқотилган маънавий қадриятларини тиклаб, ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилмоқда...

231-Чироқчи сайлов участкасидан жумхурият халқ депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар орасидан истеъ-додли адабиётшунос Ўрол Ўтаевнинг номини учратиб беҳад кувондим...

Мен Ўролни талабалик йилларидан яхши биламан. У ўша пайтлардаёқ адабий жараёнга ўз муносабатини билдирав, кези келганда адабиёт илмидан сабоқ берувчи устозлар билан ҳам баҳслаша оларди...»

Ҳажман кичик бўлса-да, сермазмун мақола якунида: «...Чироқчилик сайловчилар ўз юртдошларига юксак ишонч билдиришиб, хато қилишмаган. Башарти, у депутат бўлиб сайланса, бундан ҳар икки томон манфаатдор бўлади. Биринчиidan, сайловчиларнинг армонлари ушалса, иккинчиidan, парламентимизнинг халқ олдидаги нуфузи янада ортади», деган сўзлар битилганди. Буюк ҳофиз ижросидаги «Доғман», «Ўхшайдику?», «Фарғона тонг отгунча» қўшиқлари даврага яна ҳам файз бағишлади...

Икки оқсоқолни дўстим Қалқоннинг уйига жойлаштирадиган бўлдик. Йўл-йўлакай икковларинг қандай учрашиб қолдинглар, аввал унчалик таниш эмасдинглар шекили, дедим.

Редакцияларингда Норхўроз Раҳимов деган муҳаррир йигит бор экан. Ўша сабабчи бўлиб, бизлар домла билан танишиб қолдик, деди Таваккал ака. Мен ундан Чироқчига қандай борсак бўлади, десам, «шошманг, сизга шерик топиб бераман» дея, дабдурустдан Қўшжонов домланинг уйига қўнфироқ қилиб қолди. Домла ҳам сиздан хабар олишни ният қилиб юрган экан шекилли, иккаламиз тезда бизнинг «оқ тулпор»га ўтириб, қайдасан Чироқчи дея, йўлга тушдик. Ҳар иккала устознинг бир-бирига ўхшаш одатлари ҳам бор экан. Улар ҳар куни тунда бир, тонг саҳарда 1,5—2 соат кўчада сайр қилишни канда қилмас экан. Ўша оқшом тунги сайрга мен домлага, Қалқон Таваккал акага шерик бўладиган

бүлдик. Домла сайрни бир оз гина-кудуратдан бошлади. — Кейинги пайтларда негадир ўзингни мендан олиб қочадиган одат чиқаздинг. Ёшиңг ҳам қирққа бориб қолди. Бошқа шогирдларимдан кўра сендан умидим катта эди. Ўтизга кирмасданоқ докторликни ҳимоя қиласи, деб ўйлардим. Ҳалигача номзодликдан дарак йўқ... Узоқ ўйлаб кўриб, шундай хуносага келдим. Барчасига ўзим айбдор эканман. Менда шогирдларимга нисбатан талабчанлик етишмас экан.

Акаларинг Маҳмуджон, Меҳливой, Аҳмад Аъзам ҳам адабиётга лов этиб, ўз айтар сўзи билан кириб келганди. Уларни ҳам ҳавас билан шогирдликка олгандим. Ҳар учаласи ҳам «талантли ялқов» бўлиб чиқди. Сен ҳам акаларингнинг йўлидан кетаяпсан.. Аслида «талантли ялқовдан, талантсиз меҳнаткаш» яхши экан. Битта шогирдим бор, уни талантсиз дея олмайман, лекин ўта меҳнаткаш. У 50 бет ваъда қилиб, муддатидан олдин 100 бет ёзиб келади. Шу кунларда 700 бетлик докторлик диссертациясини ёзиб тутатди. Унинг тенг ярмини қисқартириш билан оворамиз...

— Домла, мен бир воқеа сабаб илмдан бир оз совуганман.

— Хўш, хўш, — деди домла бир оз сергакланиб.

— «Танқид ва услуг» босилиб чиқсан кезлар. Китобга кетма-кет 4 та ижобий тақриз эълон қилинди. Барча минимумларни топшириб, диссертация ички муҳокамасидан ўтгач, гё осмонда учеб юрган онларимда, жараённи ўрганиш мақсадида битта оғайнимнинг диссертация ҳимоясига бордим. Ҳимоя олдидан 2 та ҳамфир фан докторини учратиб қолдим. Улардан бири гап бошлади: — Китобингни ўқидим, баҳоси бир тийинга қиммат. Унда Қўшжоновни 55 марта, мени бор-йўғи бир марта танқидий мисол учун тилга олибсан.

— Китоб асосан Матёкуб аканинг ҳаёти ва иходига бағишланган бўлгач, унинг ўрнига кимни тилга олишим керак...

— Шуни яхши билгинки, бизлар тирик турсак, сени ҳимоя қилдирмаймиз, — деди у зарда билан.

Мен ҳам қўлимни дуога очиб, бўлмаса сизлар ўлгандан кейин ҳимоя қиласман, дея ўзимни улардан четга олдим.

— Чакки қилибсан, бу қилифинг бургага аччиқ қилиб, кўрпани ёқсандай гап. Ҳимояда 2 киши қарши турса, бу табиий ҳол. Ҳатто 3 та қарши бўлса ҳам ўтиб кетардинг. Мен сенга битта «сир»ни очай. Мен 15 йилдан бўён адабиёт бўйича

Москвадаги Олий Аттестация комиссияси вакилиман. Адабиётта оид Ўзбекистондаги барча диссертациялар менинг маслаҳатим билан тасдиқланади.

Энди илмдан кечиб бутунлай арбоб бўлиб кетмоқчимисан?

— Йўқ, ҳимоя қилиш ниятим йўқ эмас. Лекин адабий таңқиддан эмас, фольклор ёки телевидение соҳаси бўйича.

— Маъқул. Фольклор муаммоларига оид тадқиқотларингда ҳам янгича қарашлар мавжуд. Айниқса, Шеробод баҳшичилик мактаби деярли қўл урилмаган соҳа...

Депутатлик баҳонасидаги суҳбатдан сўнг орадан 4—5 йил ўтди. Барibir расмий равишда диссертация ёзib, уни ҳимоя қилмадим. Лекин домлага берган ваъдаларимнинг бир қисмини бажардим. Фольклор муаммоларига бағишлиланган «Дунёга тенгдош хазина» монографиям чоп этилди. Ушбу асар адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, 1995 йилда Халқаро Маҳмуд Кошфарий мукофотига сазовор бўлдим.

1996 йилнинг кузида совриндор китобга дастхат битиб, ёнига ҳали чоп этилмаган «Бахшилар сардори» қўлёзмамни қўшиб, домланинг хузурига бордим. Домла китобни вараклаб чиққач, «Эҳтимол, сенинг йўлинг тўғридир. Куруқ, расмий диссертациядан кимга нима фойда. Кутубхонанинг бир чеккасида сарғайиб ётарди. Ўқимишли тилда ёзилган китобни қанча зиёли, талаба, адабиёт муҳлиси ўқийди. Сендан мингдан-минг розиман. Чироқчида айтган аччиқ гапларим учун узр сўрайман. Бу ишингни изчил давом эттири. Икки йилда битта китоб ёзсанг, ўнта диссертациядан афзал». Мен домлага «Бахшилар сардори»нинг қўлёзмасини қолдириб, у киши билан хайрлашдим. Орадан икки кун ўтгач, домла сўз боши тайёр эканлигини айтиб, қўнғироқ қилди.

Домла «Тадқиқот ва камолотнинг машаққатли йўли» номли сўз боши ёзib қўйган экан. Унда шундай сўзлар битилганди: «Эътиборингизга ҳавола этилаётган замонавий баҳши-шоирларнинг етакчиси, марҳум Қодир Раҳим ўғли ижодига бағишлиланган мазкур илмий ва холис тадқиқот ҳам сизларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддаман».

Атоқли олим М. Қўшжонов билан устоз-шогирд сифатида самимий муносабатимиз, у киши умрининг охиригача давом

этди. Домла шу йилларда қирққа яқин катта-кичик китоблар чоп эттириди. Уларнинг барчасини ўқиб, деярли кўпчилигига ўз муносабатимни билдиридим. Шу тариқа «Адабиётимиз жонкуяри» ижодий портретдан ташқари 15 дан ортиқ тақриз ва мақолалар ёзиб, матбуотда чоп эттиридим. Домла ҳам менинг ижодимга бефарқ қарамади. Китобларим юзасидан 4 та мақола чоп этди. Домлани хотирлаш баҳонасида унинг ўзига хос маҳорати ҳақида қисқача тұхталмоқчиман.

Адабий тур ва жанрлар кўп, улар тинимсиз ҳаракатда. Шу боис адабиёт ўз майдонига кириб келган ҳар бир ёзувчининг ижодини холис таҳлил қилиб берадиган, ҳар бир асарга етук дид, донолик ва жонкуярлик билан ёндашадиган, унинг қийматиниadolатли тарзда белгилай оладиган ҳакамларга, заршуносларга, яъни адабий танқидчиларга катта эҳтиёж сезади. Бу адабиёт заршунослари ҳар бир ёзувчининг ютуқлари нимада, ҳали забт этмаган чўққилари қайси, унинг йўл қўйган камчиликлари нималардан иборат эканлигини далиллар билан исбот қилиб берадилар.

Адабий танқидчи ва адабиётшунос сифатида ўзига хос мактаб яратган Матёқуб Кўшжонов адабиётимиз баҳти учун туғилган серқирра, илм доираси кенг олимларимиздан эди.

Ўзбек адабиётида бирор мұхим муаммо, бирор йирик ёзувчи йўқки, бу ҳақда олим ўз мулоҳазаларини билдирамаган бўлсин. Матёқуб Кўшжоновнинг адабий-танқидий қарашлари асосан икки соҳада тўла намоён бўлган. Олимнинг танқидчилик билан назарий масалаларни муштарак ҳолда қўллай олиш маҳорати «Ижод сабоқлари», «Маъно ва мезон», «Талант жилолари» китобларида ёрқин кўзга ташланади. «Ойбек маҳорати», «Абдулла Қодирийнинг тасвиrlаш санъати», «Абдулла Қаҳҳор сатираси» асарларида маҳоратшунос олим эканлигини тўла намоён этган. Унинг қирқ беш йиллик адабиётшунослик фаолиятига назар ташласак, унинг асосий тадқиқот манбай ўзбек адабиётининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор каби атоқли ёзувчилар ижоди эканлиги яққол кўзга ташланади.

Тадқиқотчи А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор ҳақидаги тадқиқотларида уларнинг ўзига хос санъатини очиб бериш билан бирга, ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисм-

лари бўлган қодирийшунослик, ойбекшунослик ва қаҳдоршуносликни янги босқичга кўтарди. Олимнинг Ойбек ижодига бағишлиланган илк тадқиқотлари бундан олтмиш йил илгари яратилганди.

Матёкуб Кўшжоновни адабий жамоатчиликка танитган илк мақоласи Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романи ҳақида эди. Танқидчи ва олимлар томонидан жуда кўп марта қаламга олинган бу машхур романни домла ўзига хос янгича бир усул билан тадқиқ қилган. Йўлчи образини илмий мантиқ асосида гўё қайтадан яратган эди.

Олим «Ойбек романларида характерларни тасвирлаш маҳорати» номли илк китобида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб маҳорат масалаларини талқин қилди. Ўз фикрларини баён этишда ўзига хос йўл излаётганини амалда кўрсатди. Айниқса, бу тадқиқот Ойбек романларидағи образларнинг ривожини ижтимоий муҳит, шароит билан чамбарчас боғлиқ ҳолда текшириш нуқтаи назаридан ўзбек адабиётшунослигида янгилик бўлди.

Бу тадқиқотнинг ойбекшуносликка қўшадиган кашфларидан яна бири шундаки, муаллиф ёзувчилик санъатининг энг асосий ва муҳим томони бўлган характер яратиш маҳоратини текширишни танлаган ва бу мураккаб масалани тўғри ҳал қилган.

У Ойбек асарларидағи характерларнинг шаклланиши диалектик бирлиқда юз беришини, бу ҳол ёзувчи маҳоратининг ўзига хос томонларидан бири эканлигини конкрет мисоллар билан кўрсатишга эришди.

Шу боис, «Ойбек маҳорати»нинг яратилиши ойбекшуносликни янада юқори босқичга олиб чиқди, деб бемалол айтса бўлади. Демак, М. Кўшжонов бу асари билан адабий ҳодисага фақат назариётчи олим кўзи билангина эмас, балки санъаткор кўзи билан қарап, илмий тафаккурни бадиий тафаккур билан диалектик алоқада олиб бориш намунасини яратди.

Улкан ёзувчи «А. Қодирийнинг тасвирлаш санъати»ни биринчи марта атрофлича текшириб, илмий муомалага олиб киргандардан бири ҳам Матёкуб Кўшжоновдир. Олимнинг қодирийшуносликка қўшган хизматларидан яна бири А. Қодирийни нафақат ўзбек, балки Ўрта Осиё романчи-

лигининг асосчиси эканлигини маҳорат билан исбот қилиши-дир.

Олимнинг ўзига хос таҳлил қилиш санъати А. Қаҳдор ижодига бағишлиган тадқиқотларида янада бўргиб кўринади. Абдулла Қаҳдор ижодини таҳлил этишда асосий дикқат-эътиборини асосан бир нуқтага — Абдулла Қаҳдор асарларида ёзувчининг ижодий принциплари нималардан иборат эканлигини кўрсатиш ва шу асосда ёзувчининг ўзига хос услубини очиб беришга эришган.

Олимнинг Саид Аҳмад, Шуҳрат, О. Ёқубов, П. Қодиров, Т. Қаипбергенов, Ҳ. Ғулом, Ш. Холмирзаев, Ў. Усмонов, Ў. Умарбеков, Ў. Ҳошимов, Э. Самандар, О. Мухтор, Тоғай Мурод ва бошқа адилларимизнинг ёзувчилик маҳорати, ижодининг ўзига хос қирраларини очишга бағишлиган адабий портретлари ҳам нозик кузатишларга бойлиги, таҳлилнинг пухталиги билан ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади.

М. Қўшжонов китобларини кўздан кечирар экансиз, яна бир ўзига хосликка — образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келасиз. Тадқиқотчи «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Кутлуғ қон», «Навоий», «Сароб», «Синчалак», «Улубек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Олтин зангламас», «Одам булиш қийин», «Машъал», «Диёнат», «Жалолиддин Мангуберди», «Гирдоб», «Сунгги бекат», «Қиёфа», «Баҳор қайтмайди», «Отамдан қолган далалар» асарларидаги характерларни худди шу усулда — асар қаҳрамонларини бўлакларга бўлиб ташлаб текшириб, адабиёт-шунослик йўли билан қайта яратди.

\* \* \*

Сайловга икки кун қолганда штабимизга М. Горький жамоа хўжалигига яшовчи синфдош дўстим Ибодулла Абдуллаев кириб келди. У бир неча виждонсиз тарафдорларнинг ташаббуси билан ўзи яшайдиган хўжалик 100 фоиз Фофур Қодировга овоз берадиганини, улар уялмай Қуръони каримни ўртага қўйиб, вайда берганини айтиб, менинг олдимда қаттиқ хижолатли эканлигини баён этди. Лекин шундай бўлса-да, бизнинг қариндош-уруг, кўпчилик зиёли-

лар сизнинг тарафингизда. Эртага эрталаб бизнинг дашт участкамиз «Бўронжуз»га борайлик, у ерда 2 та мактаб бор. У ерда учрашув ташкил этсак, 50—60 та овоз йиққан бўламиз, деди. Эртасига тинимсиз ёмғир ёғиб турган бўлсада, қишлоқдаги ўрга мактабда учрашув ташкил этдик. Сайлов кунги сана-санада мактабдаги учрашувимиз ўз самарасини бериб, «Бўронжуз»дан 45 та овоз олдик. Агар шу овоз менга эмас, Қодиров ҳисобига ўтса, у иккинчи ўринни эгаллаши ҳам мумкин эди.

Учрашувлардаги яна бир воқеа умримнинг охиригача эсимдан чиқмаса керак. Сайловга атиги бир кун қолганда «Қизил юлдуз» ва М. Горький хўжаликлари чегарасидаги бир қишлоққа учрашувга бордик. Баҳор ойи бўлгани боис Қашқадарё пишқириб оқарди. Биз «Қизил юлдуз» жамоа хўжалиги чегарасидамиз. Қишлоқ клубида Тошкентдан келган иззатли меҳмон, академик Матёкуб Қўшжонов босиқлик билан сўзлар, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ёниб кўйларди. Бир пайт дарёning нариги қирғоғида 30—40 та одам пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти хотин-қиз, ёш бола ва қариялар эди. Уларнинг бир қисми сув кечиб кела бошлади. Қария ва ёш болалар мўлтирашиб, биз томонга нажот билан тикилишарди. Уларнинг илтижоли бокишиларига чидай олмаган шоир дўстим Икромжон биринчи бўлиб шимининг почасини қайирганича сув кечиб, нариги қирғоққа интилди. Унинг изидан шогирдларим Рамазон, Мажид, Ҳолиқул ва Эркинлар дарёning нариги қирғоғидаги қария ва ёш болаларни елкасига орқалаб, биз томонга олиб ўтишди... Ана шу ҳодисалар сабаб, мен номзодлик чоғимда ваъда бермаган бўлсам-да, район ҳокими Рашид Норбўтаевнинг ёрдами туфайли 1992 йилда икки хўжалик орасида кўприк қурилиб, ишга туширилди. Натижада, қишлоқ аҳлининг асрий орзуси амалга ошиди.

\* \* \*

Сайлов арафасида эрталаб соат 10 да пахта заводида маслаҳат кенгashi бўлар экан, — деган хабар келди. Мен у ерга етиб борганимда, райкомнинг собиқ биринчи котиби Толмас Тиллаев, «Москва» совхозининг директори Усмон

Раҳимов, район коммунал хўжалигининг бошлиғи Нормўмин Маҳматқулов ҳамда депутатликка уч номзод — Жўра Боймиров, Эшдавлат Усанов ҳамда Эгам Шерматовлар кутиб туришарди. Мен улар билан самимий кўришдим.

— Ҳамманг ўзаро курашда чарчагансизлар, бугун даштга чиқиб дам оламиз, — деди Толмас ака.

Барчамиз машиналарга ўтириб Чироқчининг дашт зонасига қараб йўл олдик. «Кўкдала»дан ўтиб, янги очилган «Наврўз» совхози ҳудудига бурилдик. Шинам курилган ҳовлига кириб борганимизда, у ерда бизни яна бир неча район фаоллари — Эсон Каримов, Бойсафар Жовлиев ҳамда хонадон соҳиби, совхоз директори Жумабой Бойбеков кутиб олишди.

Ҳаво булут, ёмғир томчилаб тургани боис барчамиз уйга кирдик. Ичкарида дастурхон чиройли безатилган, унда баҳор ноз-неъматларининг барчаси муҳайё эди. Тезда лаганларда барра қовурдоқ ва ширвуз шўрва келтирилди. Шишалар очилиб, пиёлаларга куйилди. Даврани Нормўмин Маҳматкулов бошқарди. Ҳамма бир оз қизишигач, собиқ биринчи котиб Толмас Тиллаев салмоқлаб гап бошлади: «Қариндошлар, бугун бу ерга эзгу мақсад билан йифилдик. Ўртада бегона йўқ. Дангал айтадиган бўлсам, ҳар биринг бемалол битта районни бошқаришга қурби етадиган кадрсизлар. Мана, сайловга ҳам уч кун қолди. Кучларни бирлаштирумасак, ўртадаги улоқни «бегона»лар илиб кетади. Айниқса, шахрисабзлик йўл қурувчи Фофир Қодиров билан Исмат Хушевни анча хавфли дейишяяпти. Бобойдан (Янгибой Жўраев) кўрқмасак ҳам бўлади. Лекин эшон (Ҳамид Раҳматуллаев) ҳам анойилардан эмас. Район марказидаги учта участка тўлиқ унга овоз берса керак. Аммо биз бирлашсак, ҳеч ким бас кела олмайди. Ҳозирги вазият эса Криловнинг машхур масалидаги воқеани эслатяяпти...»

Жуда тўғри таклиф, деди тўрда ўтирган Ашур Бердиқулов. Менимча, Эшдавлат Усанов ёки Жўра Боймиров учун кучларни бирлаштирайлик. Эшдавлат кучли иқтисодчи. У депутат бўлса, камида битта район раҳбари бўлади. Жўра ака эса адолатпарвар инсон.

— Менинг дилимдагини топиб айтдингиз. Ҳақиқатан ҳам Эшдавлатни қўлласак, у Чироқчининг келажагини белги-

лайдиган кадр бўлиб етишади, — деди уй эгаси Бойбеков.

— Менимча, Ўрол Ўтаевни танласак адашмаймиз. У ёш, шу билан бирга республика миқёсидаги таниқли шахс, — деди Эсон Каримов босиқлик билан.

Ўролжон депутат бўлиши шарт эмас, у барибир республикада обрули одам. Журналистдан район, область миқёсидаги раҳбар чиқиши қийин. Энг муносаб номзод Эшдавлат. Гапни чўзмасдан бир қарорга келайлик, — деди Ашур ака.

Иложи бўлса, бугуннинг ўзида Ўрол билан Эгам сайлов комиссиясига ариза бергани маъқул. Эгамга «Қизил юлдуз»даги бигта қишлоқдан бошқа ҳеч ким овоз бермайди. Ўролжон нимага ишониб бу ерга келган. Мен ҳалигача яхши тушунмаяпман, — деди. Ўзининг қишлоқдошлари (Охунбоевдаги учрашувни кўзда тутиб) унга қандай муносабат билдириди. Кейинги сайловда унинг атрофида маҳкам бирлашамиз, деди Ашур Бердиқулов. Сўнг таклифимни овозга қўяман, —деди у мағрут ҳолда. Маъқуллаймиз, деб жур бўлишди кўпчилик. Эсон ака ва Бойсафар қарши бўлди. Нормўмин Маҳматқулов, Усмон Раҳимов бетараф эканлигини билдириди.

Бойбеков пиёлаларга ароқ қуиб: «Мен икки номзод — Эшдавлат Усанов ҳамда Жўра Боймиров фалабаси учун қадаҳ кутараман», —деб таклиф киритди. Унинг гапини кўпчилик чапак билан маъқуллашди. Ҳаммасига жим чидадим, охирги таклиф менга ёмон таъсир қилди. Қўлимдаги ароқни бир чеккага тўкиб ташлаб, бугунги меҳмондорчилик учун ҳаммаларингга раҳмат, — дея ўрнимдан турдим.

— Ҳа, Ўролжон, —деди Толмас ака бироз хижолат бўлиб.

— Ариза ёзгани, — дедим мен киноя билан.

Менга қўшилиб Эсон Каримов ҳам ўрнидан қўзгалди. Бир оздан сўнг оёқяланг ҳолда олдимга Бойсафар Жовлиев етиб келди. Қолганлар эса ўрнидан ҳам қўзгалмади.

Бойсафар акадан ҳеч бўлмаса Еттитомгача элтиб кўйишни илтимос қилдим. У қишлоққа борасизми ёки районга, деди ҳовлиқиб. У ҳамон ҳаяжонини боса олмасди.

— Албатта, районга-да, — дедим. — У ерда мени ҳақиқий маслакдош дўстларим кутяпти...

\* \* \*

Ниҳоят, 15 апрелга белгиланган қайта сайловлар кунига ҳам етиб келдик. Шу куни эрталаб Тошкентдан яна бир нечта меҳмон — ён қўшним, профессор Некбой Раҳматов, хотини Раҳимахон, қадрдон акаларим Муҳаммад Усанов, Нурқул Ибрегимов ҳамда турмуш ўртоғим Гулбаҳор етиб келишди.

Биз ишончли вакилларим билан ҳеч жойга чиқмасдан, дам олишга қарор қилдик.

Кечки саккиз-тўқизлардан бошлаб бирин-кетин сайлов участкаларидан маълумотномалар кела бошлади. Биринчи хабар М. Горький сайлов участкасидан келди. Энг кўп овоз — 1357 та Фоғир Қодировга. Менга атиги 68 та. Иккинчиси «Москва» сайлов участкасидан. Энг кўп овоз Янгибой Жўраевга — 1066 та. Менга эса 40 та. Учинчиси, тўртингчисида ҳам аҳвол деярли бир хил. Бу хабарлардан ҳаммамизнинг кайфиятимиз тушиб кетди. Мен аламимдан қўшним Некбой акага ташландим.

— Мен бутун тонг саҳар Тошкентга йўл оламан. Хотинларни олиб келган бўлсангиз, уларни олиб кетиш ҳам сизнинг бўйнингизда...

— Хўп бўлади, — деди Некбой aka ерга боққанича.

Кеч соат ўн бирда бизнинг қўчани қийқириқ, чапак босиб кетди. Жияним Маҳмарежаб, қайним Муродилла, шогирдим Эркин ҳамда божам Неъмат мени биринчи бўлиб табриклишди. Ҳаммамиз ҳайрон. Маълум бўлишича, мен учун ҳал қилувчи овозни Охунбобоев сайлов участкаси берибди. Уларнинг 1638 та овози мени 7-уриндан бира тўла 2-уринга олиб чиқибди. Оқибатда Жўра Боймиров ва мен 2-босқичга чиқибмиз.

\* \* \*

16 апрель куни эрталаб «Олға» газетаси редакциясига бориб, рақибим Жўра Боймировни дастлабки ғалаба билан табрикладим. Бир-биримизга омад тилаб, хайрлашдик.

Ҳақиқий ғолибни аниқлаш учун қайта сайлов куни 22 апрель — якшанба кунига белгилангани маълум бўлди. Шу куни рақибларимдан Ҳамид Раҳматуллаев ҳамда Янгибой Жўраев мени табриклагани келишди.

Эшдавлат Усанов билан Эгам Шерматов мени табриклишга бўйни ёр бермаган шекишли, қорасини ҳам кўрсатмади.

22 апрелда ўтказилган қайта сайловда сафдан чиққан номзодларнинг деярли барча овозлари менинг ҳисобимга ўтгани маълум бўлди. Рақибим Жўра Боймиров аввалги турда олган овозларини сақлаб қолибди, холос. Сайлов натижасига кўра умумий ҳисоб 76 га 22 бўлиб, менинг фойдамга ҳал бўлди.

\* \* \*

Сайлов баҳонасида ўттиз йиллик қадрдон дўстим, ишончли вакиларимдан бири Шуҳрат Жабборов фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Одатда, ҳар бир расмий учрашувда 8 та номзоднинг 20 дан ортиқ ишончли вакиллари иштирок этарди. Уларнинг ҳар бири обрули, гапга чечан инсонлар эди. Лекин сайловчиларнинг аксарияти таниқли журналист, жуссаси кичик бўлса-да, нутқи залворли, сўз устасини минбарга чиқишини интизорлик билан кутишарди. Беназир нотиқ, овози равон, образли, таъсирчан нутқи билан чироқчиликлар меҳрини қозонган инсон Шуҳрат Жабборовдир. У минбарга чиқиши билан нимаси биландир сайловчиларни сеҳрлаб оларди, теша тегмаган, халқона гаплари ҳар гал ўқдек мўлжалга етиб борарди.

У нутқида номзодларнинг ҳеч бирини камситмас, аксинча, кўкка кўтариб мақтарди. Сўзининг охирида ораларингда яна бир камтар номзод бор. У таниқли тележурналист, адабиётшунос олим, жамоат арбоби, энг муҳими, чироқчиликлар фахри — Ўрол Ўтаевдир. Унинг иккита ютуқ томони бор. Пойтахтда яшайди, иккинчидан, нуфузли идораларнинг бирида раҳбарлик лавозимида ишлайди. У истаган вазирлик ва идораларга бемалол кириб чиқиб, чироқчиликлар дардига даъво топа олади. Шу боисдан уни сайласанглар, ҳечам адашмайсизлар, дея маърузасини тугатарди...

Рақибим Жўра Боймировнинг уйи бизнинг қўналғага атиги 500—600 метр бўлса-да, унинг тарафидан мени ғалаба

билин табриклишга келмади. Шу куни тунда ғаройиб ҳодиса юз берди. Эрталаб ўрнимиздан турсак, менинг командаош дўстларимнинг (асосан, Тошкентдан келин мөхмонлар) бирорга ҳам оёқ кийими йўқ эди. Барчаси рақибимнинг одамлари томонидан ўғирлаб кетилганди. «Қашқадарёсвет» бирлашмаси Бош директори, укам Исоқ тезда бунинг йўлини топди. Барча мөхмонларнинг оёқ кийим размерларини ёзиб олиб, район марказига бориб, барчамизга оёқ кийим олиб келди. Шу куни пешинда барча хайриҳоҳ, фидойи юртдошларимга бир пиёла чой бериб, уларга миннатдорчилигимни билдиридим.

24 апрель куни Тошкентта этиб келиб, оила аъзоларим ва дўстларим билан 40 ёшга тўлганимни нишонладик. Депутат этиб сайланганим юбилейимга ўзига хос совфа бўлганди...

## ЧИРОҚЧИДАГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Чироқчи мен учун нафақат киндик қони тўкилган юрт, балки республика парламентига илк бор вакил этиб сайлаган ҳудуд ҳам ҳисобланади. Ҳар гал Чироқчининг танти, ориятли, бир сўзли одамлари билан дийдорлашар эканман, беихтиёр 1990 йилги сайловда ҳамюртларимнинг энг муҳим топшириғи кўз олдимга келаверади...

Бу борада ҳам омадим бор экан: «Пахта иши» деган тавқи лаънатни халқимиз бўйнидан олиб ташлашдек савобли ишга шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошқош бўлдилар. Айтиш мумкинки, истиқололга эришиш мақсади билан ўзбекнинг юзини ёруғ қилиш истаги бирбирига уйғунлашиб кетди.

Бугунги ёруғ кунларимизда шундай дориламон замонга этиб келгунча мамлакатимиз бошидан кечган неча-неча қора кунлар, албатта фарзандларимиз учун чўпчакдек туюлиши мумкин. Ҳусусан, мустабид тузум умри оёқлаётган маҳалларда миллатимиз шаънига, қадр-қимматига қаратилган бўхтону ўйдирмалар ҳали-ҳануз қалбимизни ларзага солади.

Ёшлиаримиз бугунги дориламон кунларга не бир азоблар эвазига эришганимизни чукурроқ англасин, ватанимизни,

истиқолимизни асрашда сабитқадам бўлсин, дея хотира-  
ларни қозогза туширдим.

Шахсан Президентимизнинг топшириғига биноан 1990  
йил 26 октябрда Республика Олий суди ва Прокуратура-  
сининг кўчма Ҳайъат йиғилиши «Пахта иши» бўйича энг  
кўп жабр қўрган туман (110 киши қамалган) — Чироқчида  
утказиладиган бўлди.

Чироқчидан сайланган Олий Кенгаш депутати ҳамда  
кўчма Ҳайъат йиғилишини ёритувчи тележурналист сифати-  
да мен ҳам бу тадбирда иштирок этадиган бўлдим. 26 октябрь  
эрталаб «Тошкент — Шаҳрисабз» рейси билан маҳсус само-  
лётда ўтгиз кишилик гуруҳ билан Чироқчига йўл олдик.  
Самолёт салонининг ўнг томонида Олий суд раисининг  
биринчи ўринбосари бошчилигида «оқловчи»лар, чап  
тарафда республика прокурорининг ўринбосари бош-  
чилигидағи «қораловчи»лар гуруҳи жой олганди.

Шаҳрисабзга етиб боргунимизча улар бир-бирига ёвқарашиб  
қилиб кетишли. Қораловчилар гуруҳи бу эзгу ишга ҳамон  
ишончсизлик билан қараётгани, қамалганларнинг барчаси  
остонаси тиллога айланган «хавфли кишилар» дея ўйлаётгани  
яққол сезилиб турарди.

Самолётдан тушгач, эрталаб соат 9 да маҳсус машинада  
Чироқчи район партия комитети биносига йўл олдик.  
Меҳмонларни биринчи котиб Рашид Норбўтаев бошчилигида  
район раҳбарлари кутиб олишди. Кун тартибини Республика  
Бош Прокурорининг ўринбосари В. Донцов белгилади: у  
чироқчилик жабрдийдалар рўйхатини қўлга олиб, улардан  
район маркази ва унинг атрофида яшовчи 3 та фуқарони  
сарапаб, яшаш шароитини ўрганадиган бўлди. Ишни  
Андижон пахтачилик институтини тамомлагач, Чироқчи  
пахта тозалаш заводида тўрт ой ҳам ишламасдан қамоққа  
олинган Неъмат Шукуров, Охунбобоев жамоа хўжалигининг  
собиқ бош бухгалтери Йўлдош Бозоров, Файзулла Хўжаев  
жамоа хўжалигининг собиқ директори, қишлоқ хўжалик  
фанлари номзоди Муродилла Обиддиновларнинг яшаш  
шароитини текширишдан бошладик.

Текширувни Неъмат Шукуров уйидан бошлаши. У  
заводга қарашли бир хонали ётоқхонада яшар экан. Ҳали  
фарзанд кўрмаган хотини ва бир кўзи ожиз онаси бизни

дод-фарёд билан қарши олди. Чунки у ҳали қамоқдан қайтмаган экан. Уйда на телевизор, на музлатгич бор. Күрпа-еёстиқлар сандық устига тахланган. Ўртага битта хонтахта қўйилган. Барча жараёнлар телелентага муҳрланди. В. Донцов одам тугул, ҳайвон яшашга ор қиласидан аҳволдан таъсирланиб, унинг уйи остонасидан бир мўралаб, ичкарига киришга журъат этмади.

Собиқ директор М. Обиддинов эски ҳаммомнинг биқинида жойлашган ҳовлида (атиги 4 сотих) икки келини билан яшар экан. Тўрт хоналик уйчаларда одам диққатини тортадиган деярли ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Хоналардан биттаси китобга лиқ тўла.

Ёши эндиғина 45 дан ошган бўлса-да, кўринишидан 60 дан ошган қарияни эслатувчи Муродилла ака қамоқдаги «саргузашт»ларини сўзлаб берди. Тошкентдай жойда тинчгина яшаб туриб, ҳалқимга нафим тегсин, дея юргита келган олимнинг кўрган оқибати шу бўлдими, дея кўзёш тўқди...

В. Донцов ва унинг гуруҳи собиқ директорга ҳеч нарса дея далда беролмай жимгина изига қайтишди.

Собиқ бош бухгалтер уйидаги ҳангомалар ҳаммасидан ошиб тушди. Йўлдошнинг онаси Курбон момо иккита невараси билан том устини суваш учун қазилган лойхандақ бошида ўтирган экан. У лой кўллари билан Бош прокурор муовини ёқасига ёпишди.

— Уйимдан икки кундан буён чакки томиб ётибди. Ўғлими ни қачон озод қиласан. Илоё, галстук таққан буйнинг узилсин...

Йиртиқ иштон кийиб олгани неваралари қўлига илинган нарсани уларнинг шериклари томон улоқтириди. Улар бир амаллаб қочиб қолишли.

Ноҳақ жабр кўрганларнинг аксарияти Чироқчининг дашт зонасида яшашади. У ерга маҳсус тайёргарлик билан боришимизга тўғри келади. Ичимлик суви 30—40 метр чуқурликдан эшак билан маҳсус идишда олинади. Шўр бўлгани учун уни барибир ичиб бўлмайди. Масофа ҳам анчагина узоқ. «Кўкдала» биз турган жойдан 60, «Шўркудуқ» эса 110 километр. Қишлоқларда девор йўқлиги боис, улар мол ўғриларидан кўрқиб, ҳар бир хонадон уйида 2 тадан ит сақлайди... Бош прокурор ўринбосари бу ҳолатни кўз олдига

келтириб тошдек қотиб қолди. Сұнг ерга қараганча шундай деди: «Менимча, у ерларга боришимизга ҳожат йүқ. Қолган масалалар Олий суд Ҳайъатининг йиғилишида ойдинлашади.» Йиғилиш соат 12:00 да бошланадиган бўлди.

Қизғин баҳс-мунозараларда республика прокуратураси вакиллари ҳам Олий суд Ҳайъати қарорини маъқуллашди. Фақат В. Донцов Чироқчининг собиқ биринчи котиби Толмас Тиллаевнинг тӯла оқланишига эътиroz билдириди. 30 дан ортиқ чироқчилик уруш ва меҳнат ветеранининг Т. Тиллаевни оқлаш тӯғрисидаги илтимосномаси, унинг касаллик варақаси, деярли барча собық хўжалик раҳбарларининг бизни қўшиб ёзишга мажбур қилган Тиллаев эмас, балки охирги икки йилда Қашқадарёга пахта терими пайтида Марказдан вакил бўлиб келган раҳбар эканлиги қайд этилган «Тушунтириш хатлари» асосида собық биринчи котиб номи ҳам оқланадиганлар рўйхатига киритилди...

Шу куни соат 5 да минг кишилик залда 110 та чироқчилик тақдирини оқлаш ҳақидаги қарор ўқиб эшигтирилди. Йиғилишда чироқчиликлар номидан сўз олган уруш ва меҳнат фахрийси Аҳмад Маҳмадустов шундай деди: «Чироқидаги бугунги тарихий воқеанинг ташаббускори ва ижрочиси Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовдир. У киши Қашқадарёда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йилларда ноҳақ жазоланган чироқчилик жабрдийдаларнинг бир нечтасини уйига бориб кўнгил сўраганига, яқин йилларда уларнинг юзи ёруғ бўлади, деган ишончли гапларига шахсан ўзим гувоҳ бўлганман. Мен ҳам жабрланганларнинг кўпчилигини яхши танирдим. Уларнинг аксарияти ҳалол меҳнати, ташкилотчилик лаёқати билан элда обрў топган кишилар эди...»

Шунингдек, йиғилишда сўз олган эл оқсоқолларидан Равшан Жўраев, Усмон Ҳамроевлар ҳам Президентимизга ўз миннатдорчилигини билдирилар.

Шу баҳонада ҳаёт йўли, тақдирни бир-бирига жуда ўхшаш икки инсон ҳақида қисқача тўхтамоқчиман.

Файзулла Хўжаев номли совхознинг собық директори Муродилла Обиддинов, «Чорвадор» совхозининг собық директори Тўлқин Ниёзов иккаласи ҳам Қашқадарё фарзанди, иккаласи ҳам 60-йилларда Қишлоқ хўжалик инсти-

тутида таълим олишган. Сўнгра сиртдан аспирантурада ўқиб, бир неча йил талабаларга дарс беришди. 70-йилларнинг охирида кетма-кет қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлишди. Ҳар иккаласи кўп фарзандли оила бошлиқлари эди. Иккаласи ҳам тинч, осойишта пойтахтда яшайвериши мумкин эди. Бироқ, 70—80-йиллардаги Чироқчининг ташаббускор райкоми Толмас Тиллаевнинг илтимоси, юрт туйғуси ҳамда илмий ишларини ҳаётга татбиқ этиш орзуси уларни 1980 йили туғилган юрти сари отлантириди.

Т. Тиллаев тавсияси билан улар иккита қолоқ хўжаликка раҳбарлик қила бошлади. Улар бор-йўғи 3—4 йил хўжалик раҳбари бўлиб ишлади. 1985 йилга келиб «пахта иши» қурбони бўлиб, қамоқقا олинди...

Келинг, яна бир мураккаб тақдирли инсон, йигитлик даврини Чироқчини обод қилишга сарфлаган марҳум Толмас Тиллаев ҳақида ҳам қисқача ҳикоя қиласай.

Маълумотига кўра юрист ва агроном бўлган Т. Тиллаев ўз юртига келгунча 7 йил қўшни Яккабоғ районида прокурор, маълум вақт Қашқадарё вилоят партия комитетида маъмурий органлар бўлими мудири вазифасида ишлаганди. 1974 йилда район партия комитетининг биринчи котиблигига сайланганида энди 37 баҳорни қаршилаганди. Ўн йиллик меҳнат файрат-шижоатга тўлиб ўтди. Пахта 23 минг тонна эди, 45 мингта етди. Ўн йил ичидан дон хирмони 40 минг тоннага, мева-сабзвот 10 минг тоннага, сут маҳсулоти 4 минг тоннага кўпайди. 15 та масив ўзлаштирилди, 10 та янги совхоз тузилди, 22 та мактаб, 15 та дўкон, 3 та қишлоқ хуартехника билим юрти қурилди. 300 километр йўлга асфальт ётқизилди, 200 километр канал бетонлаштирилди, районда янги шифохона, автокорхона, фабрика, пахта заводи пайдо бўлди. Хуллас, ўн йилда битта Чироқчи райони иккита бўлди. Унинг базасида Кўкдала тумани тузилди. Хўш, шу ишларнинг ҳаммасини Т. Тиллаев ўз қўли билан қилдими? Ўйқ, албатта. Лекин саркотибнинг ташкилотчилиги, саъй-ҳаракати бўлмаганди ишлар миқёси камроқ бўлиши мумкин эди. Умуман қурилишлар, бунёдкорлик юмушлари ҳақида сўз кетар экан, беихтиёр Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Олий Кенгаш сессияларидан бирида, «демократия деб қуруқ жар соловчи маҳмадоналар умрида битта ариқ қазиганмикан,

бир жуфт дараҳт ўтқазғанмикан», деган сұзлари ёдимга келаверади...

1985 йилнинг бошлари. Чироқчидა ҳам қатағон тизими-нинг совуқ шабадаси эса бошлади. Гдлян ва унинг югур-даклари бўлмиш ўзимизнинг гдлянчилар қамровни кенгроқ олиш пайида бўлдилар. Аввал районда энг катта бўлиб иш-лаганни илинтирсак, буёги «гаҳ» деса кўлга қўнади — ўзига хос ҳийла эди бу. Лекин баҳона зарур. Ўйлаб-ўйлаб униям топишиди: Т. Тиллаев уйида совуқ курол сақлаганлиги учун жиноят мажмуининг 210-моддасига биноан ҳибсга олинсин. Аслида эса, 1982 йилда Чироқчидаги Воронеж рус халқ хори дастаси концерт берганда район раҳбари меҳмонларга 3—4 та дўппи ва чопон совға қилганди. Бунга жавобан воронеж-лик санъаткорлар 2 та грампластинка ва алюминидан қилинг-ган рақс қиличини кўпчилик иштирокида эсадалик совға сифатида тақдим қилишганди. Қаранг, чинакамига Чехов айтган гап: «Агар томоша бошида саҳнада милтиқ осиғлиқ турса, охирги пардада у отилиши керак.» Санъаткорларнинг ўзбек саркотибига тортиқ қилган қиличи унинг қалбига бориб қадалса-я. Албатта, бу ўринда бояги 210-модда ёнига «навбатчи» модда — 149-ни ҳам туртиб қўйдилар. Борди-ю, биринчиси иш бермаса, мансабини суиистеъмол қилганини туфлаб ҳам ёпиштириш мумкин-да.

Районнинг қок марказида собиқ саркотибни машинага босиб тўғри Тошкентга — Ички ишлар вазирлигининг ертўласига ташлашди. У ердаги азобли ишловлар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам булади. Чунки Т. Тиллаевга тақдирдош бўлганлар ҳақида кўп ёзилган. Терговда ҳам, судда ҳам ҳеч ким унинг додига қулоқ солмади. Нима эмиш, Т. Тиллаев 1983 йил кузидаги пахтани қўшиб ёзишга бош-қош бўлганмиш. Ҳой, барака топкур, мен ўша мавсумда бетоб бўлиб ишга чиқолмагандим-ку?! Мана касаллик варақам, мана дўхтирларнинг гувоҳлиги, мана кўплаб одамларнинг тилхати. Наҳотки икки марта қилингандаги операция, юзлаб суқилган ниналар қўйилган айбни истисно этмаса?! Йўқ, «бало машинаси» ҳеч қандай далилни кўрдим демай, ўз домига тортаверарди. Суддан сўнг, жазони ўташ маскани. Толмас ака ўзининг 50 ёшини қамоқда қарши олди. Жудаям алам қилди, шу кунга тушаман деб уйқусиз тунларни ўтказғанмиди, ҳаловатидан кечғанмиди?! Ниҳоят, икки йилу беш ой дегандага озодликка чиқди.

1990 йил 26 октябрада Т. Тиллаев Ўзбекистон Олий Суди Ҳайъатининг қарорига кўра республика жиноят-процессуал мажмунининг 5-модда 2-қисмига кўра тўла оқланди. В. Донцев минглаб чироқчиликлар олдида сўзга чиқиб, собиқ прокурор ва райкомга ноҳақ жабр беришгани учун республика прокуратураси номидан узр сўради. Ҳамма бу гапни адолатнинг тўла тантанаси сифатида қабул қилди.

1990 йил.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

1990 йил 19 июнь. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Советининг иккинчи сессияси ўтаётган кунлар.

Мажлислар залининг 5—6 жойига кўчма микрофонлар ўрнатилган. Одатдагидек, ҳар бир микрофон олдида биринчи сессияда «ўзини кўрсатган» таниш қиёфалар. Сессиянинг иккинчи кунида депутатларга яна бир кўшимча ҳужжат — Мустақиллик декларациясининг лойиҳаси тарқатилди. Кимdir уни қувонч билан, кимdir кўзи олазарак бўлиб, хавотир ва ҳадик билан қўлга олди. Бир неча депутат сўзга чиқиб, декларацияни маъқуллади. Бироқ, раислик қилувчи уларнинг фикрига муносабат билдирамади. Шу пайт турна қатор турган депутатлар сафидан юзларидан нур ёғилиб турган, соchlарига оқ оралаган, кўркам, баланд бўйли нуроний инсон ҳам жой олди. Шу пайт мажлисни бошқараётган Олий Совет раиси тушлик яқинлашаётганини рўкач қилиб, сўз сўраётган депутатларни жойларига ўтиришга даъват этди.

Аксарият депутатлар микрофон олдидан тарқалиб, жойжойига ўтиришди. Оқсоқол эса 5-микрофон олдидан бир қадам ҳам жилмасдан, сўз сўрашда давом этди. Залдагилар, депутатларнинг аксарияти, раис бобога сўз берилсин, деяхитоб қилишди.

Ноилож қолган мажлис раиси 5-микрофонни улашга мажбур бўлди.

Иброҳим Файзуллаев ўз сўзини мажлис раисини танқид қилишдан бошлади:

— Нега ўзингиз регламентга амал қилмайсиз? Нима учун палончи депутатга бугуннинг ўзида 3 марта сўз бердингизу бизга ўхшаган вилоятдан келганларга эътибор қилмайсиз...

Танқиддан эсанкираб қолган мажлис раиси соатига қараб:  
— Тезроқ асосий мақсадга ўтинг, — дея унга илтижо билан тикилди.

Дүпписини бир айлантириб қайта бошига кўндирган раис бобо Мустақиллик декларациясининг моҳияти ҳақида сўзлай бошлади. Бир дақиқа ўтар-ўтмас Олий Совет раиси ўрнидан туриб кетиб: — Яна ўша гапми, — дея микрофонни қўлидаги қалам билан бир-икки урди.

— Бу шунчаки гап эмас, халқимиз тақдирини ҳал қиласидиган муҳим масала,— давом этди раис бобо. Тўғри, декларациянинг айрим баҳсли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бу муҳим масалани албатта депутатлар муҳокамасига қўйиш керак...

Бир оз довдираф қолган Олий Совет раиси тушлик учун танаффус эълон қилди. Танаффусдан кейинги йифинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Президент ўз маъruzасида сессия кун тартибидан ўрин олган Конституцион назорат ва ер тўғрисидаги қонунларга муносабат билдири. Сўнг депутатлар гурӯҳи томонидан тайёрланган Мустақиллик декларацияси лойиҳаси хусусида ҳам ўз фикрини баён этди. У кишининг тақлифи билан Мустақиллик декларацияси лойиҳасини қайта кўриб чиқувчи 7 кишидан иборат депутатлар гурӯҳи тузилди.

Эртасига, яъни 1990 йил 20 июнь куни Мустақиллик декларациясининг янги таҳrirдаги лойиҳаси сессия кун тартибига киритилиб, бир овоздан қабул қилинди.

Декларацияда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва давлат рамzlари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши кўрсатилганди.

1990 йил.

Ўзбекистон Олий Советининг учинчи сессиясида мени котибият аъзолигига сайлашди. Биринчи сессияни «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилган бўлсам, иккинчисини расмий депутат сифатида бевосита залда кузатдим. Ҳар иккала сессияни кузатиш орқали қалбимда бир оғриқли нуқта пайдо бўлганди. Яъни, сессия жараёнидаги салбий ҳолат: айrim амалпараст депутатларнинг экран баҳона ўзини ватанпарвар кўрсатишга интилиши, уларнинг хатти-ҳаракатларига мажлисга раислик қилувчининг хайриҳоҳлиги, республиканизнинг оддий бир фуқароси, депутат ҳамда телевидениенинг раҳбарларидан бири сифатида мени ажаблантирганди.

Учинчи сессиянинг биринчи куни ҳам, аввалгидек, айrim депутатларнинг миллатимизга мос келмайдиган хатти-ҳаракати, куракда турмайдиган гап-сўзлари билан бошланди. Сессиянинг иккинчи куни раислик қилувчидан сўз сўраб, минбарга чиқдим. Телевидение вакили ва депутат сифатидаги сўзим ва таклифим айrim депутатларга ёқмади. Мен бугундан бошлаб сессия материалларини тўлиқ ҳолда эмас, балки қисқартирган ҳолда, 2–2,5 соатлик вариантини бериш таклифини ўртага ташладим. Бу таклиф депутатларнинг давомли қарсаклари остида тасдиқланди...

Биринчи сессиядаги таклифи (сессияни тўлиқ кўрсатиш) бекор бўлгач, аламзада «демократ» ошкоралик қўмитаси раисининг муовини лавозимида ишлайдиган жаноб орадан кўп ўтмай маҳсус комиссия тузиб, радио фаолиятини тафтиш қилишга киришди. Мен ўша пайтда адабий-музиқий курсатувлар ижодий бирлашмаси директори лавозимида ишлардим.

1991 йил 12 февралда республика телерадио қўмитаси мажлислар залида текширувнинг якунига бағишлиланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда юқорида тилга олинган комиссия раиси мени демократияни бўғувчи деб баҳолаб, шаънимга нолойиқ гаплар айтди... 1992 йил январь ойида телерадиокомпания раисининг ўринбосари лавозимига тайинлангач, (бор-йўғи 21 кун ишлаган бўлса-да, барибир,)

мен билан «ҳисоб-китоб» қилишга улгурди. Яъни, мени адабий-музиқий ижодий бирлашма директорлигидан бош муҳаррир лавозимига ўтказишга эришди. У ишдан кувилгач, адолат тикланиб, телевидение Бош директори лавозимига тайинландим.

## ЕТТИНЧИ СЕССИЯ САБОҚЛАРИ

1991 йил 30 сентябрда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари еттинчи сессияси ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари ҳақидаги қонунга Конституциявий Қонун мақоми берилди.

Сессияда «Ҳокимият тармокларининг бўлининши ва уларнинг хамжихат иш олиб боришини таъминлаш масалалари» юзасидан Президент Ислом Каримов маъруза килиб, ҳалқимизнинг азалий орзуси бўлмиш мустакилликни мустаҳкамлаш учун барча ҳокимият тармоклари биргаликда харакат килиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Муҳокама чоғида ҳокимиятта интилувчи айrim депутатлар ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни бузишга, унга хос бўлмаган ваколатларни ҳам олиб беришга уринди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам ҳокимиятта талпина-диган бу ашаддий амалпарастлар ўз мақсадларига эришиш учун, ҳатто Олий Кенгаш билан Президент ўртасига нифоқ солишга ҳаракат қилди.

Сессия давомида кўпчилик депутатлар бир оз эсанкираб қолиб, уларга ўз вақтида кескин зарба беришга улгурда олишмади.

Шу пайт Президентимиз Ислом Каримов микрофонни кўлга олиб, вазиятга тўғри баҳо бериш учун маслаҳат кенгаши ўтказайлик, деб сессия ишига танаффус эълон қилди. Ўн-ун беш дақиқадан сўнг кичик мажлислар залида барча вилоят ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатлардан вакиллар таклиф этилиб, маслаҳат кенгаши бошланди.

Маслаҳат кенгашида депутатлардан С. Усмонов, М. Қаюмов, И. Файзуллаев, Ф. Омонов, П. Қодиров, Ҳ. Шарофиддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, «бундай қалтис вазиятда барчамиз Президент атрофида жипсласишимиз, шу тариқа айrim депутатлик ниқобидаги нияти бузуқ кимсаларга муносиб зарба берайлик,» — дейишли. Шунингдек, маърузачилар

бугунги сессиянинг чигаллашувида шахсан Олий Кенгаш раиси айборд эканлигини ҳам эътироф этишиди.

Маслаҳат кенгашида мен ҳам сўз олиб, айрим таклифларимни ўртага ташладим:

— Мұхтарам депутатлар, сўнгги сессияларда минбар кўпроқ амалпараст, бирор соҳа бўйича мутахассис бўлмасада, ўзини қўрсатишга интилаётган депутатлардан бушамай қолди. Ошкоралик, демократия ниқобидаги нияти бузуқ айрим депутатларнинг хатти-ҳаракати менталитетимизга ярашмайдиган даражада хавфли. Улар шу кунгача йигилиш залларида ўрнатилган қўшимча микрофонлардан гаразли мақсадлари йўлида фойдаланяпти.

Ориятли, ўз соҳасини яхши биладиган кўпчилик депутатлар уларнинг орқасидан учинчи ёки тўртинчи бўлиб навбатда туришни ўзига эп кўрмасдан, сукут сақлаб ўтирибди. Бундан буён Олий Мажлис ва қўмита раислари навбатдаги сессия олдидан кимнинг қайси масалада сўзлашга маънавий ҳукуки борлигини белгилаб олсин. Шунда халқимиз ўз манфаатини ўйловчи, эгоист депутатлардан кутулиб, ўз соҳасининг билимдони бўлган, мұхтарам Президентимизга садоқатли, ҳалол ва фидойи депутатларга кўпроқ минбар тегади...

Тушликдан кейинги сессия тинч ва осойишта давом этди. Мажлисни бошқараётган раиснинг хаёли бир оз ўзига келиб, ҳар бир масала бўйича ўз соҳасининг билимдони бўлган депутатларга сўз берила бошланди...

**1991 йил.**

## **ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ МАРДОНА ЖАРАНГЛАМОФИ КЕРАК**

1990 йил 24 марта Ўзбекистон Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти лавозимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сессия Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлади. Олий Совет Қарори билан Маданият, фан, ҳалқ таълими ва маданий меросни асрар қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг янги Мад-

ҳиясининг матни ва мусиқасини ишлаб чиқиши вазифаси юклатилди.

Янги йил арафасида қўмита томонидан Давлат мадҳияси матни ва мусиқаси бўйича танлов эълон қилинди. Низомга кўра танловда иштирок этувчи ижодкорлар яширин имзотахаллус билан қатнашиши шарт эди.

1991 йилнинг баҳори. Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан «Наврӯз» — илк бор умумхалқ байрами сифатида тантана қилинди. Ўзбекистон халқ шоири Абдула Ориповнинг 50 йиллик юбилейи ана шу тадбирларга бевосита уланиб кетди. Шоир ижодига бағишлиланган тантаналар унинг туғилган юрти Қашқадарёда бўладиган бўлди. Илк мушоира 3 апрель соат 10:00 да Чироқчининг чорраҳаси «Еттитом»да ўтказилди.

Апрелнинг бошида Чироқчи кенгликлари мисли жаннатга айланади. Фир-фир эсаётган шабада, далаларни гиламдек қоплаган лолақизғалдоқлар ажиб манзара касб этади. У ерда маҳсус зал бўлмаса-да, мушоира қизигандан қизиди. «Еттитом» атрофидаги барча қишлоқлар: Торжилга, Батрак, Аннарӯз ва Кўқдаладан одамлар оқиб кела бошлиди. Қарийб 2 соат давом этган мушоирани чироқчиликлар оёқда тик турганча кузатди. Элимизнинг таникли шоир ва адиллари О. Ёкубов, Ж. Жабборов, И.Faфуров, Н. Нарзуллаев, М. Юсуф, А. Суюн, М. Мирзодарнинг шоир ҳақидаги дил сўзлари ва шеърлари уларнинг қалбидаги абадий муҳрланиб қолди.

Карши Давлат университетига кириб борганимизда вақт пешиндан ошганди. У ердаги мушоирани адабиётшунос олим Иброҳим Faфуров бошқарди. Кечкурун вилоят театри залида шоир қаламига мансуб «Жаннатга йўл» асарини томоша қилдик. Эргасига эрталаб А. Ориповнинг киндик қони тўкилган гўша — «Некуз» қишлоғига йўл олдик...

У ерда ҳеч қандай расмий учрашув бўлмади. Некузликларнинг фахри бўлмиш «Қўнғиртов» этакларига халқ байрамларига хос 3—4 та ўтов тикилиб, унинг атрофига гилам ва кўрпачалар ташлаб қўйилганди. Ҳаво ҳам гўё халқ сайлига мослашгандек, 25 даражада атрофига иссиқ. Осмонни юпқагина булат қоплаган.

Шу куни соат учларда дабдурустдан вилоят ҳокимлигининг масъул ходими, иқтидорли олим Абдураҳим Эр-

каев шошилинч етиб келди. У меҳмонлар билан қуюқ сўрашиб, дастурхон нерьматларидан бир оз танаввул қилгач, мени чеккага тортди: «Ўролжон, мен сизни Қаршига олиб кетгани келдим. Буни ҳеч ким билмагани маъқул. Эртага Олий Кенгашда муҳим йиғилиш бўлар экан. Сиз депутат сифатида, албатта қатнашишингиз шарт экан. Бу ҳақда шахсан Пиримқул Қодировнинг ўзлари қўнғироқ қилди. Бугун соат бешдаги рейсга билет буюртма қилганман. Ижодий гуруҳингиз bemalol ишини (улар учрашув ва мушоираларни суратга олаётган эди) давом эттираверсин».

Орадан ярим соат ўтгач, бизлар Қаршига йўл олдик.

Ярим йўлга етганда машина рулини бошқариб бораётган Абдураҳим Эркаев секин гап бошлиди:

—Эртанги йиғилишда Давлат мадҳиясига тақдим этилган шеърлар муҳокама қилинаркан. Бугунги тадбирда иштирок этаётган шоирларнинг аксарияти ушбу танловда қатнашган бўлса керак. Шунинг учун асосий мақсадни уларга сездирмадим. Ўртада бегона йўқ. Кўпчилиги сизга қадрдон. Кейин хижолатбозлик...

Ўролжон, ушбу танловда барча шоирлар тахаллус билан қатнашгани боис, буни ўзига хос лотерея, дейиш мумкин. Зўрлар қолиб кетиб, ўргамиёна шоирлар улоқни олиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу ҳаётий ҳақиқат. Фикримга исбот шарт эмас. Собиқ СССР мадҳиясикнинг муаллифи А.Твардовский, М.Светлов, Р.Гамзатов, Қ.Кулиев эмас, балки С.Михалков ва Эль Регистон. Ўзимизнинг (ҳозиргача фаолият кўрсатаётган) мадҳия автори ҳам F.Фулом, Зулфия, Миртемир эмас, балки Темур Фаттоҳ...

1991 йил 5 апрель эрталаб соат 10 да Олий Кенгашнинг Маданият, фан, ҳалқ таълими ва маданий меросни асраш қўмитасининг йиғилиши бошланди. Уни қўмита раиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

Кун тартибида асосан битта масала: «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси» учун тақдим этилган шеърларни саралаш. Қўмита аъзоларининг аксарияти турли касб эгалари: обком секретари, ҳўжалик раҳбари, бригадир, мактаб директори, маориф мудири орасидан сайланган депутатлар бўлгани боис, асосий юк ёзувчи Пиримқул Қодиров, академик Назар Тўраев ва менинг елкамга тушиди.

Саралаш жараёнида, айниқса, Назар Тұраев иккаламиз фаол иштирок этдик. Йиғилиш жараёнида Назар Тұраевнинг физика соҳасида академик бўлса-да, шеъриятни чуқур таҳлил қилиш иқтидоридан ҳайратландим. Шу боис муҳокамада икки-уч марта сўзга чиқишимизга тўғри келди. Қарийб икки соат давом этган қизғин баҳс-мунозарадан сўнг 90 га яқин турли тахаллус билан қатнашган шоирларнинг 12 та шеъри кейинги босқич учун танлаб олинди.

Орадан икки ой ўтгач, Давлат мадҳияси мусиқаси учун тақдим этилган асарлар танлови ҳам ўтказилди. Пиримкул Қодиров бошқарган комиссия йиғилишида мен, қўмита котибидан ташқари республикамизнинг таниқли бастакор, мусиқашунос ва созандалари иштирок этди. Ҳайъатга тақдим этилган 30 га яқин мусиқий асардан бирортаси ҳам комиссия аъзоларига тўла маънода маъқул келмади. Атиги иккита мусиқий асар қайта ишлаш шарти билан иккинчи турга ўтказилди. Йиғилиш якунида таниқли мусиқашунослар Отаназар Матёкубов ва Тўхтасин Фофирбековлар сўз олиб, яхиси, ҳозиргача фаолият кўрсатаётган Мутал Бурҳонов асарини янги мадҳияга асос қилиб олайлик, деган таклифни ўртага ташлади. Ҳайъат аъзолари бу таклифни маъқуллади...

1992 йил октябрь ойида шеър танлаш бўйича иккинчи босқич йиғилишида масала деярли ойдинлашди. Тахаллусларнинг «Сири» очилиб, голиб шоирлар исм-фамилияси аниқ бўлди.

Кўмита қарорига биноан А. Орипов М. Бурҳонов мусиқасига мослаб янги шеър ёзиб берди. Натижада навбатдаги сессияга қуйидаги асарлар тақдим этиладиган бўлди:

1. Абдулла Орипов шеъри, Мутал Бурҳонов мусиқаси.
2. Мирпўлат Мирзо шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси.
3. Абдулла Орипов шеъри, Бахтиёр Алиев мусиқаси.

Сессиягача ҳар учала асар бўйича телерадио ва марказий матбуотда қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Сессиядан бир кун аввал ҳар учала асар видеога ёзиб олиниб, комиссия раиси П. Қодиров ва менинг шарҳим билан ҳар икки соатда 5 марта телевидение ва радио орқали бериб борилди.

Ниҳоят, 1992 йилнинг 8 декабрида Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчى сессияси ўз ишини бошлади. Президент Ислом Каримов маъруzasидан кейин,

тариҳий воқеанинг гувоҳи бўлдик — Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Сессиянинг учинчи куни — 10 декабрь эрталаб соат 10<sup>00</sup> да ҳамма ҳаяжонда. Кун тартибида: Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини қабул қилиш ва уни тасдиқлаш.

Биринчи бўлиб мадҳиянинг Абдулла Орипов ва Мутал Бурҳонов варианти жаранглади. Теран мазмунли шеърга кенг қамровли мусиқа узукка кўз қўйгандек мос келган эди. Зал бўйлаб гулдурос, давомли қарсаклар янгради.

Депутатлар беихтиёр ўринларидан туриб кетишиди. Лекин низом бўйича мадҳиянинг иккинчи (М.Мирзо шеъри, Р.Абдуллаев мусиқаси) ва учинчи (А.Орипов шеъри ва Б.Алиев мусиқаси) вариантлари ҳам депутатлар хукмига ҳавола этилди. Овозга қўйиш жарёнида А.Орипов ва М.Бурҳонов варианти депутатлар томонидан тӯла маъкулланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини тасдиқлашдан олдин сўз олган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ижодий гуруҳга ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир таклифни ўртага ташлади: «Назаримда, мадҳия ижросини бир оз аёл овози босиб кетгандек, уни мардона, эркак овози билан кучайтириш керак». Президентимизнинг нозик дид ва синчковлигидан қойил қолган барча депутатлар бу таклифни узоқ, давомли қарсаклар билан қўллаб-кувватладилар... Шу тариқа 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилиниб, бу ҳақдаги қонун тасдиқланди.

1992 йил.

## ЎЗБЕК ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Маълумки, 1989 йили март ойидан 1990 йил мартағача ўтган давр мамлакатимиз ҳаётида янгича сайлов даври бўлиб тариҳга кирди. Иттифоқ Олий Кенгашига сайловда илк бор кўп номзодлиликка амал қилинди. Халқ депутатлигига илгаригидек бир эмас, бир нечта дъявогар кураш олиб борди. Кўп номзодлилик кейинчалик республика Олий Кенгаши

ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловларда янада кенгроқ ва қизғинроқ тус олди. Чунки бу даврга келиб собиқ иттифоқ Олий Кенгашига ўтказилган сайловларнинг камчиликлари ҳам бирмунча кўриниб қолган эди. Аҳолининг ҳам янгича сайлов ҳақидаги тасаввuri кенгайиб, дадиллашиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, сайловчиларнинг аксарияти мамлакатимиз тарихида биринчи марта ҳақиқий демократик сайловда қатнашдик, деб қувонди.

1990 йил баҳорида Ўзбекистон халқлари 500 га яқин ўғил-қизига республика халқ депутати ваколатини берди. Шундай қилиб, бизда ҳам илк бор парламент давлат бошқаруви вужудга келди.

Республикамиз парламенти дастлаб ўз ишини собиқ иттифоқ таркибида бошлаган бўлса, 1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги тарихий қонунни қабул қилди ва курраи заминда янги — Ўзбекистон деб аталмиш давлат пайдо бўлганини расман тасдиқлади.

1 сентябрь — Ўзбекистон Мустақиллиги куни деб эълон қилиниши, давлатимиз ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлганлиги, собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Президентлик бошқарувига ўтилганлиги, муқобиллик асосида ўтказилган Президент сайловлари Олий Кенгашимиз фаолиятидаги энг муҳим, тарихий воқеалардир. Мамлакатимизнинг ўз Конституциясига эга бўлиши, халқимизнинг ўзлигини таниб, миллий ва умумбашарий қадриятларимиз тикланаётганлиги, мамлакатимизнинг мустақил пойdevori эса айнан шу йилларда яратилганлиги қувонарлидир.

Парламентимиз тез ва тўхтовсиз равишда улғайиб, шаклланиб борди. Биз тайёрланаётган ҳар бир қонун лойиҳаенини дикқат билан ўрганиш, бунда тараққий топган мамлакатлар парламентлари иш тажрибасидан фойдаланиш, қонунлар лойиҳаларини комиссия ва қўмиталар, Олий Кенгаш сессияси мажлисларида муҳокама этиш маданиятини эгаллай бошладик. Ёдингизда бўлса, дастлабки сессияларда мажлислар залидаги микрофонлар олдида тирбанд навбатлар пайдо бўлар, чукур мулоҳазасиз, саёз ёки маҳаллий аҳамият-

га эга таклифлар билан сўзга чиқишлиар ҳам бўлди. Тарафкашлик, бақир-чақирлардан ҳам кўз юммаймиз.

Оқил, вазмин, донишманд халқимиз ҳакни ноҳақдан, андишани юзсизликдан тезда ажратиб олди. Депутатларимиз синовли дамларда Президентимиз атрофида жисплостиб, жамиятнинг мувозанатини сақлаб қолдилар. Юргбошимизнинг босиқлик ва донолик билан олиб борган сиёсати мамлакатимизни низолар тўфонидан асраб, саришгалик, тинч тараққиёт йўлига олиб чиқди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда ва жаҳон афкор оммасига истиқлолимизнинг аниқ далилларини намоён этишда давлат рамзларининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Олий Кенгашининг 1990 йилнинг март ойида бўлган биринчи сессиясидан бошлаб то сўнгти сессиясигача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби, Давлат герби ва Давлат мадхиясини яратиш бўйича қизғин ишлар олиб борилди.

Ижодкор зиёлиларимиз бу улкан ишларни амалга оширишда Юргбошимиз Ислом Каримов берган ижодий фоялар ва бадиий ечимларга асосландилар. Ҳозир бутун дунёга танилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байробининг учта асосий ранги — мовий, оқ ва яшил йўллари биринчи марта Президентимиз томонидан эскиз тарзида чизиб берилганига биз, депутатлар гувоҳмиз. Бугун Ўзбекистон Давлат гербининг энг ёрқин рамзи бўлган Хумо образи ҳам ҳали герб учун ижодий танлов бошланмасдан олдин, Президентимизнинг муҳрларида тасвир этилган эди. Ўзбекистон Давлат байроби ва Давлат гербининг бош муаллифи — Ислом Абдуғаниевич Каримов эканини нафақат халқимизга, балки бутун жаҳонга фаҳр-ифтихор билан айтишимиз керак.

1995 йил.

## ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

(Сүнгсўз)

Арабларда бир одат бор, улар бу фоний дунё билан видолашғанларни дағын этаётганда:

- Бу одам неча йил яшади, — деб сўрашаркан.
- Ўн йил яшади, — деб жавоб беришса, «Раҳматли кўп яшабди-да», дейишаркан.

Сабаб, ўн йил юз йилга тақлид этилар экан. Чунки қирқ ёки 50 йил яшаса-да кўп ишлар қилган бўлса, унинг умрини асрга, балки ундан ҳам узоқларга боғлашаркан. Баъзан юз йил умр кўриб, беш-олти йил умр кўрди, дейишлик эса мазмунсиз умр кўрганликка ишора бўлар экан.

Ўрол Ўтаев 1950 йил баҳор фаслининг савр ойида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Торжилға қишлоғида Ўтаган чавандоз ва Қизларсулув она оиласида таваллуд топди. Унинг кувноқ ёшлик йиллари ўзи туғилиб ўсан гўшада ўтди. Куй, эчки боқиб, ўтин териб юрган пайтларида унинг ёнидан «Алномиши», «Гурӯғли», «Равшан ва Зулхумор», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр», «Холбека ва Орзигул» каби достонлар тушмасди. Бўш вақт топди дегунча ана шу эртак ва достонларни ўқир, ҳатто кўпларини ёдлаб ҳам оларди. Шу билан бирга, қишлоғи, туман ва вилоят ҳаётига оид воқеалар ҳақида газета-журналларга хабарлар, мақолалар ёзил турарди.

Ўролда ёшлигидан халқ оғзаки ижодиётига қизиқиш кучли эди. Сабаби, халқимиз азал-азалдан ўз орзу-армонларини, она заминга ва эзгуликка садоқатини достонлар орқали куйлаган. Шу билан бирга, ёмонлик ва ёвузликка нафратини ҳам достонлар орқали ифодалаган. Демак, достонлардаги қаҳрамонлар тимсолида мардлик ва матонат, гўзаллик ва бокийлик, келажакка ишонч ва умид туйғуларини Ўрол халқ ижоди ҳисобланмиш достонлардан олган.

Торжилға қишлоғининг баҳори ўзгача бўлади. Қирадирлар, самога туташиб кетган сўнгсиз далалар қуш тилидек майсаларнинг эпкинда эркаланишлари-ю турфа хил чечакларнинг жилвасидан, қизгалдоқлар гулханидан сехрли тусга кириб, кўзларни кувонтиради. Бу ерда ҳамма нарса гўзал. Кўй-кўзилару, эчки-улоқларнинг маъраши, отларнинг киш-

наши, хўроларнинг қичқириши-ю қушларнинг хонишигача табиатга гўзаллик, тароват бағищайди. Деворсиз ва дарвозасиз қишлоқ хонадонларини ёлғизоёқ йўлакларгина бир-бири билан боғлаб туради. Биз баҳор гўзаллигига маҳлиё бўлиб, ширин хаёллар оғушида табиат қўйнига кириб борар эканмиз, бу жимлиқка иқтидорли адабиётшунос ва таниқли тележурналист Ўрол Ўтаев жон киритди.

— Менинг болалигим, ўсмирилигим мана шу кенгликларда, дала бағрида ўтган. Ана у болалар каби мен ҳам от ўйнатиб, қўпкари чопғанман, — деди у эгарланмаган отларни жилдириб бораётган болаларни кўрсатиб.

— Бағрингизнинг кенглиги, кўнглингиз очиқлигининг боиси шундан экан-да, — деди ҳамроҳларимиздан бири.

Сал нарироқда уч мўйсафид ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Ўрол машинадан тушиб отахонлар билан кучоқ очиб кўришди. Биз ҳам мўйсафидлар билан куюқ сўрашдик.

— Қишлоғимизга хуш келибсизлар, — деди Қилич бобо.

— Ўролбек бизларнинг фахримиз, у иссиқ-совуғимиз борми, тўй-маъракамиз борми, бирортасидан қолмайди, барака топгур.

— Ўролнинг отаси зўр одам эди-да, — гапни улаб кетди Раҳмон бобо, — уругимизнинг оқсоқоли, элимиз орияти учун умрининг охиригача курашиб ўтди.

— От изини той босар деганлари шу-да, — гапга аралашди Тилов бобо. — Ўта акамизнинг келбати Ўролбекка үшаб кетарди. Бир сўзли, чўрткесар, очиқ кўнгил, ростгўй, мард киши эди. У киши доимо бизга қаратса: «Унгуманлар, қадим элимизнинг оёғи узангидан узилмаган, бели букилмаган, уятдан боши эгилмаган. Уруғимизга доғ туширманглар», дер эдилар.

— Ўролбекнинг оналари Қизларсулув момони айтмайсизми? Жойи жаннатда бўлгур бу аёл қишлоғимизнинг ҳақиқий кайвониси эдилар, — деди Тилов бобо суҳбатга якун ясаркан.

— Қишлоғимиз одамларининг бугунги ҳаёти ёмон эмас, — деди Ўролнинг акаси, қирқ йил мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Аҳмад Ўтаев. — Лекин, кўриб турганингиздек, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, сув масаласи бир оз оғирроқ. Ўнлаб моҳир чавандозлар,

Жонқобил, Ёқуб, Бўри полвонга ўхшаш кураги ерга тегмаган паҳлавонлар шу қишлоқдан чиққан. Укаларим — Ўрол, Исоқ, Жабборлар шаҳарда ишлашига тўғри келди. Мен эса ота-онамнинг чирогини ёқиб, бир умр қишлоғимда яшаяпман.

Ҳар бир инсоннинг вояга етиб, шаклланишида муҳит, яхши одамларнинг таъсири катта бўлади. Қишлоқ мактабида Жоманқул Қаюмов, Қувондиқ Тангиров, Шоймардон Баҳрмалов, Боботойлоқ Садинов, Балли Маҳамараҳимов, Соатмурод Жуманов, ўрта мактабда Жўрабек Лутфуллаев, Ширин Ўринов, Хуррам Маҳмадалиев, Ёқуб Ҳамраев, Эшман Абдалов, Марат Муфтоқов, Норбой Ўтаев каби жонкуяр ўқитувчилар Ўролнинг яхши инсон бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшилар.

— Менинг бугунги камолимга яна бир камтар инсоннинг алоҳида хизмати бор, — дейди Ўрол биз билан сұхбатда. — У киши ўттиз йил мактаб директори бўлиб ишлаган, халқ маорифи айочиси, марҳум амаким Жўра Итолмасовдир. Унинг бой кутубхонаси бўларди. У киши адабиётта ҳавас уйғотиш билан бирга, илк бор мени Тошкентга ўқишига олиб келган олижаноб инсондир. Шунингдек, бадиий ижод ва журналистика соҳасида шоир Жўра Алимардоннинг мадади салмоқли бўлди.

Ўрол ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишига кирди. Университетда Очил Тоғаев, Тўғон Эрназаров, Анвар Шомақсудов, Бегали Қосимов, Сайди Умиров, Абдуғафур Расулов, Анқобой Кулжонов, Тоҳир Пидаев, Раҳматулла Иноғомов, Назира Абдуазимова, Фатҳиддин Насриддинов, Мухтор Худойқулов, Анвар Каримов, Бойбўта Дўстқораев каби зукко олимларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлди.

— Дарҳақиқат, Ўрол тенгдошлари орасида ўқишида ҳам, ишда ҳам, одоб-ахлоқда ҳам намуна эди, — дейди унинг қадрдон дўсти шоир Икром Отамурод.

Ўрол 1973 йилда университетни тамомлаб Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик таҳририятига муҳаррир қилиб ишга қабул қилинди.

— Менинг меҳнат фаолиятимда олим ва адиб, устоз Мели Норматовнинг ўрни ўзгача бўлган. Бу камтарин ва меҳрибон устозни ҳамиша ҳурмат қиласман, — дейди Ўрол Ўтаев.

Энди фикримизни мухтасар қилсак-да, Ўрол ҳақида унинг устози фикрини тингласак:

— «Яхшидан ёмон чиқди деб қуюнма, ёмондан яхши чиқди деб суюнма», дейдилар. Талант, қобилият ва истеъодод одам қонида бўлади. Шогирдим Ўролдаги хусусиятларга паноҳ ва ҳимоя бўлганмиз, тўғри йўлни кўрсатганмиз. Нимага эришган бўлса, ўзининг меҳнати туфайли деб биламан, — дейди М. Норматов.

Отнинг дупурлаган овози бўлмаса, у от эмас, дейдилар. Ўролни отни дупурлатиб мингандир чироқчилик машҳур чавандоз Ўтаган бобонинг ўғли дедик. Унинг ўзи: «Агар мен журналист бўлмаганимда, албатта отамга ўхшаган чавандоз бўлардим», — деганини кўп бор эшитганмиз. Дарҳақиқат, у мashaққатли меҳнат ва изланишлардан қочмай, ғайратшижоат билан ишлаётир.

Ўрол республикамиз матбуотида 1970 йиллардан бўён тақриз, мақола ва адабий эсселари билан фаол қатнашиб келади. Унинг илк мақоласи Ўзбекистон халқ ёзувчиси А.Мухторнинг «Ёш дўстларимга» китобига бағишлиланганди. Айниқса, унингadolatli танқидчи эканлигини мунаққидларнинг услубий изланишларига оид мақолаларида кўрамиз.

«Ўрол камолот пиллапоясида дадил одимламоқда. Бу йўлда кўп нарсаларга эришди. Унга хос нозик таъб, чукур илмий тафаккур маҳсулотлари бунинг ёрқин исботидир», — деган эди устоз мунаққид, профессор Тўра Мирзаев.

Бобокалонимиз Алишер Навоий ибораси билан айтадиган бўлсак, устознинг шогирдлар олдидаги ҳақи жуда улуғ экан. «Кимки ҳақ йўлида бир ҳарф ўргатса ранж ила, айламоқ бўлмас осон анинг ҳаққин юз ганж ила». Ўргатилган ҳар бир ҳарфнинг ҳаққини адо этишилик жуда ҳам мушкул. Шунинг учун ҳам: «Устоз отангдек улуғ» ёки бўлмасам, «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар», деб бежизга айтишмаган. Устоз-шогирд масаласи ҳар қачон ҳам юксак мақому ҳурматга сазовор бўлган. Ахир шогирдсиз устозни мевасиз дарахтга қиёслашадиларку. Яхиси, Ўрол Ўтаевнинг ўнлаб шогирдидан бири, адаб ва журналист Тўлқин Ҳайитдан эшитсак:

— Ўрол ақадан кўп нарсаларни ўргандим. Аввало, ишга масъулият билан ёндашиш ва тўғри сўзликни. Устозимдаги бундай хусусиятларни ҳар қадамда ўз ҳаётимда қўллашга ҳаракат қиласман.

Ўрол Ўтаев Ўзбекистон телевидениесидаги чорак асрлик фаолияти давомида ўзини адабиётимиз ва санъатимизнинг чинакам жонкуяри сифатида намоён қилди. Унинг саъй-ҳаракати туфайли «Навоий», «Медея», «Абадият қонуни», «Юлдузли тунлар», «Лайли ва Мажнун», «Олмос камар», «Кеча ва кундуз», «Гирдоб», «Диёнат», «Қадимда бўлган эди» каби ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар, ўзбек адабиёти ва санъатининг даргалари, бой фольклор меросимиз фидойилари ҳақида ўттиздан зиёд фильмлар яратилиб, телевидениенинг «олтин фонди»дан ўрин олди.

Ўрол Ўтаев 1990–1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайланди. Шу йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат мукофотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi ошкоралик қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси телерадио ва кино кенгашининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. У 1991 йили Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, 1998 йилда «Энг улуғ, энг азиз», 2009 йилда эса «Олтин қалам» миллий танловининг совриндори бўлди.

У телевидениедаги фаолияти давомида нафақат амалиётчи, балки назариётчи олим эканлигини намоён этди. Унинг «Теледраматургия уфқлари», «Телевидение ва тарбия» китоблари шу кунларда Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети талабалари учун қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Ўрол Ўтаев сўнгги йилларда халқимизнинг бой миллий қадриятлари, фольклор меросимиз ҳақида илмий изла-нишлар олиб бормоқда. Қодир Раҳим ўғли ижодига бағишлиланган «Бахшилар сардори» китоби фикримизга далил бўла олади.

Ўролнинг «Дунёга тенгдош хазина» монографиясидан ўрин олган адабий портрет ва эсселарида республикамида яшаб, ижод этаётган бахшилар, халфалар, халқ созандалари

ижоди чуқур таҳлил этилган. Ушбу китоб адабий жамоатчилик томонидан чуқур эътироф этилиб, Маҳмуд Кошғарий номидаги Халқаро мукофотга сазовор бўлди.

Маҳаллани «Ватан ичидағи Ватан» дейдилар. Рости ҳам шундай. Биз Ў.Ўтаев билан бир маҳалла, битта уйда яшаймиз. Ўрол намунали оила соҳиби. Бу оиласа ҳамма ҳавас қиласи. Умр йўлдоши Гулбаҳорхон боғча тарбиячиси. Қизлари Шоирахон — педагог, Сурайё — тележурналист. Бевақт вафот этган фарзанди Беҳзод Ички ишлар идорасида хизмат қиласиди. Кенжা ўғли — Шерзод банк ходими. Куёвлари — подполковник Зокир Жўраев Ички ишлар, Шуҳрат Бўтаев эса банк соҳасида масъул лавозимда хизмат қилишади.

— Маҳаллада ўтадиган барча тадбирларда Ўрол Ўтаев бошкош бўлиб турадилар, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Мирзакалон Исмоилий маҳалласи фаоли, профессор Некбой Раҳматов.

Биз таниқли тележурналист ва адабиётшунос олим Ўрол Ўтаевнинг умр дафтаридағи битикларини бир-бир варақлаб, у ўз умрини бесамар ўтказмаётганига ишонч ҳосил қилдик.

*Матёқуб Қўшжонов,  
ЎзФА академиги,  
Бахтиёр НАЗАРОВ,  
ЎзФА академиги,  
Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,  
Фан номзоди, доцент.*

## **МУНДАРИЖА**

Муқаддима ..... 3

### **XX аср мұжизаси**

Ўзбекистон — телевидение ватани .....	7
Телевидение — умрим мазмуні .....	12
Юрганники эмас...	20
Убай Бурҳон сабоқлари .....	28
Ёрқин саҳифалар .....	33
Ёзувчилар — ёзувчилар ҳақида .....	41
Оталар сўзи — ақлнинг кўзи .....	43
Телевизион театр: кеча, бугун, эртага .....	48
«Гирдоб»нинг иккинчи умри .....	77
Ҳақиқатни буғиб бўлмайди...	84
Дарёдил инсон эди...	92
Серқирра истеъдод соҳиби .....	99
Покиза қалб эгаси .....	102
Торлардан тўкилган ёғдулар .....	104
Режиссёр маҳорати ва жасорати .....	108
Икки телесар тарихи ва тақдирли .....	114
Фидойи санъаткор .....	119
Адабнинг сўнгги армони .....	126
Кулгу тоҷдори .....	132
Бош режиссёр .....	137
Телевидение ва томошабин .....	143
Бош директор масъулияти .....	155

Янгиланиш байрами .....	161
Қанотли сўзлардан мадад олиб .....	164
Тадқиқот, таҳлил ва таклифлар...	172
Мустақилликнинг дастлабки мевалари .....	201
Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг буғунги қиёфаси .....	207

### **Депутатлик майдони: йўллар ва чорраҳалар**

Вакиллар хурсандчилиги .....	217
Элимга елкадошман .....	219
Илк учрашув .....	224
Рамазон отанинг жайдари фалсафаси .....	231
Устозлар ташрифи .....	234
Чироқчидаги тарихий воқеа .....	246
Мустақиллик йўлидаги илк қадамлар .....	252
Еттинчи сессия сабоқлари .....	255
Давлат мадҳияси мардонавор жарангламоги керак .....	256
Ўзбек парламентининг ўзига хос йўли .....	260
Эзгуликка бахшида умр... (Сўнгсўз) .....	263

## **Ўрол Ўтаев**

### **ТЕЛЕВИДЕНИЕ – ТАБАРРУК МАСКАН**

Муҳаррир *Тұлқин Ҳайт*

Рассом *И. Глушко*

Тех. муҳаррир *Т. Харитонова*

Бадий мұҳаррир *О. Фозилов*

Мусаҳҳиҳлар *Н. Умарова, С. Салохутдинова*

Компьютерда тайёрловчы *Б. Душанова*

Босишига рухсат этилди 18.03.2010. Қоғоз бичими 84×108 '/<sub>32</sub>.  
Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли б.т. 14,28.

Нашр т. 14,0. 3000 нұсқада чоп этилди.

Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма № 09-259.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Ўрол Ўтаев**

Ў90 Телевидение — табаррук маскан / Ўрол Ўтаев. —Т.:  
«O‘zbekiston», 2010. — 272 б.

ISBN 978-9943-01-476-3

**ББК 76.03.(5Ў)**



Таваккил тележурналист из азабиётшунес Ўрол Утаев 1950 йил  
24 апредда Кацкаладарё вилояти, Чирокчи туманиндағи Торжилга  
қинологияда тавалшуд топған.

1973 йили Тошкент Давлат университети (ЎзМУ) журналистика  
факультетини тамомлаб, ҳозирға кадар Ўзбекистон миллый  
телерадиокомпаниясында хизмат килмөкдә. Фондатинин оддий  
мухарририйдан бөшлаб, баш мухаррир, бирлашма директори,  
Бошкарма бошлиги, Боши директор, департамент директори  
лавозимларида ишлади.

Ўзбекистон Ьуучилар уюшмаси аъзоси. Унинг "Таваккил ва услуб",  
"Телевидение ва тарбия", "Теледраматургия уфклари", "Дувёса  
тengдosi хазина", "Бахшинлар сардори" китоблари чой этилган.  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг "Энг улут, энг язиз",  
"Олтин қадам" миллый мукофотлари савиридори.

"O'ZBEKISTON"

ISBN 978-9943-01-476-3

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-01-476-3.

9789943014763